

Р. АШЕНОВ
Ф. Н. НАЗРУДЛАЕВ
С. В. ЛЕБЕДЕВ

БИНОКОРИЙК





“ҮРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБ”

АУЗ

А. Б. АШРАПОВ, Ф. Н. НАЗРУЛЛАЕВ,
С. В. ЛЕБЕДЕВ

БИНОКОРЛИК



УРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБ ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1962

МУНДАРИЖА

Бетт

Сұзбоши	1
I боб. Бинокорларк материаллари	5
§ 1. Ероч	11
§ 2. Гицт	15
§ 3. Богловчи моддалар	21
§ 4. Түлдирувчи материаллар	28
§ 5. Коришмалар	36
§ 6. Бетонлар	61
§ 7. Иссик үтказмайдыган материаллар	77
II боб. Бино қисмлари	77
§ 8. Курилиш районда гидрогеологик текширишлар	77
§ 9. Замин ва пойдеворлар	85
§ 10. Деворлар	98
§ 11. Подлар	135
§ 12. Қаватлараро ёпма	140
§ 13. Бино кесими	144
§ 14. Зиналар	153
§ 15. Томлар	159
III боб. Курилиш ишлари	170
§ 16. Ер ишлари	170
§ 17. Бетон ва темир-бетон ишлари	183
§ 18. Йигма темир-бетонни тайёраша	208
§ 19. Йигма темир-бетонни монтаж қилиш	234

На узбекском языке

Абас Бабаевич Ашрапов,
Фатхулла Назруллаевич Назруллаев,
Сергей Васильевич Лебедев

СТРОИТЕЛЬНОЕ ДЕЛО
Средняя и высшая школа* УзССР
Ташкент — 1962

Редактор Ризқиев Т., Абдурахмонов А.
Балний редактор Аҳмаджонов Ҳ.
Техредактор Губайдуллин С.
Корректор Назарова С.

Төришга берилди 19/IX-1962 й. Боснинг рухсат этилди 4/XII-1962 й.
Көрсет 60×90%. Физик босма л. 16,25. Нашр. л. 17,78. Р65112. Тиражи 7000.
ЎзССР „Ўрга ва ойлай мактаб“ давлат нашриёти. Ташкент, Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома 202-1961 й. Бадоси 68 т. Муқодаси 10 т.
„Киши Узбекистон“, „Правда Востока“ ва „Узбекистон Сурх“ бирлашган нашриёти
сосмехонаси. Ташкент, Правда Востока кӯчаси, уй № 26. 1962 й. Заказ № 1909.

СҮЗ БОШИ

КПСС XXI ва XXII съездлари қарорларида тураржой ва жамоат бинолари қурилишига алоҳида эътибор берилган. Шу етти йиллик (1959—1965 йиллар)да Ўзбекистон ССРда тураржой бинолари қурилишига 410 миллион сўм ажратилган. Бу маблағ утган етти йил ичида сарф қилинган маблағга қараганда 2,8 марта ба ортиқдир. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида қурилиш ишларини кенг ривожлантириш мақсадида бир қайча йирик бинокорлик базалари барпо этилди. Тошкент, Самарқанд, Фаргона, Бухоро, Чирчиқ, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида бино қисмларини тайёрлаб берадиган бир неча йирик завод ва полигонлар қурилди. Тошкентдаги тураржой қуриш комбинати Совет Иттифоқидаги энг йирик бинокорлик корхоналаридан биридир. Унинг маҳсулотидан йилига 300 000 m^3 тураржой бинолари қуриш мумкин. Шу етти йилликда Ўзбекистонда яна 20 га яқин йирик бинокорлик комбинати қуриб, ишга тушириш кўзда тутилади.

Партия ва ҳукуматимиз шаҳарлардаги қурилишлар билан бир қаторда, қишлоқларда колхоз ва совхоз бинокорлигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта ишлар қилмоқда.

Шунинг учун ҳам китобнинг айрим бобларида қишлоқ шароитига мос қурилиш материаллари ва иш процесслари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қўл ёзмани босмага тайёрлашда янги „ГОСТ“ ва „Норма“ лардан мумкин қадар тўғри фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Терминларни ишлатишда баъзи камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин.

Китобнинг иккинчи бобида инж. С. В. Лебедев материаларидан фойдаланилди.

Бу китоб бинокорлик техникиуми ўқувчиларига ҳамда қишлоқ бинокор мастерларига қўлланма сифатида тавсия қилинади.

Авторлар

І Б О Б

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ

Бино ва ишшоотлар қуришда ишлатиладиган материаллар **бинокорлик материаллари** деб аталади. Бино қурилаётганды унинг ҳар бир бўлаги (пойдевор, девор, ёпма ва ҳоказо) учун ўзига хос материал, масалан, пойдевор ва девор учун — тош, лишиқ ғишт, қоришма, бетон ва темир-бетон; пол учун — тахта, паркет, плиталар; том учун — тунука, толық асбестоцемент ва ҳоказолар ишлатилади. Ҳар бир бинокорлик материали тузилиши жиҳатидан турли хоссаларга эгадир. Улар ҳажми, солищтирма оғирлиги, зичлиги, сув сингдирувчанлиги, нам ўтказувчанлиги, пишиқлиги, ўтга чидамлилиги, товуш ўтказувчанлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи.

1-жадвалда баъзи бинокорлик материалларининг ҳажмий оғирлиги берилган.

§ 1. ЁФОЧ

Ёфоч асосий бинокорлик материалларидан бири бўлиб, бинонинг ҳар бир қисми учун ишлатилади. Ёфоч ташқи куч таъсирига яхши қаршилик кўрсата олади. Ёфочларни ўзаро улашунча қийин иш эмас. Ёфочнинг иссиқлик ўтказиши коэффициенти бошқа материалларнига қараганда анча кичикдир.

Ёфоч қуриган сари унинг ҳажми кичиклашиб боради. Ёфоч қанча секунд қуриса, у шунча кам ёрилади.

Бинокорликда, асосан, қарагай, қайрофч, миrzатерак, арча ва дуб ёфочлар кўп ишлатилади. Намдан ҳимоя қилинган ёфоч материаллар узоққа чидайди. Нам шароитда эса улар чирий бошлайди ва тезда ишдан чиқади. Қарагай ва миrzатерак кам бутоқли бўлганлигидан бинокорликда ишлатиш учун жуда қулай материалдир. Қарагай дарахти 400 йил, арча эса — 250—300 йил яшайди. 80—120 йиллик қарагай ёфоч иморатга ишлатиш учун энг яхши материал ҳисобланади! Синган бутоқ ўрнининг ёки ўзакнинг чириши ёфоч сифатига катта зарар етказади. Биноларга ишлатилган ёфочларда пайдо бўладиган зам-

Бинокорлик материаларнинг ҳажмий оғирлиги

Материалнинг номи	Ҳажмий оғирлиги (кг/м ³ ҳисобида)
Асбестоцемент	1700 – 2000
✓Ганч	1600
Гипс (алебастр)	1100 – 1200
✓Рұла	700 – 800
✓Лой	1400 – 1700
Мариартеш	2700
✓Ойна (1 м ³ нинг оғирлиги)	3,6 – 6,5
Оҳак	900 – 1100
▪ Пишиқ ғишт (1000 донасининг оғирлиги)	3350 – 3750
✓Хом ғишт	4400
✓Таҳта	500 – 600
✓Толь (1 рулоннинг оғирлиги)	35 – 45
✓Тошқұмیر	1400
✓Түндрек	1500
Фанера	700
✓Хода	500
✓Харсанғ тош	1600 – 1800
Цемент	1300
Шагал	1700 – 1800
Шагаллы бетон	2200 – 2400
Шлаклы бетон	1400 – 1700
✓Қамиш	120 – 150
Коришка	1800 – 2200
✓Кум	1400 – 1800
Курилиш чиқиндиси	1200


бууруғ жуда хавфлидир. У ёғочни чиритиб, бутунлай ишдан чиқаради.

Ғұлаларнинг диаметри, одатда, 160 мм ва ундан ортиқ, узунлиги эса 2 дан 9 м гача бўлади. Бинокорликда узунлиги 4 дан 6,5 м гача бўлган ғұлалар кўпроқ ишлатилади.

Диаметри 160 мм дан кам бўлган ёғочлар *хода* деб аталади. Бўйига арралаб, икки бўлакка бўлинган ходача *васса* дейилади. Бўйига арралаб, иккига бўлинган ғўланинг ҳар бир бўлаги *пластина* дейилади (1-расм, а). Икки томони йўнилган *ғўла чала бруス* (1-расм, б), тўрт томони йўнилиб, тўрт қиррали

шаклга келтирилган ғұла тоза брус (1-расм, а) деб аталади. Одатда, брусларнинг қалинигі 12—22 см, эни 12—26 см ва узунлиги 1—6,5 м гача бўлиб, 0,25 м градация билан ўзгариади.

Агар брусларнинг эни қалинигидан 2 баравар ортиқ бўлса, бундай брус тахта дейилади. Тахтанинг икки томонлари араланган бўлса чала тахта (1-расм, б), тўрт томони аралан-



1-расм. Ёғоч материаллар:

а — пластина; б — чала брус; в — тоза брус; г — чала тахта; д ва е — ярим тоза тахта; ж — төв тахта.

ган бўлса тоза тахта (1-расм, ж) дейилади. 1-расм, д ва е да ярим тоза тахталар кўрсатилган. Ёғоч бўйига арралангданда энг четидан чиқсан тахта гарбигл дейилади.

Стандартга мувофиқ, тахтанинг эни 50—260 мм гача, қалинигі 13—100 мм гача, узунлиги эса 1 м дан 6,5 м гача булиши ва 0,25 м градация билан ўзгариши мумкин.

2,3 ва 4-жадвалларда ғұла, хода, тахта ва брусларнинг ҳажми берилган.

Намлиқ ёғочнинг хоссаларига жуда катта таъсир қилувчи факторлардан биридир. Янгы кесилган дарахтнинг намлиги 35% ва ундан кўп, очиқ ҳавода қуриган ёғочнинг намлиги эса 18—20% бўлади. Стандартда кўрсатилишича, тури конструкиялар учун ишлатиладиган тахта ва ёғочнинг намлиги ҳар

Ғұлаларнинг ҳажми (m^3 ҳисобида)

Узунлиги (m ҳисобида)	Йүғонлиги (пүстлоқсиз) (см ҳисобида)						
	14	16	18	20	22	24	26
4,5	0,084	0,110	0,134	0,170	0,203	0,242	0,284
6,0	0,123	0,156	0,194	0,237	0,281	0,232	0,392
6,5	0,135	0,172	0,212	0,260	0,308	0,364	0,429
7,0	0,148	0,189	0,233	0,284	0,337	0,398	0,466
9,0	0,212	0,267	0,326	0,393	0,465	0,545	0,631

Ходаларнинг ҳажми (m^3 ҳисобида)

Узунлиги (m ҳисобида)	Йүғонлиги (пүстлоқсиз) (см ҳисобида)				
	4	6	8	10	12
2	0,0037	0,005	0,010	0,020	0,030
3	0,0065	0,009	0,020	0,030	0,040
4	0,0093	0,013	0,030	0,040	0,050
5	0,013	0,017	0,040	0,051	0,073
6	0,016	0,028	0,045	0,065	0,093
7	0,020	0,029	0,060	0,080	0,110
8	0,026	0,036	0,070	0,100	0,140
9	0,031	0,043	0,080	0,120	0,170

хил бўлиши мумкин. Масалан, елимлаш йўли билан тайёрланадиган конструкциялар учун ишлатиладиган таҳтанинг намлиги 15%, эшик ва деразаларнинг табақа ва фрамугалари ясаладиган таҳтанинг намлиги 12% дан 15% гача, эшик ва деразаларнинг кесакиларига ишлатиладиган таҳтанинг намлиги 18% бўлиши, паркет тайёрлаш учун ишлатиладиган таҳтанинг намлиги эса 8% дан ошмаслиги керак.

Ёғочнинг намлиги қуйидаги формуладан топилади:

$$W = \frac{G_1 - G_2}{G_2} \cdot 100\%,$$

бунда W — ёғочнинг намлиги (% ҳисобида);

G_1 — қуритилмаган ёғочнинг оғирлиги (г ҳисобида);

G_2 — температураси 100—105° бўлган ҳавода батамом қуритилган ёғочнинг оғирлиги (г ҳисобида).

Узунлиги 10 м ли тахта ёки бруснинг ҳажми
(м³ ҳисобида)

Қалинлиги (м.м. ҳисобида)	Эни (см ҳисобида)							
	12	14	16	18	20	22	24	26
13	0,0156	0,0182	0,0208	0,0234	0,026	—	—	—
16	0,0192	0,0224	0,0256	0,0288	0,032	0,0352	—	—
19	0,0228	0,0266	0,0304	0,0342	0,038	0,0418	0,0456	—
22	0,0264	0,0308	0,0352	0,0396	0,044	0,0484	0,0528	0,0572
25	0,030	0,035	0,040	0,045	0,050	0,055	0,060	0,065
30	0,036	0,042	0,048	0,054	0,060	0,066	0,072	0,078
40	0,048	0,056	0,064	0,072	0,080	0,088	0,096	0,104
50	0,060	0,070	0,080	0,090	0,100	0,110	0,120	0,130
80	0,096	0,112	0,128	0,144	0,160	0,176	0,192	0,208
100	0,120	0,140	0,160	0,180	0,220	0,220	0,240	0,260
150	0,180	0,210	0,240	0,270	0,300	0,330	0,360	0,390
200	0,240	0,280	0,320	0,360	0,400	0,440	0,440	0,520

Ёғочнинг нам тортиш хоссаси унинг гигроскопиклиги деб аталади. Ҳўл ёғоч ўзидағи намни ҳавога чиқаради, қуруқ ёғоч эса ҳаводаги намни ўзига тортади. Шукинг учун ёғочнинг намлиги, оғирлиги ва ўлчамлари ҳамма вақт бир хилда турмайди. Ёғоч намлигининг ўзгариб туриши ҳаво температураси ва унинг нисбий намлигига боғлиқдир. Масалан, ҳаво температураси 20° бўлганда унинг нисбий намлигига қараб ёғочнинг намлиги тубандагича ўзгаради:

Ҳавонинг нисбий намлиги 60% бўлса, ёғочнинг намлиги 11% бўлади.

70%	:	:	13%	:
80%	:	:	16%	:
90%	:	:	20%	:
100%	:	:	29%	:

Ёғоч намлиги ўзгариши билан унинг ҳажми ҳам ўзгаради. Шу сабабли ёғоч конструкциялари ва маҳсулотларининг гигроскопиклигини камайтириши учун улар сиртига ҳар хил бўёқ ёки лок суриси қўйиш керак.

Ёғочнинг механик хоссаларидан бири унинг пишиқлигидир. Ёғочнинг пишиқлигини аниқлаш учун ундан 2×2×3 см лик призмалар тайёрланади: бу призмалардан бири ёғочнинг толаси бўйлаб, иккинчиси толасига кўндаланг, учинчиси эса толасига тангенциал йўналишда олинниб, прессга қўйиб синовдан ўтка-


зилади. Призмаларнинг сиқилишга қанчалик бардош бериши ёғочнинг пишиқлигини кўрсатади. Буни қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин.

$$D_w = \frac{P_{\max}}{ab},$$

бунда D_w — маълум намлиқдаги ёғочнинг сиқилишга кўрсатган ички қаршилиги ($\text{кг}/\text{см}^2$ ҳисобида); P_{\max} — максимал нагрузка (кг ҳисобида); a ва b — призманинг кўндаланг кесим ўлчамлари (см ҳисобида).

Ҳар хил намлиқдаги бир хил ёғочнинг пишиқлиги турлича бўлади. Буни 2-расмда берилган график ёрдами билан аниқлаш мумкин.

Чириш ва ёниш ёғочнинг асосий камчиликлариданdir. Ёғочни ҳар хил ҳашаротлардан ва мағорлашдан сақлаш учун конструктив тадбирлар кўрилади ва химиявий моддалардан фойдаланилади. Конструктив тадбирларга бинонинг ёғоч қисмини намдан сақлаш учун изоляция материаллари ишлатиш, табиий вентиляция ҳосил қилиш, шамоллатиш, суваш, томини яхшилаб ёпиш ва шунга ўхшаш ишлар киради. Химиявий моддалар: креозот мойи, антрацит мойи, қорамой, битум пастаси ва бошқалар антисептика сифатида ишлатилади. Антисептика материаллари ёғоч ва ёғоч маҳсулотларига пуркалади, суртилади, босим ёрдамида ёки босимсиз шимдирилади.



2-расм. Намлиқнинг ёғоч механик хоссаларига таъсири:

А — кўндалангига оғилишда; В — тола будаво сиқилишда; С — тола будавоб ёниш кучлари таъсири ёттиришади.

материаллар, масалан, гишт, гипс, асбест, бетон ва бошқалар қўйилиши,

б) ёғоч сирти сувалган ёки иссиқни ўтказмайдиган материаллар билан қопланган бўлиши,

в) ёғоч ёнғиндан сақлайдиган бүёқ („ПВХО“, „СК-ХЭМ“, „ХЛ“ маркали бўёқлар) билан бўялиши керак.

Фанера қайин, қарағай, зирк ёки тоғтеракнинг жуда юпқа ($0,5-1,5 \text{ мм}$ қалинликдаги) ҳатламларини устма-уст елимлаш

Нұли билан тайёрланади. Ишлатиладиган елим турига қараб, фанера иккі хил бұлади:

1. Сувга чидамли фанера; бу фанерани тайёрлаш үчүн сувга ва намга чидайдыган фенол формальдегид елими ишлатилади.

2. Сувга кам чидамли фанера; бу фанерани тайёрлашда мочевин, казеин ва шуларга ўхшаган елимлар ишлатилади.

Фанеранинг узунлиги 1,5 дан 3 м гача, эни 1,2 дан 2 м гача, қалинлиги эса 2 дан 12 мм гача бұлади. Фанеранинг бүйі ва эни 10 см қалинлиги эса 2 мм градацияда ўзараади.

Сувга чидамли фанера юк күттарувчи конструкциялар (түсін, равоқ, ром ва бошқалар), том шчитлари ва инвентарь қолиплар тайёрлашда, сувга кам чидамли фанера эса ҳавонинг нисбий намлиги 70% дан ошмайдыган ва устіндең жойларыннан конструкцияларини тайёрлашда ишлатилади.

Паркет қаттың ғоғдан, масалан, дуб ва шумтолдан тайёрланади. Паркеттінг узунлиги 200 дан 400 мм гача, эни 40 дан 90 мм гача, қалинлиги эса 14 дан 17 мм гача бұлади. Паркет бетон ва таhta полларни қоплашда ишлатилади.

§ 2. ФИШТ

Пишиқ ғишт құйидагича тайёрланади:

а) лой қилинади, б) ғишт құйилади, в) хом ғишт қуритилади ва г) қуриган ғишт хұмданда пиширилади.

Үрта Осиёда ғишт соз тупроқ ва майин құмоқ тупроқдан құйилади. Бу тупроқлар майин бұлыб, сувда тез ивийди ва пишиқ лой қосыл қиласы. Лой қилинадыган тупроқ таркибига шағал, 1 мм дан йирик бұлған оқактош (CaCO_3) зарралари, сувда әрийдиган тузлар (ош тузи, глаубер тузи ва сода), гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ва үсімлік илдизлари аралашмаган бұлиши кепрек; акс қолда лой ва шунингдек, тайёрланған ғишттінг сифаты бүзилади.

Үрта Осиё соз тупроғининг химиявий таркиби ҳамма ерда деярли бир хил бұлыб турлы элемент оксидларидан иборатдир. Масалан:

$$\begin{aligned} \text{SiO}_2 &= 50 - 58\%, \quad \text{Fe}_2\text{O}_3 = 13 - 19\%, \quad \text{CaO} = 5 - 16\%, \\ \text{MgO} &= 0 - 5\% \text{ дир.} \end{aligned}$$

Соз тупроқ таркибіда майда кварц доналары, карбонатлар ва темир оксидлари бүлгансында сабаблы уннанға ранги сарықады. Майин құмоқ тупроқдан құйилған ғишт пиширилғандан кейин үзігінде рангга киради.

Ғишт яхши пишмаса, тупроқнан таркибидегі оқак әритувчи сифатыда таъсир эта олмайды, натижада темир оксидлары бирикіб, ғишттегі хира қызыл ранг беради. Нормал пишган ғишт оқаклы құмоқ тупроқдан қилинған ғишттегі хос оч сарық рангда бұлади. Күйінде ғишттінг ранги хира сабза ранг тусда бұлади.

Фиштнинг пишганлик даражасини аниқлашда соз тупроқнинг хоссаларидан фойдаланиш мумкин.

Республикамизнинг тури жойларидаги соз тупроқнинг технологик хоссалари қўйидагилардан иборатdir: соз тупроқнинг пластиклиги (Аттерберг бўйича) 12—17 чегарасида; нормал лойнинг сув кўтариши 18—24%, сув шимиши 19—29%, бўйига чўкиши 3,3—5,7%, эриш температураси 1130—1190°, қотиш интервали эса 30—40° дир.

Майин қўмоқ тупроқ таркибида оҳактош зарралари кўп бўлғанлиги сабабли, бундай тупроқдан қилинган ғишт пиширилганда ундан карбонат ангидрид чиқиб кетади, натижада ғишт жуда ғовак ва сув шимадиган бўлиб қолади.


Лой қилиш. Лойхона учун ажратилган майдон ҳас-чўп, илдиз ва ўсимлик қолдиқларидан тозаланган бўлиши керак. Лой қилиш учун бўйи 2 м, эни 1 м ва чуқурлиги 0,75 м лик иккита лойхона қазилади. Лойхона тупроқ билан тўлдирилгандан кейин унга сув қўйилади. Бунда, лойхонадаги кесаклар сувга батамом ботиб туриши шарт. Ўрадаги лой 8—12 соатдан кейин лойхонанинг четига чиқарилади ва яхшилаб пишитилади. Сўнгра уни гумбаз шаклига келтирилиб, устига 8—12 соат бордон ёниб қўйилади, кейин бу лойдан ғишт қўйилади.

Ғишт заводларида тупроқни маҳсус машинадан ўтказиб түйилади. Агар тупроқ таркибида шўх ва тошсимон қўшимчалар бўлса, ғалтак остида майдаланади, бир жинсли тупроқ ҳолига

келтирилади. Сўнгра у 18—25% гача намланаб қорилади.

Ғишт қўйиш учун қуриладиган бино яқинидан майдонча ажратилади. Стандарт ўлчамдаги ғиштдан (3-расм) 1000 донасини қўйиш учун 250 м² лик майдон тайёрлаш керак бўлади. Бундай майдончанинг юзи яхшилаб текисланади ва ўшиббаланади, сўнгра унинг устига қум сепилади. Ғишт қўйиш учун уч ёки тўрт хонали қолипдан фойдаланилади. Ғишт қуриганида

кичиклашади, шу сабабли қолил ўлчамлари стандарт ғишт ўлчамларидан каттароқ бўлиши керак; қолипнинг катта-кичиклигини аниқлаш учун, унда контрол ғишт қўйиб қўрилади. Ғишт қўйишдан олдин қолип сувга ботириб олинади, кейин унинг ичига қум сепилади. Сўнгра зувала-зувала қилиб лой куч билан қолипга урилади-да, ортиқчаси тунука сидирғич билан сидириб олинади. Шундан кейин қолипдаги ғишт майдончага бўшатилади. Битта ғишт қуювчи лойни ўзи тайёрлаб, 8 соат ичидаги 500—600 дона ғишт қўйиши мумкин. Одатда, 1 м² майдонга 20 дона ғишт ётқизилади. Демак, битта ғишт қуювчи бир кунда қўйган ғишти учун 30 м² майдон керак бўлади.



3-расм. Ғиштнинг ўлчамлари.

Гишт заводларида, машинада қорилиб тайёр бўлган масса қолипловчи лентали прессга ўтади. Кейинги давр ичидаги машинасозлик саноати яна ҳам такомиллашган лентали вакуум пресслар ишлаб чиқармоқда. Бундай прессда хом гишт бирмунча зичланиб тайёланади. Шунинг учун у қуриш даврида ёрilmайди, сифати бирмунча яхшиланади. Лентали вакуум пресслар 1 соатда 1600 дан 10000 донагача хом гишт тайёлаб беради.

Гишт қуритиши. Қуйилган гишт майдончанинг ўзида қуритилади. Гишт қуйилгандан кейин унга 10—12 соат офтоб тушмагани маъқул. Шу сабабли одатда гишт кечкурун қуйилади.

Дастлаб гишталар бир-бираидан 4—8 см оралиқда қуритилади. Улар бир оз қотгандан кейин, кўндалангига териб қуйилади. Гишталар қуригач, хумдонга жойлашдан олдин, улар 10—15 қатор баландликда тахлаб қуйилади. Бунда гишт қуёш ва шамол таъсирида батамом қурийди.

Гишт заводлари узлуксиз ишлаши учун ҳом гишт маҳсус қуритувчи камера (сушилка) ларда қуритилади.

Очиқ ҳавода гишт 8—15 кун мобайнида қуриса, камераларда 2—3 кун давомида қурийди.

Гишти пишириш. Қуритилган хом гишт хумдонда ёки маҳсус гишт заводида пиширилади. Хумдоннинг катта-кичиклиги пишириладиган гиштнинг оз-кўплигига ва бинокорлик имкониятларига боғлиқдир.

Агар бинокорлик мавсумида юз минг донадан ортиқ гишт ишлатилмаса, хом гишт муваққат тиپдаги оддий хумдонда пиширилади. Хом гиштдан қурилган оддий хумдон ҳар хил катталика бўлади. Бундай хумдонда бир йўла 15 мингдан 40 минг донагача хом гишт пишириш мумкин.

Гишт пиширганда температура секин-аста оширилади. Температура бирданига оширилса, гиштдаги намлик тез буғланади, оқибатда, гишт дарз кетади.

Майин қумоқ тупроқдан қуйилган гишт одатда, 900—1050° температурада пиширилади.

Соз тупроқ жуда юқори температурада эриб кетади, гишт куйиб кетмаслиги ва тоб ташламаслиги учун, температура 1050° дан оширилмайди.


Гиштнинг тез ёки секин совутилиши ҳам унинг сифатига таъсир қиласи; температура бирданига пасайтирилса, гишт мурт бўлиб қолади.

Гишт заводларида хумдонлар икки хил бўлади. Биринчиси — муддатли ишловчи хумдон. Бунда гишт пишириш, совутиш ва хумдондан чиқариш ишлари бирин-кетин бажарилади. Иккинчиси — узлуксиз ишловчи хумдон. Бунда гишт пишириш ишлари тўхтамаслиги сабабли ҳамма иш процеслари узлуксиз давом этади.

Бу хилдаги хумдонлар гишт ишлаб чиқариш саноатида кўплаб қурилмоқда.

ГОСТ бүйича пишиқ ғишт бешта 50, 75, 100, 125 ва 150 маркага бўлинади. Ғишт маркаси унинг сиқилиш ва эгилишга кўрсатган қаршилиги билан белгиланади. Ғиштнинг пишиқлиги иккита яримта ғишт цемент қоришима билан бир-бираига қўйилгандан ҳосил бўлган ғишт кубигининг (4-расм, а) сиқилишга кўрсатган қаршилиги билан ифодаланади ва kg/cm^2 билан ўлчанади.

Ғиштнинг эгилишга чидамлилиги эркин ўрнатилган тўсин схемаси асосида синалади. Бунда, ётқизиб ушланган ғишт иккичеккаси билан иккита таянчга ўрнатилади, сўнгра ғиштнинг иккита таянч оралигидаги 20 см келадиган қисмининг қоқ ўртасига нагруззу қўйилади (4-расм, б).



4-расм. Ғиштни синаш:
а — сиқилишга; б — эгилишга; I — цемент қоришима.

Ғиштнинг эгилишга чидамлилик чегараси (P_s) қўйидаги формуладан топилади:

$$P_s = \frac{3Pl}{2ab^3} \text{ kg/cm}^2,$$

бунда P — нагрузка (кг ҳисобида);

l — ғишт ўрнатилган иккита таянч оралиғи (см ҳисобида);

a — ғиштнинг эни (см ҳисобида);

b — ғиштнинг қалинилиги (см ҳисобида).

Девор учун ишлатиладиган ғишт зич ва иссиқни тез ўтказадиган бўлмаслиги учун унинг сув шимиши камида 8%, кўпилилан 20% бўлиши керак.

Ғиштнинг сув шимиши қўйидаги формуладан топилади:

$$B = \frac{G_1 - G}{G} \cdot 100\%,$$

бунда B — ғиштнинг сув шимиши (% ҳисобида);

G_1 — сув шимган гиштнинг оғирлиги (кг ҳисобида);

G — қуруқ гиштнинг оғирлиги (кг ҳисобида).

Гидротехника иншоотларида ишлатиладиган гишт совуққа чидамли бўлиши керак. Гиштнинг совуққа чидамлилиги қўйида кўрсатилган усул билан аниқланади: дастлаб гиштга сув шимдириб, -15° температурада музлатилади, сўнгра температураси $16-17^{\circ}$ бўлган сувга солиб, муздан туширилади. Гишт бу сувда 5 соат туриши керак. Гиштни шу йўсинда музлатиш ва муздан тушириш ўн беш марта тақрорланади. Агар шундан кейин, гиштнинг бурчаклари ва қирралари уваланмаса ёки қават-қават бўлиб ёримаса, бундай гишт стандартга мувофиқ, совуққа чидамли гишт деб ҳисобланади.

Чала пишган гишт қизғиши, тўла пишган гишт новват ранг, қўйган гишт эса сарғиш тусда ва тоб ташлаган бўлади. Кўйган гишт бинонинг пойдеворига ишлатилади. Лойга ҳар хил қипиқ аралаштириб пишириш натижасида енгил (фовак) гиштлар ҳосил бўлади. Одатда, пишиқ гиштнинг оғирлиги 3,7 кг, енгил гиштнинг оғирлиги эса 1,3—2,5 кг бўлади.

§ 3. БОҒЛОВЧИ МОДДАЛАР

Қоришима ва бетон таркибига уларни маълум масса қилиб бириктирадиган боғловчи актив моддалар, тўлдирувчилар ва сув киради.


Физика-химиявий процесслар натижасида суюқ ёки бўтқа холатдан тошга айланувчи, шағал, қум, шлак ва шулар каби тўлдирувчиларни бир-бираига ёпиштирувчи моддалар боғловчи моддалар деб аталади. Боғловчи моддалар қоришима ва бетон тайёрлашда жуда кўп ишлатилади. Боғловчи моддалар икки группага бўлинади: 1) минерал боғловчи моддалар (цемент, оҳак, гипс, суюқ шиша), 2) органик боғловчи моддалар (битум, қорамой, елим ва бошқалар). Курилиш ишларида биринчи группа боғловчи моддалар иккинчисига қараганда кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун минерал боғловчи моддалар тўғрисида ба-тафсил тўхтаб ўтилади.

Минерал боғловчи моддалар, одатда, кукун ҳолида бўлиб, сув қўшиб қорилгандан кейин бўтқага айланади ва аста-секин қуюлиб қота бошлайди. Фақат ҳавода ёки сувда қотадиган, шунингдек ҳавода ҳам, сувда ҳам қотаверадиган боғловчи моддалар бўлади. Оҳак, ганч, гипс қоришмалари ва лой ҳавода қотади; оҳак, соз түзик, ва шлак аралашмасидан тайёрланган цементлар сувда, поштада цемент эса ҳавода ҳам, сувда ҳам қотади.

Оҳактошни хумдонда $900-1200^{\circ}$ температурада пишириш натижасида оҳак ҳосил бўлади. Бунда оҳактош (CaCO_3) қиздирилгандан сўндирилмаган оҳак (CaO) ёлиб, карбонат ангидрид (CO_2) учуб кетади.

шар тонна оқактошдан 500–600 кг сұндирилган оқак чиқады. Шу сабабли, транспорт воситаларини тежаш ва оқакнин таннархини пасайтириш мақсадида хұмдан оқактош кони яқындағанда қурилади. Хұмдан қуришдан олдин оқактошнинг сифаты текширилді.

Оқактошни пишириш учун уйма хұмдан, үра хұмдан екі айланувчи хұмдан (печь) қуриш мүмкін. Ишлаб чиқарыши ұажми унча катта бұл маса, оқактош пишириш учун әңг қулайи уйма хұмданнан (б-расм).



Б-расм. Уйма хұмдан.

лаб турилади. Оқактошнинг пишганлиги қуйидаги белгиларға қараб анықланады: кечаси мұрқондан чиқаётгандын тутун күяшил ғұлардың күрінады ва хұмдан тепаси чүкады. Шундан кейин хұмданға үт әқиши бутунлай тұхтатилиб, уни совутып мақсадида сиртидеги сувоқлари күчириб ташланады.


Уйма хұмданнинг сирти очиқ ҳавода бұлғанлиги сабаблы унда оқактошни пишириш учун күп әқилемен кетады. Бунда ташқары, уйма хұмданда оқактош бир текис пишмайды. Бұл уйма хұмданнинг камчилигидir. Шунинг учун оқактош күпинча, үра хұмданда пиширилады. Үра хұмданда үрта ұсис била күнінде 2–3 тоннагача оқактош пишириш мүмкін. Үра хұмданда нишоб жойға қурилади. Үра оғзининг катталиғи 4×4 м, үра хұмданнинг чүкүрлігі 2–3 м ғана (б-расм).

Оқактош уйма хұмданға қандай терилса, үра хұмданға ұн шу тартибда терилади. Үра хұмданнинг үтхонасы бир неча булимга ажратылады, бунда оқактош бир текис пишады. Оқактош

үннінг катталиғи (диаметри 500 см ғана) нұқул оқактошнинг үзидан қурилади. Хұмдан үтхонасияннан баландлығы 100 см қилиб ишланады ва үртасынан диаметри 30 см лик мұрқон чиқарылади. Хұмданға қалған оқактошлар орасынан 10 та ғұла құйиб юборылады. Кейин үннінг атрофи ва үстелей билан сувалады. Хұмданға үт әқилемен бу ғұлалар әниси оқактошлар орасынан тутуғынанда үзлуксиз үт әниси түриши керак. Хұмданнинг қуриш ұсиси олиниб, олов дастралады ки 2 кун пастроқ әқилады кейин 5 кун давомыда температура керакли даражада үшінде

күрилади. Агар оҳактошнинг ичи (синдирилган жойи) бир хил рангда бўлса, оҳактош яхши пишган бўлади. Чала пишган оҳактошнинг ичи сиртига қараганда хирароқ бўлади. Бундан ташқари, оҳактошнинг пишган-лишмаганинги унга 1—2 томчи кислота томизиб кўриб билиш ҳам мумкин. Агар оҳактош чала пишган (хом) бўлса, кислота томизилган жой кўпикланади. Яхши пишган оҳакка эса кислота таъсир этмайди. Курниш майдонига келтирилган оҳакни мумкин қадар тезроқ сўндириш зарур, акс ҳолда оҳакнинг сифати бузила бошлайди.

Оҳакка етарли миқдорда сув қўйилса, у ўзидан иссиқлик чиқариб, очилади ва аталага айланади. Бунда оҳак билан сув орасида I бўладиган термохимиявий реакция қўйидаги тенглама билан ифодаланади:




Бу реакция вақтида 1 г молекула CaO га 15,5 ккал иссиқлик чиқади. Шунинг учун ҳам оҳакнинг сўниш реакцияси экзотермикдир.

Оҳакни сўндириш учун бўйи 3 м, эни 2 м, чуқурлиги эса 1,5 м келадиган ўра қазиб, унинг тагига пишиқ гишт ётқизилади. Сунгра ўрага қия қилиб яшик ўрнатилади. Унинг ҳам бўйи 3 м, эни 2 м лекин баландлиги 0,5 м бўлиши керак.

Яшикка дастлаб оҳак (25 см қалинликда) солиниб, кейин сув қўйилади ва ёғоч куракча билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган оҳак бўзаси яшикнинг сим тўр тутилган тешикласидан ўрага оқиб тушади. Ўрадаги сув ерга сизиб, оҳак бўтқага айлангач, унинг устуна 5—10 см қалинликда қум сепилади ва бордон ёниб қўйилади.

Оҳакни сўндириб бўтқага айлантиришдан ташқари, уни кукунга ҳам айлантириш мумкин. Агар бўтқа ҳосил қилиш учун 1 ҳисса оҳакка 3,5 ҳисса сув солинса, оҳак кукуни ҳосил қилиш учун 2 ҳисса сув солиш кифоядир. Оҳак кукуни ҳосил

I-I Кесими



6-расм. Ўра хумдои.

даланилади.


Катта қурилишларда ва шаҳарларда оҳак заводи қурилиб, юқори сифатли оҳак бўтқаси, оҳак кукуни ва турли хил қоришмалар тайёрланади.

Оҳак қоришмаси тайёрлаш учун қанча оҳак ва қум кераклиги қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал
Қоришмадаги оҳак ва қумнинг нисбати

Қоришманинг таркиби (оҳак: қум)	1:4	1:3	1:2,5	1:2	1:1,5
	Материалнинг номи	1:5	1:4	1:3	1:2,5
1 тонна сўндирилган оҳакдан ҳосил бўладиган қоришма (m^3 ҳисобида)	7,3—9,6	5,0—7,3	3,9—5,0	3,0—3,9	2,0—3,0
1 тонна оҳак учун сарф қилинадиган қум (m^3 ҳисобида)	8,0—12,0	5,0—8,0	3,5—5,0	2,6—3,5	1,5—2,6
1 m^3 сўндирилган оҳакдан ҳосил бўладиган қоришма (m^3 ҳисобида)	3,7—4,5	3,0—3,7	2,7—3,0	2,3—2,7	2,0—2,3
1 m^3 сўндирилган оҳак учун сарф қилинадиган қум (m^3 ҳисобида)	4,0—5,0	3,0—4,0	2,5—3,0	2,0—2,5	1,5—2,0

Гипс ва ганч. Табиий гипс тоши 200° гача бўлган температурада пиширилиб, сўнгра маҳсус тегирмонда тортилса, бинокорлик гипси ҳосил бўлади. Гипс тоши пиширилганда қўйидаги ҳимиявий реакция бўлади:



Гипс сувда қорилганда ҳажми 1% гача ортади ва 5—6 минут ичидаги қота бошлиади. Гипснинг бу хоссаси ундан ўйма гуллар ясад биноларни безатишга имкон беради.

Бинокорликда ишлатиладиган гипс 3 хил бўлади: 1) сувоқ гипси (алебастр); 2) қолипга қўйиладиган гипс ва 3) юқори сифатли гипс. Биринчи икки хил гипснинг ҳар бири ўз навбатида 3 сортга бўлинади. Гипслар икки хил усуулда ҳосил қилинади: 1) гипс тоши маҳсус печда $150—180^\circ$ температурада пиширилиб, сўнгра туйилади, 2) гипс тоши туйиб олиниб, сўнгра маҳсус қозонда пиширилади. Ганчнинг гипсдан фарқи шуки, унинг таркибида тупроқ моддаси 40% дан ортиқ бўлади.

Гипс ва ганчнинг сифатини аниқлаш учун уларнинг пишиқлиги ва қотиш муддатини сиаб кўриш керак. Бунинг учун гипс ёки ганч бўтқасидан диаметри 7 см ва қалинлиги 1 см келади. Ган кулча ясалади. Кулчанинг қота бошлишини аниқлаш учун унинг юзи ҳар минутда лезвие билан тилиб кўрилади. Агар тилингган жой ёйилиб, текисланиб кетмаса, ганч қота бошлаган бўлади. Гипснинг батамом қотганлигини билиш учун, кулча нигичка чивиқ билан тешиб кўрилади. Агар кулча тешилмаса, гипс қотган бўлади.

Бинокорликда ишлатиладиган гипснинг техник талабларига мос булиши қўйидаги жадвалда келтирилган.

6 - жадвал

Гипснинг хили	Майдалиги (кўзининг катталиги) 0,75 мм булган фал- вирдан ўти- ши (% ҳи- собида)	Қотиш муд- дати (мин. ҳисобида)		Қотиш- нинг ке- чикиши (мин. ҳисо- бида)	Пишиқлиги (кг/см ²)	
		бош- лани- ши	тамом були- ши		бир сут- кадан кейин	етти сут- кадан кейин
1-хил гипс . . .	98	5	7	30	8	15
2-хил гипс . . .	92	4	6	30	6	12
3-хил гипс . . .	88	3	6	30	5	10


Портландцемент энг кўп ишлатиладиган боғловчи моддалардан биридир. Портландцемент асосан оҳактош (CaCO_3) ва соз тупроқ ($\text{SiO}_2 + \text{Al}_2\text{O}_3 + \text{Fe}_2\text{O}_3$)дан тайёрланади. Бунда оҳактош 75—78%, соз тупроқ esa 22—25% миқдорда булиши керак.

Портландцементни тайёрлаш процесси асосан: 1) хом ашё аталаси тайёрлаш, 2) шламни пишириш ва 3) пиширилган маҳсулотни туйиб толқон қилишдан иборатdir.

Хом ашё аталаси тайёрлаш учун дастлаб, оҳактош тош майдалидиган машиналардан бир неча мартаба ўтказилиб ун ҳолига айлантирилади. Бошқа идишда тупроқ туйилиб, ундан атала тайёрланади. Сўнгра оҳактош куқуни билан тупроқ аталаси аралаштирилиб шар тегирмонда қайта туйилади. Ҳосил бўлган маҳсулот хом ашё аталаси (шлам) дейилади.

Шлам айланувчи хумдонда пиширилади. 7-расмда шундай ҳумдоининг схемаси кўрсатилган. Шлам айланувчи цилиндр (1) минг юқори қисми (2) да паст қисмiga, яъни ёқилғи ёнаётган қисми (3) томонга оқиб туради ва 1450—1500° температурада пишиб, майдо думалоқ тошларга (клинкерга) айланади. Ҳумдоидан ҳосил бўлган газ маҳсус камера (4) да тозаланади ва труба (5) орқали ташқарига чиқиб кетади. Пиширишдан ҳосил бўлган клинкер совутгич (6) да совутилади, сўнгра толқон қилинади.

Ана шу клинкер толқони цемент дешилади. Цемент зарра-
чаларининг йирик-майдалиги 0,02 мм дан ошмаслиги, яъни
1 см² да 4900 дона кўзи бўлган галвирда эланганда ундан ка-
мида 85% цемент ўтиши керак.



7-расм. Айланувчи хумдон:

1 — цилиндр; 2 — юкори ҳисми; 3 — паст ҳисми; 4 — газ тозалаш
камераси; 5 — труба; 6 — совутгич.

Портландцемент олтига (200, 250, 300, 400, 500 ва 600) мар-
кага бўлинади. Цементнинг сиқилишга чидамлилигини текши-
риш билан унинг маркаси аниқланади. Бунинг учун 1 оғирлик
қисм цементга 3 оғирлик қисм қум қўшиб, қоришма тайёрла-
нади ва ундан ҳар томони 7 см келадиган кубик ясалади.
Кубик бир кун ҳавода, 25 кун сувда ва яна 2 кун ҳавода, ҳам-
маси бўлиб 28 кун сақлангандан кейин прессда сиқиб кўри-
лади. Кубик ҳар см² юзасининг сиқилишга кўрсатган ҳарши-
лиги (кг/см² ҳисобида) цементнинг маркасини билдиради.
Портландцементнинг пишиқлик кўрсаткичлари қуйидаги жад-
валда берилган.

7-жадвал

Портландцементнинг лишиқлиги

Маркаси	Сиқилишга чидамлилиги (кг/см ²)			Чўзилишга чидамлили- ги (кг/см ²)
	3 кундак кейин	7 кундан кейин	28 кундан кейин	
200	65	120	200	16
250	95	160	250	18
300	110	200	300	21
400	190	280	400	24
500	260	380	500	28
600	320	500	600	32

Нормал цемент бүткәси 45 минутдан кейин қота бошлаши ва 12 соат ичида батамом қотиши керак. Бу нарса махсус асбобда текширилади:

Бундан ташқари, цемент қотиши вақтида уннинг ҳажми бир меөрда ўзгарадиган бўлиши керак. Буни аниқлаш учун цемент бүткәсидан ҳар бири 75 г келадиган, диаметри 7–8 см, қалинлиги 1 см лик 6 дона цемент кулча тайёрланади. Бу кулчалар температураси 15–20° келадиган сувда бир кун сақланади. Сунгра кулчалардан икки донаси сувда 4 соат қайнатилади. Сувнинг температураси 15–25° га тушганда кулчалар сувдан олиниади. Бошқа икки дона кулча шу йўснинда буғда синалади. Колган иккитаси температураси 15–20° ли сувда 27 кун сақланади. Шундай қилиб, уч хил усул билан текширилган 6 дона цемент кулчасида радиал ёриқлар ҳосил бўлмаса, бундай цемент сифатли цемент ҳисобланади.

Пуццолон портландцемент. Бу цемент портландцемент клинкерига 20 дан 50% гача гидравлик қўшимчалар аралаштириб туйишдан ҳосил бўлади. Гидравлик қўшимчалар сифатида туф, трасс, трепел ва шулар каби тош жинсларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам пуццолон портландцементнинг солишишторма ва ҳажм оғирлиги портландцементнига қараганда камдир. Портландцементнинг ҳажм оғирлиги 1,3 т/м³ бўлса, пуццолон портландцементники 1,15 т/м³ га тенгдир.

Пуццолон портландцемент беш хил (200, 250, 300, 400 ва 500) маркага бўлинади.

Пуццолон портландцемент асосан сув ишшоотлари ва ерости сувлари таъсирида бўлувчи конструкциялар қуришда ишлатилади.

4. ТЎЛДИРУВЧИ МАТЕРИАЛЛАР

Кум ҳар турли қоришка ва бетон тайёрлашда қўшиладиган тўлдирувчи материалdir. Қурилишда ишлатиладиган қум, стандарт (ГОСТ 8736-58) талабларига жавоб бера оладиган бўлиши ва доналари 5 мм дан йирик бўлмаслиги керак. Лой бетон учун ишлатиладиган қум таркибида 5%, ғишт териш қориши маси учун ишлатиладиган қум таркибида 10% ва сувоқ қориши маси учун ишлатиладиган қум таркибида 15% дан ошмаслиги керак.

Дарё ва арикларда оқиб келган қум доналари сийқа ва юмалоқ шаклда бўлади. Тоғ қояларининг нурашидан ҳосил бўлган кўчма қум доналари сер қиррали бўлади. Бетон учун қиррали қум ишлатиш тавсия қилиниади. Лекин, тоғ қумига, одатда, тупроқ ва ҳар хил органик моддалар аралашган бўлиб, улар бетон сифатини бузиши мумкин. Бундан ташқари, аралашмали қумни ювиб тозалаш анча қийин бўлганлиги сабабли

бетонга асосан, ариқ ва дарә қирғоқларидаң олинган қум қүшилади.

Құмнинг йирик-майдалиги унинг ғалвир күзидан үтиш процентига қараб белгиланади. Бунинг учун күзи 5; 2,5; 1,2; 0,6; 0,3 ва 0,15 мм лик стандарт ғалвирлардан фойдаланилади. Күзи 5 мм лик ғалвирдан құмнинг ҳаммаси ёки 90% үтиши кө рак. Қум әланганда, майдасы ғалвир күзидан үтиб, йириги унинг қозасыда қолади. Бу қолдик, құмнинг йириклик даражасини күрсатади. Қуйидаги жадвалда бетон аралашмасында қүшиш мүмкін бўлган құмнинг йирик-майдалиги күрсатилган.

8 - жадвал

Бетон аралашмасында қүшиш учун ишлатиладиган құмнинг йирик-майдалиги

Ғалвир күзининг ўлчами (мм ҳисобида)	Құмнинг ғалвир күзидан үтиши (%) ҳисобида
5,0	85 дан 100 гача
1,2	45 дан 80 гача
0,6	30 дан 45 гача
0,3	5 дан 30 гача
0,15	0 дан 5 гача

Юқоридаги күрсаткичларга асосан ғалвирда неча процент қум қолишини аниқлаш қийин әмас. Бу 8-расмдаги графикда күрсатилган.

Құмнинг ғалвирдан үтиш процентини аниқлагандан кейин унинг ўртача йириклиги проф. Б. Г. Скрамтаев формуласидан топилади:

$$d_{y\phi} = 0,5 \sqrt{\frac{G}{11a_1 + 1,37a_2 + 0,17a_3 + 0,02a_4 + 0,0024a_5}},$$

бу формулада G — ғалвирда қолган қум (% ҳисобида). Бунда күзи 0,15 мм бўлган ғалвирда қолган қум ҳисобга кирмайди.

a_1, a_2, a_3, a_4, a_5 — күзлари турли йирик-майдаликда бўлган ғалвирларда қолган қум (% ҳисобида).

Шундай қилиб, доналарининг йирик-майдалиги 0,35 дан 0,50 мм гача бўлса — йирик қум, 0,25 дан 0,30 мм гача бўлса — ўртача қум, камида 0,25 мм бўлганида эса майдада қум дейилади. Бетон аралашмасини тайёрлашда, унга қўшиладиган құмнинг йирик-майдалигидан ташқари қум зарралари орасидаги бўшлиқ ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу бўшлиқ ўртача сифатли қумда 40%, яхши сифатли қумда эса 37% дан ошмаслиги кө рак.

Бетон қориши масига майда ҳам йирик құм құшиш мақсадға мувофиқдір; шунда, майда құмнинг йирик құм орасыға жойлашишидан цемент қисман тежалади.


Дарә қирғоқларидан олинган құмнинг намлиқ даражасы түрлича бұлады; бу намлиқ құмнің дарә қирғоғыннан қаеридан олинғанлығына бояғылғылар. Шунга күра, құмнинг намлиқ даражасыға қараб бетоннинг таркиби ҳам үзгәради.

Курилиш майдонига келтирилған құм уч күндан кейин, яғни құм чүкиб зичланғандан кейин ўлчанади ва қабул қилиб олинади. Құм уюминнің ҳажми (V) қуидагы формуладан топилади (9-расм):

$$V = \frac{h}{3} [(2a + a_1)b + \\ + [(2a_1 + a)b_1]].$$


Агар құмнинг намлиқ даражасы 1—3% бўлса, унинг уюм ҳажми 10%, намлиқ даражасы 3—10% бўлса 15% камайтириб ҳисобланади.

Майда тош бетон аралашмасыға құшиладиган йирик түлдирувчи материалдир. Майда тошнинг сифаты ва доналарининг йириклиги ГОСТ 8268-56 ва 8269-56 да кўрсатилған талабларга мос келиши керак.



Галвир нұғанында көттапширеу
(мм ҳисобуга)


8-расм. Құмнинг йирик-майдалигини курсатувчи график.



9-расм. Құм уюми.

Галвирларда әланган майда тош ва шағалнинг

майда-йириклиги 10-расмда күрсатылған графикнинг әгри чи-
зигидан четта чиқмаслиги керак. Бетонга ишлатыладын тош-
нинг майда-йириклиги ундан тайёрланадын конструкция
қалинлигининг $\frac{1}{4}$ қисмидан кам бўлиши лозим. Темир-бетон
конструкцияларига ишлатыладын тош доналари арматура
симлари оралиғидан катта бўлмаслиги керак.



10-расм. Майда тош ва шағалниң йириклигини күрсатувчи график.

Массив конструкцияларда бетонга баъзан, шағал, яъни қум ва майда тош аралашмаси ҳам ишлатылади. Шағал тоғ этакларидан, сой ва дарё қирғоқларидан қазиб олинади.

Агар шағалдаги тош доналарининг майда-йириклиги 5 дан 20 мм гача бўлса — майда шағал, 20 дан 40 мм гача бўлса — ўртача шағал ва 40 дан 80 мм гача бўлса — йирик шағал дейилади. Бетонга ишлатыладын шағал ва майда тошнинг майда-йириклиги 5 дан 80 мм гача бўлиши мумкин.

Майда тош ёки қум доналари орасидаги бўшлиқ қуйидаги формуладан топилади:

$$V = \frac{\gamma - \gamma_0}{\gamma},$$

бунда V — майда тош ёки қум доналари орасидаги бўшлиқ (% ҳисобида); γ — майда тош ёки қумнинг солиштирма оғирлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$ ҳисобида); γ_0 — майда тош ёки қумнинг ҳажм оғирлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$ ҳисобида).

ГОСТ 8268-56 га мувофиқ, майда тош доналари орасидаги бүшлиқ 45% дан ва ундаги тупроқ моддаларининг мінкдори 1% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Чақиртош харсангош ва қайроқ тошларни маҳсус машинада майдалашдан ҳосил бўлади. Юпқа ва ясси чақиртош тез синади. У бетон аралашмасига қўшилганда қоришма тайёрлашни қийинлаштиради. Шунинг учун бетонга диаметри 5–80 мм келадиган қиррали ва қалин чақиртош ишлатилгани маъқул. Чакиртошнинг юзаси силлиқ бўлмаганлиги сабабли унга цемент қоришмаси яхши ёнишади. Одатда, чақиртош қум ва майда тошларга қараганда тозароқ бўлади. Шунинг учун чақиртош қўшилган бетон, майда тош қўшилган бетонга қараганда анча мустаҳкам бўлади. Бу бетон таркибини белгилашда ҳисобга олинади.

Шлак икки хил бўлади: 1) металлургия шлаги (маъданларни эритиш процессида пайдо бўладиган иккичи даражали маҳсулот) ва 2) печь шлаги (тошкўмир, кул ранг кўмир, торф ва ёнувчи сланецлар ёнишидан ҳосил бўлади). Куруқ шлакнинг ҳажм оғирлиги $1000 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан ошмайди. Шлак оғир бўлмаганлиги сабабли у енгил бетонлар тайёрлашда ишлатилади. Енгил бетон тайёрлаш учун асосан тошкўмир шлаги ишлатилади. У қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) шлак тупроқ аралашмаган, тоза бўлиши керак;
- 2) бетонга қўшиладиган шлакдаги ёнмай қолган кўмир миқдори 30% дан, темир-бетонга қўшиладиганида эса 5% дан ошиқ бўлмаслиги керак;

- 3) SO_3 шлак, таркибида 3% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бетон учун ишлатиладиган шлак бир неча ой очиқ жойда ётса, ундаги баъзи бир ёнмай қолган заррачалар ҳаводаги оксиген таъсири билан куйиб битади ва сўндирилмаган оҳак (CaO) ҳам пирит (FeS_2) каби қўшилмалар зарарсиз ҳолга айланади. Шундан кейин шлакни ювиб фалвирдан ўтказилиди. Агар шлак заррачаларининг катта-кничклиги 5 мм гача бўлса — шлак қуми, 5 мм дан йирик бўлса — майда шлак тоши деб аталади. Бетон пишиқ бўлсин учун унга маълум пропорцияда шлак қуми ва майда шлак тоши қўшилади.

Керамзит енгил бетонга қўшиладиган тўлдирувчи материалdir. У маҳсус тупроқдан тайёрланган соққаларни айланиб турадиган печла юқори температурада пишириш натижасида ҳосил бўлади. Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда, керамзит тайёрлаш учун яроқли тупроқ запаси жуда кўп. Тошкент яқинидаги Дарвоза ва Келес, Самарқанддаги Чўпонота, Бухородаги Азқамар тупроқ конлари ва Милютин, Нурота, Зирабулоқ районларидаги сланец тошлар бунга мисол бўла олади.


Керамзит икки хил усулда тайёрланади: 1. Дастрлаб махсус прессда лой соққалар тайёрланади, сүнгра, улар айланиб турдиган печда пиширилади. 2. Қазиб олинган йирик кесаклар ва сланец плиталари аввал маълум ўлчамда майдаланади, кейин айланма печда пиширилади.

Керамзит тайёрланадиган тупроқ таркибида 5—8% гача темир оксид моддалари бўлиши керак, акс ҳолда хом ашё етарли даражада кўпчимайди.



11-расм. Дарвоза кони тупроғидан тайёрланган керамзит:
а — соққаларнинг пиширишдан олдинги кўриниш; б — пишиб кўпчиликаган соққалар.

Турли конлардан олинган тупроқнинг ранги ва кўпчиш хусусияти турличадир. Дарвозадаги тупроқ конидан олинган кесаклар яшил кул ранг бўлиб, айрим жойларида сарғиши додлари бўлади. Бу тупроқдан ясалган лой соққалар печда 1160—1180° температурада пиширилади. Пишган соққаларнинг ичи ғовак бўлиб қолади ва ҳажми 3—3,5 ҳисса кенгаяди (11-расм).



12-расм. Бухородаги Азқамар конининг тупроғидан тайёрланган керамзит:
а — қазиб олинган тупроқнинг кўриниши; б — соққаларнинг пиширишдан олдинги кўриниши; в — пишиб кўпчиликаган соққалар.

Келес станцияси ёнидаги Қингроқ ва Бухородаги Азқамар тупроқ конларидағи бентонит (гилвата) тупроғининг ранги хира яшил бўлиб, қазилганда кесаклари уваланиб кетади. Бу тупроқ 1100—1160° температурада кўпчийди (12-расм).

Милютин станцияси ёнидаги кондан олинадиган сланецдан чақиртошсимон юқори сифатли тўлдирувчи материал тайёрланади. Сланец бўлаклари 1280—1300° температурада пиширилганда унинг ҳажми 2—3' ҳисса кенгайиб сифатли, пишиқ керамзит ҳосил бўлади (13-расм).




13-расм. Милютин станциясининг сланец тошлари:
а — ҳам ашё; б — пиширилган сланец.


Бинокорликда кўпроқ енгил бетон конструкциялари қўлла-нишини ҳисобга олган ҳолда енгил тўлдирувчи материаллар ишлаб чиқарадиган установка ва цехлар ташкил этилиши лозим. Йирик қурилиш майдонларида установкалар ўрнатиш ва гишт заводлари қошида маҳсус цехлар ташкил этиш мақсадга му-вофиқдир.

Совет Иттифоқи бўйича 3 миллион m^3 керамзит маҳсулоти ишлаб чиқарадиган бир неча заводлар қуриш лойиҳалаштирилган. Ўзбекистонда ҳам шундай заводлар қуриш кўзда тутилади.

14-расмда керамзит ишлаб чиқариш установкасининг уму-мий кўриниши берилган. 15-расмда эса шу установкада (Ўрта Осиё конларидан олинган тупроқдан) тайёрланган керамзит тўлдирувчилар кўрсатилган.



14-расм. Керамзит ишлаб чиқариш установкасининг умумий кўриниши.



15-расм. Ўрта Осиёдаги осон кўпчидиган тупроқлардан тайёрланган керамзитлар.

Юқори сифатли енгил бетон конструкциялари учун тайёрланадиган керамзит доналарининг майда-йириклиги 5—40 мм ва ҳажм оғирлиги 400—600 $\text{кг}/\text{м}^3$ бўлиши керак.

§ 5. ҚОРИШМАЛАР

Бинокорликда ишлатиладиган қоришма тупроқ, оҳак, цемент ва гипс (алебастр) каби боғловчи моддаларнинг бирини қум ёки бошқа тўлдирувчи материал билан маълум нисбатда аралаштириб сувда қоришдан ҳосил бўлади. Цемент, оҳак бўтқаси ва тўлдирувчи материаллар аралашмасидан мураккаб қоришма тайёрланади.

Қоришманинг пишиқлиги унинг маркасига мос бўлиши керак. Қоришма маркасини аниқлаш учун қурилишда ишлатилаётган қоришмадан ясалган кубик (ўлчамлари $7,07 \times 7,07 \times 7,07 \text{ см}$ лик) 28 кундан кейин прессда сиқиб кўрилади; шунда ҳар см^2 юзанинг сиқилишга кўрсатган қаршилиги ($\text{кг}/\text{см}^2$ ҳисобида) қоришманинг пишиқлик даражасини кўрсатади. Цемент қўшилган қоришмалар маркаси 10, 25, 50, 100, цемент

қүшилмаган қоришишмалар маркаси эса 2, 4 бўлади. Қурилишда ишлатиладиган қоришишма пластик, пишиқ ва қовушоқ бўлиши керак. Қоришишманинг ёйилувчанлиги махсус конусининг қоришишлага ботишига қараб аниқланади (16-расм).

Конус девор ёки устунга фишт териш учун ишлатиладиган оҳак қоришишлага 7—9 см, цемент ва мураккаб қоришишмаларга эса 5—7 см ботиши керак.

Қоришишманинг пишиқлиги унга ишлатиладиган боғловчи моддага, қоришишма таркибига ва уни тайёрлаш вақтидаги температурага боғлиқдир. 10° температурада қотадиган қоришишманинг пишиқлиги қўйидаги формуладан топилади:


$$R_z = R_{28} \frac{az}{28 \cdot (a-1) + z},$$

бунда z — қоришишманинг қотиш муддати (кун ҳисобида);

R_z — қоришишманинг z кун ўтгандан кейинги пишиқлиги;

R_{28} — қоришишманинг 28 кундан кейинги пишиқлиги (маркаси);

a — коэффициент. У қоришишманинг маркасига қараб қўйидагича белгиланади:



16-расм. Қоришишманинг ёйилувчанлигини конус ёрдами билан текшириш.

Қоришишма маркаси	a коэффициенти
100—50	1,5
25—10	2
4—2	4

Қоришишмаларнинг пишиқлиги уч хил бўлади: 1) южори пишиқ, бунга 50 ва 100 маркали цемент қоришишмалари киради;

2) ўртача пишиқ, бунга 10 ва 25 маркали мураккаб қоришишмалар киради;

3) кам пишиқ, бунга 2 ва 4 маркали оҳак қоришишмалари киради.

Қоришишма таркибини тақлаш. Южорида кўрсатилган қоришишмаларнинг таркиби ўртача қумга мослаб тузилган. Қоришишмага қўшиладиган қумнинг майдо-йириклиги унинг сифатига катта таясир этади. Шунинг учун ҳам қоришишма таркибини тақлашда унга қўшиладиган цемент ёки оҳак миқдори 1 м³ қумга нисбатан белгиланади.

Қўйидаги жадвалда 1 м³ қумга қўшиладиган цемент миқдори кўрсатилган.

**Қоришимага қүшиладиган цемент миқдори
(1 м³ құмга нисбатан)**

Қоришима маркасы	Цемент маркасы (активлігі)					
	100	150	200	250	300	400
Цемент миқдори (кг ҳисобида)						
100	—	—	—	390	360	310
50	—	350	300	270	250	215
25	290	240	200	180	160	140
10	155	125	110	100	90	80

Лой қүшиб тайёрланадиган мураккаб қоришималарда 1 м³ құмга нисбатан қүшиладиган лой миқдори құйидаги формуладан топилади:

$$V_n = 0,20 \cdot (1 - 1,5Q_n),$$

бунда Q_n — 1 м³ құмга нисбатан цемент миқдори (кг ҳисобида);
 V_n — лой миқдори (м³ ҳисобида).

Оxaқ бүтқаси қүшиб тайёрланадиган мураккаб қоришималарда 1 м³ құмга нисбатан қүшиладиган оxaқ бүтқасининг миқдори құйидаги формуладан топилади:

$$V_{ox} = 0,16 \cdot (1 - 1,5Q_n),$$

бунда V_{ox} — оxaқ миқдори (м³ ҳисобида).

Демек, лой ёки оxaқ миқдори қоришимага қүшиладиган цементта қараб олинади.

Коришима ташкил топған материалларнинг ўзаро нисбати

$$V_n : V_{kush} : 1 \text{ тарзда өзилади.}$$

Бунда V_n — цемент ҳажми (м³ ҳисобида);

V_{kush} — лой ёки оxaқ (қүшилмалар) ҳажми (м³ ҳисобида);

1 — құм миқдори (м³ ҳисобида).

1 м³ құм қүшилған аралашмага неча литр сув құышын ке-
раклиги құйидаги формуладан топилади:

$$B = \frac{1}{1,25} (Q_n + Q),$$

бу формулада B — сув миқдори (л ҳисобида);

Q_n — цемент миқдори (кг ҳисобида);

Q — оxaқ ёки лой миқдори (кг ҳисобида).

Коришима таркибини таңлашга мисол қелтирамиз.

Мисол. Оxaқ — цемент аралашмасыдан тайёрланған 25 мар-
калы мураккаб қоришиманинг таркиби аниқлансан.

Бизга маълум: цементнинг маркаси $R_u = 150 \text{ кг}/\text{м}^2$; цементнинг ҳажм оғирлиги $1,2 \text{ т}/\text{м}^3$; оҳакнинг ҳажм оғирлиги $1,4 \text{ т}/\text{м}^3$.

Мисолни ечиш учун 9-жадвалдан фойдаланамиз. Бунда қоришимага қўшиладиган цемент (Q_u) нинг миқдори $= 240 \text{ кг}$ бўлиб, ҳажми (V_u) қўйидаги тенгламадан топилади:

$$V_u = \frac{Q_u}{1,2} = \frac{0,24}{1,2} = 0,2 \text{ м}^3.$$

Оҳакнинг ҳажми (V_{ox}) ни эса юқоридаги формулага асосан топамиз.

$$V_{ox} = 0,16(1 - 1,5 Q_u) = 0,16 (1 - 1,5 \cdot 0,24) = 0,102 \text{ м}^3 \text{ ёки } 142 \text{ кг}.$$

Шундай қилиб, 25 маркали мураккаб қориshmанинг таркиби қўйидаги нисбатда олинади:

$$V_u : V_{ox} : 1 \text{ (цемент:оҳак:қум)}$$

$$0,2 : 0,102 : 1 \text{ ёки } 1 : \frac{0,102}{0,2} : \frac{1}{0,2} \\ 1 : 0,5 : 5$$

Яъни 25 маркали 1 м^3 мураккаб қоришима тайёрлаш учун 1 ҳисса цемент, 0,5 ҳисса оҳак ва 5 ҳисса қум олинар экан. Шу таркибдаги 1 м^3 қоришима тайёрлаш учун сарф бўладиган сув (B) нинг миқдори аниқланади:

$$B = \frac{1}{1,25} (Q_u + Q_{ox}) \frac{1}{1,25} (240 + 142) = 305 \text{ л.}$$

Бинокорликда мумкин қадар кўпроқ мураккаб қоришима ишлатиш билан цементни тежаш мумкин. Оддий биноларни қуришда эса лой ва оҳакли қоришиналар кенг ишлатилади. Деворлар ҳавода тез қотадиган оҳак ва ганч (алебастр) қоришиналари билан сувалади.

Оҳак қориshmанинг таркиби—оҳак: қум (1:2 дан 1:3 гача); мураккаб қориshmанинг таркиби—цемент: оҳак:қум (1:0,5:4 дан 1:2:7 гача) бўлади.

Бино гиштини теришда ишлатиладиган қоришима хиллари, уларнинг таркиби ҳамда маркаси қўйидаги жадвалларда берилган.

Оддий бинолар қуришда қўйидаги тўрт хил қоришима ишлатилади:

1. Соз тупроқ лойидан тайерланган қоришиналар (10-жадвал).
2. Оҳакли қоришиналар (11-жадвал).
3. Гипс (алебастр)ли қоришиналар (12-жадвал).
4. Цементли қоришиналар (13, 14, 15-жадваллар).

Соз тупроқ лойидан тайёрланган қоришишмалар

Қоришишмаларнинг номи	Қоришишмалар таркиби			Қоришишмалар маркаси		
	соз тупроқ лойи	құшимчалар		кум	қуриганда	намлигидә
		оәак	гипс			
1. Соз тупроқдан тайёрланган:						
а) ғүраша лой	1 ҳисса	—	—	2—3 ҳисса	10	2
б) мұлойим лой	1 ҳисса	—	—	5—6 ҳисса	10	2
2. Соз тупроқ ва оәак бұтқаси	1 ҳисса	0,3 ҳисса	—	3—6 ҳисса	4	4
3. Соз тупроқ ва гипс бұтқаси	1 ҳисса	—	0,25 ҳисса	3—5 ҳисса	4	4

Оәаклы қоришишмалар

Қоришишмаларнинг номи	Қоришишмалар таркиби			Қоришишмалар маркаси	
	оәак	құшимчалар	кум	28 кундан кейин	3 ойдан кейин
1. Ҳавода қотадиган оәаклы қоришишма	1	—	2—5	2	4
2. Оәак ва соз тупроқ лойи	1	0,3 ҳисса соз тупроқ	3—6	2	4
3. Оәак-гипс қоришишмаси	1	0,2 ҳисса гипс	2—5 шлак	4	4
4. Сувда қотадиган бүш оәаклы қоришишма	1	—	2—3	4	10
5. Түйилгап куруқ оәаклы қоришишма	1	1 ҳисса соз тупроқ лойи	8	4	4

Гипс (алебастр) ли қорищмалар

Қорищманынг номи	Күшими-чалар	Корищманынг тұнығынан маркасы	Гипс маркасы				
			25	50	100	150	200
			Қорищманинг таркиби (гипс : соз тупроқ : күм)				
		Сувоқ гипси I сорт	II сорт	III сорт	Юкори сифатлы гипс		
Алебастр	Соз тупроқ лойи ёки оқак бүтәсі	50 1:0:0,5 1:0:1 25 1:0,2:1,5 — 10 1:0:0,5 — 4 1:0:1 1:0,2:1,5	— — 1:0:0 — 1:0:1 — 1:1,2:1,5 1:0:1,5 1:0:2 1:0,3:2 1:0:1,5 1:0,3:2	— — — 1:0:1,5 — 1:0:1,5 1:0,3:2 1:0:2 — 1:0:2,5 — 1:0,4:2,5 — 1:0:4:2,5	1:0:1 1:0:1,5 1:0,3:2 — — — 1:0:4:2,5 — 1:0:5:3 — 1:0:5:3 — 1:1:4 — —	1:0:1,5 1:0:2 1:0,4:2,5 — — — — — — — — — — — —	1:0:1,5 1:0:2 1:0,4:2,5 — — — — — — — — — — — —

Цементли қорищмалар:

а) қуруқ шароитта қуриладынан биноларник девор ва пойдевор ғиштларни теришда ишлатыладын цементли қорищмаларнинг таркиби

Цемент маркасы	Корищма маркасы				
	100	50	25	10	4
Цемент - оқак аралашмасидан					
400	1:0,2:3,5	1:0,7:6,5	1:1,9:13,5	—	—
300	1:0,1:2,5	1:0,4:5	1:1,3:10	—	—
250	—	1:0,3:4	1:0,9:8	—	—
200	—	1:0,2:3,5	1:0,7:6,5	1:2:16	—
150	—	—	1:0,3:4,5	1:1,5:10,5	—
100	—	—	1:0,1:3	1:0,8:7	1:1,8:13

Цемент маркаси	Қориши мақаси				
	100	50	25	10	4
Цемент - соң түпрақ аралашмасидан					
400	1:0,2:3,5	1:0,7:6,5	1:1,5:13,5	—	—
300	1:0,1:2,5	1:0,4:5	1:1,3:10	—	—
250	—	1:0,3:4	1:0,9:8	—	—
200	—	1:0,2:3,5	1:0,7:6,5	1:1,5:16	—
150	—	—	1:0,3:4,5	1:1,5:10,5	—
100	—	—	1:0,1:3	1:0,8:7	1:1,5:13
50	—	—	—	1:0,2:3,5	1:0,9:9
25	—	—	—	—	1:0,2:3,5

14 - жадвал

б) нам шароитда қуриладиган бинодарнинг девор ва пойдевор гиштларини теришда ишлатиладиган (өзак ёки соң түпрақ лойи аралашмасидан иборат) қоришималарнинг таркиби

Цемент маркаси	Қориши мақаси				
	100	50	25	10	4
400	1:0,2:3,5	1:0,7:6,5	1:1:13,5	—	—
300	1:0,1:2,5	1:0,4:5	1:1:10	—	—
250	—	1:0,3:4	1:0,7:8	—	—
200	—	1:0,2:3,5	1:0,7:6,5	1:1:16	—
150	—	—	1:0,3:4,5	1:1:10,5	—
100	—	—	1:0,1:3	1:0,8:7	1:1:13

15 - жадвал

в) ер ости суви сатҳидан паст бўлган пойдевор гиштларини теришда ишлатиладиган цементли қоришималарнинг таркиби

Цемент маркаси	Қориши мақаси				
	100	50	25	10	4
400	1:3,5	1:6	—	—	—
300	1:2,5	1:5	—	—	—
250	—	1:4	—	—	—
200	—	1:3,5	1:6	—	—
150	—	1:4	1:4	1:6	—

Сувоқ учун ишлатиладиган қориши маулойим ва қовушоқ бўлиши лозим. Унда эримай қолган оҳак доначаларининг бўлишига йўл қўймаслик керак. Шу мақсадда сўндирилган оҳак урада бир ойга яқин сақланади. Сўнгра ундан қориши тайёрланади.

Қора сувоқ учун ишлатиладиган қум — кўзининг майданиклиги 2,5 мм бўлган галвирда, пардоз сувоқ учун ишлатиладиган қум ёса — кўзининг майданиклиги 1 мм келадиган галвирда эланади.

Сувоқ учун ишлатиладиган қоришманинг хиллари ва уларга керак бўладиган материалларининг миқдори қўйидаги жадвалларда берилган.

16 - жадвал

Бино ичини суваш учун ишлатиладиган қориши

Суваладиган юзанинг номи	Қоришманинг хиллари	Қоришманинг таркиби
Фишт, тош юзаси . . .	оҳак: қум	1:2; 1:2,5; 1:3
Бетон юзаси	а) цемент: қум б) цемент: оҳак: қум	1:4 1:2:9
Еғоч юзаси	а) оҳак: қум б) цемент: қум	1:2; 1:2,5 1:3; 1:4
Хом фишт юзаси . . .	а) қора сувоқ б) пардоз сувоқ	Сомонли лой Гипс (алебастр)ли қоришмалар

17 - жадвал

1^{м³} қориши тайёрлаш учун керак бўладиган материалларининг миқдори

Материалларининг номи	Бирлик ўлчами	Қоришмаларининг номи ва таркиби							
		оҳакли қоришмалар		мураккаб қоришмалар			цементли қоришмалар		
		1:2	1:3	1:1,6	1:1,9	1:3:12	1:2	1:3	1:4
Цемент . . .	м^3 кг	—	—	0,174 226	0,114 148	0,091 118	0,515 670	0,350 455	0,268 348
Оҳак . . .	м^3	0,43	0,33	0,169	0,112	0,213	—	—	—
Кум	м^3	0,87	0,01	1,06	1,06	1,06	0,99	1,0	1,06
Сувоқ	л	182	212	202	202	202	240	190	170

1 м³ оҳакли қоришиш тайёрлаш учун керак бўлладиган оҳак ва сув миқдори

Қоришиш- нинг таркиби	Оҳак		Сув (а хисобида)	
	м ³	кг	қуюқ қоришиш учун	суюқ қоришиш учун
1:2	0,84	756	2310	2940
1:2,5	0,68	612	1922	2421
1:3.	0,65	580	1854	2635

Оҳакли қоришиш, одатда, бўйи 2 м, эни 0,7 м бўлган ёғоч яшикда қорилади. Аввал, оҳак бўтқа суюқ атала ҳолига келтирилади, сўнгра унга қум қўшиб аралаштирилади.

§ 6. БЕТОНЛАР

Цемент, қум ва майдо тошдан иборат аралашмага сув қўшиб тайёрлашдан ҳосил бўлган қоришиш **бетон** дейилади. Бетонлар асосан уч хил бўлади:

а) **оғир бетон**, оғир тўлдирувчилар (майдо тош, чақиртош ва қум) қўшилади, ҳажм оғирлиги 1800 дан 2400 кг/м³ гача бўлади;

б) **енгил бетон**, енгил тўлдирувчилар (шлак, керамзит ва ҳоказолар қўшилади, ҳажм оғирлиги 600 дан 1800 кг/м³ гача бўлади;

в) **купик-бетон** ва **газ-бетон** таркибида тўлдирувчилар ўрнига газ ва купик бўлиб, ҳажм оғирлиги 600 кг/м³ дан кам бўлади.

Ингма ва яхлит темир-бетон конструкциялар учун, асосан оғир ва енгил бетон ишлатилади. Бинокорликда ишлатиладиган бетон таркиби уни ишлатиладиган бино ва иншоотларнинг турига қараб белгиланади. Масалан, турар жой ва саноат бинолари учун бир хил таркибда тайёрланган бетон, гидротехника иншоотлари учун эса бошқа хил таркибда тайёрланган бетон ишлатилади. Бундан ташқари, бино деворлари, устуналари ва қаватлараро плита тарзидаги ёпмалар учун ўзига хос таркибда тайёрланган бетонлар ишлатилади. Баъзи бир саноат биноларида ўтга ва кислотага чидамили бетонлар қўлланилади.

Бетон қоришишнинг қўзгалувчанлиги ва қолипга қулай жойланиши (консистенцияси) унинг асосий хоссалари бўлиб хисобланади. Қоришишнинг бу хоссаларига қуйидаги факторлар таъсир қиласиди:

- 1) бетон қоришишнага сувнинг миқдори;
- 2) боғловчи ва бошқа дисперсион моддаларнинг миқдори;
- 3) боғловчи моддаларнинг ва бўтқа ҳосил қилувчи бошқа компонентларнинг хоссалари.

Бетон қоришмасининг қўзғалиш хоссаси цемент бўтқасининг ёпишқоқлик даражасига боғлиқдир. Бу ёпишқоқлик даражаси ўз навбатида, сув: цемент нисбати (B/C) га боғлиқдир.

Агар бетон қоришмасини тайёрлашда сув цементга нисбатан кўпроқ қўшилса, қоришка қўзғаладиган бўлади. Бунда бетоннинг қотиш процессидаги химиявий реакцияда иштирок этмай ортиб қолган сув буғланиб кетади ва унинг ўринини ҳаво (бўшлиқ) эгаллайди. Аксинча сув камроқ қўшилса, бетон қоришмаси кам қўзғалувчан (қаттиқ) бўлиб, қотгандан кейин унинг пишиқлиги нисбатан ортиқроқ бўлади. Қаттиқ бетон қоришка қолилга электр тебрангичлар ёрдами билан жойланади. Бетон қоришмасининг жуда суюқ ёки жуда қуюқ бўлиб қолмаслиги учун, одатда, сув билан цементнинг оғирлик нисбати (B/C) 0,5–0,7 гача бўлиши тавсия қилинади.

Бетон қоришмасининг қўзғалувчанлигини (қотгандан пишиқлигига зарар етмаслигини ҳисобга олган ҳолда) ошириш учун сув цемент нисбатини ўзгартмасдан туриб цемент бўтқасининг миқдорини ошириш керак. Цемент бўтқасининг миқдори майда ва йирик тўлдирувчиларнинг юзасини қоплашга етарли ёки ундан бир оз ортиқ бўлиши керак. Акс ҳолда бетон қоришмаси қаттиқ бўлади. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, агар тўлдирувчи материаллар майда бўлса, уларнинг юзаларини тўла қоплаш учун цемент бўтқаси кўпроқ керак бўлади, аксинча тўлдирувчилар йирик бўлса, уларнинг умумий юзаси кам бўлиб, цемент бўтқаси ҳам нисбатан оз сарф бўлади.


Шунингдек бетон қоришмасининг қўзғалувчанлигига боғловчи модданинг майда ёки йирик туйилганлиги ва унинг химиявий таркиби ҳам таъсир этади.

Цемент тошнинг қотиш ва ўзакланиш процесси. Цемент ва сув аралашмасидан иборат цемент бўтқасининг тошдек жисмга айланиш процесси цементнинг қотиши дейилади. Цемент тошининг пишиқлиги нормал шароитда, узоқ йиллар, тажриба кўрсатишича, 30 йил давом этади.


Цемент бўтқа қотишдан аввал қуюқлашади; бу қуюқлашиш процессида у ўз пластиклигини йўқотса-да ҳали етарли дараҷада пишиқликка эга бўлмайди.

Цементнинг қотиш процесси физик-химиявий ҳодисадир. Цемент қотиш вақтида цемент-кликер таркибида бўлмаган янги бирикмалар вужудга келади. Цемент-кликер таркибида асосий бирикма — уч кальцийли силикат гидролизланади (сув таъсиридан парчаланади) ва гидратланади (сув билан бирикади). Натижада иккита янги бирикма: кальций гидросиликат $2\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2\cdot n\text{H}_2\text{O}$ ва кальций гидроксид $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ҳосил бўлади.

Цементнинг сув билан парчаланиш процесси қўйидаги тенглама билан ифодаланади:



Цемент таркибидаги уч кальцийли алюминат ($3\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_5$) жуда тез гидратланади. Бу процесс күйидаги тенглама билан ифодаланади:



Цемент заррачалари сиртида сув таъсиридан кальций гидросиликат, кальций гидроксид ва уч кальцийли гидроалюминат ҳосил бўлади. Кальций гидросиликат сувда ниҳоятда кам эрийди ва коллоид ҳолатга ўтади. Кальций гидроксид ва уч кальцийли алюминат эса сувда унча эримайди. Шу сабабли эритма аввал тўйинган ҳолатга ва кейинроқ бориб ўта тўйинган ҳолатга ўтади. Ҳосил бўлган коллоид моддалар цемент заррачасини қуршаб олиб, ивиқ (гель) ҳосил қиласи. Гелнинг ёпиштириш хоссаси бор. Цементга қанчалик сув кам қўшилган бўлса, гелнинг ёпиштириш хоссаси шунчалик ортиқ бўлади. Гель цемент заррачаларини ўзаро ва цемент заррачалари билан тўлдирувчилар заррачаларини боғлайди, натижада, бўтқа қуюқлаша бошлияди ва ўзининг пластиклигини йўқотади. Сўнгра кальций гидроксид ва уч кальцийли гидроалюминат коллоид ҳолатидан кристалл ҳолатига ўтади. Ажralиб чиқадиган микрокристаллар гель ичига кириб йириклиша боради. Сув цемент заррачалари ичига кириб, унинг янги-янги миқдорларига химиявий таъсир этади.

Котган цемент тоши, юқорида айтилган назарияга кўра, микроскопик бир жинсли бўлмаган системадан иборатdir. Котган цемент тоши структурасининг бир жинсли бўлмаслигига сабаб химиявий реакцияда цемент заррачаларининг баъзилари тўла, баъзилари чала, баъзилари эса мутлақо иштирок этмаганлигидир. Реакцияда иштирок этолмай қолган, ҳар хил шакл ва ўлчамдаги заррачалар цемент тоши орасида қолиб тўлдирувчи ролини бажаради. Бундай цемент тошига профессор В. Н. Юнг „Микробетон“ деб ном берди. Кўпинча цемент клинкерини туйиш вақтида унга маълум миқдорда сирт-актив ёки инерт минерал моддалар қўшилади. Бу ҳам цемент тошининг структурасига таъсир қиласи.

Шундай қилиб, цемент тошининг структураси ва физик-механик хоссалари цементнинг минералогик таркибига боғлиқдир.

Бетоннинг структураси цемент тошининг ғоваклик даражасига боғлиқдир. Бетон қорищмаси таркибидаги сувнинг 15—25 процентигина цемент билан химиявий реакцияга киришади. Реакцияда иштирок этмаган сув қотган цемент тошининг масасида сон-саноқсиз майдо ғоваклар ва капилляр йўллар ҳосил қиласи. Цемент тоши массасининг орасида ҳосил бўладиган бу ғовакларнинг диаметри ҳар хил бўлади; улар бетон намлигига қараб, ҳаво, сув ёки буғ билан тўлган бўлиши мумкин.

Сув: цемент нисбати (B/C) нинг камайиши натижасида цемент тоши структурасининг зичлиги ошади ва ғоваклиги камайди. Ғовакликнинг камайиши билан бирга зичликнинг ошиши цемент тошининг сув ўтказмаслик, совуққа чидамлилик даражасини ҳамда пишиқлигини оширади.

Цемент тоши учун фақат ғоваклар эмас, балки модданинг қаттиқ фазасини суюқ ва газ фазалардан ажратиб турувчи сонсиз чегара сиртлар ҳам аҳамиятлидир. Шу сабабли ҳам цемент тоши ва бетон агрессив сувларнинг таъсирига чидамсиз ва ҳаводаги намнинг ўзгариб туришига сезгирдир.

Бетоннинг структураси (ички тузилиши). Бетоннинг кўзга кўринадиган йирик структураси иккى хил, яъни **конгломерат** ёки **ғовак шаклда** бўлиши мумкин.

Конгломерат шаклидаги бетон цемент воситасида бир-бири билан қаттиқ ёпишган майдо ва йирик тўлдирувчилардан иборатdir (17-расм). Ғовакли бетон диаметри 0,5–1 мм бўлган шар шаклидаги бўшлиқ (ғовак) лар жойлашган (18-расм) цемент қориши масидан иборат бўлади.

Цемент тошининг хоссалари билан унинг микроструктураси ўртасида ўзаро муносабат бўлгани каби, бетоннинг тузилиши ва структураси билан унинг физика-механик хоссалари ўртасида ҳам катта муносабат бордир. Бу қонуният барча хил бетонлар учун умумийдир.

Бетон структураси боғловчи модда билан тўлдирувчиларни аралаштириб сувда қоргандан кейин вужудга кела бошлайди ва унинг тугаши узоқ вақт давом этади. Бу даврда бетон ҳажмининг камайиш деформацияси содир бўлади. Деформация тўлдирувчиларда эмас, балки қотиб бораётган цемент тошида ҳосил бўлади. Бетон таркибидаги тўлдирувчилар инерт тўлдирувчилар бўлганлиги сабабли улар цемент тошида ҳосил бўладиган ҳажм камайиши деформациясига қаршилик кўрсатади. Натижада тўлдирувчиларни қоплаган цемент тошида чўэзилиш кучланиши ҳосил бўлади. Бу эса бетон ҳамда темир-бетон таркибидаги майдо ва йирик тўлдирувчиларни ҳамда арматурани цемент тоши билан ўзаро ёпишишига катта имкон беради.



a)



b)




c)

17-расм. Бетонлар:

а – цемент тоши ва йирик тўлдирувчилардан, *б* – цемент тоши, йирик ва майдо тўлдирувчилардан, *с* – цемент тоши ва ҳар хил йирик-лидаги тўлдирувчилардан тузилган бетон конгломерати.

Тажриба шуни күрсатади түлдирувчисиз қота бошлаган цемент тошининг ҳажм камайиши ҳар бир метр узунликка 3—4 *мм* га түғри келади. Аммо бетон ҳажмининг камайиши 0,1—0,3 *мм* дан ошмайди, чунки бетон таркибидаги майдада ва йирик түлдирувчилар ҳажм камайиши деформациясига қаршилик күрсатади. Түлдирувчилари бўлмаган ғовакли бетон ҳажмининг камайиши 0,5 *мм* дан 2 *мм* гача бўлиши мумкин.



18-расм. Ғовакли бетон.

Бетон ҳажмининг камайиш деформацияси натижасида, бир томондан, цемент тоши билан түлдирувчилар ва арматура ўзаро яхши ёпишса, иккинчи томондан, цемент тошидан ҳосил бўладиган чўзилиш кучланиши бетонда дарз ва ёриқлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Бетондаги ички кучланишлар ва ёриқлар температура деформацияси натижасида ҳам ҳосил бўлиши мумкин, чунки экзотермик ёки буғлаш камерасидаги иссиқлик билан қизиган бетон, бир текисда совумайди; дастлаб унинг сиртқи, сўнгра ички томонлари совуйди. Шунинг учун техника талабларига мувофиқ бетоннинг исиши ва совуши маълум режимда олиб борилиши лозим.

Бетоннинг зичлиги ва унинг сув билан иссиқни ўтказувчанилиги. Бетоннинг зичлиги, унинг ҳажми қаттиқ моддалар билан қанчалик тўлганлигини кўрсатади. Буни аниқлаш учун бетоннинг ҳажм оғирлигини солиштирма оғир-

лигига бўлиш керак. Кейинги вақтларда, бетон зичлигини аниқлашда янги методлардан фойдаланилмоқда. Ундаги бъзи бир бўшлиқлар гамма нурлари ёрдами билан, ғоваклар эса ультратовуш дефектоскоплар ёрдами билан аниқланмоқда.

Бетон зичлиги аниқланса, унинг қанчалик серғовак эканлигини билишга имкон туғилади. Серғоваклик даражаси эса бетоннинг асосий техник хоссаларини, яъни пишиқлик, совуққа чидамлилик, ўзидан сув ўтказмаслик, агресив сувларга чидамлилик, товуш ва иссиқни ўтказувчанилигини аниқлашга ёрдам беради.

Бироқ, фақатгина зичлик кўрсатгичи бетоннинг техник хоссалари ва структурасини тўла тасвир этолмайди. Шунинг учун бетон структурасига баҳо беришда ундаги ғовакларнинг катта-кичклиги, шакли ва бекиклик даражасига аҳамият бериш керак.

Бетондаги ғовакларни иккига, яъни очиқ ва ярим ёпиқ ғовакларга бўлиш мумкин. Бетондаги очиқ ғоваклар бир-бирларига қўшилган бўлиб, капилляр йўллар ҳосил қилган бўлади. Бинобарин бундай бетон, маълум босим остида, суюқликни ёки газни фильтрлаш хусусиятига эга бўлади. Ярим ёпиқ ғоваклар эса бир-бирларига қўшилмаган, ҳаво билан тўлган бўлади.


Ўзидан сув ўтказмайдиган бетон тайёрлаш учун қуидаги шартларга риоя қилиш керак:

- 1) цемент миқдори йирик ва майда тўлдирувчилар гранулометриясига мос бўлиши керак;

- 2) сув: цемент нисбати (B/C) кам бўлиб, бетон қориши маси қолинга электр вибраторлар ёрдами билан зич жойланиши керак;

- 3) бетон гидротация процесси узоқ давом этадиган оптимал шаронтда қотиши керак;

- 4) бетонни қоришда унга юзаси актив (масалан, сульфит спирт бардаси) моддалар қўшиш мумкин; бу моддалар бетоннинг сувга бўлган талабини камайтиради ва цемент тошининг структурасини ўзгартириб унинг сув ўтказмаслик хоссасини оширади.



19-расм. Бетон иссиқлик ўтказувчанилигининг ҳажмий оғирлигига боғлиқлиги.

Бетоннинг иссиқлик ўтказувчанлиги унинг ҳажм оғирлигига боғлиқ бўлиб *ккал/м соат град.* билан ўлчанади. Бетоннинг ҳажм оғирлиги қанча кўп бўлса, унинг иссиқлик ўтказувчанлиги шунча кўп, аksинча ҳажм оғирлиги қанча кам бўлса, иссиқлик ўтказувчанлиги ҳам шунча кам бўлади.

Бетоннинг ҳажм оғирлигига нисбатан унинг иссиқлик ўтказувчанлик даражаси 19-расмдаги графикда кўрсатилган.

Бетоннинг совуққа чидамлилиги. Бетондаги сув музлаганда унинг ҳажми 8—10% кенгаяди. Шунга кўра, музлаган бетон ғовакларининг деворчасига бўлган босим кўпаяди. Босимниг юқори-паст бўлиши ғоваклардаги сув миқдорига боғлиқдир. Агар ғоваклардаги сув 85—90% дан кам бўлса, музлаш таъсири бетонга деярли хавфли бўлмайди, ундан ортиқ бўлса музлаган сув цемент тошини ва умуман бетон структурасини бузади. Бетон конструкциясининг музлаши дастлаб унинг ташқи юзасидан бошланиб аста-секин унинг ички қисмига тарқалади. Термодиффузия қонунига биноан бетоннинг ички, иссиқ қатламларидаги нам ташқи, совуб, яхлаётган қатламларига қараб сурилади. Бу эса музлаётган қисмлардаги ғовакларнинг сувга тўйинишига имкон беради ва музлаган сувнинг ғовак деворчаларига бўлган босимини оширади.

Сувнинг музлаши ташқи температурага ҳам ғовакларнинг катта-кичиклигига боғлиқдир; музлаш дастлаб йирик, кейин майда ғовакларда бошланади. Бетоннинг иссиқ қатламларидан совуқ қатламларига нам сўрилиши тўхтагач ғоваклардаги музлаш процесси ҳам тўхтайди. Шундан кейин музлаш тўхтаган қатламдаги температура ташқаридаги температурага аста-секин тенглаша бошлайди. Тащқаридаги температура ошган сарн-бетон конструкцияси ҳам исиб, ғоваклардаги музлар эрий бошлайди. Муз эришидан ҳосил бўлган сув тескари йўналишга, яъни бетоннинг иссиқ қатламлари томон ҳаракат қиласиди.

Музлаш ва муздан тушиш процесслари бир неча марта тақрорланса бетон кўпроқ сув шимадиган бўлиб қолади ва структурасининг бузилиши тобора кучаяди. Структураси бузилган бетон ҳамма хоссаларини йўқотади.

Шундай қилиб, бетоннинг совуққа чидамли бўлиши унинг зичлигига, структурасига ва сувга тўйинганлик даражасига боғлиқдир. Ғовакларида капилляр йўллари бўлган бетон совуққа чидамсиз, ғоваклари бир-бирига қўшилмаган бетон эса, нисбатан совуққа чидамли деб ҳисобланади.

Оғир бетон ғоваклари капилляр йўллари билан боғланганлиги сабабли у совуққа чидамсиздир; енгил бетон ғоваклари бир-бирига қўшилмаганлиги учун у совуққа чидамли бўлиши мумкин. Шунга кўра бетоннинг совуққа чидамли ёки чидамсиз бўлиши ундаги ғовакларнинг ўлчамига, турига ва шаклига боғлиқдир.

Бундан ташқари, бетоннинг совуққа чидамли бўлиши унинг таркибидаги материалларнинг совуққа чидамли бўлишига ҳам боғлиқдир. Тажриба шуни кўрсатадики, трепел, диатомит каби минерал қўшимчалар бетоннинг сувга бўлган талабини оширади ва уни совуққа чидамсиз қиласди. Пуццолон портландцементдан тайёрланган бетон ҳам совуққа чидамсизроқ бўлади. Аммо бетонга сирти актив қўшимчалар қўшиш билан унинг совуққа чидамлилигими ошириш мумкин.

Бу қўшимчалар бетоннинг сувга бўлган дастлабки талабини пасайтиради ва цемент тоши структурасида ёпиқ микротоваклар ҳосил қилиб, бетоннинг совуққа чидамли бўлишини маълум даражада оширади.

Агресив сувлар ва газларниг бетонга таъсири. Цемент тошининг таркибида $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_5$, 20% гача эркин ҳолда кальций гидроксид ва кальцийнинг бошқа бирикмалари бўлиши бетонни кислотали ва ишқорли сувлар таъсирига чидамсиз қиласди.

Ўз таркибida ҳар хил кислота ва ишқор эритмалари бўлган ер ости сувлари, ботқоқ ер сувлари ва баъзи бир саноат корхоналаридан чиқадиган сувлар *агресив сувлар* деб аталади. Агресив сувлардаги эркин кислоталар бетоннинг таркибидаги кальций гидроксидга тегиши натижасида CaSO_4 , CaCl_2 ва бошқа шунга ўхшаш, сувда тез эрийдиган тузлар ҳосил бўлади. Агресив сувларниг бетонга узоқ таъсир қилиши натижасида унда ҳосил бўлган янги туз бирикмалари сувда эрийди ва бетон ичидан ювилиб чиқади. Натижада бетоннинг структураси бузилиб нураб кетади.

Бундан ташқари, минерал сувларниг бетонга тегиши фойда келтирмайди, чунки минерал сувлар бетонга тегиб цемент тошидаги $\text{Ca}(\text{OH})_2$, $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_5\cdot6\text{H}_2\text{O}$ билан минерал сувлардаги тузлар орасида алмашинув реакцияси вужудга келади. Бу реакция натижасида сувда тез эрийдиган янги бирикмалар ҳосил бўлади.

Масалан, сульфат тузининг таъсири натижасида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ нинг ўриига гипс ҳосил бўлади. Гипснинг кристалланиши ҳажм кенгайиши билан боғлиқдир. Бунинг натижасида ички кучланышлар ҳосил бўлиб бетон билан арматуранинг занглашига сабаб бўлувчи дарзлар пайдо бўлади. Айниқса гидросульфоалюминат кальций ($3\text{CaSO}_4\cdot3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_5\cdot3\text{OH}_2\text{O}$) ҳосил бўлиш даврида қотаётган цемент тошининг кўпроқ кенгайиши содир бўлади.

Бетон ҳаводаги нам ёки нордон газлар таъсири натижасида ҳам занглаши ёки емирилиши мумкин. Бетондаги сувнинг шимилиши ёки буғланиши унда ҳосил бўладиган ҳажм деформацияси, музлаш ва муздан тушиб процесслари, бетон таркибидаги сувнинг қўзғалиши, яъни диффузион процесслар ва ҳоказолар занглаш процессининг тезлашувига ёрдам беради.

Шунинг учун бетоннинг агрессив сув ва газларга бўлган чидамлилигини ошириш мақсадида тегишли боғловчи ҳам тўлдирувчи материалларни тўғри танлаш ва бетонни мумкин қадар зич ётқизиш керак. Бу тадбирлар арматурани занглашдан сақлаши ва бетон конструкцияларининг хизмат муддатини ошириши мумкин.

Бетоннинг ўтга ва иссиққа чидамлилиги. Бетон ўтга чидамли материаллар қаторига киради. Бетоннинг қисқа муддат таъсир этадиган ўтга бардош туриш хоссаси унинг ўтга чидамлилиги деб аталади.

Бетоннинг узоқ муддат ва доимий таъсир қиласидаган температурага, иссиқлик агрегатларининг таъсирига чидамлилиги унинг иссиққа чидамлилиги деб аталади. Темир-бетон конструкциясига юқори температуралари иссиқлик қисқа муддат таъсир қиласидаганда бетон ва арматура қаттиқ қизиб улгуролмайди. Аммо узоқ вақт ўтда қолиб қизиган бетонга совуқ сув сепишиш анча ҳавфлидир. Чунки, бундай бетонга совуқ сув сепилганда унда ёриқлар ва даралар пайдо бўлиши муқаррардир.

Бетон доимий таъсир қиласидаган 250° иссиққа чидамсиз бўлади. Чунки $250-300^{\circ}$ иссиқликда гидрат окис кальций бўлиниб цемент тошининг структураси бузилади. Температура 550° дан ошса кварц доналари ёрила бошлаб, цемент тоши бошқа модификацияга ўтади. Бу эса кварц доналарининг ҳажмини кенгайтириб цемент тошида микродарзлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Агар температура 550° дан ошик бўлса, бетон таркибидаги қўшилмалар ҳам ёрила бошлайди.

Бетон 1200° ва ундан ортиқ температурага чидамли бўлиши учун унга майда қилиб туйилган кремнезёмли ва алюмокремнезёмли қўшимчалар қўшиш керак бўлади. Ўтга ва иссиққа чидамли фишт майдаси, хромли темир тош, базальт, андезит, туф ва шуларга ўхшаш материалларни тўлдирувчилар сифатида ишлатиш мумкин.

1400° ли температурага чидай оладиган бетон глинозём цементи ва шамот ёки хромли темир тошдан тайёрланади.

Оғир бетоннинг сифати ГОСТ 6901-54 ва У-110-56 да кўрсатилган талабларга мос бўлиши керак. Бетон тегишли даражада пишиқ, қолипга ётқизишдан олдин қўзғалувчан, қолипда қотгандақ кейин зич ва арматура симлари билан яхши ёпишадиган бўлиши керак.

Бетон маркаси конструкциялар лойиҳасида кўрсатилган бўлади. Бетон маркасини аниқлаш учун, бетон қоришимасидан ўлчамлари $20 \times 20 \times 20$ см лиқ бетон кубиги ясалади. Бу кубик температураси $15-20^{\circ}$, намлик даражаси $95-100\%$ бўлган ҳавода 28 кун сақланади. Шундан кейин кубикни сиқилишга кўрсатган бардошлиги бетон пишиқлигини, яъни маркасини кўрсатади.

Бетоннинг 28 кундан кейинги пишиқлиги қўйидаги формулалардан топилади:

бетон қоришимасига оддий майда тош құшилғанда —

$$R_{28} = 0,5 R_u \left(\frac{U}{B} - 0,5 \right),$$

Бетон қоришимасига чақиртош құшилғанда —

$$R_{28} = 0,55 R_u \left(\frac{U}{B} - 0,5 \right),$$

бунда R_{28} — бетоннинг 28 кундан кейинги пишиқлиги ($\text{кг}/\text{см}^2$ ҳисобида);

R_u — цементнинг пишиқлиги ($\text{кг}/\text{см}^2$ ҳисобида);

$\frac{U}{B}$ — цемент билан сув нисбати.

Оғир бетон учун құйидаги маркалар қабул қилинган: 35, 50, 75, 100, 150, 200, 300, 400, 500 ва 600.

Бинонинг пойдевори учун маркаси 50—100 бұлған бетонлар ишлатилади. II ва III класс бино ва иншоотлар ҳамда устунлар учун ишлатиладиган бетон маркаси 75 дан кам бүлмаслиги керак. Бинонинг чүзіш күчи таъсир этадиган темир-бетон қисмлари учук камида 200 маркалы, күп қаватли биноларнинг катта оғирлик тушадиган темир-бетон устунлари учун 300, 400 маркалы бетон ишлатилиши лозим. Темир-бетондан ясаладиган хари, түсии ва плиталар учун, шунингдек йиғма темир-бетон конструкциялар учун маркаси 100 дан кам бүлмаган бетон ишлатилади.

Бино конструкциялари учун ишлатиладиган бетоннинг ҳисобланған пишиқлиги құйидаги жадвалда күрсатылған.


19-жадвал
Бетоннинг ҳисобланған пишиқлиги ($\text{кг}/\text{м}^2$)

Тартыб №	Бетоннинг кучланыши	Шартты белгілер	Бетон тәйёрланған рокта	Бетон маркаси									
				35	50	75	100	150	200	300	400	500	600
1	Үқи бүйін-ча сиқили-ши (призма пишиқлиги)	R_{up}	A	17	24	36	48	70	90	140	190	230	270
			B	15	22	33	44	65	80	130	170	210	250
2	Эгиш вак-тидаги си-қилиши	R_u	A	21	30	45	60	85	110	170	230	280	330
			B	19	27	41	55	80	100	160	210	260	310
3	Чүзилиши	R_p	A	2,2	2,7	3,6	4,5	5,8	7,2	10,5	12,5	14	15
			B	2	2,4	3,2	4	5,2	6,4	9,5	11	12,5	13,5

Еслатма. А — қаторида заводда, назорат остида тайёрланадиган бетоннинг ҳисобланған пишиқлиги берилған; Б — қаторида қурилиш майдонида тайёрланадиган бетоннинг ҳисобланған пишиқлиги берилған.

даражасыга қаралғанади. Бунинг учун қалинлиги 1 мм келадиган тунукадан учи кесик конус, яғни қолип ясалады (20-расм). Конуснинг иккى томони очиқ булиши шарт. У $70 \times 70 \text{ см}$ қилиб таърланған ва сиртига тунука қопланған тахта устига қўйилади. Конуснинг ичи ҳўлланади, сўнгра унга 10 см қалинликда бетон солиб узунлиги 70 см ва диаметри 15 см келадиган сим таёқ билан 25 марта шиббаланади. Конусга шундай қалинликда яна иккى қатлам бетон солинади. Бетонни шиббалаштганда конус педалини оёқ билан босиб туриш керак бўлади. Конус тўлгандан кейин унинг тепасидан чиқиб қолган бетонни сидириб ташланади ва конусни аста-секин юқорига кўтариб бетондан олинади. Конус олингандан кейин бетон юқоришима атрофга бир оз ёйнлади ва чўкади. Бетон-конусининг қанча чўкканлиги сантиметр даражаси бетоннинг қўзғалувчанлигини кўрсатади.


Бундан ташқари, бетон юқориши масининг қолипга жойлашувчанлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Унинг бу хусусиятини аниқлаш учун ўлчамлари $20 \times 20 \times 20 \text{ см}$ булган яшик ичига конус шаклидаги қолип қўйилади (21-расм). Яшик тебранма стол устига ўрнатилади, сўнгра ундан қолипга юқо-



20-расм. Бетоннинг чўкишини ўлчаш конуси.

ниг қанча чўкканлиги сантиметр даражаси бетоннинг қўзғалувчанлигини кўрсатади. Конуснинг ичи ҳўлланади, сўнгра унга 10 см қалинликда бетон солиб узунлиги 70 см ва диаметри 15 см келадиган сим таёқ билан 25 марта шиббаланади. Конусга шундай қалинликда яна иккى қатлам бетон солинади. Бетонни шиббалаштганда конус педалини оёқ билан босиб туриш керак бўлади. Конус тўлгандан кейин унинг тепасидан чиқиб қолган бетонни сидириб ташланади ва конусни аста-секин юқорига кўтариб бетондан олинади. Конус олингандан кейин бетон юқоришима атрофга бир оз ёйнлади ва чўкади. Бетон-конусининг қанча чўкканлиги сантиметр даражаси бетоннинг қўзғалувчанлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, бетон юқориши масининг қолипга жойлашувчанлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Унинг бу хусусиятини аниқлаш учун ўлчамлари $20 \times 20 \times 20 \text{ см}$ булган яшик ичига конус шаклидаги қолип қўйилади (21-расм). Яшик тебранма стол устига ўрнатилади, сўнгра ундан қолипга юқо-



21-расм. Бетон юқориши масининг қолипга жойлашувчанлигини тебранма стол ёрдами билан аниқлаш:
а — тебратишдан оддин; б — тебратилгандан кейин; 1 — конус (қолип); 2 — куб.

рида кўрсатилган тартибда бетон солинади. Конус бетондан олингандан кейин стол тебратилади. Стол билан бирга яшик

ҳам тебраниб, натижада унинг ичидаги бетоннинг юзаси текисланади. Шундан кейин тебратиш тұхтатилади. Тебратиш бошланғандан то бетон қолипга текис жойлашгунгача сарф этилган вақт (секунд ҳисобида) бетоннинг қолипга қулагай жойлашувланлигини күрсатади.

Бетоннинг чүкиш ва сув шимиш даражаси унга құшиладын цемент турига қараб ҳар хил бұлади. Бетон қоришимасининг құзғалувланлиги асосан унга құшиладын цемент турига ва сув миқдорига бөғлиқdir. Қориshmaga сув кеп құшилса, унинг құзғалувланлиги ортади, бироқ қоюрида айтилганидек, бетоннинг пишиқлиги камаяди. Тұлдирувчи материаллар жуда күп құшилса ёки улар йирик донали бұлса, бетон кам құзғалувланған болади. Қориshmанинг құзғалувланлиги тош тұлдирувчиларнинг шаклига, конструкцияларининг йүғон ва ингичкалигига, арматура симларининг зич ва сийрак үрнатилишига ва қориshmани қолипга қуиши, шаббалаш усуулларига қараб ҳам үзгәради. Масалан, думалоқ шаклдаги силлиқ тошлардан тай-ерланған бетон қирралы тошлар күшилған бетонга қараганда күпроқ құзғалувланған болади.

Қуйидаги жадвалда түрли конструкциялар учун ишлатыладын бетон қоришимасининг құзғалувланлигі түрлесінде маълумоттар берилген.

20 - жадвал

Түрли конструкциялар учун ишлатыладын бетон қоришимасининг құзғалувланлигі

Конструкцияларнинг түри	Бетон қоришимасинин күйиш усулі		
	тебратгич ишлатылғанда		тебратгич ишлатылғанда
	конуснинг чүкиши (см ҳисобида)	қолипга қулагай жойлашиши (сек. ҳисобида)	
1. Пойдевор, пол ва йүлкалар	1—2	35—25	2—3
2. Массив ва арматурасы сийрак жойлашған конструкциялар	2—4	25—15	3—6
3. Плита, түсін ва устүнлар	4—8	15—20	6—12
4. Арматура симлари зич жойлашған конструкциялар	8—10	10—5	12—16

Бетон қоришимасининг таркибини танлаш. Бетон қоришимаси материаллар (цемент, қум, тош) ның турига ва сифатига қараб маълум нисбатта тай-ерланади. Бу нисбат қори-

манинг пишиқлиги, құзғалувлычанлығи ва бошқа хусусиятларини таъмин этиши лозим. Одатда 1 м³ бетон қоришимасига сарф этиладиган материаллар миқдорини аниқлаш билан бетон қоришимасининг таркибини танланған бўлади.

Бетоннинг етарли даражада пишиқ бўлиши учун унга қўшиладиган сув: цемент нисбати (B/U) қўйидагича бўлади:

$$\frac{B}{U} = \frac{\kappa R_u}{R_{28} + 0,5 \kappa R_u},$$

бунда κ — коэффициенти;

R_u — цемент маркаси;

R_{28} — бетон маркаси.

Қоришимага оддий майдо тош қўшилганда n нинг қиммати 0,5 га, чақиртош қўшилганда эса 0,55 га тенг бўлади.

Қоришимага қўшиладиган қум билан майдо тош нисбати:

$$\frac{x}{y} = V_{\text{тош}} \frac{\gamma_k}{\gamma_{\text{тош}}} \alpha,$$

бунда x — 1 м³ бетонга қўшиладиган қум миқдори (кг ҳисобида);

y — 1 м³ бетонга қўшиладиган майдо тош миқдори (кг ҳисобида);


$V_{\text{тош}}$ — майдо тош доналари орасидаги бўшлиқ;

γ_k — қумнинг ҳажм оғирлиги;

$\gamma_{\text{тош}}$ — майдо тошнинг ҳажм оғирлиги;

α — майдо тош ораларидаги бўшлиқни қум билан тўлдириш коэффициенти цемент миқдорига боғлиқ.

1 м³ бетон қоришимасига қўшилган сув миқдори конуснинг чўкиш даражасига боғлиқ бўлиб у 22-расмда кўрсатилган грави-



22-расм. Бетон қоришимасига жетоғозган сув миқдори.

Тошининг йириклигиги: а — 10 см, б — 20 см, в — 40 см, г — 80 см.

фикдан топилади. Шундай эслятиб ўтиш керакки, бетон учун ишлатиладиган сув етарли даражада тоза, яъни унга туз, кислота ва органик моддалар қўшилмаган бўлиши шарт. Оқова ва минерал сувларда ҳар хил қўшилма ва эритмалар бўлгани сабабли бундай сувлар бетон сифатини бузади.

1 m^3 бетон тайёрлаш учун сарф этиладиган цемент миқдори қўйидаги формуладан топилади:

$$U = \frac{B}{B - \frac{B}{U}} (\text{кг}),$$

бунда B — сув миқдори (λ ҳисобида).

1 m^3 бетонга қум ва майдо тош қўшиш кераклигини топиш учун даставал цемент қоришимасининг, сўнгра тўлдирувчиларнинг ҳажми аниқланади. Цемент қоришимасининг ҳажми қўйидаги формуладан топилади:

$$V_{\text{ак}} = \frac{U}{\gamma_u} + B (\lambda),$$

бунда γ_u — цементнинг солиширима оғирлиги.

Тўлдирувчиларнинг ҳажми қўйидаги тенгламадан топилади:

$$V_{\text{түл}} = V_{\text{бет}} - V_{\text{ак}} (\lambda),$$

бунда $V_{\text{бет}}$ — 1 m^3 бетоннинг ҳажми (1000 латр).

Қум ва тош аралашмасининг солиширима оғирлиги (агар $X:Y$ нисбати 1:2 га тенг бўлса) қўйидагича ифодаланади:

$$V_{\text{кор}} = \frac{1}{1+2} \frac{V_{\text{ак}} + 2 V_{\text{тош}}}{1+2}.$$

1 m^3 бетон қоришимасига қўшиладиган тўлдирувчиларнинг умумий оғирлиги қўйидаги тенгламадан топилади:

$$G_{\text{түл}} \gamma_{\text{кор}} = X + Y (\text{кг}),$$

Бунда $G_{\text{түл}}$ — тўлдирувчиларнинг умумий оғирлиги;

X — қум;

Y — майдо тош.

1 m^3 бетон қоришимасига сарф этиладиган қум ва майдо тош миқдорлари қўйидаги формулалардан топилади:

$$\text{қум } X = \frac{G \cdot C}{1+C} (\text{кг}),$$

$$\text{майдо тош } Y = \frac{G}{1+C} (\text{кг}),$$

бунда C — қум билан майдо тош нисбати ($\frac{X}{Y}$) дир.

$$\gamma_{\text{бет}} = U + B + X + Y \text{ (кг/м}^3\text{)}$$

бұлади.

Тайёр бетон қоришмасынинг ҳажми билан уни тайёрлаш үчүн керак бўладиган материалларнинг ҳажми ўртасидаги нисбат бетоннинг чиқиши коэффициенти деяилади ва у β ҳарфи билан белгиланади. Бу коэффициент қўйидаги формуладан топилади:

$$\beta = \frac{V_{\text{бет}}}{\frac{U}{\gamma_u} + \frac{X}{\gamma_k} + \frac{Y}{\gamma_{\text{том}}}},$$

бунда $V_{\text{бет}}$ — тайёр бўлиб чиққан бетон ҳажми.

Одатда бетоннинг чиқиши коэффициенти 0,65 дан 0,72 гача бўлади. Қўйидаги жадвалда 1 м³ бетонга таҳминан сарф бўладиган цемент миқдори берилган.

21 - жадвал

1 м³ бетонга сарф бўладиган цемент миқдори
(кг ҳисобида)

Яхлит ёки йигма бетон конструкцияларнинг номерлари	Бетон маркаси (кг/см ²)	Цемент маркаси (кг/см ²)	Юпқа бўлмаган конструкциялар учун	Юпқа конструкция (плинта, труба ва ҳоказолар учун
Яхлит бетон ва термір-бетон конструкциялари	50	200	160	—
	75	300	180	—
	100	300	225	—
	150	300—400	250	280
	200	400—500	270	300
	300	500—600	320	350
Йигма бетон ва термір-бетон конструкциялари ва қисмлари	100	300	225	—
	150	300—400	280	—
	200	400—500	300	320
	300	500—600	370	380
	400	600	440	480
	500	600	—	560

Мисол. Маркаси 200 ва чўкиш даражаси 5—7 см бўлган бетон таркибини аниқлаш.

ҳажм оғирлиги 1,3, қумнинг солишири мағнит оғирлиги 2,05, ҳажм оғирлиги 1,5, ўртага йириклиги 0,4 мм . Майда тошнинг солишири мағнит оғирлиги 2,6, ҳажм оғирлиги 1,44, йириклиги 40 мм , оралигидаги бўшлиқ 0,45%.

Ечиш: дастлаб сув билан цементнинг нисбати (B/U) топилади (қоришмага қўшиладиган майда тош табиий ва силлиқ бўлгани учун $\kappa = 0,5$):

$$\frac{B}{U} = \frac{\kappa R_u}{R_{28} + 0,5 \kappa R_u} = \frac{0,5 \cdot 400}{200 + 0,5 \cdot 400} \approx 0,66.$$

Сўнгра қум билан майда тошнинг нисбати аниқланади:

$$\frac{X}{Y} = V_{\text{тош}} \frac{\gamma_k}{\gamma_{\text{тош}}} \alpha = 0,45 \cdot \frac{1,5}{1,44} \cdot 1,1 = 0,51.$$

Бунда қумнинг оғирлиги 1 бўлса, майда тошнинг оғирлиги 1:0,51 = 1,96 бўлади.

1 м^3 бетон қоришмаси учун ишлатиладиган материаллар миқдори қуйидаги усул билан топилади:

1) 22-расмдаги графикда кўрсатилишича сув (B) миқдори 180 л га тенг бўлади;

2) цемент

$$U = \frac{B}{\frac{B}{U} - 0,66} = \frac{180}{0,66} = 272 \text{ кг}.$$

Қум ва майда тош миқдорини аниқлаш учун цемент қоришмасининг ҳажмини ҳамда тўлдирувчиларнинг ҳажми ва солишири мағнит оғирлигини топиш керак.

Цемент қоришмасининг ҳажми:

$$V_{\text{ц.к.}} = \frac{U}{\gamma_u} + B = \frac{272}{3,1} + 180 = 268 \text{ л.}$$

Тўлдирувчиларнинг ҳажми:

$$V_{\text{тўл}} = V_{\text{бет}} - V_{\text{ц.к.}} = 1000 - 268 = 732 \text{ л.}$$

Тўлдирувчиларнинг солишири мағнит оғирлиги:

$$\gamma_{\text{кор}} = \frac{2,63 + 1,96 \cdot 2,60}{2,96} = 2,61 \text{ кг/л.}$$

Тўлдирувчиларнинг умумий оғирлиги:

$$G = V_{\text{тўл}} \cdot V_{\text{кор}} = 732 \cdot 2,61 = 1910 \text{ кг},$$

шу жумладан, қумнинг оғирлиги —

$$X = \frac{G \cdot C}{1+C} = \frac{1910 \cdot 0,51}{1+0,51} = 645 \text{ кг}$$

$$y = \frac{G}{1+C} = \frac{1910}{1+0,51} = 1265 \text{ кг}$$

бұлади.

Бетон қориши масасыннинг номинал таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

Цемент	272 кг
Кум	645 кг
Майда тош	1265 кг
Сув	180 кг
Хаммаси бўлиб . . .	2362 кг

Бетоннинг чиқиш коэффициенти

$$\beta = \frac{1000}{\frac{272}{1,3} + \frac{645}{1,5} + \frac{1265}{1,44}} = 0,66 \text{ м}^3.$$

Демак, 1 м³ бетон тайёрлаш учун олинган 2362 кг материалдан 0,66 м³ қориши мақсади. Тайёр бетон қориши масасыннинг чиқиш даражаси 5 - 7 см дан ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмаслиги лозим. Агар бетоннинг чиқиш даражаси 3 ёки 4 см бўлса, унга яна қўшимча равишида 10% цемент ва 10% сув қўшилади.

Одатда, қурилиш майдонига келтириладиган тош, қум ва шағал маълум намликка эга бўлганликлари сабабли қориши мага қўшиладиган сув миқдорини аниқлашда бу намликни ҳисобга олишга тўғри келади. Масалан, қумнинг намлик даражаси 3% ва тошнинг намлик даражаси 1% бўлганда 1 м³ бетон қориши масини тайёрлаш учун олинган 645 кг қумдаги нам (сув) (645 × 0,03) 19,35 кг ни, 1265 кг тошдаги нам эса (1265 × 0,001) 12,65 кг ни ташкил этади. Демак 1 м³ бетон қориши масига қўшиладиган бу икки тўлдирувчидаги 32 кг сув бўлар экан. Бетон қориши масидаги сув билан цементнинг нисбати ўзгармаслиги, бинобарин, бетон етарли даражада пишиқ бўлиши учун, қориши мага қўшиладиган сув миқдорини шунга яраша камайтириш керак бўлади. Юқорида айтилганларни ҳисобга олинганда 1 м³ қориши масиниң таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

Цемент	272 кг
Кум	645 + 19,0 = 664 кг
Майда тош	1265 + 13,0 = 1278 кг
Сув	180 - 32 = 148 кг.

Бунда бетоннинг чиқиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{1000}{\frac{272}{1,3} + \frac{664}{1,42} + \frac{1278}{1,48}} = 0,65.$$

Бетон таркиби қуйидаги нисбатда белгиланиши мумкин:

$$\frac{272}{272} \frac{664}{272} \frac{1278}{272} \text{ ёки } C : K : T = 1 : 2,34 : 4,70$$

Бу нисбат бетоннинг номинал таркиби деб аталади. Шу таркибга асосан бетон қорувчи машиналарда бир йўла қоришма тайёрлаш учун сарф бўладиган материалларнинг миқдори аниқланади.

Таркибӣ аниқланган бетон тайёрлангандан кейин ундан на- муна олиб лабораторияда текширилади.

Йирик ғовакли бетон. Бу бетон оғир бетоннинг бир тури ҳисобланиб, унда таркибига майдо тўлдирувчилар қўшилмаслиги билан фарқ қиласди. Кум қўшилмаган бетоннинг ҳажми оғирлиги бирмунча камаяди. Кейинги вақтларда турар жой ва бошқа ёрдамчи бино деворлари учун харсангтош ёки оддий оғир бетон ўрнига қум қўшмай тайёрланган йирик ғовакли бетон ишлатилмоқда. Агар оғир ёки енгил бетондан блоклар тайёрлашда 1 m^3 бетон қоришмаси учун ўрта ҳисоб билан 200—250 kg цемент керак бўлса, йирик ғовакли бетон тайёрлашда 70—140 kg цемент сарф бўлади, холос. Йирик ғовакли бетондан қилинган девор блокларининг пишиқлиги 15 дан 50 kg/cm^2 гача бўлади.

Кейинги вақтларда Тошкент, Олмалиқ ва бошқа бир қанча саноат шаҳарларида турар жой бино деворлари қум қўшилмаган ғовак бетон блоклардан қурилмоқда. Оддий бетон қоришмасига қум ишлатилганда, бетоннинг зичлиги ва оғирлиги ортади ва иссиқлик сақлаш хусусияти сусаяди. Бундан ташқари, бетонга қўшилган қум ортиқча цемент талаб қиласди. Йирик ғовакли бетон қоришмасини тайёрлашда қум ишлатилмайди; бунда майдо тош ёки чақиртошларни бир-бирларига ёпиштириш учун керак бўладиган миқдорда цемент қўшилади, холос.

Профессор Б. Г. Скрамтаев йирик ғовакли бетон таркибини белгилашда қўйидаги қоидани тавсия қиласди: қоришмада цемент билан тош нисбати 1:10 бўлганда ҳар 1 m^3 бетон қоришмаси учун 130 kg , нисбати 1:12 бўлганда 110 kg , нисбати 1:15 бўлганда 90 kg ва нисбати 1:20 бўлганда 70 kg цемент керак бўлади.

Бинокорликда қўлланиладиган йирик ғовакли бетон қоришмасининг таркиби кўпинча 1:10; 1:12; 1:15 ва ҳажми оғирлиги 1600—1950 kg/m^3 бўлади. Агар йирик ғовакли бетон қоришмасига енгил тўлдирувчи, масалан, керамзит қўшилса, бетоннинг ҳажми оғирлиги 600—700 kg/m^3 гача камаяди.

Йирик ғовакли бетоннинг пишиқлиги сув билан цемент нисбати (B/C) га ҳам боғлиқдир. Агар сув ҳисобланган миқдордан кўп қўшилса, цемент бўтқаси тош ораларидан оқиб кетади, бундай бетон деярли пишиқ бўлмайди. Аксинча, агар сув ҳисобланган миқдордан кам қўшилса, қоришма жуда қуюқ бўлиб, бетон тегишли пишиқликда қота олмайди. Бундан ташқари, қуюқ бетон қолипга ёмон жойлашади. Шу сабабли қоришма тайёрлашда цемент:сув нисбатининг тўғри олинниши жуда катта аҳамиятга эгадир. Йирик ғовакли бетоннинг пишиқлигини аниқлаш учун оғир бетон пишиқлигини аниқлаш усулидан фой-

даланилади. Енгил түлдирувчилар (масалан, керамзит)дан тайёрланган Йирик ғовакли бетоннинг ҳажм оғирлиги 500—600 кг/м³ булиб, пишиқлиги 25—30 кг/см² га тенгdir.

22 - жадвал

Йирик ғовакли бетон таркиби ва пишиқлигининг кўрсаткичлари

Цемент билан тош нисбати	Сув: цемент нисбати (B/L)	1 м ³ бетонга сарф этиладиган цемент миқдори (кг ҳисобида)	Бетоннинг ҳажм оғирлиги (кг/м ³ ҳисобида)	Бетоннинг чиқиц коэффициенти	Бетоннинг сикилишга кўрсатган чидамлилиги (кг/см ²)	
					7 кундан кейин	28 кундан кейин
400 маркали цемент ишлатилганда						
1:10	0,52	130	1950	0,88	35	50
1:12	0,55	110	1900	0,88	25	35
1:15	0,60	90	1850	0,90	15	25
1:20	0,65	70	1800	0,90	11	15
300 маркали цемент ишлатилганда						
1:8	0,50	150	1950	0,87	35	50
1:10	0,52	130	1900	0,88	25	35
1:12	0,55	110	1850	0,88	15	25
1:15	0,60	90	1900	0,88	11	15
200 маркали цемент ишлатилганда						
1:8	0,50	150	1950	0,87	15	25
1:10	0,52	130	1900	0,88	11	15

Йирик ғовакли бетон қоришимасининг таркибини аниқлаш учун юқоридаги жадвалдан фойдаланиб бетон ва цемент маркаларига тўғри келадиган цемент миқдори ва сув:цемент нисбати топилади. Шу билан бирга бетоннинг ҳажм оғирлиги ва чиқиш коэффициенти ҳам аниқланади. Жадвалдан аниқланган бетон таркибидан ташқари ундан сув:цемент нисбати (B/L) $\pm 0,05$ фарқ қиласидиган яна икки хил таркиб қабул қилинади. Қабул қилинган таркиблар бўйича уч хил бетон қоришимаси тайёрланади; улардан олинган намуна (кубик) ларни 7 ва 28 кун сақлангандан сўнг прессда текшириб бетоннинг пишиқлиги аниқланади. Шундан кейин сув:цемент нисбати қатъий қабул қилинади. 1 м³ бетонга сарф бўладиган материалларнинг аниқ миқдорини топиш учун бетон қоришимасининг ҳақиқий ҳажм оғирлигини аниқлаш керак бўлади. Бунинг учун юқорида айтил-

¹ Йирик ғовакли бетон тайёрлаш учун қўлланма.

ган уч хил таркибдаги бетон қориши масини ҳажми маълум бўлган идишга солиб тортиб кўрилади. Бетоннинг ҳажми оғирлиги аниқлангандан кейин унга сарф бўладиган материаллар миқдорини 22-жадвалдан топилади.

Енгил бетон. Боеловчи моддалар, сув ва енгил тўлдирувчилардан тайёрланган бетонни *енгил бетон* дейилади. Енгил бетон қўшиладиган тўлдирувчи материалларнинг номи билан айтилади. Масалан, агар тўлдирувчи шлак бўлса *шлак-бетон*, керамзит бўлса *керамзит-бетон* дейилади. Ҳозирги вақтда бинокорлик ишлари индустралаптирилмоқда, яъни бинонинг йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари маҳсус заводда тайёрланиб, қурилиш майдонида улар фақат монтаж қилинмоқда. Бу усул бинокорликда йирик йиғма темир-бетон конструкцияларни кенг миқёсда ишлатишга ва уларнинг таниархини камайтиришга, меҳнат унумини оширишга имкон беради. Янги бинокорлик материаллари базасили ташкил этиш ва маҳаллий материаллардан енгил йиғма темир-бетон конструкциялар тайёрлаш, бинокорлик ишларини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон территориясининг кўпроқ қисми актив зилзила зонаси дадир. Бинокорлик материаллари қанча оғир бўлса, улар зилзила вақтида шунча кўп шикастланади. Шунинг учун биноларнинг зилзиладан шикастланишини камайтириш мақсадидан уларни мумкин қадар енгил материаллардан қуриш зарур бўлади.

Бинолар учун ишлатиладиган енгил бетон маркаси ва ҳажм оғирлиги бинонинг турига қараб танланади.

23 - жадвал

Бино конструкцияларида ишлатиладиган енгил бетонлар маркаси ва ҳажм оғирлиги

Бетоннинг ишлатилиши	Маркаси ($\text{кг}/\text{см}^2$ хисобида)	Ҳажм оғирлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$ хисобида)
Иссиқликни сақлаш учун	15; 25	600—1000
Девор блоклари учун	35; 50; 75	1400
Нагрузка кўтарувчи теснир-бетон конструкциялар учун	100; 150; 200	1800

Ўзбекистон шароитида бинокорлик учун ишлатиладиган йирик йиғма темир-бетон конструкцияларни, асосан, енгил бетонидан тайёрлаш кўзда тутилади.

Бироқ Ўзбекистонда енгил бетон қориши масига қўшиладиган тўлдирувчи материалларнинг запаси ҳали етарли даражада аниқланмаган. Шу сабабли енгил бетонга ҳозирча керамзит, шлак ва шў каби сунъий тўлдирувчилар қўшилади.

бетонга қараганда тахминан 40—60% енгил бўлади. Деворга, ғишт ўрнига, енгил бетон блоклари ишлатилганда деворининг оғирлиги тахминан 2—2,5 баравар камаяди. Том ва девор конструкциялари қанча енгил бўлса, бинонинг пойдевори шунчак ихчам бўлиб чиқади. Енгил бетон етарли даражада пишиқ бўлиши билан бирга иссиқни сақлаш хусусиятига ҳам эгадир. Унинг бу хусусиятлари темир ва ёғоч етишмайдиган районларда ва ҳамма бинокорлик материаллари базасидан узоқда жойлашган қишлоқ қурилишларида енгил бетонни муваффақиятли ишлатишга имкон беради.

Енгил бетоннинг пишиқлиги унга қўшиладиган боғловчи модданинг пишиқлигига, цемент сув нисбатига, қотиш муддати ва шароитига ҳамда говакли тўлдирувчининг пухталигига боғлиқдир. Оғир бетонга қўшиладиган майда тош ва чақиртошларнинг пишиқлиги бетон пишиқлигидан ортиқ бўлади. Аксинча, енгил бетондаги тўлдирувчиларнинг пишиқлиги бетоннинг пишиқлигидан кам бўлади. Шунинг учун енгил бетон пишиқлигини аниқловчи тўлдирувчиларнинг пишиқлиги асосий факторлардан бирин бўлиб ҳисобланади.

Енгил бетон учун шу нарса характерлики, унда тўлдирувчилар билан цемент тоши тишланиб бирикниш ҳосил қиласди. Енгил бетон қоришимасидан олинган намуна кубикни прессда сиқилганда цемент тоши билан тўлдирувчилар ёпишган сатҳи бўйлаб эмас, балки цемент тоши ёки тўлдирувчи материал масалан, керамзит бўйлаб сиқилиб емирила бошлайди. Оғир бетонда эса тўлдирувчи, масалан, тош силлиқ бўлгани учун, кубикнинг ёрилниб емирилиши тўлдирувчи билан цемент тоши бириккан сатҳ бўйлаб содир бўлади. Керамзит, оҳактош ва гранит тошларини бетонда цемент тоши билан бирикниш зонаси (контакти) 23, 24 ва 25-расмларда кўрсатилган. Бунда цемент тоши керамзит билан оҳактош ва гранитга қараганда яхшироқ бирикканлигини кўриш мумкин. Бу, албатта керамзит-бетон пишиқлигига яхши таъсир кўрсатади. Нормал таркибда қорилган енгил бетоннинг пишиқлиги қўйидаги формуласардан тошилади:

$$R_{28} = 0,25 R_u \left(\frac{U}{B} - 0,15 \right) \text{ (пемзо-бетон учун),}$$

$$R_{28} = 0,4 R_u \left(\frac{U}{B} - 0,25 \right) \text{ (керамзит-бетон учун),}$$


бунида R_u — цементнинг пишиқлиги;

$\frac{U}{B}$ — цемент сув нисбати.

Енгил бетон қўйидаги саккиз маркага бўлинади: 15; 25; 35; 50; 75; 100; 150 ва 200. Бетоннинг маркаси паст бўлса ҳажм



23-расм. Керамзит билан цемент тошининг бирикниш зонаси.



24-расм. Оҳактош билан цемент тошининг бирикниш зонаси.



25-расм. Гранит билан цемент тошининг бирикниш зонаси.

оғирлиги оз, аксинча маркаси юқори бўлса ҳажм оғирлиги кўп бўлади. Шунинг учун енгил бетоннинг маркаси конструкцияларнинг иш бажаришига қараб танланади.

Енгил бетон қориши масининг қўзгалувчанлиги, қолилга пухта жойланиши (консистенцияси) ва маркасини аниқлаш усуллари оғир бетонникига ўхшашиб. Шуни ҳам уқтириб ўтиш керакки, енгил бетон бинодарнинг фақат ер юзасидаги қисмигина ишлатилади.

300 маркали цемент қўлланганда 1 м^3 шлак бетонга сарф этиладиган цемент миқдори таҳминан қўйидагича бўлиши мумкин.

35	маркали	бетон	учун	— 125	даи	180	кг	гача
50	:	:	:	— 155	:	200	кг	:
75	:	:	:	— 185	:	255	кг	:
100	:	:	:	— 225	:	270	кг	:

Агар цементнинг маркаси 200 бўлса унинг миқдори юқорида кўрсатилганга қараганда 20% ортиқ олиниади.

24 - жадвал

Керамзит-бетон қоришинасига қўшиладиган материаллар миқдори

Тайёр бетоннинг ишлатиладиган ўрни	1 м ³ бетон қоришинаси учун сарф этиладиган материаллар			Тайёр бетон		
	тўлди-рувчилар (м ³ хисобида)	400 маркали цемент (кг хисобида)	сув (л хисобида)	ҳажм оғирлиги (кг/м ³ хисобида)	маркаси (кг/см ² хисобида)	чиқиш коэффициенти
Бинодаги иссиқликни сақлаб қоладиган конструкцияларни тайёрлаш учун . . .	1,32 1,37	80 100	70 90	650 750	15 25	0,64 0,62
Ташқи де-ворлар учун . . .	1,22 1,27	80 255	80 145	750 900	35 75	0,65 0,60
Энг ўғлигирлик тушадиган конструкцияларни тайёрлаш учун . . .	1,27 1,32	210 255	185 195	1300 1450	100 150	0,49 0,44

Эслатма. Жадвалда йирик-майдавиги 20 мм гача бўлган тўлдирувчилар миқдори кўрсатилган. Керамзитни бетон қоришинаса қўшилганда у сувни кўп шимади, шунга кўра, цемент ҳам кўп сарф бўлади.

Фовакли бетон. Бу бетоннинг ҳажм оғирлиги юқорида таърифланган бетонларга қараганда анча енгил бўлиб, катта-кичиклиги 1—1,5 мм келадиган бир меёрдаги фовакларининг бўлиши билан характерланади. Фовакли бетоннинг таркибида йирик тўлдирувчилар бўлмайди. Ҳаво билан тўлган фовакларнинг умумий ҳажми бетон ҳажмининг 50—80% ни ташкил қиласди. Фовакли бетон иккига бўлинади: а) фақат иссиқликни ўтказмаслик учун қўлланадиган (термоизоляцион) бетон, б) нагрузка кўтарувчи конструктив бетонга бўлинади. Термоизоляцион бетоннинг ҳажм оғирлиги 600 кг/м³ дан кам бўлади: иссиқни ўтказиш коэффициенти 0,125—0,150 ккал/м соат град. дан ортиқ бўлмайди; пишиқлик даражасига қараб 5, 10, 15 маркали термоизоляцион бетонга бўлинади. Фовакли конструктив

бетоннинг ҳажм оғирлиги 600 дан 1200 кг/м³ гача, иссиқни үтказиш коэффициенти, 0,15 дан 0,35 ккал/м соат град. гача бўлади; у 25, 50, 75, 100 ва 150 маркали ғовакли конструктив бетонга бўлинади.

Ғовакли бетон ҳавода, буғда ва автоклавда қотиши мумкин.

Ҳавода қотиши термоизоляцион бетонга, буғда ва автоклавда қотиши эса конструктив бетонга хосдир.

Тайёрлаш усулига қараб ғовакли бетон иккига бўлинади: 1) кўпик-бетон, 2) газ-бетон.

Кўпик-бетон. Боғловчи модда бўтқасини маҳсус әмулсиядан тайёрланган кўпикка қўшиб қоришидан кўпик-бетон ҳосил бўлади. Баъзан боғловчи модда бўтқасига майдо донали тўлдирувчи ҳам қўшиш мумкин.

Кўпик-бетонга қўшиладиган боғловчи моддалар сифатида 400—500 маркали портландцемент, ўчирилмаган оҳак ва гипс ишлатиш мумкин. Бунда оҳак II сортдан иштаб бўлмаслиги ва туйилган бўлиши керак. Оҳак қўшилган кўпик-бетонни *пено-силикат*, гипс қўшилганни эса *пеногипс* деб аталади.

Кўпик-бетон тайёрлашда боғловчига қўшиладиган тўлдирувчи сифатида майдо кварц қуми, нордон домна шлаки, кўмир кули ва бошқа шуларга ўхшаш материаллар ишлатилиши мумкин.

Кўпикни эса етмакдан, канифоль билан елимдан ва ГК (гидролизланган қон) дан тайёрлаш мумкин. Ҳажм оғирлиги 600—800 кг/м³ бўлган 1 м³ кўпик-бетонни тайёрлаш учун 0,6—0,8 кг етмак сарф бўлади. Етмакдан тайёрланган кўпик канифоль билан елимдан ёки ГК дан тайёрланган кўпикка нисбатан сифатлироқ бўлади, чунки етмакдан тайёрланган кўпик анча майдо, структураси бир хил ва тургуноқдори.

1 м³ кўпик-бетон тайёрлаш учун 75—100 г елим, 60—80 г канифоль ва 15—20 г ўювчи натрий сарф бўлади. Агарда кў-

25-жадвал

1 м³ кўпик-бетонга сарф бўладиган сув ва кўпик ҳосил қиливчи материаллар конструкциясининг миқдори

Кўпик-бетоннинг ҳажм оғирлиги, (кг/м ³ ҳисобида)	Сув (л ҳисобида)	Елим ва канифоль концентрацияси (л ҳисобида)	Сув (л ҳисобида)	Етмак концентрацияси (л ҳисобида)	Сув (л ҳисобида)	ГК концентрацияси (л ҳисобида)
400	25	4,2—4,6	45	9,0—10,0	25	2,6—3,0
600	25	3,8—4,2	45	8,0—9,0	25	2,0—2,4
800	25	3,4—3,8	45	6,7—7,0	25	1,4—1,8
1000	25	3,0—3,4	45	5,0—6,0	25	0,8—1,2
1200	25	2,6—3,0	45	4,0—5,0	25	0,2—0,6

дан таңерланса, оунинг учун 1,5—2,5 кг гидролизланган қон сарф бўлади. Гидролизланган қонни гўшт комбинатлари ва күшхоналарда тайёрланади.

Кўпик-бетоннинг таркиби унинг ҳажм оғирлиги ва талаб қилинадиган пишиқлигига қараб белгиланади. Бунинг учун 25-жадвалдан фойдаланиб 1 м³ кўпик-бетонга тахминан сарф бўладиган сув ва кўпик ҳосил қилувчи материаллар конструкциясининг миқдорини топилади. Сунгра турли ҳажм оғирлигидаги кўпик-бетон учун уч хил (кўпик ҳосил қилувчи материал миқдорини ўзгартиб) кўпик намунаси тайёрланади. Ҳар қайси кўпик намунасининг тургунлиги, структураси ва бошқа хоссалирини текшириб, кўпик ҳосил қилувчи материалнинг оптимал миқдори белгиланади.

Боғловчи модда билан қум нисбати бетоннинг ҳажм оғирлигига қараб қабул қилинади, масалан,


кўпик-бетоннинг ҳажм оғирлиги 400 кг/м ³	бўлса	бу нисбат 1:0,6	дан 1:0,8	гача
"	600	"	1:0,8	1:1,3
"	800	"	1:1,5	1:2,0
"	100	"	1:2,8	1:3,4

олиниши мумкин.

Керак бўлган бетон таркиби ва сув: цемент нисбати тажриба йўли билан аниқланади.

Газ-бетоннинг кўпик-бетондан фарқи шуки, унга кўпик ҳосил қилувчи материаллар ўрнига газ ҳосил қилувчи материаллар қўшиб қорилади. Газ-бетондаги ғовакли структура химиявий реакция натижасида ҳосил бўладиган газ пуфакчалири асосида вужудга келади. Газ-бетоннинг афзаллиги шундаки, унинг қоришмасини тайёрлаш технологияси оддийdir. Шунинг учун мамлакатимизда газ-бетондан бинокорлик материали сифатида фойдаланиш яқин йилларда кенг йўлга қўйилади.

Алюминий ва сўндирилмаган оҳак кукуни газ-бетон тайёрлаш учун газ ҳосил қилувчи материал ҳисобланади. Агар боғловчи модда цемент бўлмасдан оҳак бўлса, бетон қоришмасига оҳак кукуни қўшилмайди. Газ ҳосил қилиш процесси кальций гидроксид билан алюминий ўртасида бўладиган химиявий реакция натижасида вужудга келади:



Бунда кўпроқ газ ҳосил қилиш учун мумкин қадар майдатайилган алюминий кукуни ишлатилади. Жуда майдатайилган 1 кг алюминий кукуни 1240 м³ газ ҳосил қиласи.

Бетон қоришмасини қолипга солингандан кейин 10—15 минут ўтгач, газ ҳосил бўлиш процесси бошланиб бу ироцесс 20 минутдан ортиқ давом этади. Қолипга солинган бетон қоришмаси газ ҳосил бўлиш давридагина эмас, балки газ-бетон

структурасы үмкүрдің көли, қоришижаппі қотыш өзін заман бұлғунча құзғатылмаслығы керак.

Газли гипс-бетон (газогипс) тайёрлаш учун газ ҳосил қилювчи материал сифатыда хлорид кислота ва натрий бикарбонатдан фойдаланып мүмкін. Булар сув иштирокида CO_2 газини чиқазиши қуйидаги тенгламада күрсатылған:



26-жадвалдан 1 m^3 газ-бетон тайёрлаш учун сарф бұладиган материаллар миқдорини анықлаш мүмкін.

26 - жадвал

1 m^3 газ-бетонга сарф бұладиган материаллар миқдори (kg ҳисобида)

Материалларнинг номи	Цементтін газ-бетон үчүн	Оңакты газ-бетон (газосиликат үчүн)
Портландцемент	300	—
Түйнліган, сүндирілмаган оңак	—	270
Түйнліган құм	330	360
Түйнлімаган құм	270	270
Алюминий күкүні	0,400	0,350
Сув	405	450

Жадвалда берилған материалларнинг миқдори ҳажм оғирлиги 900—970 kg/m^3 бўлған газ-бетонга түғри келади. Бошқа ҳажм оғирлигидаги газ-бетон тайёрлаш учун сарф бұладиган материаллар миқдорини тажриба йўли билан аниқлаш мүмкін.

2 тиес. § 7. ИССИҚ ҮТКАЗМАЙДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

Иссик үтказмайдиган материаллар хом ашё турига қараб *анорганик* ва *органик материалларга* бўлинади. Булардан ташқари анорганик ва органик хом ашёлар құшилмасидан тайёрланадиган иссиқ үтказмайдиган материаллар ҳам бўлади.

Анорганик материалларга минерал ва шиша пахта, говак бетон, кўпик шиша ва шунга ўхшашлар киради. Органик материалларга ёғоч толаси, ёғоч қириндиси, пўқак плиталар, похол плита, қамиш плита ва газ билан тўлған пластмассалар киради. Ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида иссиқ үтказмайдиган органик материаллар ҳосил қилинади.

Аралаш материалларга ёғоч жуни, фибролит ҳамда мишелал толалар билан органик бօғловчилардан тайёрланадиган маҳсулотлар киради.

Анорганик материаллар иссиқ үтказмайдыган органик материалларга нисбатан пишироқ, иссиққа ва сувга чидамлироқдир.

Анорганик материалларнинг тузилиши толали, ғовак ёки, дона-дона бўлади. Органик материаллар (газ билан тўлган пластмассадан бошқалари) фақат толали бўлади. Газ билан тўлган пластмассалар эса ғовакдир. Юқорида кўрсатилган материалларни иссиқ үтказиш коэффициенти (λ) га қараб беш группага бўлиш мумкин:

I	—	группа учун	$\lambda = 0,03 \text{ ккал}/\text{м соат град. дан кам}$
II	—	—	$0,03 \text{ дан } 0,06 \text{ ккал}/\text{м соат град. гача,}$
III	—	—	$0,07 \text{ : } 0,10 \text{ : } \dots \text{ : } \dots \text{ : } \dots$
IV	—	—	$0,11 \text{ : } 0,15 \text{ : } \dots \text{ : } \dots \text{ : } \dots$
V	—	—	$0,16 \text{ : } 0,25 \text{ : } \dots \text{ : } \dots \text{ : } \dots \text{ гача}$

бўлади.

Иссиқ үтказмайдыган қуруқ материалнинг ҳажм оғирлиги унинг маркасини кўрсатади. Масалан, $400 \text{ кг}/\text{м}^3$ ҳажм оғирлигига эга бўлган қуруқ материалнинг маркаси 400 ҳисобланади. Нормага асосан иссиқ үтказмайдыган материаллар қўйидаги маркаларга бўлинади: 25; 50; 75; 100; 125; 150; 200; 250; 300; 350; 400; 450; 500; 550; 600; 700; 800; 900 ва 1000.

Иссиқ үтказмайдыган материаллар **донали** ва **сочилиувчан** материалларга бўлинади.

Донали материаллар ўз навбатида қаттиқ плиталар (такталар, блоклар, цилиндрик қобиқлар) ва эгилувчи маҳсулотлар (китиз, тўшак, рулоң материаллар) га бўлинади.

Сочилиувчан материаллар ҳар хил усул билан майдаланган минерал ёки органик моддалар кукунининг аралашмасидан ҳосил бўлади. Металлургия ва ёқилғи шлаклари, ёғоч қипиги, торф ушоқлари сочилиувчан материаллардандир.

Қуруқ сочилиувчан материаллар девор ва қаватлар орасига солинади.

Донали материаллар заводларда тайёрланади. Уларнинг сифати ГОСТ ва тегишли техника талаблари асосида текширилади.

Иссиқ үтказмайдыган анорганик материаллар. 1. Минерал пахта ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар. Минерал пахта баъзи тоғ жинслари ва металлургия шлакларидан ишлаб чиқарилади. У формасиз масса шаклида ва ҳар турли маҳсулотлар (китиз, эластик плита, ярим цилиндрик қобиқ) шаклида бўлади.

Минерал пахта 95—96% ҳаво бўшлиқларидан ва 4—5% пахта толаларидан иборатdir. Минерал пахта толаларининг йўғонлиги унинг иссиқ үтказиш хоссасига таъсир қилади.

Заводларда ишлаб чиқарилаётган минерал пахталарда диаметри 7 μm дан кам бўлган толалар 80—90% ни ташкил қилади. Толаларининг узуклиги 2 дан 10 мм гача бўлган мине-

рал пахтанинг ҳажм оғирлиги 70 дан эш кг/м³ гача өулиши мумкин. Ҳажм оғирлиги 125 кг/м³ бўлган пахтанинг иссиқ ўтказиш коэффициенти минимал коэффициент ҳисобланади. Агар минерал пахтанинг ҳажм оғирлиги 125 кг/м³ дан енгил келса, конвекциянинг кучайиши натижасида унинг иссиқ ўтказиш даражаси ошади; агар шундан оғир бўлса пахта толалири зичлашиб, унда умумий ҳаво бўшлиқлари камаяди ва иссиқни кўпроқ ўтказадиган бўлиб қолади. Минерал пахта иссиқ ўтказиш коэффициенти бўйича иккинчи группага киради. Минерал пахтанинг намлиги ортиши билан у иссиқни кўпроқ ўтказадиган бўлиб қолади. Шунинг учун уни намланишдан сақлаш керак.

Минерал пахтанинг замбуруғга қаршилик кўрсата олиш хоссаси ҳали яхши текширилган эмас. Аммо назарий жиҳатдан минерал пахта замбуруғ пайдо бўлиш учун қулай муҳит бўлиб ҳисобланмайди.

Минерал пахта 600° температурага яхши чидайди; 600° дан 1000° гача бўлган температурада толалик шаклини, бинобарий барча хоссаларини ҳам йўқотади.

Минерал пахта товушни яхши сингдиради. Шунинг учун бинокорликда уни товуш ўтказмайдиган материал сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Ҳар хил ҳом ашёдан ишлаб чиқариладиган минерал пахтанинг таркиби асосан қўйидаги компонентлардан иборатdir: SiO₂, Al₂O₃, CaO ва MgO. Булардан ташқари, минерал пахтада ҳом ашё турига қараб, темир, марганец ва бошқа химиявий элементларнинг оксидлари ҳамда олtingугурт бирикмалари ҳам бўлиши мумкин.

Минерал пахтадан ҳар турли маҳсулотлар тайёрланади.

Маҳсулот тайёрлаш технологияси, асосан, минерал пахтани боғловчи материаллар билан қўшиш, қориш ва тегишли шаклларда қолиплаш ишларидан иборатдир. Боғловчи материаллар (цемент, лой, эритилган шиша, нефть битуми, синтетик смола ва ҳоказолар) пахта голаларини бир-бирлари билан ёпишириб тегишли шаклларга қолиплаш учун ишлатилади. Эриш температураси 45—60° дан паст бўлмаган битумдан боғловчи материал сифатида кўпроқ фойдаланилади.

Минерал пахтадан тайёрланадиган асосий маҳсулотлар қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

Минерал пахта уй-жой қурилишида деворлар ва қаватлар конструкцияларини иситиш учун, йиғма темир-бетон плита ва панелларни иссиқ ҳам товуш ўтказмайдиган қилиш учун уларнинг орасига жойланади.

Саноат қурилишида эса минерал пахта чордоқсиз ёпиладиган томларни, музхона деворларини, қайноқ сув, буғ, газ турбаларини, баъзи саноат асбоб-ускуналарини иситиш учун ишлатилади.

Минерал маҳсулотларнинг характеристикаси

Маҳсулотларнинг номи	Кўланиш температураси (градус хисобида)	Улчамлари (мм хисобида)			Ҳажм оғирлиги (кг/м ³ хисобида)	Пишниллик чегараси (кк/с.м ² хисобида)	Богловчи материаллар	
		Узунлиги	Эни	Калинлиги			номи	микдори (% хисобида)
Кигиз	+200 —3000	1000 —1200	375 —60	20, 40, 250	150, 200, 100, 124	0,08—0,14 (ёрилишга) 0,05—0,06 (ёрилишга)	битум синтетик смола	2—5 8
Тўшак	+130 —3000	1000 —1200	375 —60	20, 40, 70, 80, 90	300, 400, 500	— 1,2	битум битетик смола	18—22 20
Плита	+ 60	500	500	50, 60, 70, 80, 90	—	0,065— —0,085		
Минерал пўрак	+ 70 —1000	500	40, 50	300, 350, 400	—	0,06— —0,07		

Кўлланиладиган минерал пахтанинг умумий қалинлиги шу конструкциянинг термик қаршилигини таъминлашга лаёқатли бўлиши лозим.

2. Шиша пахта ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар. Шиша пахта, бошқа турдаги шишелалар сингари, кварц кумни, оҳактош, сода ва сульфатдан тайёрланади.

Шиша пахта ингичка толалардан иборат бўлиб, ҳажм оғирлиги 25 дан 200 кг/м³ гачадир. Шиша пахта иссиқни ўтказиш коэффициенти бўйича иккинчи группа материалларга киради. Шиша пахта толаларининг йўғон-ингичкалиги унинг иссиқ ўтказувчанлигига деярли таъсир қилмайди. Ингичка толали шиша пахта қимматроқ туради. Шу сабабли иссиқни изоляция қилиш учун ишлатиладиган пахта толаларининг йўғон-ингичкалиги 50 мк гача бўлишига йўл қўйилади.

Шиша пахтанинг иссиққа чидамлилиги шишанинг химиявий таркибига боғлиқдир. Масалан, таркибида 71% — SiO₂; 2% — R₂O₃; 8% — CaO; 2,5% — MgO ва 16,5% — Na₂O бўлган шиша пахта 450° температурага бардош беради.

Толалари чўзилиш ва букилиш (эластик) хусусиятига эга бўлгани сабабли шиша пахта давомли тебранишга яхши чидайди. Шунинг учун шиша пахтадан иссиқни изоляция қилувчи қўйидаги маҳсулотлар тайёрланади:

- а) крахмал, синтетик смола ва бошқа боғловчи материаллар қўшиб тайёрланган тўшаклар;
- б) қоғоз билан ўраб шиша, асбест ёки пахта иплари билан тикилган тўшаклар;
- в) орасига сим тўр жойлаб қолипланган тўшак ва маълум шаклда тайёрланган эгилувчан маҳсулотлар;
- г) қобиқлар;
- д) боғичлар.

Шиша пахта музхона деворларини иссиқ ўтказмайдиган ва тураржой бинолари конструкцияларини товуш үтказмайдиган қилиш учун ишлатилади. Бундан ташқари шиша пахта тебра-нишга чидамли бўлгани учун трубопроводларни ўраб иситишда кенг қўлланилади.

3. Кўпик шиша (пеностекло). Кўпик шиша тайёрлаш учун квартц қуми, оҳактош, сода ва сульфат асосий хом ашё бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, ойна саноатининг чиқиндилиридан ва баъзи таркибида ишқор бўлган тоғ жинсларидан ҳам кўпик шиша ишлаб чиқариш мумкин. Кўпик шишани биринчи марта совет олими И. И. Китайгородский 1932 йилда таклиф қилган эди. Бу материални саноат миқёсида ишлаб чиқариш 1947 йилда тўла ўзлаштирилди. Кўпик шиша иссиқни ўтказмайдиган бошқа материалларга қараганда бирмунча муҳим хоссаларга эгадир. У жуда серғовак, иссиқни кам ўтказувчан, деярли даражада пишиқ сувга ва ўтга чидамли, товушни яхши сингдирадиган материалdir.

Кўпик шишанинг ғоваклиги 80 дан 95% гача бўлиши мумкин. Ғовакларни бир-биридан ажратиб турувчи шиша деворчаларининг орасида ҳам микроЁғоваклар сақланиб қолади. Демак кўпик шиша икки турли ғовакларга эга бўлгани сабабли у иссиқни ўтказмайдиган энг яхши материал ҳисобланади. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияси кўпик шишани очиқ ёки ёпиқ ғовакли қилиб тайёрлашга имкон беради. Тажриба шуни кўрсатадики, иссиқни ўтказмаслик мақсадида ёпиқ ғовакли шиша, товушни ўтказмаслик мақсадида эса очиқ ғовакли шиша ишлатилиши мақсадга мувофиқdir.

Кўпик шишанинг ҳажм оғирлиги 150 дан 600 kg/m^3 гача бўлиб, иссиқни ўтказиш коэффициенти бўйича учинчи группа материалларга киради.

Кўпик шишанинг пишиқлиги унинг сиқилишга чидамлилиги билан характерланади: Кўпик шишанинг пишиқлиги бир хил ҳажм оғирлигига эга бўлган иссиқни ўтказмайдиган бошқа материалларнинг пишиқлигига қараганда анча юқори туради. Масалан, ҳажм оғирлиги 300 — 400 kg/m^3 бўлган кўпик шишанинг пишиқлиги 30—60 kg/cm^2 келса, автоклавда қотған шу ҳажм оғирлигидаги кўпик-бетоннинг пишиқлиги 20 kg/cm^2 дан ошмайди. Кўпик шишанинг пишиқлиги кўпик-бетон пишиқлигига қараганда устун туришини шишанинг қаттиқлиги ва унинг ичидаги

ғовакларни сферик шаклга яқынлиги билан түшүнтириш мүмкін.


Күпік шиша сувга мутлақо чидамли бўлиб, гигроскопикликка молик эмас.


Күпік шиша ўтга чидамли материаллар группасига киради. Күпік шишанинг иссиққа чидамлилiği унинг химиявий таркибига боғлиқдир; бунни күпік шишанинг иссиқлик таъсирида юмшай бошлашидан билиб олса бўлади. Расмий шиша 300—400°, ишқорсиз шиша эса 800—1000° температурада юмшай бошлайди. Аммо иссиқ ошиши билан күпік шишанинг пишиқлиги камаяди. 300° температурагача қиздирган шишанинг пишиқлиси 3 кг/см² дан ошмайди.

Күпік шиша совуққа ҳам чидамлидир. Унинг сувга түйинган намунаси — 30° да 50 марта музлатиб +15° — +20° да мўздан туширилганда пишиқлиги кўпи билан 25% камаяди.

Күпік шиша хом ашенинг турига қараб иккиси асосий технологик схема, яъни қисқартырилган ишлаб чиқариш схемаси бўйича (бунда хом ашё тариқасидә шиша парчалари қўлланади) ёки кенгайтирилган ишлаб чиқариш схемаси бўйича (бунда аввал шиша грануляти, сўнгра ундан күпік шиша олинади) тайёрланиши мумкин. Бу технологик схемалар қўйидагича бўлади.

Күпік шишани шиша парчаларидан ишлаб чиқариш технологиясининг схемаси





Газ ҳосил қилувчи моддалар арzon, бир текисда газ чиқаридиган ва маълум температура таъсирида кўп газ чиқара оладиган бўлиши керак. Антрацит, тошкўмир кокси, оҳактош, бўр, калций ва кремний карбидлар бу талабларга жавоб берувчи моддалардан ҳисобланади.

Хом ашёга қўшиладиган газ ҳосил қилувчи моддаларнинг миқдори 1 дан 5% гача бўлади.

Шиша ичиди очиқ ёки ёпиқ (мустакил) говакларни вужудга келтириш газ ҳосил қилувчи моддаларнинг турига боғлиқдир.

масалан, калъци қадағатында да шиша узомында да шиша түрлөрінде шиша шихтаси 600—1000° да күпчийди.

Күпиртиришнинг асосий параметрлари бўлган температура ва кўпчиш муддати кўникли шишанинг ҳажм оғирлигига таъсир қилади. Кўпчиш муддати қанча узоқ давом этиб температура баланд бўлса, кўник шишанинг ҳажм оғирлиги шунча кам бўлади. Шундай қилиб, технологик процесидаги бъзи параметрни ўзгартириш билан тегишли ҳажм оғирлигидаги маҳсулот ҳосил қилиш мумкин.

Бундан ташқари, шишанинг таркибида Na_2O қанча кўп бўлса, унинг юмашаш температураси шунча паст бўлади.

Кўникли шиша, уй-жой ва саноат қурилишларида дёворлар учун, қаватлар орасини ёпиш, полларни иситиш, чордоқ том ёпиш ва бинонинг бошқа қисмлари учун, иссиқлик бериш тармоқлари (масалан, трубалар) ни изоляция қилишда қўлланилади.

Кўник шиша товуш сингдириш ва безаклаш хусусиятларига эга бўлганлиги учун уни аудиториялар, концерт ва кинотеатр заллари ва шуларга ўхшаш жойларни пардозлашда ҳам ишлатилади.

4) Асбестли материаллар. Бинокорликда иссиқни ўтказмаслик учун ишлатиладиган асбест материаллар асосан икки группага бўлинади.

Биринчи группага нуқул асбестдан қилинган материаллар (юмшоқ асбест толалар, асбест тўшаклар, асбест картон, асбест қофоз, асбест шнурлар) киради.

Иккинчи группага асбест қўшиб тайёрланган материаллар (асбозурит, асботермит, совелит, ферригипс ёки феррон) киради.

Асбест эгилучан ва эластик толалардан иборат бўлган минерал материалdir. Асбест толалари кристалл тузилишига эга бўлиб химиявий жиҳатдан магнийни гидросиликати бўлиб ҳисобланади ($3\text{MgO} \cdot 2\text{SiO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) — хризотил-асбест ёки $\text{MgO} \cdot \text{SiO}_3$ — амфибол-асбест).

Асбест толасининг иссиқка чидамлилиги ва эриш температураси унинг молекулалар тузилишига ва химиявий таркибига боғлиқдир. Амфибол-асбестга қараганда хризотил-асбест иссиқка чидамлироқ бўлади. Хризотил-асбест 600° иссиқка бардош берабер, 1500° иссиқда эрийди. Амфибол-асбест эса 400—450° иссиқка бардош берабер 1200° иссиқда эрийди. Асбестнинг температураси 70° га етганда ундан кристалланган сув камая бошлайди ва 600° да бутунлай йўқолади. Кристалланган сув камая бошлаши билан асбест толаларининг пишиклиги ҳам пасайб боради. Хризотил-асбестнинг қизиши 600° дан ошганда унинг толалари кукунга айланада бошлайди. Бундай асбест хоссаларини йўқотиб ишга яроқсиз бўлиб қолади. Шунинг учун асбест материаллар температураси 600° дан ошмайдиган жойларга иш-

латилиши лозим. Бинокорликда асосан хризотил-асбест ишлатилади.

Асбест толаларнинг узунилигига қараб, қуйидаги саккиз сортга бўлинади.

28 - жадвал

Айрим асбест сортларида ҳар хил узунилидаги толаларнинг бўлиши (%) ҳисобида)

Асбест сортлари	Толаларнинг узунилиги (мм ҳисобида)				
	12,7	12,7—4,8	4,8—13	<1,6	<1
1	30—40	35—40	22—26	3—4	—
2	10—50	35—50	11—30	4—5	—
3	5—15	35—70	15—35	5—15	—
4	—	10—30	50—70	20—30	—
5	—	0—3	50—70	27—50	—
6	—	—	15—40	60—85	—
7	—	—	10	90	—
8	—	—	—	—	100

Асбестнинг 1, 2, 3-сортлари узун толали бўлгани учун уларни асбестнинг *тўқима сорти* деб аталади. Қисқа толали 4, 5, 6, 7, 8-сортларини *қурилиш сорти* деб аталади. Толанинг узунилиги контрол аппарат элағида қолгаҳ асбестнинг процент миқдори билан аниқланади. Хризотил-асбестнинг маркасига уч хил шартли белги киради: текстура, сорт ва толаларнинг узунилиги. Масалан, юмшоқ текстурали 6-сорт асбестни эланганда 30% қолдиқ чиқса, бундай асбест маркаси M-6 — 30 бўлади. Текстураси гарантиясиз бўлган калта толали асбестнинг маркаси унинг ҳажм оғирлиги ва сорти билан белгиланади. Масалан, ҳажм оғирлиги 750 кг/м³ бўлган 8-сорт асбестнинг маркаси M-8 — 750 бўлади.

Иссиқни ўтказмайдиган тўшак, картон, қофоз ва шиурлар нуқул асбест толаларидан ёки унга озгина целлюлоза, крахмал, казеин каби моддалар қўшиб тайёрланади.

Асбест қофозининг қалинлиги 0,9 дан 1,5 мм гача бўлиши мумкин. У варақа ёки рулон шаклида ишлаб чиқарилади. Асбест қофозининг иссиқни ўтказиш коэффициенти

$$\lambda = 0,135 + 0,00016t_{cp},$$

бунда t_{cp} — асбест қофози ишлатиладиган мұхитнинг ўртача температураси,

Асбест картонининг қалинлиги 2 — 12 $мм$, катталиги 1 $м^3$ келади. Унинг дарз кетишга булган пишиқлик чегараси 7 — 14 $кг/см^2$ га текдир.

Асбест шнури толали ёки кукунга ўхшаш материаллардан тұқылади. Асбест шнурининг диаметри 5 дан 30 $мм$ гача бўлиб, иссиқ ўтказиц коэффициенти $\lambda = 0,1 + 0,0002 t_{ср}$ дир. Баъзан шнур орасига пахта солиниши ҳам мумкин. Бундай шнур 200° гача пахта солинмаган шнур эса 300 — 400° гача температурага, чидайди.

Асбозурит кукун ҳолидаги сочилувчан материал бўлиб 6-сорт асбест ва трепел тошининг қоришмасидан ҳосил бўлади. Қуруқ қоришмадаги асбестнинг миқдори 15 дан 30% гача, трепел эса 70 — 85% гача бўлади.

Асботермит 6-сорт асбест, трепел ва шифер чиқиндилаидан тайёрланади. Иссиқни ўтказмайдиган бу материалга 70% шифер чиқиндиси қўшилади. Шунинг учун шифер, труба ва бошқа саноат маҳсулотлари чиқиндилаида асботермит тайёрлаш тежамлидир.

Сув қўшиб қорилган асбозурит ва асботермит мастика (ҳамир) ҳолда ишлатилади. Изоляция қилиш лозим бўлган жойга қалин қилиб мастика суртилади. Таркибидаги сувнинг бўғланиши натижасида мастика орасида ҳаво бўшлиқлари пайдо бўлади. Бу материалларнинг кукун ҳолдаги ҳажм оғирлиги 450 — 500 $кг/м^3$, қотган ҳолдагиси эса 650 — 850 $кг/м^3$ бўлади.

Асбест билан цемент қоришмасидан ҳам иссиқни изоляция қилувчи маҳсулотлар тайёрланади. Бу маҳсулотлар асосан плита шаклида бўлиб, узунилиги 500 ёки 1000 $мм$, эни 500 $мм$, қалинлиги 15 ёки 30 $мм$ бўлади. Бундан ташқари, асбест ва цемент қоришмасидан узунилиги 500 $мм$, қалинлиги 30 — 40 $мм$ бўлган қобиқлар ҳам тайёрланади. Плита ва қобиқлар диаметри 25 $см$ ва ундан ортиқ бўлган трубаларни изоляция қилиш учун ишлатилади. Асбест билан цементдан тайёрланган маҳсулотлар сувга чидамли бўлиб температураси 450° ва ундан кам бўлган қисмларни изоляция қилиш учунгина ишлатилади.

Асбест билан цемент нисбати 1:1 бўлган қоришмага маркаси 300 дан паст бўлмаган портландцемент ишлатилади.

Ферригипс (феррон) ни баъзи химиявий моддалар (темир сульфатга эга бўлган эритмалар)га гипс $CaSO_4 + 2H_2O$ таъсир эттириш натижасида ҳосил қилинади. Бу иссиқ ўтказмайдиган материалнинг ҳажм оғирлиги 400 — 700 $кг/м^3$, иссиқ ўтказиц коэффициенти 0,04 дан 0,1 $ккал/м соат град.$ гача бўлиб, эгилишга пишиқлик чегараси 2 — 3 $кг/см^2$ дир. Улар температураси 600° гача бўлган қисмларни изоляция қилиш учун ишлатилади.

Ферригипс юқори температурали трубалар юзасини ва қурилиш конструкцияларини изоляция қилишда фойдаланилади.

Иссиқни ўтказмайдиган органик материаллар. 1. Ёғоч толали плиталар. Ёғоч толали плиталарни бинокорлик

учун яроқсиз бўлган ёғоч чиқинди (гарбил, калта-култа рейка, резги тахта) ларидан, фанера ва гугурт ишлаб чиқариш саноати чиқиндиларидан ва қоз макулатурасидан тайёрланади. Бундан ташқари, плиталарни сомон, жўхорипоя, ғўзапоя ва шакар қамишпояларидан тайёрлаш ҳам мумкин.

Плиталар ҳажм оғирлиги, пишиқлиги, серповаклиги ва бошқа хоссаларига қараб уч хил бўлади: изоляция плитаси, ярим қаттиқ ва қаттиқ плиталар. ГОСТ 4598-53 га биноан изоляция плиталари 12,5, 20 ва 25 мм , ярим қаттиқ плиталар 8 мм ва қаттиқ плиталар 4 мм қалинликда тайёрланади.

Қаттиқ ва ярим қаттиқ плиталарнинг узунлиги 360 мм гача, эни 1950 мм гача, изоляция плиталарининг узунлиги 3000, эни эса 1600 мм бўлади. Плиталарни стандарт ўлчамда тайёрланиши уларни қурилиш маҳсулоти сифатида ишлатишга катта қуляйлик туғдиради.

Ёғоч толали плиталарнинг юзаси, ишлатиладиган жойга қараб пардозланган ва пардозланмаган бўлиши мумкин.

Иссиқни изоляция қилиш учун ишлатиладиган плиталарнинг юзалари пардозланмайди, аммо ошхона, ванна ва умивальник ўрнатилган хоналарнинг деворларини қоплаш учун ишлатиладиган плиталарга синтетик смола шимдирилиб, сўнгра плита сувга чидамли эмаль бўёқлар билан бўялади. Ёғоч толали плиталарнинг асосий хоссалари қўйидаги жадвалда кўрсатилган.


29 - жадвал

Ёғоч толали плиталарнинг характеристикаси

Хоссаларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Плиталарнинг турлари		
		изоляция	ярим қаттиқ	қаттиқ
Ҳажм оғирлиги	$\text{кг}/\text{м}^3$	400 гача	500—700	800—1100
Эгилишга бўлган пишиқлик чегараси	$\text{кг}/\text{см}^2$	8	40	150
Иссиқ ўтказиш коэффициенти (λ)	$\text{ккал}/\text{м соат град.}$	0,047	нормаланмайди	

Ёғоч толали плиталар гигроскопиклик ва сув шимиш хусусиятига эгадир. Сувни кўп щимган плитанинг пишиқлиги пасаяди ва иссиқни ўтказувчанлиги кучаяди.

Қуруқ ҳолдаги изоляция плиталари учун иссиқни ўтказиш коэффициенти 0,04 дан 0,047 $\text{ккал}/\text{м соат град.}$ гача бўлиб, ярим қаттиқ плиталар учун 0,13 дан 0,15 $\text{ккал}/\text{м соат град.}$ гачадир. Қаттиқ плиталар иссиқни изоляция қилиш учун ишлатилмайди.



Гидромасса тайёрлаш деярли қийин операция ҳисобланади. Бунинг учун өғоч майданади. Майданган өғоч толасининг узунлиги күпі билан 3—4 мм, диаметри 30—50 мк бўлиши керак. Өғочни шу даражада майдалаш учун механик, термомеханик ва химия-механик усулларининг бирдан фойдаланилади.

Бинокорликда өғоч толали плиталар турар жой биноларининг ташқи деворларини ва қават ораларини иситишида кенг қўлланади. Бундан ташқари, бу плиталардан товуш ўтказмайдиган материал сифатида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Туаржой биноларида өғоч толали плиталарни қўллаш қанчалик эффектив эканлиги 30-жадвалда кўрсатилган.

2. Өғоч қириндили плиталар. Бу хилдаги плиталар өғоч қириндисига қайноқ синтетик смола аралаштириб прессда сиқиб тайёрлаш натижасида ҳосил бўлади. Плита сифатини яхшилаш учун унга антисептика, гидрофобизатор каби моддалар қўшилади.

Қиринди қарағай, қайнин, дуб ва бошқа өғочлардан тайёрланиши мумкин. Бундан ташқари, өғоч ишлеш заводлари чиқиндиларидан ҳам қиринди тайёрланади. Боғловчи материал


Ёғоч толали плиталарнинг туарар жой билоларида қўлланиши

Деворлар конструкцияси	Деворлар қалинили- ги (см) хисоби- да)	Деворкинг термик қар- шилиги $m^2/соат$ град. ккал	Тенг қийматта эга бўлган риштин девор қалинилиги (см) хисобида)	Хонани иси- тишга сарф қилинадиган ёқилиги (%) хисобида)
Икки томони сувалган 38 смли риштин девор Икки томони ёроч то- лали плиталар билан қопланаби, сунгра сувал- ган 25 см ли риштин девор	41 31,5	0,55 0,81	41 61	100 90

сифатида ишлатиладиган синтетик смола ёғоч толаларини бир-бирига яхши ёпиширадиган, тез қотадиган, хидсиз ва плитани сувга чидамлилик даражасини оширадиган бўлиши керак. Бу талабларга карбамид ва формальдегиддан иборат бўлган МФ-17 ва МФ-20 маркали смолалар жавоб беради. Бу смолалар хидсиз бўлиб 100° иссиқда 80—120 сек. ичидаги қотади.

Гидрофоб қўшимча сифатида парафин эмульсияси, антисептика сифатида натрий фторид эритмаси ишлатилади.

Ёғоч қириндили плиталар бир қатламли (26-расм, а) ва уч қатламли (26-расм, б) бўлади.



26-расм. Ёғоч қириндисидан тайёрланган плитанинг тузилиши:
а — бир қатламли; б — уч қатламли.

Бир қатламли плиталар бир хил қириндидан, уч қатламли плиталар эса икки хил (майда ва йирик) қириндилардан тайёрланади; бунда ташқи қатламлар майдада, ора қатлам йирик қириндилардан иборат бўлиши керак.

Плитанинг сирти шпон (бир қатламли фанера) билан қопланса, у жуда чиройли чиқади. Бундай плиталарни иссиқни ўтказмайдиган материал сифатидагина эмас, балки бино ичини безатиш учун силлиқ материал сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Ёғоч қириндили плиталар ҳажм оғирлигига қараб учга бўлиниади: 1) енгил *плиталар*, ҳажм оғирлиги 250 дан 400 кг/м³ гача; 2) ярим оғир *плиталар*, ҳажм оғирлиги 400 дан 800 кг/м³ гача; 3) оғир *плиталар* 800 дан 1200 кг/м³ гача¹.

Ёғоч қириндили плитанинг узунлиги 2 дан 3,6 м гача, эни 1,2 дан 1,8 м гача, қалинлиги эса 13 дан 25 мм гача бўлади. Бундан ташқари, ёғоч қириндидан, юпқа (5—8 мм) ва қалин (50 мм гача) плиталар ҳам тайёрлаш мумкин.

Ёғоч қириндили плита ёғоч толали плитага қарагандা анча пишиқроқ бўлади. Масалан, ҳажм оғирлиги 500—700 кг/м³ бўлган ёғоч қириндили плитанинг эгилишга қаршилиги 180 кг/см² га борса, шу ҳажм оғирлигидаги ёғоч толали плитанинг эгилишга қаршилиги бундан тўрт марта камдир. Бу плитанинг чўзилишга қаршилик даражаси 80 кг/см²га етади. Ёғоч толали плитанинг яна бир яхши хусусияти шундаки, у бурама михни ушлайди, осон араланади ва пармаланади.

Ёғоч қиринди плитанинг намлик даражаси 7—8%, сув шимиш даражаси 20 дан 80 % гача бўлиши мумкин. Плитанинг намлик даражаси унинг пишиқлигига зўр таъсир этади.

Плитанинг иссиқни ўтказиш коэффициенти унинг ҳажм оғирлиги 200 кг/м³ бўлса — 0,04 ккал/м соат град. гача, 500—700 кг/м³ бўлса — 0,066 дан 0,083 ккал/м соат град. гача бўлиши мумкин.

Ёғоч қириндили плитанинг товушни изоляция қилиш дараҷаси ўртача ҳисобда 35 °бдан иборатdir.

3. Фибролит. Фибролит иссиқни ўтказмайдиган ва конструктив материал бўлиб ёғоч толаси ва минерал боғловчиликлардан иборатdir. Боғловчиларнинг турига кўра фибролит икки хил бўлади: цементли фибролит ва магнезиал фибролит. Бинокорликла цементли фибролит кўп ишлатилади.

Фибролит қалинлиги 25, 50, 75 ва 100 мм, эни 500 ва 750 мм, узунлиги 1500, 2000, 2400 мм лик плита шаклида тайёрланади.

Унинг асосий хоссалари қўйнадаги жадвалда кўрсатилган.

31-жадвал

**Хар хил маркали фибролитнинг характеристикиаси
(ГОСТ 8928-58)**

Плиталар маркаси	Ҳажм оғирлиги (кг/м ³ ҳисобида)	Эгилишга қаршилиги кг/см ² ҳисобида)	Иссиқни ўтказиш коэффициенти (ккал/м соат град. ҳисобида)
300	300	4	0,085
350	350	5	0,095
400	400	7	0,105
500	450	12	0,130


¹ Бу номенклатура ёғоч қириндили ва бошқа плиталар бўйича 1957 йилда Женевада бўлиб ўтган жаҳон кенгашинда қабул қилинган.

Жадвалдаги кўрсаткичлар абсолют қуруқ фибролитга йисбатан олинган. Фибролитнинг намлиги 20% дан ошмаслиги керак. 300 ва 350 маркалар иссиқни изоляция қилиш учун ишлатиладиган фибролитта, 400 ва 500 маркалар эса конструктив фибролитга тегишилдири.

Фибролит структураси очиқ ғоваклардан иборат бўлгани учун у товушни яхши сингдиради. Қалилиги 50 мм бўлган фибролит плитасининг товуш ўтказиш коэффициенти 0,5 га тенг; сув шимиши 60—70 процент. Фибролит сувга чидамсиз плита ҳисобланади. Унинг намлиги 35% дан ортиқ бўлса, замбуруғ билан заарланади. Фибролит ёнувчи материал; у алангасиз ёнади, яъни биқсийди.

Фибролитни арралаш, пармалаш ва унга мих қоқищ мумкин. Фибролитнинг юзаси ғадир-будир бўлгани учун унга сувоқ яхши ёпишади.

Фибролит ишлаб чиқариш технологиясининг схемаси



Ёғоч жувининг узунлиги 200—500 мм , эни 4—7 мм , қалилиги 0,25—0,5 мм бўлиб, фибролит ичидаги арматура ролини бажаради.

Фибролит ишлаб чиқариш учун 400 маркали цемент құлла-
нади. У жуда майдан түйилган бўлиши керак.

4. Камишит. Қамишит пресслаш йўли билан тайёрланган,
иссиқни ўтказмайдиган плиталарга қамишит деб аталади (27-
расм).

ГОСТ 7483-58 га биноан қамишитнинг узунлиги 2400, 2600
ва 2800 *мм*, эни 550, 950, 1150 ва 1500 *мм*, қалинлиги 30, 50,
70 ва 100 *мм* бўлади. Пресслаш даражасига қараб қамишит-
нинг ҳажм оғирлиги 200 дан 350 *кг/м³*, эглишга кўрсат-
ган қаршилик чегараси 5—10 *кг/см²* ва иссиқни ўт-
казиш коэффициенти 0,06
дан 0,009 *ккал/м соат град.*
гача бўлади. Қамишит ўтга
чидамсиз плита. Ўрта Осиё-
да, айниқса, Амударё ва
Сирдарё қирғоқларида қа-



27-расм. Қамишдан қилинган плита.
мишзорлар жуда кўп. Бундан ташқари мамлакатимизнинг бош-
қа районларида, масалан Жанубий Уралда, Украина, Днестр,
Днепр, Дон, Волга ва бошқа дарёлар қирғоқларида қамишзор-
лар кўп учрайди. Тахминий маълумотларга қараганда СССРдаги
ҳамма қамишзор 5—6 мли. га ни эгаллайди.

Қамишитни бир ёшли пишган қамиш поясидан тайёрланади.
Қамиш пишганда унинг барги тўклилиб пояси сарғаяди.

Қамишит тайёрлайдиган пресс бир иш кунида 25 дан 450 *м³*
гача қамишит ишлаб чиқариши мумкин. 10000 *м³* қамишит
ишлаб чиқариш учун ўрта ҳисоб билан 300—350 тонна қамиш
ва тахминан 7 *т* пўлат сим керак бўлади.

Қамишитни каркас деворларни тўлдириш ва изоляция мате-
риали сифатида камқаватли тураржой қурилишида, қишлоқ
хўжалик ва байзи ишлаб чиқариш биноларини қуришда ишлати-
ши мумкин. У асосан ташқи синч девор ва ички парда девор-
ларни қуришда ҳамда қаватлар орасини ёпишда ишлатиладиган
қулай материал бўлиб ҳисобланади. Девор ва парда деворлар-
га ишлатилган қамишитнинг икки томони сувалади. Сувоқнинг
таркибида гипс бўлмаслиги керак. Агар қамишит гипс билан
сувалса, унинг симлари занглаб кетади. Плиталарнинг остики
қисмига 5% тўтиёйи эритмаси суртилади. Бу эритма қамишит-
ни захдан сақлайди.

Қамишит намлиги 70% дан ортиқ бўлган бинолар (масалан
ҳаммом, кирхона ва ҳоказо)га ишлатилмайди.

П Б О Б

БИНО ҚИСМЛАРИ

§ 8. ҚУРИЛИШ РАЙОНИДА ГИДРОГЕОЛОГИК ТЕКШИРИШЛАР

Одатда қурилишни бошлашдан аввал қурилиш районида маҳсус мутахассислар томонидан гидрогеологик текшириш ишлари ўтказилади. Бунда ажратилган ер участкаси бино ёки иншоот қурилишига яроқли ёки яроқсиз эканлиги аниқланади. Бунинг учун пойдевор қўйиладиган грунтнинг пишиқлиги, намлиги, ер ости сувларининг ер юзасига қанчалик яқинлиги ёки чуқурлиги ва уларнинг химиявий таркиби текширилади.

Пойдевор ўринатиладиган жойга замин, пойдевор нагрузкаси тушадиган ер қатламига замин грунти дейилади (28-расм). Одатда бинонинг ёки иншоотнинг пойдевори ер юзасидан пастда бўлади. Шу сабабли қуриладиган пойдеворнинг конструкциясига мувофиқ бўлган узунликда, кенгликда ва чуқурлиқда траншея қазилади.


Грунтнинг устки қисмини ўсимлик қатлами дейилади.⁴ Ўсимлик қатламда ҳар турли аралашмалар бўлгани учун унга пойдевор қўйиш мумкин эмас, чунки бўш заминга пойдевордан нагрузка тушгандан унинг ҳамма жойи бир меёрда чўкмайди. Бу ёмон оқибатларга, яъни деворларда ёриқлар пайдо бўлишига, бинода авария рўй беришига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, одатда, бино ва иншоотлар заминини тайёрлашда ўсимлик қатлам (унинг чуқурлиги тахминан 50 см келади) олиб ташланади.

Демак замин грунти ўсимлик қатламининг остида бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Аммо бу ҳол замин грунтини яроқли ва ишончли эканлигига гаров бўла олмайди.⁴

Замин грунтнинг бинодан тушадиган нагруззага қаршилиги грунтнинг намлигига боғлиқдир; грунт қуруқ бўлса кўпроқ, нам бўлса камроқ қаршилик кўрсатади. Бунга грунтнинг нагруззка кўтариш хоссаси дейилади. У kg/cm^2 билан ўлчанади. Грунтнинг нагруззка кўтариш хоссаси бинодан тушадиган нагруззка миқдорига, ер ости сувининг чуқурлигига ва унинг химиявий таркиби ҳам бошқа факторларга боғлиқдир.

Ер ости сувлари чучук ёки шўр бўлиши мумкин. Шўр сув-

лар әриган түзларнинг сифатига кўра *агрессив* бўлиши мумкин. Агрессив ер ости сувлар пойдевор материалига таъсир қилиб уни емира бошлайди; пойдеворни меёрдан ортиқ чўкишга олиб боради. Агар бу чўкиш давом этса бино қисмларида авария рўй бериши мумкин.



28-расм. Бир қаватли бинонинг схемаси:
I — бино; II — пойдевор; III — замин; AB — пойдеворнинг туви.

Шунинг учун бино ёки иншоот қуриладиган районда гидро-геологик текшириш ишлари олиб борилади. Бу мұхим ва масъ-улиятли ишни бино ёки иншоот лойиҳасини тузувчи проект ташкилотининг текшириш бўлими ўтказади. Лойиҳанинг бош инженерни қуриладиган бино ёки иншоот лойиҳасини тузишга доир барча ишларни ташкил қиласди ва бу ишларни ўз вақтида тўғри бажарилишини назорат қилиб туради. Текшириш партисининг бошлиғи топшириқларни лойиҳанинг бош инжене-ридан олади.

Лойиҳаси тузилаётган объектнинг мұхимлиги, аҳамияти ва катта-кичиклигига қараб текшириш ишларининг ҳажми ҳам ҳар хил бўлади.

Агар шаҳар миқёсида қуриладиган бино лойиҳаси тузилаётган бўлса, гидрогеологик текшириш ишларининг ҳажми унча катта бўлмайди. Чунки ўтган йиллардаги қурилиш даврида шу ернинг грунтлари ва гидрогеологик масалалари етарли дара-жада ўзлаштирилганлиги учун унинг материалларидан фойда-ланилади. Текшириш партиси фақат жойнинг топографик планини олиш ва архивдан қўшни бинолар учун тузилган гидро-геологик маълумотларни тўплаш билан шуғулланади, холос.

Агар гидрогеологияси етарли даражада ўрганилмаган районга йирик объект қуриш мўлжалланган бўлса, текшириш ишлари

кенгроқ бўлади. Лойиҳалаш ташкилотининг топшириғига финан участканинг гидрогоеологияси ўрганилади, топографик плани тузилади ва қурилиш районига оид бўлган материаллар тўпланади.

Йирик объект, масалан, республика миқёсида аҳамиятга эга бўлган катта саноат обьектини қуриш учун текшириш ишлари кенг программа бўйича ўтказилади. Бунда фақат қурилишга мўлжалланган участкагина эмас, балки ҳом ашё базасини ўз ичига олган район ҳам тўла ўрганилади.

Курилиш участкасида гидрогоеологик текшириш ишларини ўтказадиган текшириш партияси составига қўйидаги мутахассислар киради:

1) топограф, қурилиш учун ажратилган ер участкасининг топографик планини тузади;

2) геолог, участкада гидрогоеологик ишларни бажаради, бурғиланган қудук ва шурф (цилиндрсизмон қудук) лар кавлаб замин грунтининг асосий хоссаларини, ер ости сувларининг ер юзасига қанчалик яқинлигини ёки чуқурлигини ва уларнинг химиявий таркибини аниқлайди;

3) текшириш партиясининг бошлиғи, қуриладиган жойга доир асосий маълумотларни тўплашда раҳбарлик қидади.

Одатда қурилиш участкасининг топографик плани 1:500 масштабда тузилади. Топографик планда қурилиш учун ажратилган қизил (чегара) чизик ва жойнинг рельефи кўрсатилади. Топограф бу ишлардан ташқари келгусида қуриладиган водопровод ва канализация трассаларини нивелир асбоби ёрдамида аниқлаб бериши мумкин. Агар қурилиш участкасида аҳоли яшаб турган бўлса, топографик планга эски иморатлар, кўчалар ва ариқлар туширилади. Топографик ишлар тамом бўлгандан кейин участканинг абсолют баландлигини кўрсатувчи репер ўрнатилади.

Совет Иттифоқи територияси учун абсолют баландликлар Болтиқ денгизининг сув юзасидан ҳисобланади. Маҳаллий реперлар шу нуқтанинг Болтиқ денгизидан қанча баланд ёки паст эканлигини кўрсатади. Масалан, Тошкентнинг ўртача абсолют баландлиги + 455, Фрунзени + 655, Бухороники + 420.

Ер участкасининг топографик плани планшет деб аталувчи картонга ёпиширилган ватман қофозига чизилади. Агар қурилиш участкаси катта бўлса, унинг топографик планини бир неча планшетда тасвирлаб кўрсатиш мумкин. Планшетлар ўзаро бир-бирлари билан ҳамда қурилишга ажратилган участканинг район ёки шаҳар планига мос келиши лозим. Планшетга район ёки шаҳарнинг бош планидан кўчириб олинган нусха илова қилинади. Қалам билан чизилган плашетнинг асл нусхаси устидан тушъ билан чизиб чиқилади, ва архивда 10 йилдан ортиқроқ сақланади. Планшетнинг калькага кўчирилган нусхасидан

нинг лойиҳа тузувчи ходимларига топширилади.

Участкани инженер-геологик төкшириш. Лойиҳа бош инженерининг бўйруғига асосан геолог қурилишга ажратилган ер участкасининг планшетидан копия олиб, унда бурғиланган қудуқ ва шурфлар урнини белгилайди, пойдевор қуриладиган замин грунтини текширади. Кудуқ қўл билан ёки механик бур (ерни пармалаб кавлайдиган машина) ёрдами билан кавланади. Одатда бурғиланган қудуқнинг диаметри 10—15 см бўлиб, чуқурлиги бош инженер томонидан белгиланади. Агар замин грунти 5—6 м чуқурликда бўлса, бино остига подвал қилиш тавсия қилинади.

Катта бино қуриладиган участкани қудуқлар қазиб текшириш кифоя қилмайди, чунки бунда замин грунтининг қанча нагрузка кўтара олиши тўғрисида аниқ маълумотлар бўлиши лозим.

Бурғиланган қудуқдан олинган грунтнинг структураси бузилган бўлади, чунки бурғилаш пармаси грунтни майдалаб юборади. Уни лабораторияда текшириб замин грунтнинг хоссалари тўғрисида аниқ маълумотлар олиб бўлмайди. Катта бинолар заминини текширишда грунт намунаси шурфдан олинади.

Шурф 80 × 120 см лик тўғри бурчакли тўртбурчак шаклида қазилади. Текшириш программасида кўрсатилган чуқурликда шурф деворидан 7 × 7 × 7 см келадиган грунт кубиги (намунаси) олинади. Кубикни олишда грунтнинг структураси бузилмаслиги лозим. Бундай кубик намукани монолит (яхлит) дейилади. Монолитни лабораторияда текшириб грунтнинг хоссалари, жумладан, унинг қанча нагрузка кўтара олиши аниқланади.

Грунтларни текшириш этаплари. Қуриладиган бино пойдеворини ишончли заминга қўйиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги асосий масалалар аниқланishi лозим.

- а) грунтнинг намлиги;
- б) грунтнинг қанча нагрузка кўтара олиши ($\text{кг}/\text{см}^2$ ҳисобида);
- в) грунтнинг гранулометрик таркиби;
- г) грунтнинг табиий қатламланиш шароити.


Бу масалаларни тўла ва аниқ ўрганиш учун текшириладиган ер участкасида қудуқлар ёки шурфлар урнини тўғри белгилаш керак бўлади. Кудуқлар ва шурфлар тўри участкада мумкин қадар, бир меёрда жойлашган бўлиши шарт. Бундан ташқари, ер қатламлари ўзгарган жойда ҳам шурф кавлаш зарур бўлади. Умуман айтганда қудуқ ва шурфлар тўри жойнинг конкрет шароитига қараб аниқланади.

Агар ўрта мактаб қуриш учун ажратилган участкада (29-расм) унча кўп бўлмаган гидрогеологик текшириш ишларини тасаввур этсак, бунда асосий қудуқ ва шурфлар бинонинг бурчакларига тўғри келади. Кудуқ ва шурфларнинг сони ва чу-


хусусиятларига боғлиқ. Шурфлар қурилишга ажратилған майдонни тұла характерлаб бера олади.

Бурғыланған қудук әки кавланған шурфлар номерланади ва ҳар биридан олинған грунт намунасы алоқида текширилади. Бурғыланған қудукнинг ҳар хил чүкүрлигидан олинған грунт намуналари қопқоқлы металл стаканларға солинаади; намуна грунтлар намылгини сақлаш мақсадида стакандың оғзига парафин суртиб беркитилади ва уларға этикеткалар ёпиштирилади. Стакандаги этикеткада бурғыланған қудукнинг номери ва чүкүрлігі күрсатылған болади. Сунгра олинған грунт намунасы текшириш учун лабораторияга юборилади.

Шурфлардан олинған монолитлар ҳам маҳсус қофозга үралади, парафинланади ва текшириш учун лабораторияга юборилади. Геолог текшириш натижаларини олғандан кейин, асосий қудук әки шурфлар бүйіча геологик колонка чыздади. Бу колонка грунт қатламларининг тузылишини яқтол күрсатып беради. Бундан фойдаланып қурилиш участкасининг геологик



29-расм. Мактаб биносы ер участкасининг бурчактарынга бурғыланған геологик қудукларнинг жойлашуви.



30-расм. 4 ва 5-бурғыланған қудуклар бүйіча геологик кескин.

кесими чизилади. Мактаб биноснинг ер участкасини (29-расм) текшириш учун түртта геологик кесим тузиш мумкин (30-расм);

- 1-геологик кесим № 6 ва № 5 бурғиланган қудук бўйича тузилади;
- 2-геологик кесим № 5 ва № 4
- 3-геологик кесим № 1 ва № 2
- 4-геологик кесим № 6 ва № 3

5 ва 4-бурғиланган қудуқлар бўйича тузиленган геологик кесимга доир маълумотларни қўйидагича кўрсатиш мумкин:

а) ўсимлик қатламининг қалинлиги 50 см;

б) соҳ тупроқ қатламининг ўртача қалинлиги $\frac{0,7 + 1,3}{2} = 1 \text{ м}$;

в) тупроқли қум қатламининг ўртача қалинлиги $\frac{1,3 + 0,2}{2} = 0,75 \text{ м}$;

г) қумли тупроқ қатламининг ўртача қалинлиги $\frac{0,8 + 1,3}{2} = 1,05 \text{ м}$.

Расмда кўрсатилган кесимга биноан ер қатламининг исталган горизонтили учун геологик карта тузиш мумкин.

Бурғиланган қудук ёки шурфлар кавланганда геологик маълумотлардан ташқари ер ости сувларидан ҳам намуна олиб текширилади. Сув намунаси солинган шиша бутилкани пўкак пробка билан бекитиб, парафинланади ва текшириш учун лабораторияга юборилади.

Бажарилган ишларни якунлаб қурилиш участкасида ўтказилган оддий гидрогеологик ишлар юзасидан геологик ҳисбот тузилади. Бу ҳисботга грунт ва ер ости сувлари тўгрисида йигилган ҳужжатлар илова қилинади.

Туаржойлар қуришда гидрогеологик текшириш ишларини тезлатиш мақсадида қурилиш териториясида дала лабораторияси ташкил қилинади. Дурустроқ жихозланган бундай лаборатория ишга кўп фойда етказади. Бу хил лабораторияларда грунтларни ва ер ости сувларни текшириш ишлари маҳсус инструкция бўйича олиб борилади.

Бино ва иншоотлар қуриладиган замин грунтлари икки хил: цементлашган жинслар ва асл (бўш) грунтга бўлинади. Асл грунтга кўп миқдёрда қум аралашган бўлса, у сочилувчан ва қум аралашмаган бўлса сочилмайдиган бўлади. Одатда грунт доналарининг майдо-йириклигига қараб унинг асосий хиллари белгиланади (32-жадвал).

32 - жадвал

Грунтларнинг хиллари

Грунт доналарининг майдо-йириклиги	Грунтларнинг хиллари
0,005 ж.м.дан кам бўлса	Соҳ тупроқ
0,005 дан 0,1 ж.м. гача	Чаңг
0,1 ж.м. дан йирик бўлса	Кум

Құйнады жадвалда грунт доналарининг майда-йириклигига
ва зарраларнинг миқдорига қараб уларнинг номлари күрсатилған.

33-жадвал
Доналарнинг майда-йириклигига қараб
грунт номини аниқлаш

Грунтларнинг номи	Доналар- нинг майда- йириклиги (мм ҳисо- бидан)	Зарралар- нинг миқдо- ри (% ҳисо- бидан)
Соз тупроқ	0,005	30—60
Құмли тупроқ	0,005	10—30
Тупроқлы қум	0,005	5—10
Шагалли қум	2	10
Йирик қум	0,50	50
Үртача қум	0,35	50
Майда қум	0,20	75
Чангли қум	0,10	25

Юқорида күрсатилған грунтларнинг ҳар бири ўзинга хос ме-
ханик ҳоссаларга әгадір.

34-жадвал
Ҳар хил грунтларни босимга күрсатған қаршилігі
(кг/см² ҳисобида)

Грунтларнинг номи	Қаттық холатда	Пластик холатда	Зич ҳо- ләттәдә	Бүш ҳо- ләттәдә
Соз тупроқ	6—2,5	2,5—1,0	—	—
Құмли тупроқ	4—2,5	2,5—1,0	—	—
Тупроқлы қум (курук)	—	—	2,5	2,0
Тупроқлы қум (нам)	—	—	2,0	1,5
Тупроқлы қум (сүрге түйінгән)	—	—	1,5	1,0
Чангли қум (курук)	—	—	2,5	2,0
Чангли қум (нам)	—	—	2,0	1,5
Чангли қум (сүрге түйінгән)	—	—	1,5	1,0
Қурук майда қум	—	—	3,0	2,0
Нам майда қум	—	—	2,5	1,5
Сүрге түйінгән майда қум	—	—	2,5	1,5
Үртача қум	—	—	3,5	2,5
Майда тош	—	—	6,0	5,0

Грунтлар тұғырысыда тұла маълумотларни тегишили ГОСТ-лардан топиш мүмкін.

Грунтларнинг асосий физик хоссалари, яғни доналар таркиби, солиширма оғирлиги, ҳажм оғиғлиги, намлиги ва серговаклик даражаси дала лабораториясыда текширилиб аниқланади.

Грунтнинг нагрузка күтариш хоссасини аниқлаш үчун унинг доналарини анализ қилиш керак бұлади. Бунинг үчун тешикларининг майда-йириклиги ҳар хил бұлған тебранма сим әлакалар бир станокка үрнатылади. Тешиклари йирикроқ бұлған әлак тешиклари майдароқ бұлған әлак устига үрнатылған бұлади. Текшириш үчун олинган грунт намунаси то сочиувчан ҳолға келгүнча құритылади, оғиғлиги аниқланади, сүнгра уни тешиклари йирик әлакка солиб әланади. Ҳар қайси әлакда маълум йирикликтеги грунт қолиб майдалари остки әлакта үтади. Текширилаётгандың грунт таркибидан қайси доналардан қанча (% ҳисобида) борлигини билиш үчун ҳар қайси әлакда қолған қолдик алоҳида тортилади.

Грунтнинг намлиги құйидаги формуладан топилади (% ҳисобида):

$$x = \frac{B-C}{C-A} \cdot 100\%,$$

бунда x — грунтнинг намлиги;

B — текшириш үчун олинган грунт намунасининг оғиғлиги (идиши билан тортилғанда) (кг ҳисобида);

C — құритылған грунтнинг оғиғлиги (идиши билан тортилғанда) (кг ҳисобида);

A — бұш идиши (банканинг оғиғлиги) (кг ҳисобида).

Грунтнинг солиширма ва ҳажм оғиғлары маълум бұлса, унинг серговаклиги (n) құйидаги формуладан топилади:

$$n = 1 - \frac{\lambda}{\lambda_v},$$

бунда λ — грунтнинг солиширма оғиғлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$ ҳисобида);

λ_v — грунтнинг ҳажм оғиғлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$ ҳисобида).

Грунтнинг серговаклигини аниқлаш үчун құйидаги тажриба үтказылади: маълум ҳажмдаги банкага оғзи билан баравар қиilib грунт тұлдырылади, сүнгра банкага грунт билан баравар бұлғунча сув құйылади. Құйылған сувнинг миқдори грунт ҳажмігі нисбатан (%) ҳисобида) грунтнинг серговаклилік коэффициенті деб аталади ва у құйидаги формуладан топилади:

$$\Sigma = \frac{n}{1-n}.$$

Булардан ташқары, лабораторияда бир қанча тажрибалар ва текширишлар олиб бориш мүмкін.

Грунтларни текширишга доир қанча тажриба үтказилиши конкрет шароитта қараб аниқланади ва тажрибалар тегишли инструкция асосида олиб борилади.

Қурилиш майдони ҳақида тегишли маълумотлар туплаш, текшириш ишларининг бир қисми ҳисобланади. Одатда бу иш билан лойиҳанинг бош инженери шуғулланади. Қурилиш ишларини бошлаш учун тегишли маълумотлар түпласиши асосан конкрет шароитларни ўрганиш билан борлиқдир. Масалан, қурилишни сув, электр энергияси ва маҳаллий материаллар билан таъминлаш масалаларни ўрганилади.

Қурилиш районида ўтказилган текшириш ишлари тамом бўлгандан кейин, жой ҳақида тўплланган материаллар (хужжатлар) қуриладиган обьектнинг лойиҳасини тузишда фойдаланиш учун лойиҳа авторига топширилади.

§ 9. ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАР

Пойдевор бинонинг масъулиятли қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Замин билан пойдевор биргаликда бинонинг мустаҳкамлигини таъмин этади. Агар пойдевор пишиқ бўлиб, замин бўш бўлса қурилган бинода чўкиш ҳодисалари рўй бериб, деворлarda бинони аварияга олиб борувчи ёриқлар пайдо бўлади.

Замин грунти икки хил: *табиий* ва *сунъий* бўлади.

Ўсимлик қатлами остидаги пишиқ грунт *табиий замин грунти* дейилади. Бу грунтнинг ишончлилиги геологик ва гидрогеологик текширишлар ўтказиш йўли билан аниқланади. Агар замин грунти пишиқ бўлмаса бино қуришдан олдин у сунъий йўл билан мустаҳкамланади. Бундай замин *сунъий замин* деб аталади. Сунъий замин ўз навбатида иккига, яъни *устун қозиқли замин* ва *грунтли сунъий заминга бўлинади*. Пойдевор қуришдан олдин унинг заминига қоқиладиган устун *устун қозиқ* деб аталади. Бу сунъий замин бино қуриладиган жойнинг грунти жуда бўш, сувга тўйинган (ботқоқ, лойқаланган майда қум) бўлгандагина қўлланади. Устун қозиқ думалоқ ёғочдан, металдан (қоқиладиган қозиқлар) ва темир-бетондан (тўлдириладиган қозиқлар) ясалган бўлиши мумкин.

Устун қозиқлар маҳсус машина (копёр)га ўрнатилган тўқмоқ ёрдамида қоқилади. Бу машина пойдеворнинг шакли ва ўлчамига мувофиқ қилиб қазилган котлован ёки траншеяга ўрнатилади.


Ёғоч устун қозиқлар диаметри 18 дан 30 см гача, узунлиги 6,5 дан 8,5 м гача бўлган ҳарағай, қайин, арча, терак ва бошқа ёғочлардан тайёрланиши мумкин.

Қозиқ тўқмоқ зарбидан ёрилиб кетмаслиги учун унинг юқори томонига пўлат ҳалқа ўрнатилади; қозиқнинг наизаланган уни устун қозиқнинг ўқига тўғри келиши лозим, акс ҳолда устун қозиқ бир томонга қийшайиб қоқилиши мумкин. Қозиқнинг наизаланган уни тўмтоқланмаслиги учун (агар у ёғоч қозиқ бўлса) унинг учига пўлат учлик ўрнатилади.

Темир-бетон устун қозиқ махсус горизонтал қолиiplарда тайёрланади. Бундай устун қозиқнинг узунлиги 40 м гача, кесим ўлчамлари 25×25 см ёки 30×30 см гача бўлиши мумкин. Уларга диаметри 16—20 мм келадиган арматура ҳамда 250 ва ундан ортиқ маркали бетон ишлатилиши лозим.

Сунъий замин қўшимча маблағ сарфлашни талаб этади ва бино қуриш муддатини анча узайтириб юборади.

Замин грунтини мустаҳкамлаш учун тўлдириладиган сунъий устун қозиқлар ҳам қўлланилади. Бундай қозиқларни ўрнатиш учун пойдевор қўйиладиган жой (траншея ва котлован) га қудуқлар бурғилаб улар бетон қориши маси, майда тош ёки шағал билан тўлдирилади. Бурғиланган қудуққа солинадиган бу материаллар зич ва пишиқ ўрнашсин учун улар (ҳар 40—50 см да) яхшилаб шиббаланади. Агар устун қозиқ темир-бетондан қилинадиган бўлса, бурғиланган қудуққа аввал сим арматуralар тушнирилади, сўнгра бетон қориши маси жойланади. Пойдевор остига ўрнатиладиган устун қозиқларнинг узоқ-яқинлиги грунт турига ва бинодан тушадиган нагруззка миқдорига боғлиқ бўлиб, улар маълум формуналардан топилади. Агар жуда бўш грунт устига оғир бино қуриш керак бўлса, ҳар бир m^2 замин юзасига 6 дан 10 тагача устун қозиқ қоқишига тўғри келади. Замин грунти ер ости сувларининг таъсири натижасида суюқланган бўлса, устун қозиқ ернинг қаттиқ ва зич қатламигача қоқилади.



31-расм. Осма устун қозиқ (свая):

S_o — найза, цисмдаги ишқаланиш кучи;
 S_d — ви томонидаги ишқаланиш кучи.

Бундай устун қозиқларни *устун қозиқ оёқ* деб аталади, чунки у бинодан тушадиган нагруззкани ернинг қаттиқ ва зич қатламига ўтказиб берувчи устун вазифасини бажаради. Бунда устун қозиқнинг узунлиги қаттиқ ва зич қатламларнинг ер юзидан қанча метр чуқурда бўлишига қараб аниқланади. Агар замин грунти суюқлашмаган бўлса, устун қозиқ ернинг қаттиқ ва зич қатламигача қоқилмаса ҳам бўлади. Бундай устун қозиқ *осма устун қозиқ* деб аталади (31-расм), чунки у, бинодан тушадиган нагруззкани грунтуга ишқаланиш кучи орқали беради; устун қозиқ билан грунт ўртасидаги ишқаланиш кучи бинодан тушадиган нагруззкага қараганда ортиқроқ бўлиши керак, акс ҳолда бинода чўкиш ҳодисалари рўй бериши мумкин. Ҳар бир осма устун қозиқнинг қанча нагруззка кўтара олишини ҳисоблаш

йұли билан аниқланади. Агар устун қозиқнинг наизаланған қисміда ҳосил бұладиган ишқаланиш күчи — S_o ’ ён томонла-рида ҳосил бұладиган ишқаланиш күчи — S_6 деб қабул қилин-са, у вақтда якка устун қозиқнинг қанча нагрузка күтара олишини профессор Дмоховский тақлиф этгән қуйидаги әмпи-рик формуладан топиш мүмкін:

$$S = S_o + S_6$$

Еки

$$S = \frac{F_1 l}{\sin \alpha} \operatorname{tg}^4 \left(45^\circ + \frac{\varphi}{2} \right) + \frac{\gamma v \operatorname{tg} \varphi}{2} \gamma \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right),$$

бунда v — устун қозиқ периметри (см ұисобида);
 γ — грунтнинг ұажм оғирлігі ($\text{г}/\text{см}^3$ ұисобида);
 φ — грунтнинг табиий қиялик бурчаги;
 α — наиза бурчаги;
 l — устун қозиқнинг ерга қоқылған қисмнинг узунлиги (см ұисобида).

Үрта Осиө шаронтида устун қозиқлар кам құлланилади.

Агар замин грунты 0,6 $\text{кг}/\text{см}^2$ дан ортиқ нагрузка күтара олмаса, бундай замин устига қурилиш нормаларыга биноан капитал бино қуриш рухсат этілмайды. Бундай ҳолларда **грунт-ли сунъий замин тайёрланади**. Грунтул сунъий замин **ташқи усул** ва **ички усуллар** билан бажарилади.

Ташқи усул шундан иборатки, траншея ёки котлован қазилғандан кейин, пойдевор қуришдан аввал, замин грунтининг устки қисми олиб ташланади ва ўрнига құм ёки майда тош солиб шиббаланади. Заминга пойдевор орқали түшган нагрузканинг таъсири борған сари камайиб бориб маълум чуқурликда ернинг остки қатламларига тарқалып кетади.


Масалан, пойдевор тагининг кенглиги B , бинодан заминга тушаётган босим 2 $\text{кг}/\text{см}^2$ бўлса, у вақтда замин грунтига B чуқурлигига 1 $\text{кг}/\text{см}^2$, 2 B чуқурлигига 0,6 $\text{кг}/\text{см}^2$, 3 B чуқурлигига 0,4 $\text{кг}/\text{см}^2$, 6 B чуқурлигига 0,2 $\text{кг}/\text{см}^2$, 7 B чуқурлигига 0 $\text{кг}/\text{см}^2$ босим түғри келади. Агар 2 $\text{кг}/\text{см}^2$ босим берадиган бино остидаги замин грунты 1 $\text{кг}/\text{см}^2$ босимга бардош бера олса уни B чуқурликкача кавлаб олиб ташлаб ўрнига майда тош ёки құм солиб шиббалаш лозим бўлади. Бунда замин грунты бинодан тушадиган босимни B чуқурликдан бошлаб қабул қилиди. Бундан ташқари, босимнинг бир қисми траншея ёки котлованнинг ён томони орқали ҳам тарқалади (32-расм). Шундай қилиб тўла босим

$$Q = q_o + q_b.$$

Баъз қандай вақтларда пойдевор тагини кенгайтириш йўли билан ҳам заминга бўладиган босим таъсирини камайтириш мүмкін.

Ички усул шундан иборатки, замин грунтининг орасига тру-
балар орқали маълум босимда суюқ цемент қоришмаси, суюқ
шиша ва кальций хлорид эритмаси юборилади. Бунинг нати-
жасида замин грунтининг пишиқлиги ошади.

Замин грунти суюқ цемент қоришмаси билан пишиқланса —
грунтни цементлаш, суюқ шиша ва кальций хлорид эритмаси
билинг пишиқланса — **грунтни силикатлаш** деб аталади. Ўрта
ва йирик донали замин грунтларининг пишиқлигини ошириш
учун цементлаш, ботқоқ ва лойқаланган майда қум каби грунт-
ларнинг пишиқлигини ошириш учун силикатлаш усулларидан
фойдаланиш тавсия қилинади.



32-расм. Кум ёстикли сунъий замин:
 q_s — сунъий замин орқали паста бериладиган
босим; q_b — сунъий замин орқали ён томошлар-
га бериладиган босим.


бўлишдан ташқари намлика ва ер ости сувларининг таъсирига
чидамли бўлиши керак.

Пойдевор учун ишлатиладиган асосий материаллар тош, бетон
ва темир-бетондан иборат бўлиб, улар тўрт группага бўлинади:

- 1) хумдоnda пишириш йўли билан тайёрланадиган сунъий
тошлар — пишиқ ғишт ва ғишт блоклари;
- 2) боргловчи материаллар қўшиб тайёрланадиган сунъий тош-
лар — бетон ва темир-бетон блоклари;
- 3) табиий тошлар — тош, харсанг тош ва ҳар хил тоғ жинс-
лари;
- 4) ҳар хил маркадаги қўйма бетон ва темир-бетонлар.

Сўнгги йилларда, уй-жой қурилишларида, йиғма пойдевор-
ларнинг қўлланилиши кенг тараққий топди. Йиғма пойдеворлар
ҳар хил катталикда ғиштдан, бетондан ва темир-бетондан тай-
ёрланади.

Пойдевор шаклини ва материалини тўғри танлаш, биринчи-
дан, унга ишлатиладиган материалларни тежамли сарф қилишга,
иккинчидан эса бино қисмларини лойихалашда кўп масалаларни
тўғри ҳал этишга ёрдам беради.



33-расм. Пойдевор шакллари:

a — түгри бурчактай; *b* — погоналы; *c* — пирамида шакллар; *e*— дөңзә шакллар (колонналар остига ишпелтилады); *d*— алоҳнай туруувчи погоналы.

- 1) лента пойдевор — бино деворлари остига ишлатилади;
- 2) алоҳида турувчи ёки устун пойдевор — колонна ва устунлар остига ишлатилади;
- 3) туташ пойдевор — махсус бино ва иншоотлар остига ишлатилади.

Пойдеворлар шакл жиҳатидан бешга бўлиниади:

- a* — тўғри бурчакли;
- b* — поғонали;
- c* — пирамида шаклли;
- d* — доира шаклли;
- d* — алоҳида турувчи поғонали (33-расм).

Пойдеворнинг шакли замин грунтининг қатлам қалинлигига ва унинг нагрузка кўтариш хоссасига ҳамда қуриладиган бино оғирлигига қараб аниқланади.

Пойдевор ўлчамлари лента пойдеворларда тагнинг энiga, устун пойдеворларда тагнинг юзасига нисбатан ҳисобланади. Пойдевор тагнинг юзаси у қўйиладиган замин грунти учун қанча бўлишини қўйидаги формуладан аниқланади:

$$F = \frac{Q}{\sigma},$$

буида *Q* — бинонинг оғирлиги (*кг* ҳисобида);

σ — замин грунтининг нагрузка кўтариш хоссаси (*кг/см²* ҳисобида);

F — пойдевор тагнинг юзаси (*см²* ҳисобида).

Пойдевор тагнинг юзаси топилгандан кейин унинг шакли аниқланади. Пойдевор шаклини аниқлашда қўйидаги факторларга, яъни:


- а) босим фундаментда қандай бурчак ҳосил қилиб тақсимланишига,
- б) пойдевор тагнинг ер юзасидан неча метр чуқурда бўлишига риоя қилиниши керак.

Юқоридан тушадиган нагрузка пойдевор бўйлаб вертикал йўналишда эмас, балки маълум бурчак ҳосил қилган ҳолда тақсимланиб заминга тушади (34-расм). Расмда пойдеворнинг штрих билан кўрсатилган қисми нагрузка кўтаришда иштирок этмайди. Демак нагруззанинг тақсимланишига қараб пойдевор поғона шаклида ишланса материал тежамли сарф бўлади. Шу нуқтаи назардан пирамида шаклли пойдеворлар ҳам рационал шакл бўлиб ҳисобланади.

Пойдевор таги ер юзидан неча метр чуқур бўлиши унинг шаклига таъсир қиласи. Курилишни лойиҳалаш қоидалари ва нормаларига биноан замин ер юзасидан неча метр чуқур бўлиши қўйидаги асосий тўрт факторга боғлиқдир:

1. Бино қуриладиган жойдаги грунтнинг музлаш қалинлиги. Грунт нам бўлгани учун у совуқ таъсир қилиши билан музлайди. Музлаган грунт табиий структурасини йўқотади; унинг ҳажми кенгайди ва доналари ўртасида бўлган ўзаро боғланиш бузилади. Натижада грунт (муздан тушгач) сочиувчан бўлиб қолади, механик хоссаларини йўқотади

шунинг учун музлаган грунтга пойдевор қуриш тавсия этилмаган. Ернинг музлаш қалинлиги қурилиш районининг қайси иқлимий поясда бўлишига боғлиқдир.



34-расм. Пойдеворда нагрузканинг таъсири этицига қараб поғоналар чиқариш:

a — нагрузканинг таъсири этиш бурнаги; *g* — пойдеворининг нагрузка таъсири отмайдиган кисми.


Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро шаҳарлари иқлимий поясининг IV районига, Нукус, Урганч, Тўрткўл шаҳарлари эса III районига киради.

Қўйидаги жадвалда мамлакатимизнинг баъзи шаҳарлари учун ернинг музлаш қалинлиги кўрсатилган.

35 - жадвал Баъзи шаҳарларда ернинг музлаш қалинлиги

Тартиб №	Шаҳарларининг номи	Иқлимий пояс	Музлаш қалинлиги (см хисобида)
1	Вильнюс, Минск, Киев	II	90—100
2	Днепропетровск, Ростов-Дон, Фрунзе, Олмасота	III	80—100
3	Ленинград, Харьков	II	100—120
4	Калинин, Москва, Воронеж	II	120—140
5	Саратов, Араплик	III	140—160
6	Куйбишев, Козон	II	160—180
7	Пермь, Свердловск, Челябинск, Караганда	I	180—200
8	Новосибирск	I	220
9	Тошкент, Тбилиси, Боку, Ашхабод	IV	50 дан кам

Жадвалда кўрсатилишича бир хил иқлимий поясдаги шаҳарларда ернинг музлаш қатлами ҳар хилдир. Бунга сабаб қорнинг турли қалинликда ёғишидир. Қор қанча қалин бўлса, ер шунчак юпқа музлайди. Бир хил иқлимий поясдаги шаҳарларга ҳар хил қалинликда қор ёғиши мумкин. Ернинг музлаш қалинлигининг қор қалинлигига боғлиқлиги 35-расмда кўрсатилган.



35-расм. Ернинг музлаш қалинлигининг қор қалинлигига боғлиқлиги;

h_1 — қорнаг қалинлиги (см ҳисобида); h_2 — ернинг музлаш қалинлиги (см ҳисобида).

2. Замин грунтлари қатламиининг қалинлиги. Замин грунти ер юзасидан неча метр чуқурликда бўлиши ва уининг қатлам қалинлиги геологик текширишлар натижасида аниқланади. Шундан кейингина қуриладиган бино пойдеворининг баландлиги маълум бўлади. Агар замин грунтининг қатлами етарли қалинликда бўлса, у вақтда сунъий негиз ишлаш тадбирлари кўзда тутилади.

3. Ероости сувларининг паст-баландлиги. Маълумки ероости сувлари ер қобифининг сув ўтказмайдиган қат-

ости сувларидан йирокда бўлиши керак. Акс ҳолда ҳаракатда бўлган ер ости сувлари замин грунтини ювиб кетиши ва бинода авария рўйт бериши мумкин. Агар ер ости сувлари пойдевор қўйиладиган заминдан юқорида, ер юзига яқин бўлса, замин грунти ювилмайди, аммо пойдевор ва деворлар доим нам таъсирида бўлади. Бундай вақтларда деворларни намдан сақлаш тадбирлари бино лойиҳасида кўрсатилган бўлиши керак. Шундай қилиб, замин ер ости сувларидан пастда ёки юқорида бўлиши лозим. Ер ости сувларининг сатҳи пойдевор таги билан бир хил паст-баландликда бўлишига йўл қўймаслик керак.

4. Зилзила шароитлари. Зилзила баландлиги 5 м дан ортиқ бўлган бино пойдеворларига таъсирилди. Пойдеворларнинг ер юзасидан неча метр пастда бўлиши замин грунтининг характеристикаси ва зилзила балига ҳам боғлиқдир.

36 - жадвал


Баландлиги 5 м дан ортиқ бўлган бино пойдеворларининг ер юзасидан неча метр пастда бўлиши

Тартиб №	Замин грунтларининг характеристикиси	Зилзила бали		
		7	8	9
1	Сиқилишга бўлган ҳисоблаш қаршилиги (алоҳида таъсиirlар назарга олингандан) 4 кг/см ² дан ортиқ бўлган қоя, яримқоя, йирик тош, зич ва оз намли қум билан соуз тупрок			
2	Бошка грунтлар	Зилзила бўлмайдиган районлар учун тузилган нормалар бўйича аниқланади	Зилзила бўлмайдиган районлар учун тузилган нормалар бўйича аниқланади	1 1,5

Пойдевор тагининг ер юзасидан неча метр паст бўлиши юқорида айтиб ўтилган факторларга асосан аниқланади.

Шундай қилиб, пойдевор лойиҳасини тузишда бино қуриладиган участканинг гидрогеологияси ўрганилади, пойдевор шакли ва ўлчамлари аниқланади ва унга ишлатиладиган материаллар танланади ҳамда 6 балдан ортиқ бўлган зилзила ҳисобга олинади.

Пойдеворнинг ишчи чертёжида унинг плани, кесимлари ва ўқи бўйича профиллари кўрсатилади. Планда пойдеворнинг



36-расм. Иккى квартиранын түраржой биносы пойдалорларнинг планы.

горизонтал ўлчамлари, кесимларда унинг шакли оиласан вертикал ўлчамлари, профилларда эса пойдевор тагининг ер юзасидан неча метр чуқур эканлиги кўрсатилади.

Пойдевор лойиҳасини тузиш учун бино ва унинг конструкцияларидан тушадиган нагрузка маълум бўлиши керак. Бу нагруззкани бино конструкцияларининг ўлчамлари ва уларга ишлатиладиган материаллар маълум бўлгандан кейин ҳисоблаб топилади.

Пойдеворлар плани ватман юғозига қалам билан (одатда 1:100 масштабда) чизилади. Дастреб демонстрирует конструкцию в масштабе 1:100. Бу ўқлардан фойдаланиб статик усуслади. Ҳисоблаб аниқланган пойдевор тагининг кенглигини кўрсатувчи параллел чизиқлар чизилади. Натижада пойдевор плани ҳосил бўлади (36-расм).

Пойдевор кесимикинг характерли қисмлари йирик масштабда (одатда 1:20 масштабда) чизилади. Ички ва ташки деворларнинг пойдеворлари алоҳида-алоҳида кесимларда кўрсатилади.

Пойдевор кесимида кичкина учбурчак белги ёнига нисбий баландлик ёки нисбий чуқурликни кўрсатувчи белгилар ёзиб кўйилади. Биринчи қават полининг юзаси $\pm 0,00$ нисбий белгига тенг деб қабул қилинган. Ташки девор пойдевори кесимида йўлка ва унинг кенглиги ҳамда қандай материалдан қилиниши кўрсатилади. Ҳамма кесимларда гидроизоляция аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Пойдевор профиллари қўйидаги ҳоллардагина чизилиши мүмкун:


- бинонинг бир қисми подвалли бўлганда;
- биринчи қават поллари ҳар хил баландликда бўлганда;
- иморат солинадиган жой текис бўлмаганда.

Бинонинг бир қисми подвалли бўлганда бир чуқурликдаги пойдевордан иккинчи чуқурликдаги пойдеворга ўтиш тартиби 37-расмда кўрсатилган-дек бўлади.


Профиль алоҳида пойдеворлар ёки уларнинг бир қисми учун чизилади (38-расм).

Бинонинг подваллик ва подвалсиз қисмларида, пойдеворларнинг бир-бирларига қўшилган жойида поғона ҳосил бўлади. Ер зилзиласи 6 балл ва ундан кам бўлган районларда пойдеворлар бир поғона билан туташган бўлиши мумкин, аммо 7 балл ва ундан ортиқ зилзила бўладиган районларда пойдеворлар

a)



b)



37-расм. Бир чуқурликдаги пойдевордан иккинчи чуқурликдаги пойдеворга ўтиш тартиби:

а — замин мустахкам бўлганда;
б — замин буш бўлганда.

баландлиги 50 см, узунлиги 100 см оулиши керак (37-расмга қаранг).

Йиғма пойдеворлар. Йиғма пойдеворларни маҳсус пойдевор блокларидан терилади. Бу блоклар пишиқ фиштдан, бетондан ва темир-бетондан тайёрланиши мумкин. Улар маҳсус


заводларда ишлаб чиқарилади. Блоклар ҳар хил тип ва ўлчамларда бўлиб, уларнинг сони маҳсус каталоглар билан кўрсатилади. Пойдевор блокларининг эни 80 дан 280 см гача, баландлиги 30 ёки 40 см бўлиши мумкин. Блокларнинг аниқ ўлчамлари замин грунтининг тури, пойдеворга тушадиган нагруззанинг миқдори ва бошқа факторларга қараб аниқланади.

Блоклар бир ёки икки қатор терилиши мумкин. Блокларни бир қатор теришида цемент қоришимаси ишлатилади; темир-бетон блокларда чиқазиб қолдирилган сим арматуралар ўзаро пайванд қилинади. Блоклар икки қатор терилгандаги қаторлар орасига цемент қоришимаси солинади. Блокларни теришида вертикаль чоклар устма-уст бўлиб қолмаслиги керак. Одатда, биринчи қаторга темир-бетондан, иккинчи қаторга эса бетондан тайёрланган блоклар қўйилади.

Қаерга қайси типдаги блок терилиши йиғма пойдевор лойиҳасида кўрсатилади. Агар пойдевор икки қаторли бўлса, ҳар қайси қатор учун алоҳида план чизилиб, унда блокларнинг терилмасдан ва терилгандан кейинги ҳолатлари кўрсатилади.

Зилзила бўладиган районларда пойдеворлар териши учун баъзи кўргазмалар. Шаҳар ёки районда бино қуриш учун тегишли антисейсмик тадбирларни бажариш мақсадида шу шаҳар ёки районнинг зилзила балини (37-жадвал) билиш зарур бўлади.

СН-8—57 га биноан пойдевор қуриш учун харсанг тошларни баландлиги 5 м гача бўлган бир қаватли биноларда ва зилзила 7 балгача бўладиган районлардагина ишлатиш мумкин.



38-расм. Лента пойдеворлар кесими.

Хасида кўрсатилади. Агар пойдевор икки қаторли бўлса, ҳар қайси қатор учун алоҳида план чизилиб, унда блокларнинг терилмасдан ва терилгандан кейинги ҳолатлари кўрсатилади.

Зилзила бўладиган районларда пойдеворлар териши учун баъзи кўргазмалар. Шаҳар ёки районда бино қуриш учун тегишли антисейсмик тадбирларни бажариш мақсадида шу шаҳар ёки районнинг зилзила балини (37-жадвал) билиш зарур бўлади.

СН-8—57 га биноан пойдевор қуриш учун харсанг тошларни баландлиги 5 м гача бўлган бир қаватли биноларда ва зилзила 7 балгача бўладиган районлардагина ишлатиш мумкин.

**СН-8—57 га бинодан Ўзбекистоннинг асосий аҳоли пунктларни учун
қабул қилинган зилзила бали**

Тар- тиб №	Шаҳар ва районлар- нинг номи	Зилзила (балл ҳи- собида)	Тар- тиб №	Шаҳар ва район- ларнинг номи	Зилзила (балл ҳи- собида)
1	Андижон	9	25	Сариосиё	8
2	Бекобод	7	26	Сирдарё	7
3	Бешкент	6	27	Термиз	7
4	Бойсун	8	28	Тошкент	8
5	Бухоро	6	29	Тўйтепа	8
6	Денов	8	30	Уйчи	8
7	Жарқўргон	7	31	Урсатьевск	7
8	Жиззах	7	32	Учқўргон	9
9	Навоий	6	33	Фарғона	8
10	Қаттақўргон	7	34	Чиноз	7
11	Кегайли	6	35	Чироқчи	7
12	Кирово	8	36	Чирчик	8
13	Китоб	7	37	Чуст	8
14	Коғон	6	38	Шаҳрисабз	7
15	Косонсой	8	39	Шеробод	7
16	Левинск	9	40	Шўрчи	7
17	Марғилон	8	41	Янгийўл	7
18	Мирзачўл	7	42	Янгиқишилоқ	7
19	Нурота	6	43	Қарши	6
20	Олмалиқ	8	44	Қува	8
21	Оржоникидзе	8	45	Қўкон	8
22	Оҳангарон	8	46	Ғаллаорол	7
23	Пскент	8	47	Ғиждувон	6
24	Самарқанд	7	48	Ғузор	7

Баландлиги ҳар хил бўлган пойдеворларни бир-бирлари билан бирикишидан ҳосил бўладиган пофона 1:2 дан ортиқ бўлмаслиги ва пофона 0,5 м дан баланд бўлмаслиги керак. Агар замин грунти қоя тош бўлса бу қоидага риоя қилинмайди.

Зилзила 7 ва 8 балл бўладиган районларда қуриладиган биноларнинг замини соз тупроқ, қум ва шуларга ўхшаш кам чўқадиган зич грунтлар бўлганида йигма пойдеворнинг биринчи қатор блоклари устига, уни ўқи бўйлаб, диаметри 8—10 мм ли 4 та сим арматура қўйиб юборилади. Арматура қўйиладиган горизонтал чокдаги қоришманинг маркаси 50 ва ундан

пойдевор бурчакларига құшымча арматура сеткалар құйилади. Пойдевор планида изоҳ берилади. Бу изоҳда антисейсмик тадбирлар күрсатилади. Бундан ташқари, планда пойдеворнинг антисейсмик асосий деталлари чизилади.

Замин грунти чүкүвчан (бұш тупроқ, сочиувчан құм ва шунга ұхшашлар) бұлса йиғма пойдеворнинг биринчи қатор блоклари үрнига монолит темір-бетон құйилади.

Агар пойдевор пишиқ гиштдан ёки йирик табиий тошлардан қурилса горизонтал чок-қоришка орасыга (заминдан 20—30 см баландлиқда) диаметри 8—10 мм ли арматура симлари құйилади.

§ 10. ДЕВОРЛАР

Деворлар бинонинг асосий конструкциясы ҳисобланади. Доимий ва вақтінча нагрузкалардан ҳосил бұладиган босим деворлар орқали пойдеворларга тушиб туради. Бұйлама ва күндаланг деворлар бинонинг умумий турғунылыгини таъминлайди.¹ Улар бинонинг эң күп қисмими ташкил этадиган конструкция бўлиб қурилиш учун сарф бұладиган харажатларнинг 30—40% ни ташкил этади. Деворлар қуришда йирик конструктив элементлардан фойдаланиш қурилишни индустрлаштириш соҳасида асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.² Бундан ташқари, деворлар бинонинг қиёфасини олдиндан аниқлаб туради.

Деворлар асосан икки хил бўлади:

- нагрузка кўтарувчи деворлар;
- ўз-ўзини кўтариб турувчи деворлар.

Пландаги үрнига кўра деворлар иккига бўлинади:

- ташқи деворлар, бино ичини иссиқ, совуқ, ёмғир, қоркаби атмосфера таъсиротидан сақлаб туради;
- ички деворлар, бино ичини хоналарга ажратиб, устига қўйилган қават ораси конструкциялар нагрузкасини кўтариб туради.

Қўлланиладиган материалларга қараб деворлар бир неча хил бўлади. Ўнгги йилларда мамлакатимизда прогрессив девор конструкциялари сифатида блоклар ва панеллар кеңг қўлланилмоқда.

Девор конструкцияси учун ҳар турли талабларга жавоб берпа оладиган материал танлаш асосий масала бўлиб ҳисобланади. Танланган материаллар иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган, деворларни монтаж қилиш бўйича индустрлаштириш ва механизациялаштириш принципларига жавоб бера оладиган бўлиши лозим.¹ Девор материалларини тўғри танлаш қуриладиган бинонинг фойдали, тежамли бўлишини ва унинг нормал эксплуатация муддатини таъминлайди. Деворлар учун қўлланиладиган барча материалларни, асосан, уч группага бўлиш мумкин:

1) қарнил ва сунъин тошлар (харсанг тош, ракушка тоши, гишт, цемент тошлари ва ҳоказолар);

2) ҳар хил қурилиш материалларидан (ғишт, бетон, шлакбетон, силикальцит, керамзит-бетон) тайёрланадиган йирик блоклар;

3) йирик панеллар.¹

Яқин вақтларгача гишт девор қуриш учун асосий материал ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг йирик шаҳарларини индустрялаштириш талабларига жавоб берса оладиган прогрессив девор материаллар (блоклар ва панеллар)нинг тараққий этиши билан гишт ўз қийматини йўқота бошлади.

Қурилишни индустрялаштириш уни механизациялаштириш билан боғлиқдир. Аммо мамлакатимизнинг барча районларини бирданга қурилиш техникаси билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун блок ва панеллар тайёрлаш имкони бўлмаган районларда гишт девор қуриш учун ҳали асосий материал бўлиб қолади.

Гиштни деворлар

1. Хом гиштдан қуриладиган деворлар. Ўзбекистонда қуруқ ва иссиқ иқлим давомли бўлгани учун гиштдан девор қуриш жуда тараққий топган. Ўлчамлари $250 \times 120 \times 65 \text{ мм}$ бўлган хом гиштлар пишиқ гишт тайёрлаш учун ярим фабрикат ҳисобланади. Хом гиштни ҳамма ерда қўйиш мумкин. У деярли пишиқ бўлмайди; уни бир жойдан иккинчи жойга ташишида кўп нобуд бўлади. Шунинг учун, хом гиштни қурилиш майдонининг ўзида қўйиб ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Хом гиштнинг пишиқлиги лойнинг сиғатига боғлиқ. Хом гиштдан қурилган деворнинг сиқилиши пишиқлиги $4-6 \text{ кг/см}^2$ дан ошмайди. Бундай деворлар фақат бир қаватли бино қуриш учунгина яроқлидир.

Ўзбекистоннинг зилзила бўладиган районларида баландлиги 5 м гача бўладиган биноларни хом гиштдан қуриш мумкин. Бундай бино деворларининг юқори қисми (чордоқ ёпма қисми)га антисейсмик ёғоч белбоғ қўйилади.

Теплотехник ва статистик ҳисоблаша асосида деворлар учун қўйидаги қалинлик эталони қабул қилинган:

а) ташки девор учун 51 см , яъни икки гишт; б) ички девор учун 38 см , яъни бир ярим гишт.

Ҳар қандай девор ҳам асосан уч қисмга бўлинади: пастки қисм (цоколь), ўрта қисм ва юқори қисм (карниз).


Хом гишт деворларнинг цоколи пишиқ гишт ёки харсанг тошдан терилиб устига нам ўтказмайдиган қатлам қўйилади. Бу қатлам икки қават толь ёки 2 см қалинликдаги цемент қоришимасидан иборат бўлиши мумкин.

Дераза ва эшик ўринларининг равоқларига 16 см йўғонликдаги гўла ёки қалиндиги $10 \times 16 \text{ см}$ қеладиган ёғоч бруслар


суртилиши зарур. Уларнинг икки учи девор ичига камида 25 см дан кириб туриши керак.

2. Пишиқ ғиштдан қуриладиган деворлар. Бу деворлар үлчамлари $250 \times 120 \times 65$ мм бўлган расмий пишиқ ғиштлардан ва ораси кавак пишиқ ғиштлардан терилиши мумкин. Пишиқ ғиштларни теришда оҳак, мураккаб ва цемент қо-

а) 1-катор




б) 1-катор




в) 1-катор




2-катор



2-катор




2-катор




Оддий девор ғиштларини териш

1-катор




1-катор




1-катор



2-катор



2-катор




1-катор




Девор бурчагининг ғиштларини териш

1-катор




1-катор




1-катор

2-катор



2-катор



2-катор

Деворларни улаш

39-расм. Занжирли системада ғишт териши:

a — 1,6 ғишт, *b* — 2 ғишт, *c* — 2,5 ғишт.


Решеткалық ғиштадан. Анық қалыптың түрінен таңдаңылғанда. Қаралған ғиштадан сирек қаватли ойно қурилса, пишиқ ғиштадан күп қаватлы иморатлар қуриш мүмкін.

Пишиқ ғиштадан қуриладын деворлар конструкциясы жи-
хатидан иккі группага бүлинады:

1) массив-деворлар; 2) енгиллаштирилген деворлар.

a)


1½ ғишт
1-қатор



2-қатор




3-5-қаторлар




4-6-қаторлар




b)



1-қатор



2-қатор




3-5-қаторлар




4-6-қаторлар


2 ғишт
1-қатор




2-қатор




3-5-қаторлар




4-6-қаторлар




1-қатор



2-қатор



3-5-қаторлар



4-6-қаторлар

40-расм. Олти қатор тартибидан ғишт териш:


а — Урта девор, б — бурчак девори.

шунда техника талаоларига оноан ғиштларнинг орасидаги вертикаль чоклар 10 мм ва горизонтал чоклар 12 мм қалинилдида бўлиши керак.

Массив девор ғиштларини теришда чокларни боғлаш учун асосан қуйидаги уч усул қўлланади:

- 1-усул „Занжир“ тартибида боғлаш (39-расм).
- 2-усул „Олти қатор“ тартибида боғлаш (40-расм).
- 3-усул „Онишчик“ усулида боғлаш.

Занжирли системада қатор ғиштларининг вертикаль чоклари деворининг узунасига $\frac{1}{4}$ ғишт, қалинлигига эса $\frac{1}{8}$ ғишт бостириб терилади. Навбатдаги қаторнинг ғиштларини остки қаторга нисбатан $\frac{1}{4}$ ғишт суреб бостириш учун девор бошланишига ва бурчакларига $\frac{3}{4}$ ли (уч чоракли) ғишт терилади.



41-расм. Устун ғиштлари теришининг проф. Онишчик усули.

усули 6 қаторлик системага ўхшаш бўлиб, бунда $\frac{3}{4}$ ли ғишт деярли ишлатилмайди. Аммо деворнинг фасадида 6, 1-ва 2-ғишт қаторларининг вертикаль чоклари бир-бирининг устига тўғри келиб, девор кўринишини бузади. Шунинг учун Онишчик усули фақат суваладиган ғиштин бино қуришда қўлланади. 41-расмда устун ғиштларини проф. Онишчик усулида териш тартиби кўрсатилган.


Бу усуллардан энг кўп қўлланадигани занжирли система дид. Чунки занжирли системани ўрганиш осон ва бу усулда терилган девор бошқа усулда терилган деворга қараганда пухтароқ бўлади.

Дераза ва эшик ўринларининг тепасини турли равоқлар билан ёпиш мумкин (42-расм).

„Олти қатор“ системада 1 ва 2-қатор ғиштлари занжирли усул сингари терилади. 3, 4, 5 ва 6-қаторларнинг ғиштлари чўк қилиб, чокларни боғлаш учун $\frac{1}{2}$ ғишт суреб бостириб терилади. Натижада 4 ва 6-қаторларнинг орасида деворнинг ўки бўйлаб бўшлиқлар қолади. Бу бўшлиқлар деворнинг иссиқ-совуқни ўтказмаслик хусусиятини оширади. Бу усул билан ғишт теришда $\frac{3}{4}$ ли ғишт камроқ ишлатилади, лекин деворнинг пишиқлиги 6—7% камаяди.

Профессор Онишчик

за ёки эшик ўринларининг устига қўйилади. Бу равоқни пишиқ гиштдан ва диаметри 6 $мм$ ли сим арматурадан қилинади. Сим арматуранинг сони девор қалинлигига қараб аниқланади. Одатда ҳар $\frac{1}{8}$ гиштэнинг биттадан сим арматура қўйилади. Оддий равоқ гиштларнинг 5—6 қатори маркаси 25 дан кам бўлмаган цемент қориши маси билан терилиши керак. Сим арма-




42-расм. Равоқлар:

a — одий; б — понали; в — аркали; г — темир-бетонли.

туранинг учлари деворга 25 см кириши лозим. Понали ва аркали равоқлар (42-расм, *б*, *в*) ҳам гиштдан қурилади. Лекин булар бошқа равоқларга қараганда камроқ қўлланади. Темирбетонли равоқ (42-расм, *г*) қўйма ва йигма конструкцияли бўлиб, кенглиги 2,75 м дан ортиқ бўлмаган дераза ва эшик ўринлари устига қўйилади. Одатда йигма равоқ кесими 120× \times 75 $мм$ ли, узунлиги 1,25 дан 3,25 м гача бўлган тўсинчалар шаклида тайёрланади. Бу равоқларнинг учлари деворга 25 см кириши керак.

Деворнинг юқори қисми — карниз, бинонинг умумий фасадини кўркам қилишда катта роль ўйнаади. Бундан ташқари, у деворнинг устки қисмини қор ва ёмғирдан сақлайди. Баланд


оулмаган деворларда карнизлар гиштнинг ўзидаш чиқарип ишланиши, кўп қаватли биноларда эса девор сиртидан 1—1,5 м гача олдинга чиқарилиши мумкин. Бундай карнизлар учун йигма темир-бетон плиталар қўлланилади (43-расм).



43-расм. Карнизлар:

а — гиштдан қилинган; б — гишт билан темир-бетон плиталардан қилинган; в — темирбетон плиталардан қилинган; 1 — толь; 2 — маурлат; 3 — 80 мм ли таҳтадан қилинган харниза ёғочи; 4 — гишт қаторлари; 5 — цемент юришма бетон; 6 — аккер; 7 — йигма темир-бетон плиталар.

Сарф қалинадиган пишиқ гиштни тежаш, деворнинг вазминлигини камайтириш ва унинг теплотехник сифатларини ошириш юзасидан бир неча йиллар мобайнида олиб борилган ишлар натижасида енгиллаштирилган деворлар конструкцияси вужудга келди. Енгиллаштирилган деворларнинг умумий қалинлиги 38—



44-расм. Енгиллаштирилган деворлар:

а — Н. С. Попов системаси бўйича; б — С. А. Власов системаси бўйича (тўкмаси курсатилмаган); 1 — лўк қатор; 2 — чўк қатор; 3 — тўкма.

51 см бўлиб, $\frac{1}{2}$ гишт қалинлигидаги икки деворчадан иборатdir. Деворчаларнинг оралари енгил материаллар билан тўлдирилади. Девор пишиқлигини таъминлаш учун деворчалар ўзаро горизонтал ёки вертикал гишт диафрагмалар билан боғланади. Деворчаларнинг орасини шлак ва шунга ўхшаш енгил материаллар билан тўл-

дирилади. 44-расмда Н. С. Попов ва С. А. Власов тақлиф этган енгиллаштирилган деворлар күрсатылған.

Н. С. Попов системаси бүйіча деворчалар беш қаторғаcha $\frac{1}{2}$ ғишт қалинликда чүк қилиб, олтінчи диафрагма ҳосил қи-
лувчи қаторни лўк қилиб терилади.

С. А. Власов системаси бүйіча деворчалар пастдан юқори-
ғаcha чүк қилиб терилиб, ұар 0,75—1,5 м оралиқда лўк қилиб
терилған диафрагма билан боғланади; диафрагмалар орасидаги
бўшлиқ енгил материаллар билан тўлдирилади.

Енгиллаштирилған деворлар массив деворларга қараганда-
иссиқ, совуқ ва товушни кам ўтказади; уларга ғишт 40% гача
кам сарф бўлади.

Қурилиш норма ва қондалари (СН-8—57)га биноан, зил-
зила кучи 7,8 ва 9 балл бўлған районларда фақатгина Власов
системасини қўллаш тавсия қилинади. Бунда ғиштнинг маркаси
50 ва ундан ортиқ бўлиши керак; диафрагмаларнинг қалинлиги
 $\frac{1}{2}$ ғишт бўлса, уларнинг ораси 0,8 м, 1 ғишт бўлса, 1,5 м
бўлади. Деворчалар орасидаги бўшлиқ 15 ва 25 маркали бетон
билан тўлдирилиши лозим.

Деворнинг қалинлигини аниқлаш. Ғиштнинг девор-
ларда асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб 1 м² деворга сарф
қилинадиган ғиштнинг миқдори ҳисобланади. Шунинг учун
ташқи деворлар қалинлигини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга
эгадир. Девор қалинлигини аниқлашда унинг статистик пишиқ-
лигига ва иссиқ-совуқни ўтказмайдиган бўлишига риоя қили-
нади. Одатда 1 ва $\frac{1}{2}$ ғишт қалинлигидаги деворлар статистик
пишиқлиги жиҳатидан 2—3 қаватли бинолар қуришга имкон
беради, аммо теплотехника ҳисобларига кўра бундай қалинлик-
даги деворлар бино ичидә санитария ва гигиена талабларига
мувофиқ шароит туғдиришга имкон бера олмайди, яъни: бино-
нинг ичи ёз вақтида тез исиди, қиши вақтида эса тез совуиди.

Бино ичидә санитария ва гигиенага мувофиқ шароит туғди-
риш учун деворлар қўйидаги талабларга жавоб берадиган бў-
лиши керак:

а) девор ташқи температура таъсири билан бино ичининг
исиб ёки совуб кетишига етарли даражада қаршилик кўрсата
олиши керак; б) деворнинг ички томонидан тегишли минимал
температура сақланиб туришини таъмин этиш керак; в) девор
етарли даражада қуруқ бўлиши керак.

Теплотехник ҳисоблаш усуллари „Қурилиш теплотехникиаси“
фанида мукаммал ёзилған. Бу ерда биз фақат деворнинг иссиқ-
ни утишига бўлған қаршилигинигина ҳисоблашни кўриб чиқа-
миз. Буни қўйидаги формуладан топилади:

$$R_o = R_b + R + R_{b'}$$

R_s — деворнинг иссиқни сингдиришга бўлган қаршилиги;
 R — термик қаршилик;
 R_u — иссиқни беришга бўлган қаршилик.

Девор теплотехник талабларни қаноатлантирган ҳолда, ташки ҳаво температурасига қараб тажриба асосида аниқланган R_o нинг қиммати қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

38-жадвал

Ташки ҳаво температураси	Баъзи шаҳарларнинг номи	R_o	Деворнинг минимал қалинлиги (ғишт ҳисобида)	
			Оғир қоришма ишлатилган девор	Сенгил қоришма ишлатилган девор
-20	Ашхобод, Астрахань, Киев	0,9	2	1½
-30	Москва, Харьков	1,1	2½	0,2
-40	Архангельск, Новосибирск	1,3	3	2½
-50	Чита, Якутск	1,5	3½	3,0

Нормалар бўйича: юзаси силлиқ деворлар учун

$$R_u = 0,133 \text{ ва } R_s = 0,05.$$

Термик қаршилик

$$R = rd = \frac{d}{\lambda},$$

бунда d — деворнинг қалинлиги (m ҳисобида);

r — девор материалининг солишишима термик қаршилиги ($m^3 \text{ соат град}/\text{ккал}$);

λ — девор материалларининг иссиқ ўтказиш коэффициенти ($\text{ккал}/m \text{ соат град}$).

У ҳолда

$$R_o = R_s + rd + R_u.$$

Девор материалининг солишишима термик қаршилиги справочник бўйича аниқланади (у ғишт учун — 1,42).

Мисол. Қалинлиги 2,5 ғиштлик деворнинг иссиқни ўтказишга кўрсатадиган қаршилигий (Москва шаҳри учун) текширилсин. Девор оғир қоришма билан терилган ва иккى томони сувалган.

Ечиш. Нормалар бўйича $R_s = 0,133; R_u = 0,05$; справочник бўйича $r = 1,42$ бўлса, у вақтда

$$R_o = 0,133 + 1,42 \cdot 0,64 + 0,05 = 1,1$$

(бу қиймат талабларга жавоб беради) (38-жадвалга қаранг).

Одатда қурилиш практикасига кўра ҳар қайси шаҳар учун аниқланган девор эталон қалинлигидан фойдаланилади. Узбекистонда қуриладиган гиштин деворлар қўйидаги қалинликда бўлиши қабул қилинган: ташки девор 51 см (икки гишт), ички девор 38 см (бир ярим гишт). 1957 йилда чиққан кўргазмаларда бир қаватли биноларнинг ички ва ташки деворларини $1\frac{1}{2}$ гишт қалинлигига қуришга рухсат ётилган.

Деворнинг пишиқлиги қоришма ва гиштнинг пишиқлигига, чокларнинг қалин-юпқалигига, гишт териш усуулларига ва қабул қилинган конструкциянинг типига боғлиқдир. Пишиқ гиштдан қурилган деворнинг сиқилишга норматив мустаҳкамлиги профессор Л. И. Онишчикни эмпирик формуласидан топилади.

Гишт теришда ишлатиладиган қоришмалар ҳажм оғирлигига қараб иккига бўлинади: а) оғир қоришма ($\gamma_p > 1500 \text{ кг}/\text{м}^3$); б) енгил қоришма ($\gamma_p < 1500 \text{ кг}/\text{м}^3$).

Оғир қоришма билан пишиқ гиштдан терилган деворнинг сиқилишга норматив мустаҳкамлиги.

39 - жадвал


Гиштнинг маркаси	Қоришманинг маркаси $\gamma_p > 1500 \text{ кг}/\text{м}^3$						
	100	75	50	25	10	4	2
150	45	40	35	30	25	23	20
100	35	33	30	25	20	18	15
75	30	28	75	22	18	15	13
50	—	22	20	18	14	11	10

Эслатма. Енгил қоришмалар билан терилган гиштни девор учун жадвалда кўрсатилган қиймат 15% га камайтирилади.

Деворлар плани. Деворлар плани қуриладиган бинонинг асосий чёртёжи ҳисобланади. Деворлар плани ҳал бўлиши билан лойиҳа тузишга киришилади, яъни технология, планировка, конструкция ва архитектура масалалар комплекс равишда ҳал қилинади. Деворлар планида алоҳида хоналарнинг горизонтал ўлчамлари, девор қалинлиги, бинога ва хоналарга кириш ва чиқиш жойлари, дераза ва эшикларнинг сони ҳамда уларнинг ўрни кўрсатилади.

Деворлар планини тузишда аввало бинонинг вазифасига асосланилади.

Турагжой бино хоналарининг сони ва уларнинг ўлчамларини аниқлашда бу хоналарда турувчи оиласининг яшаш қулайликларига катта аҳамият берилади. Ҳар бир оиласининг яшаш қулай-



a

	Эмалланган чүн ванна
	Түвери бүртти эмалланган чүн ванна
	Бололов ваннаси
	Бир жұмрақты үмівальниктар
	Иккى жұмрақты үмівальник
	Ошондагы үрнәтиладыған үмівальник
	Унитаз
	Лиссуор

b

45-расм. а — Санитария-техника асбоб-ускуналари үрнатыладыған хоналар, б — Санитария-техника асбоблари.

ликлариниң қондириш учун квартира ичидағы хоналарни туғри жойлаштира билиш керак.

Масалан: ётиладиган хона тураржой секциясінінг чекка сіда бұлиши керак, ошхона овқатланадиган хонанинг ёніда, ташқарига чиқадиган эшикка яқынроқ бұлиши лозим. Баъзи хоналарнинг ўлчамлари ундаги мебел (стол, стул, шкаф ва ҳоказо)ларни жойлаштириш имкониятіга қараб белгіланади.

Туалет ва санитария хоналариниң қуришда уларға құйила-диган асбоб-ускуналарнинг ўлчами (45-расм) ҳисобға оди-нади.

Студентлар ётоқхонасінінг планини түзишда хоналарнинг сони ва ўлчами студентларнинг сонига қараб ва уларға қулай шароит яратиши ассоциация аниқланади. Бунда маданий-маший ишлар, буфет ҳамда қиратхона учун ҳам хоналар ажрати-лишиниң күзде тутиш зарур.

Жамоат биноларинінг планини түзишда кераклы хоналарнинг катта-кичиклиги уларнинг ичіда бұлладиган кишилар сони-га қараб ҳисобланади, ёрдамчи хоналарнинг сони эса шу бино-нинг технологик вазифасына бөлгіләрдір. Масалан, болалар ясласи биносинінг лойиҳасини түзишда ундаги хоналарнинг юзи болаларнинг сонига қараб ҳисобланади.

Мактаб биносидаги хоналар, масалан, синфларнинг юзи үқувчиларнинг сонига қараб аниқланади; биноннинг умумий планы эса үқиш процессынінг технологиясына қараб түзи-лади.

Кино ва театрларнинг умумий юзи томоша залидаги ўрин-ларнинг сонига қараб ҳисобланади.

Бир неча йиллар мобайнида түрли бинолар қуриш натижасыда күл тажриба түпланған. Бу материалларни бир системага солиб СНиП (қурилиш нормалари ва қоидалари) да баён қи-линган. Қуйида шу СНиП дан олинған баъзи асосий жадвал-лар көлтириледи.

Умумий овқатланиш муассасалары биносинінг планы битта ўтирадиган жой нормасына қараб түзилади.

40 - жадвал

Умумий овқатланиш муассасалари савдо залиниңнег юзини аниқлаш нормасы

Тар- тиб №	Умумий овқатланиш муассасалари	Савдо залида бир кишилик ўрин нормасы (m^2 ҳисобда)
1	Ресторан	1,6
2	Ошхона	1,3
3	Кафе, чойхона, буфет, закускахона	1,2

Умумий овқатланиш муассасалари иккинчи даражали хоналарининг юзни аниқлаш нормаси

Тар-тиб №	Умумий овқатланиш муассасалари	Савдо залари үрин-ларининг сони	Ишлаб чиқариш хона-лари	Омбор-хоналар	Маъму-рий-ман-ший хо-налар
			битта жой нормаси (m^2 ҳисобида)		
1	Ресторан	75	2,0	0,8	0,7
		200	1,5	0,7	0,43
2	Ошхона	50	1,3	0,8	0,4
		200	1,1	0,5	0,36
3	Кафе, чой-хона, закус-кахона	25	1,0	0,8	0,6
		100	0,7	0,5	0,35
4	Буфет	10	1,5	0,5	—
		50	0,6	0,25	—

Болалар ясласи биносининг плани 20 ўринлик битта группа нормасига қараб тузилади.

42 - жадвал

Болалар группаси хоналарининг юзи

Тар-тиб №	Хоналарининг номи	Юзи (m^2 ҳисобида)
1	Болалар бўлмаси	50
2	Қабулхона	10—15
3	Ечиниш жойи	8
4	Ҳожатхона	10

Маъмурӣ-хўжалик хоналарининг юзи

Таддиси

Тар-тиб №	Хоналарнинг номи	Умумий юзи (m^2 ҳисобида)	
		болалар ясласида ўриннинг сони	
		50 ўрингача булганда	60 – 120 ўрин булганда
1	Медицина ва маъмурӣ-хўжалик ходимлари учун кабинет	8 – 16	16
2	Врачмар кабинети ва ички тоза кийим сақланадиган хона	16	30 – 42
3	Ошхона (омбор ва қўшимча хоналари билан)	15 – 20	24 – 33

Умумий маълумот мактаблари биносининг плани битта ўкувчи ўтирадиган жой нормасига қараб тузилади.

44-жадвал

Синфлар ва лабораторияларнинг юзи

Тар-тиб №	Хоналарнинг номи	Битта ўкувчи ўтирадиган жой нормаси (m^2 ҳисобида)	Битта ўкувчи ўтирадиган жой нормаси (m^2 ҳисобида)	
			Синфлар:	Лаборатория
1	а) ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабларда	камидা 1,25		
	б) бошлангич мактабларда	камидা 1,15		
2	Лаборатория	камида 1,50		

45-жадвал

Ердамчи хоналарнинг юзи (m^2 ҳисобида)

Тар-тиб №	Хоналарнинг номи	Битта ўкувчи учун
1	Вестибюль (устки кийимларни ечаш жойи билан)	0,20 – 0,25
2	Рекреацион хоналар:	
	а) тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда	0,55 – 0,60
	б) бошлангич мактабларда	0,60 – 0,70
3	Китобхона	0,08 – 0,10
4	Буфет	0,06 – 0,10

Бутун йил бўйни ишлайдиган кинотеатрларда маъмурий-хўжалик ва томошабинлар учун солирадиган хоналарнинг юзи

Тар-тиб №	Хоналарнинг номи	Томоша залининг сони		
		1	2	3
		Томоша залида бир томошабин учун жой нормаси (m^2 ҳисобида)		
1	Томоша зали (эстрада билан)	0,80—0,85	0,08—0,85	0,80—0,85
2	Вестибуллар	0,13—0,16	0,08—0,10	0,07
3	Фойе (буфет билан)	0,70	0,40	0,30
4	Чекиши бўлмаси	0,07	0,04	0,03
5	Маъмурий-хўжалик бўлмаси	0,10—0,20	0,10—0,20	0,10

Туаржой бинолари учун ҳисобки мебеллар комплектининг жулай жойланишига қараб олинади.

**Квартиralарнинг кишилар турадиган юзи
ва ошхоналарнинг минимал кенглиги**

Тар-тиб №	Квартирада кишилар турадиган хоналарнинг сони	Квартиранинг кишилар турадиган юзи (m^2 ҳисобида)	Ошхонанинг минимал юзи (m^2 ҳисобида)
1	Битта хона	18—22	7
2	Иккита хона	25—32	7
3	Учта хона	36—50	7
4	Тўртта хона	50—56	8
5	Бешта хона	80—95	10
6	Олтита хона	100—120	12
7	Еттита хона	130—160	15

Квартирада умумий хоналарнинг юзи қўйидагидан кам бўлмаслиги керак:

1. Икки-уч хонали квартирада $16 m^2$
2. Тўрт хонали квартирада $18 m^2$
3. Беш хонали квартирада $24 m^2$
4. Олти-етти хонали квартирада $30 m^2$

Эслатма. Хонанинг бўйи 6,5 м дан кам ва энига тисбатан кўни билан иккى баробар, хонанинг минимал эни эса 2,5 м бўлиши керак.

Ётоқхоналарнинг юзи бир кишига тегишли норма асосида ҳисоблаб топилади. Ётиш хонасидаги ўринлар:

I класс ётоқхонада 2 та

II класс ётоқхонада 4 та

III класс ётоқхонада 6 тадан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ётиш хонасининг пландаги ўлчамларини аниқлашда қўйидагиларга риоя қилиниши керак:

1) кроват бўй томони билан печка ёки ташқи девордан 0,5 м узоқда туриши керак; 2) кроватларнинг ён томонидаги ўзаро оралик 0,5 м бўлиши керак; 3) кроватларнинг бош ёки оёқ томонидаги ўзаро оралик 0,2 м бўлиши керак.

48 - жадвал

Ётоқхонадаги ёрдамчи хоналарнинг юзи

(бир киши учун m^2 ҳисобида)

Тар- тиб №	Хоналарнинг номи	Ётоқхонанинг неча кишилик эканлиги				
		50	100	200	300	400
1	Вестибюль (кийим жавони биргаликда)	0,30	0,25	0,23	0,20	0,18
2	Ошхона ва кутубхоналар	0,25	0,25	0,25	0,25	0,25
3	Кундуз куни ўтирадиган хона	0,30	0,20	0,14	0,11	0,10
4	Бош ва оёқ кийим тозаланадиган хона	—	0,07	0,07	0,06	0,06
5	Хусусий нарсаларни сақлайдиган хона	0,20	0,20	0,15	0,13	0,11
6	Кир ювадиган хона	—	0,09	0,06	0,05	0,04
7	Хизматчилар кабинети	—	0,06	0,05	0,04	0,03

Асосий ишлаб чиқарни хоналарнинг юзи, шу хоналарга ўрнатиладиган машина ва асбоб-ускуналарнинг катта-кичиклигидан ҳисоблаб топилади, лекин шу хонада ишлайдиган ҳар бир ишчига ажратилган жой $4 m^2$ дан, хонанинг ҳажми эса $13 m^3$ дан кам бўлмаслиги керак.

Бинонинг девор планини тузишда қўйидаги қондалардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Деворлар планида бинонинг барча горизонтал ўлчамлари (хоналарнинг эни ва бўйи, эшиклар, деразаларнинг эни, деворларнинг қалинлиги ва ҳоказолар) кўрсатилади.

**Завод маъмуриятининг хоналари ҳамда заводдаги
ёрдамчи хоналар юзини ҳисоблаш нормалари**

Тар-тиб №	Хоналарнинг номи	Улчов бирлиги	Норма (м² ҳисобида)
1	Ходимлар хонаси	1 ходим	3,25
2	Конструктор бюроси хонаси . . .	1 ходим	5,0
3	Мажлислар зали	1 иштирокчи учун	1,2
4	Ечиниш жойи ва вестибюль . . .	1 иштирокчи учун	0,25
5	Алоҳида кабинет	—	15,0
6	Душ хона	1 киши	6—10

Девор планининг чертёжида ўқ чизиқлари асосий улчам чизиқлари бўлиб ҳисобланади. Девор бўйлаб унинг геометрик ўртасидан ўтувчи фараз қилинадиган чизиққа **деворнинг ўқ чизиги** деб аталади. Кўндаланг деворларнинг ўқ чизиқлари чапдан ўнгга 1, 2, 3 каби рақамлар билан, бўйлама деворларнинг ўқ чизиқлари эса А, Б, В ҳарфлари билан белгиланади. Бу ҳарф ва рақамлар пландаги бошқа ёзувлардан ажралиб турсин учун доира ичига олинади.

Бино деворларининг планини тузиш қўйидаги икки этапдан иборатdir:

1-этап — эскиз тузиш. Бунинг учун талаб қилинадиган юза нормасига биноан тоза қофозга (юмшоқ қалам билан) деворлар планининг схемаси тузилади; схемага деворлар бир чизиқ билан чизилади. Бино планининг умумий кўриниши аниқлангандан кейин шу планинг иккинчи этапи тузилади.

2-этап — девор ва устунларни ўрнатиш ўқларини маълум масштабда чизилади, сўнгра уларнинг қалинлиги кўрсатилади. Деворлар планини чизиб бўлгач дераза, эшик, зина, устун каби бино қисмларининг пландаги ўрни белгиланади. Деворлар пла-нида бу қисмларни тўғри кўрсатиш учун қўйидаги шартларга риоя қилинади.

Лойиҳаси тузилаётган бинонинг плани дераза токчасидан 40 см баландликдан олинган деб фараз қилинади. Шу гори-зонтал текисликда кўринган девор планининг ҳамма қисмлари қофозга чизилади.

Деворнинг горизонтал кесимга тушган барча элементларини қуюқ чизиқ билан, кесимга тушмаган элементларини (масалан, дераза ўрни) ингичка чизиқлар билан кўрсатилади. Кесимга тушмаган ва юқоридан қараганда кўзга кўринмайдиган тахмон, жавон, радиатор ўрни каби элементлар пунктир чизиқлар билан чизилади.

Планда барча горизонтал улчамлар мукаммал ва аниқ кўр-сатилиши лозим. Деворлар планидаги улчамлар сантиметр ҳи-собида ёзилиши керак, бу улчамлар икки группага бўлинади:

белгиси билан күрсатиласди. Биринчи ўлчамда икки ташқи дөврлар ўқ чизиқларининг оралиги, иккинчи ўлчамда устун ва ички кўндаланг дөврлар ўқ чизиқларининг оралиги, учинчи ўлчам белгисида бинонинг ташқи чекка бурчаги билан биринчи дөразагача бўлган оралик ва дөразалар ораларининг кенглиги кўрсатиласди. Кичик ўлчамларда кўрсатилган сонлар тўплами дөворнинг умумий узунлигига teng бўлиши керак. Шундай ўлчамларни кўрсатувчи белгилар бино планининг ҳар тўрт томонидан ёзилиб қўйилади.

б) бинонинг ички ўлчамлари. Бунда алоҳида хона (бўлма) ларнинг бўйи ва эни ички дөврлар ва пардеворларнинг қалинлиги, устунларнинг кесимлари, эшик, дөраза, печка, зина, дудбурон ва шу каби бино қисмларининг ўлчамлари асосий ички ўлчамлар бўлиб ҳисобланади. Ички ўлчамларни кўрсатишда дёворларнинг қалинлиги ҳисобга олинади ва ташқи ўлчамлар билан мос келишига риоя қилинади. Бино қуриш вақтида пландан қулай фойдаланиш учун ундаги ўлчамлар муткаммал ва аниқ ёзилган бўлиши керак.

Ўлчамларни кўрсатувчи рақамлар тўғри, равшан, 2×5 мм ўлчамда ёзилиши керак. Улар ўлчамларни кўрсатувчи чизиқлар устига ёзилади.


Бино дөврларининг плани кўпинча 1:100 масштабда чизиқлари. Бу планга дөраза ва эшикларнинг спецификацияси илова қилинади.

50 - жадвал

Дөраза ва эшикларнинг спецификацияси

Элемент-нинг мар-каси	Элемент-нинг но-ми	Эшик ва дө-раза ўрни-нинг ўлчам-лари (см ҳи-собида)	Эшик ва дөраза кесаки-сининг ўлчамла-ри (см ҳи-собида)	Дөраза дар-чаларининг ёки эшик та-вақалари-нинг ўлчам-лари (см ҳи-собида)	Дарча ёки та-вақалар сони	Эслатма
0—2	Дөраза	120×172,5	—	106×157,5	8	
0—3	Дөраза	70×172,5	—	56,5×157,5	2	
0—4	Дөраза	70×123	—	56,5×107,5	2	
0—9	Дөраза					
Д—2	Эшик	120×152,5	—	106×243,5	2	
Д—2	Эшик	100×200	—	85×190	2	
Д—3	Эшик	—	95×195	85×190	1	
Д—4	Эшик	90×200	—	75×190	2	
Ф—1	Фрамуга	—	75×195	65×190	1	
Д—4 ^a	Эшик	—	75×195	90×37,2	1	
				65×190	1	

Эслатма. Бу спецификация З хонали тураржой биноснинг бир тип-даги лойиҳасига берилганди.



Деворлар шампандарни берганда махсус эшик ва дераза ўлчамлари лойиҳа типига қараб узгариши мумкин. Эслатмада деворни қандай материалдан қурилиши ва бу материалнинг маркаси, қоришманинг маркаси ва ишлаб чиқаришга оид бўлган бошқа кўргазмалар ёзилади. План чизилган варақнинг пастки ўнг бурчагига томонлари 7×15 см келадиган штамп қўйидаги формада чизилади.

Ташкилот эмблемаси		Лойиҳа тузувчи ташкилотнинг номи					
Лойиҳанинг номи							
Чизилган варақанинг номи							
Масштаб	Бош инженер Лойиҳачи Нусха кўчирувчи	Фамилияси Фамилияси Фамилияси	имзо ўрини имзо ўрини имзо ўрини				
				150 мм			

Блок деворлар. Деворга ғишт териш кўп қўл кучини талаб этади. Шунинг учун биноларни қуришда деворлар учун йирик ўлчамдаги йиғма темир-бетондан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

Қурилиш ишларини индустрialiлаштириш ва механизациядан тўла фойдаланиш мақсадида деворлар блок ва панеллардан курилади.

Йирик блоклар оғир бетон, енгил бетон, ғишт ва силикальцитдан тайёрланиб, бинонинг ички ва ташқи деворларини қуришда ишлатилади. Одатда бинонинг подвал девори, цоколи, вентиляция, сантехника ва карниз блоклари оғир бетондан, ер юзасидаги ички ва ташқи деворлар қисми енгил бетондан, ғиштдан ва силикальцитдан тайёрланади. Ўзбекистон шароитида оҳак билан қум силикальцит блокларни тайёрлаш учун мўл хом ашё ҳисобланали. Силикальцит блоклари биринчи марта Тошкент шаҳрида Ташсельмаш заводи қурилишларида ишлатилган эди. 47-расмда йирик силикальцит блокларидан уй қуриш кўрсатилган.

Ғишт блоклар маркаси 75 дан кам бўлмаган пишиқ ғишт ва 25 маркали қоришмадан тайёрланади. Бундай блоклар 3—5 қаватли бинолар қуришда қўлланилади.

Ғишт блокларнинг каталогидан фойдаланиб, девор қуриш учун икки хил лойиҳа системаси қабул қилинган: а) хона қаватининг баландлиги 3,3 м, дераза ўрнининг эни 100, 200 ва 160 см, унинг баландлиги эса 180 см бўлган тураржой биноси учун ишлатиладиган блоклар номенклатуроси; б) бинода на-






грузка күтәре оладиган урта девор бор бұлғанда ва қаватлар томини өпувчи панеллар деворларга үриатилғанда ишлатиладын блоклар номенклатураси.







47-расм. Силикальцит блокларидан үй қуиши.

25 ва 38 см қалинликдаги ички ғиштин дёвор блоклари 48-расмда 51 см қалинликдаги ташқи ғиштин дёвор блоклари 49-расмда, 64 см қалинликдаги ташқи ғиштин дёвор блоклари 50-расмда, күрсатылған.

Бетон б'локлар ін оғир ва еңгіл бетонлардан тайёрланады. Подвал деворлари, цоколь ва карнизлар учун құлланиладын блоклар 100 маркалы оғир бетондан тайёрланады. Иситиладын подвал деворлари қуиши учун 15—20% гача бүшлиққа зға бұлған, орасы қавак блоклар ишлатылады.

Блокнинг номи		Маркаси	Блок номери	Узунлиги (см хисобидо)	Баландлиги (см хисобидо)	БЛОКНИНГ КУРИНИШИ
Ички девор блоклари	B-25	1		89	89	
	B-25	2		109	89	
	B-25	3		129	89	
	B-25	4		149	89	
	B-25	5		169	89	
Ички девор блоклари	B-25	6		89	59	
	B-25	7		109	59	
	B-25	8		129	59	
	B-25	9		149	59	
	B-25	10		169	59	
Ички девор блоклари	B-38	1		79	89	
	B-38	2		99	89	
	B-38	3		119	89	
	B-38	4		139	89	
	B-38	5		159	89	
Ички девор блоклари	B-38	6		79	59	
	B-38	7		99	59	
	B-38	8		119	59	
	B-38	9		139	59	
	B-38	10		159	59	
Ички девор блоклари	B-38	11		199	59	
	B-51	12		126.5	51x51	















48-рсем. 25 ва 38 см қалинликдаги ичкиғыштин девор блоклари.

Блокнине помы	Маркасы	Серий номери	Үзүнлиги (см үшбөйдө)	Болондлыги (см үшбөйдө)	БЛОКНИНГ КҮРНИШИ
Дералттар орасы блоки	H-51	1	79	89	
	H-51	2	99	89	
	H-51	3	119	89	
	H-51	4	139	89	
	H-51	5	159	89	
	H-51	6	179	89	
	H-51	7	199	89	
Дералт асты блоки	H-51	8	79	89	
	H-51	9	99	89	
	H-51	10	119	89	
	H-51	11	159	89	
	H-51	12	179	59	
	H-51	13	199	59	
	H-51	14	239	59	
Ровотк блоктар	H-51	15	59	59	
	H-51	16	79	59	
	H-51	17	119	59	
	H-51	18	139	59	
	H-51	19	159	59	

49-расм. 51 см қалинлайкдагы таш

Блокнинги номи	Маргаси	Блок номери	Узунлиги (см хисоббидо)	Болтандлиги (см хисоббидо)	Блокнинг кўринишси
Бурчак блоки	H-51	20	112	89	
	H-51	21	132	89	
	H-51	22	152	89	
Бурчак блоки	H-51	23	91	59	
	H-51	24	111	59	
	H-51	25	151	59	
Двухъ блоки (бетонни тинчлар учун)	H-51	26	179	44	
	H-51	27	199	44	
	H-51	28	239	44	
Однотиц блок (көрнекитари котрига қўйилган тинчлар учун)	CH-51	15	59	59	
	CH-51	16	79	59	
	CH-51	17	119	59	
	CH-51	18	139	59	
	CH-51	19	159	59	

ҳи гиштин девор блоклари.

Блокнинг номи					Блокнинг кўриши
Маркаси	Блок номери	Узунлиги а (см) хисобида)	Баландлиги а (см) хисобида)	Бурчак блоки	
H-64	20	125	89		
	21	145	89		
	22	163	89		
H-64	23	184	59		
	24	124	59		
	25	164	59		
H-64	26	179	44		
	27	199	44		
	28	239	44		
CH-64	15	59	59		
	16	79	59		
	17	119	59		
	18	139	59		
	19	159	59		

50-расм. 64 сизаликликдаги ташки

Блокнинг номи	Маркаси	Блок номери	Узунлиги о (м хисобидан)	Баландлиги (м хисобидан)	блокнинг кўрининши
Деразалор фраси блоки	H-64	1	79	89	
	H-64	2	99	89	
	H-64	3	119	89	
	H-64	4	139	89	
	H-64	5	159	89	
	H-64	6	179	89	
	H-64	7	199	89	
Дераза ости блоки	H-64	8	79	89	
	H-64	9	99	89	
	H-64	10	119	89	
	H-64	11	159	89	
	H-64	12	179	59	
	H-64	13	199	59	
	H-64	14	239	59	
Рафоқ блоки	H-64	15	59	59	
	H-64	16	79	59	
	H-64	17	119	59	
	H-64	18	139	59	
	H-64	19	159	59	

Гиштиң девор блоклари.

Деворни цоколдан юқори қисмі учун құлланиладиган йирик блоклар ҳажм оғирлигі 1500 кг/м³ дан кам булған енгил бетонлардан тайёрланади. Бу мақсад учун ишлатыладиган бетоннинг маркасы 75 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ички девор блоклари ва деразалар ўртасига қўйиладиган блокларнинг оғирлигини камайтириш учун, уларнинг орасини цилиндр шаклида кавакли қилиб тайёрлаш мумкин. Блокларнинг хиллари ва уларнинг ўлчамлари туташма қилинадиган системага ва бино лойиҳасига боғлиқдир. Бетон блокларидан қуриладиган деворлар учун икки хил, яъни икки қаторли ва тўрт қаторли туташма системалар тавсия қилинади (51-расм).


Икки қаторли туташма қабул қилинганда блокнинг оғирлиги 3 т гача, тўрт қаторли туташма қабул қилинганда эса 1,5 т гача келади.

Йирик бетон блокдан тайёрланган девор қисмларининг хиллари ва ўлчамлари 52-расмда кўрсатилган.

Йирик бетон блоклардан девор қуриш (монтаж қилиш) иши ғиш териш принципига ўхшашилар. Блокларни монтаж қилганда қаторларнинг горизонтал бўлиши, тик чоклар устма-уст келиб қолмай боғланаб бориши шарт.

Бундан ташқари ҳар қайси блокнинг ўрни олдиндан аниқланиши, бурчаклар, яъни ички девор билан ташқи девор уланган ва бошқа шунга ўхшаш ўринлар тўғри ҳал қилиниши зарур. Девор блокларини монтаж қилиш схемаси 53-расмда кўрсатилган.

Блоклардан қуриладиган деворлар планининг чертёжи ўхшатиб тузилади, лекин у айрим хусусиятларга эга.



51-расм. Йирик блокли деворлар туташмаси:

а — икки қаторли туташма; б — тўрт қаторли туташма; 1 — равоқ блоки; 2 — деразалар ораси блоки; 3 — дераза ости блоки.

умуман ғишт деворларни кига ўхшатиб тузилади, лекин у айрим хусусиятларга эга.

Бино планининг схемаси (деворлар планининг эскизи) тайёр булгандан кейин планда қаторлардаги блокларни жойлаштириш бошланади. Блокларни гишт сингари чопиб бўлмайди, шунинг учун қаторларга маълум миқдорда стандарт блоклар жойлашуви керак. Бундан ташқари, эшик ва дераза ўринларини ёпиш учун маҳсус ўлчамдаги блоклар қўлланилади. Блоклардан қуриладиган деворлар планига қўйидаги формада тузилган блоклар спецификацияси илова қилинади.

51 - жадвал

Тартиб №	Блокнинг маркаси	Блокларнинг ўлчами (см ҳисобида)			Блокларнинг сони			Ҳажми (m^3 ҳисобида)			Блокнинг оғирлиги (t ҳисобида)			
		Ҳамаси	Шу жумладан, қаватлар бўйича			Ҳамаси	Битта блокничи	Ҳамаси	Ҳажм оғирлиги (kg/m^3 ҳисобида)	Ҳисобланган оғирлиги	Монтаж оғирлиги	Маркаси		
			I	II	III									
I	H - 4	159	269	50	60	20	22	18	2	120	1300	2,6	2,74	75

Спецификация блокларни ўрнатиш планларидан ҳисоблаб чиқариш йўли билан тузилади.

Панел деворлар. Йиғма темир-бетон девор панеллари конструкцияларининг қўлланилиши индустрӣал усулда қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Зилзила бўладиган районларда бинони кўпроқ каркасли панел деворлар система-сида қуришни тавсия қилинади. Бу системада бино конструкцияларидан тушадиган нагрузка пойдеворга каркас (синч) орқали ўтади, девор панеллари эса ўз оғирлигидан бошқа ҳеч қандай қўшимча нагрузка қабул қилимайди ва фақат тўсик девор вазифасини бажаради. Бундай панеллар ўз-ўзини кўтарувчи панеллар деб аталади. Бу панелларни кичик маркали ва енгил материаллардан тайёрланади. Одатда ўз-ўзини кўтарувчи $1 m^2$ енгил панелнинг оғирлиги 300 кг дан ошмайди. Бу эса 50 см қалинликдаги шлак-бетон девордан 2,5 марта, икки гишт қалинлигидаги гиштин девордан 3,3 марта енгилдир. Шунга қарамасдан каркас панелли система қўйидаги камчиликларга эгадир:

1) каркасни монтаж қилиш учун мураккаб ва оғир асбоб-ускуналар керак бўлади;


2) деталларнинг хиллари кўлпайди ва пўлат қисмлар ортиқча сарф этилади;

3) каркаснинг устунлари ва горизонтал ётқизилгаш тўсинлари хонанинг ички кўринишини бузади.

Каркассиз системада бино конструкцияларидан тушадиган нагрузка пойдеворга ички кўндаланг парда деворлар орқали ёки бўлма деворлар орқали берилиши мумкин.

Кейинги йиллар тажрибаси 5—7 қаватли бүноларни нагрузка күттарувчи йирик панеллардан қуриш мүмкін эканыгын күрсатди.


Нагрузка күттарувчи бўйлама деворлари бўлган ва ёпмаларига кўндаланг плиталар ишлатиладиган йирик панелли каркас-



52-расм. Йирик бетон блоклари:

а — дервазалар оғаси блоки; б — ролоқ блоки; в — дераза ости блоки; г — ички девор блоки.


сиз биноларда йигма темир-бетон элементларнинг хили 25% таға камаяди, каркас бўлмагани учун монтаж қилинадиган элементларнинг сони 30—35% таға камаяди. Бунда оғирлиги 3—5 т таға бўлган элементлар барча панелларнинг 60% ни ташкил этади. Бу эса 5 т ли монтаж кранидан яхши фойдаланиб каркасли биноларга қараганда меҳнат унумини икки мартабагача ошириш имконини беради.



53-расм. Девор блокларини монтаж қылиш:
а — кички бүйлана девор блокларин монтаж қылиш, б — түрнеги
ташқы девор блокларин шояни-рейка тәнлан текшириш.

Каркасиз панелли биноларда панелнинг фазодаги мустаҳкамлиги ва турғунылиги қўйидаги ишларни бажариш билан таъмин этилади. Кўндалант деворлар системаси ва зина катаги атрофидаги деворларни нагрузка кўтарувчи бўйлама деворлар билан мустаҳкам бириктирилади ва ёпма плиталарини деворлар билан пайвандлаб уланади.

Нагрузка кўтарувчи ташкин девор панеллари бир қатламли ва икки ё уч қатламли бўлади (54-расм).



54-расм. Девор панелларининг конструкцияси;

a—девор ўрини бўлган девор панели; **b**—панелларнинг тиккасига уланниши; **c**—панелларнинг ёнламасига уланниши; **1**—енгил бетон; **2**—қобиргани фактураланган темир-бетон плитаси; **3**—иссиқлик ўтказмайдиган материал (купиксиликат ва шуига ўхшашлилар); **4**—чокларни енгил бетон билан маҳкамлаш; **5**—минерал пробка; **6**—ёпманнинг темир-бетон панели; **7**—безлик қатлам.

Бир қатламли панеллар қаватлардан тушадиган нагруззкани қабул қила оладиган мустаҳкамликка эга бўлиб, совуққа чидамли ва теплотехник талабларга жавоб берса оладиган материаллардан тайёрланади. Масалан, ҳажм оғирлиги $900-1000 \text{ кг}/\text{м}^3$, пухталиги $75 \text{ кг}/\text{см}^2$ бўлган кўпик-бетон, ҳажм оғирлиги $1200-1400 \text{ кг}/\text{м}^3$, пишиқлиги $50 \text{ кг}/\text{см}^2$ дан кам бўлмаган керамзит-бетон ва шуларга ўхшаганлар бир қатламли панеллар тайёрлашда асосий материал бўлиб ҳисобланади.

Икки қатламли панеллар нагрузка қабул қилувчи ташкин темир-бетон жилд қатлами ва иссиқни ўтказмайдиган ички енгил қатламлардан иборат бўлади. Иссиқ ўтказмайдиган қатламлар учун ҳажм оғирлиги $600-700 \text{ кг}/\text{м}^3$ келадиган ғовакли бетон ёки кўпикли шиша, минерал пўкак каби эффектив мате-

риаллар құлланилади. Девор панелларининг ички ва ташқи юзалари уларни тайёрлаш даврида пардозланади. Худди шунингдек эшик ва дераза үринларининг тузилиши ҳам панелларни тайёрлаш вақтида аниқланади.

Еңмаларни күтариб турувчи ички девор панелларини хоналар орасыда товушни үнча үтказмайдиган, маркаси 150, ұжым оғирлиги $1600-1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ келадиган енгил бетондан тайёрлаш тавсия қилинади.

Ташқи девор панелларининг қалинлиги 30 дан 40 см гача, ички девор панелларининг қалинлиги 14 дан 20 см гача булиши мумкин.

Бир қатламли панеллар ташиш ва монтаж қилиш вақтида тасодифий таъсирларга чидамли бўлиши учун уларнинг орасига пайванд қилинган арматура тўрлар қўйиб тайёрланади. Равоқларга қўйиладиган сим арматура унга тушадиган вертикал нагружкани кўтара олишига ҳисобланган бўлади.


Йирик панеллардан қуриладиган бино деворининг планини тузишда хоналарни планлаштириш масаласи бирмунча мураккаблашади. Бунда кўпинча оралик ўлчамлари 6 ва 6,4 м бўлган икки қанотли схема құлланилади. Йулаги бор тураржой ва меҳмонхона типидаги бинолар учун уч қанотли схема характеристидир. Ён хоналар ораликларининг ўлчами 4,8 м, ўрта йўлак оралигининг ўлчами 2; 2,4; 2,8 м қилиб белгиланади. Чунки панеллар ўлчамли, йирик ва сатҳи катта бўлгани учун индустрисал усулида уй қуришнинг асосий имкониятларини яратади. Бунда қўйидаги асосий талабларни эътиборга олиш керак: биринчидан, панелларни ўрнатиш иши маълум технологик схемага асосланиши керак; иккинчидан, панеллар ва бошқа ёрдамчи деталлар кўпроқ такрорланиши сабабли улар мумкин қадар бир хил типа тайёрланиши керак; учинчидан, бино архитектура жиҳатидан кўркам, қурилиши пишиқ ва сифатли, фойдаланиш учун қулай бўлиши керак.

Йирик панеллардан қуриладиган деворлар йиғма усул билан бино қуришнинг барча талабларига тўла жавоб берадиган индустрисал конструкция бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, маҳсус панелларнинг орасига водопровод ва канализация трублари, электр симлари ва бошқа керакли жиҳозлар ўрнатилган бўлади. Бу эса бино қуришда сантехника ва ички монтаж ишларини анча осонлаштиради.


Кейинги йиллар ичиде бинонинг хона блоклари заводда яхлит тайёрланиб, уларни қурилиш майдонида фақат устма-уст қўйиб монтаж қилинмоқда, холос. Шундай қилиб, деворларни айрим панеллардан ёки бутун бир хонани яхлит блокдан тайёрлаб бино қурганда индустрисал усул яна ҳам такомиллашган бўлади.

Йирик панеллардан қуриладиган деворлар планини тузишни деворлар плакини тузишга ўхшаса ҳам улар қўйидаги ўзига хос баъзи хусусиятларга эгадир:


ТӨЛДА КАРКАСНИНГ СХЕМАСИ




НОТУЛА КАРКАСНИНГ СХЕМАСИ





**ДЕВОР ПАНЕЛЛАРИ
(ДЕРАЗА ҮРНИ БОР)**



(ЭШИК ҮРНИ БОР)




(ЯХЛИТ)




55-расм. Каркас-панелли уйлар


А) 93-93ИНИ КҮТАРУЧИ ДЕВОРЛАР



Б) ЮК КҮТАРУЧИ ДЕВОРЛАР




УСТУНЛАР



ДЕВОР ПАНЕЛЛАРИ

ЁПМА ПАНЕЛЛАРИ



НИҢГ СХЕМАТИК КАТАЛОГИ.

1) деворнинг қалинлиги белгиланган панелнинг қалинлигига тенг қилиб олинади;

2) девор планида панелларнинг хиллари кўрсатилган бўлади. Девордаги эшик ва деразаларнинг ўринилари панелларни планда жойлаштирилгандан кейин аниқланади;


3) баъзан мураккаб узеллар ҳосил бўлганда, улар учун алоҳида деталь чертёжлари бериш лозим бўлади.

Панелли деворларнинг планига панелларнинг спецификацияси илова қилинади.

55-расмда каркасли панелдан қуриладиган биноларнинг планлаштириш схемаси ва унга тегишли ёпма ҳамда девор панеллари хилларининг каталоги кўрсатилган. Бунда ҳамма элементларнинг номинал ўлчамлари берилган.

Эслатм'a. 1) панелларнинг эни камидан 1200 мм бўлади. Бино ёпмаси учун 2, 3, 4 ёки 5 панел кифоядир; 2) жамоат бинолари (мактаб, касалхона, болалар муассасаси)да қаватнинг баландлиги 3600 мм қилиб қурилса, колонналарнинг баландлиги 7200 мм бўлиши мумкин; 3) олти қаватдан биноларга қўйиладиган колоннанинг кесими 300×300 мм атрофида бўлиши мумкин; 4) тўсиг (ригель) кесими ё тўғри бурчак, ёки тавр шаклида бўлади.

Йирик панелли деворлар туташмаси (боғланиши) йирик блокли деворлар туташмасига ўхшаш бўлиб, фақат элементларнинг



55-расм. Йирик панелларнинг ўзаро ҳамда ёпма панеллари билан бириткирилиши:


— таџия девор панеллари билан ёпма панеллар; б — ичиқ девор панеллари билак ёпма панеллар; 1 — ёпма панели; 2 — девор; 3 ва 5 — девор панелларига солинган деталлар; 4 — пурлат бурчак қисм; 6 — ёпма панелларига солинган деталлар; 7 — нўллат қисм; 8 — 60 маркалик енгил бетон.

ўлчамлари билан фарқ қиласи. Агар блоклар деворларда икки ва тўрт қаторли туташма қабул қилинса, панелли деворларда бинонинг ҳар бир қавати учун бир қаторли туташма қабул қилинади. Ҷемак, панел қаватнинг баландлигига тенг бўлади. Панелнинг узунлиги эса уйнинг энига тенг ёки ундан кичик бўлиши мумкин. Одатда каркассиз бино панелларининг узунлиги уйнинг ўлчамига мосланади. Аммо, бунда бинонинг ташқи кўринишида узун горизонтал ва вертикаль чоклар ҳосил бўлиб, остики ва устки қатор панеллари ўртасида блоклар сингари туташма чоклар бўлмайди.

Шунинг учун бинонинг умумий мустаҳкамлигини таъминлашда панеллар ўзаро ва ёпма панеллари билан пайвандлаб биректирилиши керак (56-расм). Бунда панелларни пайвандлаш учуй уларнинг ораларига пулат деталлари қўйилиши керак.

Панеллар биректирилишидан ҳосил бўладиган вертикаль чоклар деворларнинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Айниска, бино бурчакларида ҳосил бўладиган вертикаль чокларга эътибор бериш катта аҳамиятга эгадир. Бу бурчаклар чокларини тўғри ва қулай боғлаш бинонинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Вертикаль чокларнинг конструкцияси зич бўлиб, ҳаво йўлини тўсиб туриши керак. Ташқи девор панелларини биректиришдан ҳосил бўладиган вертикаль чокларнинг бир неча варианти 57-расмда кўрсатилган.

Девор қуришда қўлланиладиган антисейсмик тадбирлар. Зилзила 7 балл ва ундан ортиқ бўладиган районларда бино қуриш учун СН-8-57 да кўрсатилган



57-расм. Ташқи девор панелларини биректиришдан ҳосил бўладиган:
а — қатор панеллери орасидаги; б — бурчак панелларий орасидаги тик чоклар.

„Зилзила районларида қурилиш нормалари ва қоидалари“нинг қўйидаги талабларини бажариш зарур:

1) девор планини тузища бўйлама ва кўндаланг деворлар бинонинг ўқларига нисбатан симметрия асосида жойлашиб антисейсмик бўлимлар ҳосил қилиши керак. Бўлимларнинг ўлчамлари нормада кўрсатилган жадвал бўйича қабул қилинади;

2) деворлар планида сиртга чиқиб турган муйилиш бўлмаслиги лозим; 8 ва 9 балл зилзила бўладиган районлар учун ички деворлар ташки деворлар билан боғланган бўлиши керак. Ички деворларни ўзаро оралиги нормада кўрсатилган жадвалга мувофиқ қабул қилинади;

3) ғиштин деворлар тепасига зилзила белбоғи ўрнатилиши лозим. Зилзила 7 балл бўладиган районларда икки қаватга битта белбоғ, 8—9 балл бўладиган районларда ҳар қаватга битта белбоғ қўйилади.

Одатда зилзила белбоғи темир-бетондан тайёрланади. Хом ғиштин деворларда белбоғ учун ёғоч тахта кўлланилади;

4) подвал деворларини йирик блоклардан қуришга руҳсат этилган. Бунда блоклар зич қилиб ўрнатилади. Блокларнинг ҳамма чоклари қоришиша билан тўлиши ва қаторларининг вертикал чоклари бир-бирига тўғри келмаслиги лозим;

5) зилзила бўладиган районларда деворларни пишиқ ғишт ва бетон блоклар ҳамда табиий тошлардан қуриш мумкин; зилзила 8 балл бўладиган районларда баландлиги 5 м дан ошмайдиган бир қаватли бино деворларини қуриш учун хом ғишт ишлатилса ҳам бўлади. Бунда зилзилага қарши антисейсмик ғишт қаторларининг орасига белбоғ ўрнида қамиш қўйиб юборишга руҳсат этилган. Кўп қаторли система усулида пишиқ ғиштдан девор қурганда чўк қаторларнинг сони 4 дан ошмаслиги керак;

6) девор бурчакларидаги ва кўндаланг деворларни бўйлама деворларга туташган жойидаги вертикал чокларга антисейсмик белбоғлар қўйилиши лозим. Бунинг учун маҳсус бурчакли ёки тавр шаклидаги блоклар қўлланилиши керак. Бундай блоклар ҳам оддий ғиштин деворлар сингари, боғлаб терилади;

7) йирик блоклар орасидаги горизонтал ва вертикал чоклар қоришиша билан тўлдирилиши керак;

8) йирик панелдан қуриладиган биноларнинг монтажи мустаҳкам чиқишини таъминлаш учун уларни (девор, тўсиқ девор, ёпма панелларини) тайёрлаш вақтида ораларига маҳсус пўлат қисмлар қўйиб юборилади. Зилзила 9 балл бўладиган районларда бу қисмларнинг оралиги 1 метрдан, 7—8 балл бўладиган районларда 2 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Бу қисмлар панелларни монтаж қилишда, уларни пайвандлаб бириттиришда қўлланилади;

9) ғишт ва тошдан қуриладиган девор бурчаклари ҳамда бир-бири билан кесишиган жойларининг горизонтал ва вертикал чоклари бўйлаб ҳар 50—70 см ораликка сим арматуралар ётқизилади (58-расм).

§ 11. ПОЛЛАР

Поллар бинонинг асосий қисмларидан бири ҳисобланади.⁴ Поллар бинодан фойдаланишда жуда муҳим вазифани бажара-ди; поллар тураржой биноларида уйнинг фойдали юзини, завод ёки фабрикаларда эса ишлаб чиқариш юзини белгилайди.

Ҳар қандай бинони лойиҳалашда аввал поллар юзи, сўнгра бинонинг бошқа қисмлари ҳамда унинг ҳажми аниқланади. Бинонинг асосий техника-иқтисодий кўрсаткичи бўлиб 1 м² пол юзининг қиммати ҳисобланади. Бино ичига ётқизилган пол қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) полдан қулай фойдаланиш учун унинг сирти горизонтал ва силлиқ бўлиши;

2) полга ишлатиладиган материал сийқаланишга чидамли бўлиши;

3) пол устига нагрузка тушгандан у өгилмаслиги;

4) полни ўрнатишда ёнгинга қарши техника тадбирлари кўзда тутилиши;

5) пол устида юрганда ундан қаттиқ товуш чиқмайдиган бўлиши керак.

Булардан ташқари, жамоат ва уй-жой биноларининг полла-ри кўркам ва иссиқни сақловчи бўлиши керак. Ҳаммом, мурча, кирхона ва щунга ўхшаган хоналарининг поллари сувни ўзига шиммайдиган ҳамда ўзидан ўтказмайдиган бўлиши лозим. Са-ноат биноларининг поллари эса унда бажариладиган иш про-цесслари талабларига тўла жавоб бера оладиган бўлиши керак.



* Поллар асосан уч хил әлементдан иборат:

а) пол замини; б) пол тўшамаси ва в) пол сирти.*

Полнинг сиртқи қисми тахта, паркет, бетон, цемент, мозаик, асфальт ва линолеум каби материаллардан қилиниши мумкин.

Полни иссиқ сақлайдиган ёки сақламайдиган бўлиши хона-нинг белгиланишига боғлиқдир. Одатда, полнинг сиртқи иссиқ-ликни ўзлаштириш коэффициенти 5 дан кам бўлса, иссиқ сақ-лайдиган пол, 5 дан кўп бўлса, иссиқ сақламайдиган (совуқ пол) деб аталади. Иссиқ сақлайдиган поллар тахта, паркет, линолеум ва ксилолитдан қилинади. Тураржой, мактаб синф-лари, касалхона, идора ва шунга ўхшаган бино хоналарининг поллари иссиқни сақлайдиган бўлиши керак. Совуқ полларни бетон, мармар, цемент, мозаика каби тош материаллардан ёт-қизилиб вестибюль (кириш йўлаги), ҳожатхона, мурча, ҳаммом ва шунга ўхшаган хоналарда қўлланилади.


Тахта поллар. Тахта поллар айниқса уй-жой қурилиш-ларда кенг қўлланилади. Подвали бўлмаган бино биринчи



58-расм. Деворларнинг бурчаклари ва кесишган жойларини сим арматура-
лар билан маҳкамлаш:

а — девор бурчаги; б — ички девор билав ташқи девор биректирилган жойи.

қабати полларининг түснини, одатда, ғиштин устунчага ётқизилади (59-расм). Бунинг учун пол қоқиладиган хонанинг ичи текисланади ва яхшилаб шиббаланади. Сүнгра ҳар бир метр оралика, томонлари 25 см лик ғиштин устунчалар устига 1—2 қават толь, унинг устига эса қалинлиги 8—9 см лик пластинадан түснинча (лагә) қўйилади. Баъзан пластина ўрнига кесими 8×10 см лик брус қўлланилиши мумкин. Түснинчаларга пол тахтаси қоқила-



59-расм. Ғишт устунчаларга ўрнатилган тахта пол:
1 — 37 мм қалинликдаги тахта; 2 — нинди қават толь; 3 — ғишт устича; 4 — лага; 5 — мейда тош; 6 — паст маркази бетон; 7 — ёғоч таглик; 8 — плинтус.

ди. Расмий пол тахталарининг қалинлиги 4 см, эни эса 15 см бўлади. Пол тахталарини қоқиши учун узунлиги 125 мм лик мих ишлатилади. Пол тахталарига нам ўтмаслиги учун уларни дэвордан 1—2 см қочириб қоқилади. Бу ораликини пол чеккала-рига қоқиладиган плинтус бекитиб туради. Пол ёғочларини чиришдан сақлаш учун уларнинг тагидан шамол ўтиб туриши лозим. Бунинг учун цоколнинг айрим жойларида туйнуклар қолдириш керак. Агар тахта полни тўғридан-тўғри ерга ётқизишига тўғри келса, лагага эритилган битум суртилади, сўнгра унинг устидан пол тахталари қоқилади. Тахталар чиримаслиги учун шиббаланган ер устига сув ўтказмайдиган (изоляция) материал қопланади. Бу хил поллар ёрдамчи ёки вақтингча қурилган биноларда қўлланилади. Бинонинг иккинчи ва ундан юқори қаватларидаги тахта поллар тўсингилар ёки темир-бетон ёлмалар устига ўрнатилади. Ёғоч тўсингиларга пол тўғридан-тўғри қоқилаверади. Темир-бетон тўсингилар устига тахта пол ётқизиш учун аввал лагалар қўйилади, сўнгра устидан пол тахтаси қоқилади.

Паркет пол. Бинонинг серқатнов хоналари полларига парча тахта (паркет) ётқизилади. Паркет қаттиқ өғочлар (масалан, дуб) дан тайёрланади. Шунинг учун у сидирилишга чидамли булади. Одатда тахта полларнинг хизмат муддатини узайтириш мақсадида, уларнинг устига паркет ётқизилади. Бетондан қуриладиган ёпмалар устига иссик пол сифатида паркет ётқизилади. Паркет тахтаси бетон устига битум мастикаси билан ёпишириледи. Бетонга ётқизилган паркет устидан юрганда фижирлаган товуш чиқмаслиги учун уларнинг орасига картон қофоз қўйиш лозим. Сўнгги вақтларда паркет поллар ўлчамлари 50×50 см дан 75×75 см гача бўлган квадрат рамкага териб қўйиладиган бўлди.

Эслатма. Паркет полга оид чертёжлар „Қаватлараро ёлма“ бобида кўрсатилган.

Линолеум пол. Линолеум тўқима ва пластик массадан иборатdir. Тўқимани кенdir ёки каноп, пластик масса (ўсимлик мойи ёки синтетик смола), тўлдирувчи (қуруқ минерал бўёқ) ва пластификаторлардан тайёрланади. Линолеум поли туаржой биноларининг ёрдамчи хоналарида, жамоат бинолари, болалар боқчаси, касалхоналар, амбулатория ва шунга ўхшац биноларда қўлланилади. Линолеумдан юрганда товуш чиқмайди. Бундан ташҳари, у гигиена талабларига мувофиқ пол материали ҳисобланади. Линолеумнинг қалинлиги 2 дан 5 мм гача бўлса ҳам, у тахта ва паркет полларига қараганда нисбатан кам сийқаланади.

Линолеум полининг замини цемент сувоқ, бетон, темир-бетон, ксиолит ва тахта бўлиши мумкин. Линолеум ёпишириладиган замин қуруқ ва текис бўлиши лозим. Агар заминда нам бўлса, линолеумдаги тўқима чириди ва полнинг хизмат муддати қисқаради. Бундан ташҳари, замин нам бўлса, ёпиширилган линолеум ундан кўчиб букила бошлайди. Айниқса тахта полнинг устини линолеум билан қоплаш учун пол қоқилгандан кейин бир йил ўтиши керак. Полни линолеум билан қоплашдан олдин тахталарни қайтадан зичлаб қоқиш тавсия қилинади. Линолеумни ёпишириш учун турли ёпиширувчи мастикалар қўлланилади. Ёпиширувчи мастикани тайёрлаш учун қўйидаги икки хил таркибнинг биридан фойдаланиш мумкин:

Биринчи таркиб (оғирликка нисбатан % ҳисобида):

Куруқ туйилган бўр	— 47%
Портландцемент	— 17%
Алифмой ёки оксоль	— 36%

Учала материални қоришириб бўёқ қирғичдан ўтказилса, бир жинсли қуюқ ёпиширувчи мастика ҳосил булади. Бу мастикани колоксилин деб аталағандиган линолеумдан бошқа ҳамма линолеумларни ёпиширишда қўллаш мумкин.

Иккинчи таркиб (оғирликка нисбатан % ҳисобида):

4 маркалы битум	— 61 %
Бензин Б-70	— 26,5%
Каучук	— 0,5%
Каолин	— 12 %

Бу таркиб асосида тайёрланган мастика сувда эримайды, — 2° дан + 60° гача бўлган температурада ўзгармайди ва линолеумнинг бутун турларини ёпиштиришда қўлланилади.

Бетон ва цемент поллар. Доим сув тўкилиб турадиган ёки минерал мойлар таъсир қилиб турадиган жойларнинг полларини бетон ёки цементдан қилинади. Бундан ташқари, бетон ва цемент йўлкалар қуришда қўлланилади. Бетон ва цемент поллари остики ва сиртқи қатламлардан иборатdir. Остки қатламга паст маркали бетон ётқизилади. Полнинг сиртқи қатламига ишлатиладиган бетоннинг маркаси 150 дан паст бўлмаслиги, тўлдирувчиларнинг йириклиги ёса 15 мм дан ошмаслиги керак. Сиртқи қатламнинг қалинлиги 25 дан 40 мм гача булиши мумкин.

Цемент полнинг сиртқи қатлами учун маркаси 100 дан паст бўлмаган цемент қоришмаси ишлатилади. Қатламнинг қалинлиги 20—25 мм бўлади. Цемент пол қилишда қум ўрнига йирик-майдалиги 1 дан 5 мм гача бўлган пўлат қириндиси қўшиб тайёрланган цемент қоришма ишлатилса, бундай пол кам едириладиган бўлади.

Мозаика поли. Мозаика поли тузилиши жиҳатидан бетон полига ўхшаган бўлади. Лекин бунга тўлдирувчилар сифатида майда мармар тош қўлланилади. Мозаика поли 35 мм қалинликда ётқизилади. Бунинг 20 мм расмий цемент қоришмасидан, устки 15 мм ёса ҳар хил рангдаги мармар тош қўшилган цемент қоришмасидан қилинади. Қоришма қотгандан кейин полнинг юзаси маҳсус машина билан силлиқланади. Сўнгра пол юзига икки марта қайноқ алифмой суртиб қўйилади. Мозаика поли кўпинча ҳар хил рангда ишланади. Шунинг учун у вестибюль, зина катаклари ва шунга ўхшаш хоналарда қўлланилади.

Плиткали поллар. Плиткали поллар бетон ва сопол плиткалардан қилиниб, эксплуатация режими намлик таъсiri билан боғлиқ бўлган ва гигиена талабларига кўпроқ риоя қилинадиган жойларда қўлланилади. Полнинг остики қатламига бетон ёки темир-бетон ётқизилади. Плиткаларни тўшамага мурракаб қоришма билан ёпиштирилади. Қоришманинг таркиби 1:0; 1:3 (цемент — оҳак бутқаси: қум) бўлиши мумкин. Тўшаманинг қалинлиги 10—12 см , цемент қоришма қатламининг қалинлиги 10—15 мм бўлади.

Бино ичидаги технологик процессининг талабига қараб поллар конструкциясини қуришда намни, иссиқни ва товушни ўтказмайдиган материаллар ишлатилиши мумкин.

Цемент қоришмаси, асфалт ва толь (рубероид) нам ўтказмайдиган материал ҳисобланади. Иссик билан товуш ўтказмаслик учун сочилувчан материаллар, ғовакли бетон ва шуларга ўхшаш ҳажм оғирлиги кам бўлган енгил материаллар қўлланилади.

Сўнгги вакъларда бинокорликда йиғма темир-бетон конструкцияларни кенг қўлланиши полларни ҳам индустрималь усулда бажаришга шароит туғдирди.

Полларни қоплаш учун қўлланиладиган плиткалар завод шароитида ёпма панелларига ёпиштириб тайёрланмоқда. Иссикни ва товушни ўтказмайдиган материаллар ҳам заводда, панеллар конструкцияга қўшиб тайёрланмоқда. Бу эса қурилиш майдонида ишлайдиган ишчилар сонини ва қурилиш муддатини қисқартиришга имкон беради.

§ 12. ҚАВАТЛАРАРО ЁПМА

Ёпмалар бино қаватларини бир-биридан ажратиб турувчи горизонтал конструкция бўлиб ҳисобланади. Ёпмалар уч хил бўлади:

- 1) подвал ёпмаси;
- 2) қаватлараро ёпма;
- 3) чордоқ ёпмаси (бинонинг юқори қаватини чордоқ хонасидан ажратиб турадиган ёпма).

Ёпмалар конструкциясига нагрузка кўтарувчи конструкция, иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган қатламлар киради.

Ёпмалар қўйидаги умумий талабларга жавоб бера оладиган бўлиши лозим:

- 1) ёпма ва унинг қисмлари пишиқ ҳамда мустаҳкам;
- 2) товушни ва иссиқни яхши изоляция қиласидиган;
- 3) мумкин қадар енгил;
- 4) индустрималь усулларда қуришга имкон берадиган бўлиши;
- 5) қалин бўлмаслиги керак.

Подвал ва чордоқ хоналарида температура тез-тез ўзгариб туриши сабабли уларнинг ёпмаларига иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган изоляция материаллари ишлатишга алоҳида эътибор берилади.

Қаватлараро ёпма қўйидаги элементлардан иборат:

- а) *шип*; у ёпманинг остки элементи ҳисобланади;
- б) *нагрузка кўтарадиган элемент* (тўсин ёки плита); унинг оғирлиги ва фойдали нагрузка деворларга тусиб туради;
- в) *иссиқ, совуқ ва товушни ўтказмайдиган қатлам*; бу қатлам шлак ва бошқа изоляция материаллардан қилинади;
- г) *пол*; у ёпманинг устки элементи ҳисобланади.

Ўй-жой биноларининг ёпмалари, одатда, деворларга ўрнатилади. Хоналарнинг эни кенг бўлганда, ёпмалар хари ва тўсинлар орқали колонналарга қўйилади! Театр, кинотеатр, ўкув юрти биноларининг имажлис залларида чордоқ ёпмалар

фермаларга осилади. Бундай ёпмаларни осма ёпма деб аталади.

Ёпма түсингининг ёки плиталарининг ўлчамларини аниқлашда, уларнинг ўз оғирликлари ва фойдали нагрузка ҳисобга олинади.


Ёпмалар конструкция ва материали жиҳатидан бир неча хил бўлади.

Ёғочдан ишланган қаватлараро ёпма. Бу ёпма дэярли енгил ва арzon конструкция ҳисобланади. Аммо ёғоч Ўрта Осиёга мамлакатимизнинг бошқа районларидан келтириладиган ва ўтга ҳамда намга чидамсиз материал бўлганлиги сабабли, 1954 йилдан бошлаб, кўп қаватли биноларда ёғоч ёпма (60-расм) қўлланиши тўхтатилган.

Темир-бетон ёпма. Бу ёпма икки хил бўлади: 1) монолит (яхлит) ёпма, 2) йигма ёпма. Монолит темир-бетон ёпма, одатда 7—8 см қалинликдаги плитадан иборат бўлиб, таянч оралиқ 3 м дан кам бўлганда тўсинсиз, 3 м дан ортиқ бўлганда эса тўсинлик қилиб ишланади (61-расм).

Таянч эни 3 м дан ортиқ бўлган плита қалин ва оғир бўлиши мумкин. Лекин, одатда, плитанинг қалинлиги 10 см дан ошмаслиги керак. Кенг хоналарни ёпишда плитани хари ва тўсиклар устига ўрнатилади. Бундай темир-бетон тўсинларни қобирғали ёпма деб аталади. Қобирғалар ихчам бўлиши учун тўсиннинг узунлиги 6 м гача, харининг узунлиги эса 8 м гача олиниши мумкин. Тўсинларнинг эни, одатда, икки тўсин оралигининг $\frac{1}{8} - \frac{1}{12}$ қисмига, баландлиги эса тўсин ўрнатилган икки таянч оралигининг $\frac{1}{12} - \frac{1}{16}$ қисмига тенг бўлади.

Ҳозирги вақтда монолит темир-бетон ёпма ҳаракатли нағрузкалари бўлган жамоат ва саноат бинолари қуришда кўпроқ қўлланилади. Туаржой бинолари қуришда эса бундай ёпма кам қўлланилади. Плита ва қобирғаларнинг ўзаро монолитлигини таъминлаш учун уларнинг ўрнида ясалган умумий қолипга аввал арматура симлари ўрнатилади, сўнгра бетон қуйилади. Монолит ёпма қуриш усули камчиликлардан холи эмас. Бунда бетон дэярли тўла қотмагунча қолипдан чиқариб бўлмайди. Бу эса иш суръатини пасайтиради. Бундан ташқари,




60-расм. Ёғочдан ишланган қаватлараро ёпма:

1 — тўсин; 2 — рейка (4×5 см); 3 — нақат; 4 — лой сувоқ; 5 — тўкма материал (иссиқ, союқ ва товушни ўтказмаслик учун); 6 — туснicha; 7 — тахта пол; 8 — тахта шип.

қолип ясаш учун жуда күп миқдорда ёғоч материалы ва ишчи кучи сарф бўлади. Ана шу камчиликларни ҳисобга олганда ёпмаларни йиғма темир-бетондан қуриш мақсадга мувофиқдир.

Йиғма темир-бетон ёпмалар қуйидаги группаларга бўлинади:


1) тўсинли ёпма (61-расм);



61-расм. Темир-бетон тўсинли ёпма

а — накат енгил-бетон плитадан қилинган; б — изкат ўринда ишлатилган қавакли енгил-бетон блок; 1 — таҳта пол; 2 — тўсинча; 3 — товуш ўтказмайдиган материал; 4 — тўкма материал; 5 — енгил-бетон плита; 6 — суюқ; 7 — корицма; 8 — мастика; 9 — шлак-бетон; 10 — толь; 11 — товуш ўтказмайдиган материал; 12 — енгил-бетон блок.

2) плита тарздаги ёпма (62-расм);



62-расм. Қаватлараро плита тарзидаги ёпма;


а — тарнов шаклидаги элементлардан ясалган; б — қавакли элементлардан ясалган; 1 — паркет; 2 — асфальт; 3 — шлак-бетон ва оргалит; 4 — шлак; 5 — темир-бетон плита; 6 — асфальт-битум мастика; 7 — темир-бетон плиталар; 8 — властик материал.

3) йирик панелли ёпма (63-расм).

Ҳар бир группадаги конструкция бир неча хилларга бўлинади.

Тўсинли ёпма икки хил бўлади: а) накати енгил-бетон плитадан қилинган (61-расм, а), б) накат ўрнига қавакли енгил-бетон блок ишлатилган (61-расм, б). Бунинг учун „Т“ шаклида тайёрланган темир-бетон тўсинглар расмда кўрсатилгандек тегишли оралиқда ўрнатилади. Бу ораликлар енгил-бетон плиталар ёки ичи қавак енгил блоклар билан тўлдирилади. Накат ўрнида плита қўлланилгандай тўсинглар оралиғи 60–100 см, енгил блоклар қўлланилганда эса 70–80 см бўлиши керак. Тўсин билан блокларнинг ораси 50 маркали цемент қоришимаси билан тўлдирилади. Бинонинг бир қаватидан иккичи қаватига товуш ўтмаслиги учун бетон ёпма ўстига ётқизиладиган тахта ва паркет полларининг тўсингчалари остига минерал пўкак (пробка) каби эластик материал қўйилади.

Плита тарздаги ёпма бир типдаги йигма темир-бетон элементларни зич қилиб теришдан ҳосил бўлади. Бу элементлар тарнов шаклидаги икки қобирғали ва ясси икки қавакли плитадан иборат бўлиб, узунлиги 3–7 м гача, эни 0,3–1,2 м га-



63-расм. Йирик панелли ёпма:

а — бир қатлами панеллардан ясалган; б — кўп ҳетавоми панеллардан ясалсан; в — паркет; 2 — ҳинолеум; 3 — асфальт; 4 — товуш ўтказмайвандиган материал.

ча, қалинлиги эса 6—22 см гача бўлади. Бу элементларнинг ораси цемент қоришмаси билан тўлдирилади.

Тарнов шаклидаги плитанинг иссиқ, совуқ ва товуш ўтказмаслик хоссасини ошириш учун унинг ичи шлак билан тўлдирилади.

Иирик панелли ёпманинг каналлари бир қатламли, кўп қатламли, кўп кавакли ва шатёр (чодир) шаклида бўлиши мумкин.

Бир қатламли панелларнинг қалинлиги 14—16 см ва эни 140—160 см бўлиб, керамзит-бетон каби енгил бетондан тайёрланади. Товуш ўтказмайдиган материал сифатида 10—20 см қалинликдаги оргалит ишлатилади. Бир қатламли панеллар бошқа панелларга нисбатан кенг қўлланади, чунки уни тайёрлаш осонроқдир.

Кўп қатламли панелларнинг қалинлиги 14—16 см, эни 200 см гача бўлади; уларнинг остки ва устки қатламларига 200 маркали оғир бетон, ора қатламига эса пишиқлиги 20—30 кг/см² келадиган шлак-бетон ёки керамзит-бетон ётқизилади. Бу панелларни тайёрлаш ҳам, монтаж қилиш ҳам осондир. Бундан ташқари, панелнинг ора қатлами учун қўлланиладиган бетон маълум даражада ғовакли бўлса, иссиқ, совуқ ва товушни кам ўтказадиган бўлади.

Кўп қаватли панелларнинг қалинлиги 16—22 см, эни 120—160 см бўлади. Панелнинг ғоваклари овал ёки доира шаклида бўлиши мумкин. Одатда эни 4 м гача бўлган уйларни доира шаклидаги кавакли панеллар билан, 6 м гача бўлган уйларни эса овал шаклдаги кавакли панеллар билан ёпилади.

Шатёр панели тўрт қобирғали плитадан иборат бўлиб, хоналарнинг тепасини яхлит ёпишда қўлланилади. Бу панеллар бино ичидаги хоналар ўлчамларига мос қилиб тайёрланади ва узунликлари 320—480 см дан ошмайди; қобирғаларнинг баландлиги 16 см, плитанинг қалинлиги 4 см бўлиб, хона ичига электр симлари ва ҳар хил сантехника трубалари ўтказиш учун панелни тайёрлаш даврида унда маҳсус қаваклар қолдирилади. Шатёр панели ҳам бошқа оддий панеллар сингари қурилиш майдонига мукаммал даражада тайёр қилиб келтирилади.

Қўйидаги жадвалда қаватларни ёпишда қўлланиладиган панелларнинг номенклатуроси кўрсатилган.

Одатда, бино кесимида ёпмаларнинг конструкцияси, девор, түсин, колонналар билан бирга кўрсатилади. Бундай кесим чертёжида қисмларнинг бирикма узеллари ва ўлчамлари ҳам акс эттирилади.



§ 13. БИНО КЕСИМИ

Бино лойиҳасини тузишда унинг кесими қаватлар плани ва том конструкциялари қабул қилингандан кейин чизилади. Конструкция деталларини мумкин қадар мукаммал акс эттириш

Епма панелларининг типлари

Эсламта. Жадвалдаги ҳарфлар нагрүзкаларни күрсатади: *e* — енгил нагрүзка ($600-700 \text{ кг}/\text{м}^2$); *o* — оғир нагрүзка ($900-1000 \text{ кг}/\text{м}^2$).

учун кесим чизигини бинонинг характерли жойидан ўтказиш керак. Шунда бино конструкцияларининг айрим хусусиятлари




64-расм. Бир қаватли бинн:
а — план; б — кесмни.

кесим чертёжида күрсатилган бўлади. Бундан ташқари, кесимда кўпроқ вертикал ўлчамлар, масалан, эшик ва деразаларнинг баландликлари күрсатилиши лозим. Бино кесими кўрсатилган чертёж олатда йирик масштабда чизилди. Агар деворлар пла-нини 1:100 масштабда чизилса, кесими 1:50 да чизиш қулий ҳисобланади. Чунки бунда пойдевор ёпма ва карниз ўлчамларини аниқ кўрсатиш мумкин бўлади.

Кесим лойиҳанинг характерли қисмидир. Кесим чертёжида бино "конструкцияларининг кесим текислиги"да кўринадиган ҳолати ҳоғозга акс эттирилади.

Шундай қилиб, бино кесимининг чертёжида деразанинг полдан қанча баланд ёки шириндан қанча паст бўлиши, "кесилган" конструкцияларнинг баландлик ва қалинлик ўлчамлари тўла кўрсатилади (64-расм). Планда деворлар ўқи қандай номер ёки ҳарфлар билан белгланган бўлса, кесим чертёжига ҳам шундай белгилар қўйилган бўлиши лозим. Конструкцияларнинг кесимдаги айrim мураккаб элементларини доира ичада катта қилиб кўрсатилади.

Бинонинг ҳамма конструкцияларини унинг битта кесим чертёжида тўла кўрсатиш қийин, шунинг учун ҳар бир бино планига бир неча



65-расм. Кесимда бериладиган деталларнинг шартли белгилари:

a — пойдевор ва ер бети; *b* — қаватларро ёточ ёсим; *c* — гишт устунчаларга ўрнитилган тахта пол; *d* — яйрақ төмир-бетондан қилинган равоз; *e* — төмирбетондан қилинган зилозла белбори; *f* — мауэрлар $d_2 = 10$ см; *ж* — тиргакка ўрнитилган стропило.

кесим чертёжи чизиш мумкин. Кесимларни (1—1; 2—2; 3—3; 4—4) рақамлари билан белгиланади.

Колонна, ферма, печка каби конструкциялар кесимга туширилмайди, лекин уларни кесим чертёжиде хира чизик билан белгиланади. Кесимга тушган конструкциялар эса йўғон ва тиниқ чизиқлар билан кўрсатилади.

Бинонинг характерли қисмларига оид бўлган кесимлар йирик масштабда (масалан, 1:10, 1:20 да) чизилади. Кесим чизмасини мураккаблаштирумаслик мақсадида ёпма қатламини алоҳида катталаштириб чизилади. Кесимда бериладиган деталларнинг шартли белгилари 65-расмда кўрсатилган.

Бино кесими деворлар планинг мураккаб қисмидан ўтиши керак. Конструкциялари оддий бўлган биноларнинг фақат кўндаланг кесимларигина кўрсатилади, холос. Бўйлама кесим эса конструкциялари мураккаб бўлган биноларда қўлланилади. Айрим бинолар лойиҳасида шу объект конструкцияларининг мураккаблигига қараб бир неча кўндаланг ва бўйлама кесимлар чизиш мумкин.

Бино конструкцияларининг ўлчамларини тўдиқ бўлиши назарда тутилади. Кесимлар чизмасида кўрсатиладиган вертикал ўлчамларнинг $\pm 0,00$ шартли отметкаси биринчи қават полининг юзасидан бошлаб белгиланади. Белгиланган $0,00$ отметкандан юқорида кўрсатиладиган ўлчамларни „+“ пастда кўрсатиладиган ўлчамларни эса „—“ белгиси билан ишораланади (64-расм).

Кесимлар чертёжи бињо лойиҳасининг бошқа чертёжлари билан мосланган бўлиши керак.

Бир қаватлик бинонинг умумий баландлиги тўрт қисм баландлигидан иборат бўлади.

1. Цоколь баландлиги. У ер юзасидан 45—50 см баланд ва биринчи қават поли билан бир текисликда бўлади. Цоколь девордан чорак ғишт ўлчамида энлик бўлади.

2. Полдан шингача бўлган масофа бинонинг ички баландлиги ҳисобланади. Бу баландлик бинодан фойдаланиш имкониятига боғлиқдир.

Бинонинг ички баландлиги

53 - жадвал

Тартиб №	Хоналарнинг номи	Ички баландлик (м.дисобида)
1	Туаржой хоналари	2,5—3,5
2	Ёрдамчи хоналар	2,6
3	Ишлаб чиқариш хоналари	3,2
4	Ишлаб чиқариш хоналаридаги йўлаклар	3,0
5	Маъмурят	3,0
6	Саноатлардаги ошхоналар	2,8
7	Душхона, дожатхона	2,5

Эслатыма. Жадвалда күрсатылған сонлар тураржой биноларидың иқлим шароитига қараб, саноат биноларидың эса дастгоҳдар катталағында қараб нор-маларға мувоғиқ үзгариши мүмкін.

3. Ёпмаларниң қалинлеги, материалнинг турига қараб 11—35 см гача бұлиши мүмкін.


4. Чордоқ томи билан мауәрлат синчи остигача бұлған баландлик 30 см гача бұлиши керак (64-расм).

Күп қаватлы биноларда бир қават полидан иккінчи қават полигача бұлғам масофа бино қаватининг баландлығы ҳисобла-нағи.


Пол билан дераза токчаси орасидаги баландлик тураржой бинолари учун 0,82—0,9 м, саноат бинолари учун 0,6—1,2 м гача қабул қилиниши мүмкін.

Әшик ва дераза үрни баландлығы ГОСТ бүйіча олинади. Дераза үрни устидан шипгача бұлған оралық 40—60 см бұлиши мүмкін.

Кесим чертежида полларниң иисбий баландліктері ҳам күрсатылышы лозим.



66-расм. Дудбурон ва вентиляция каналлары ёнда антисейсмик белбогнинг күйилиши.



67-расм. Карнизларнинг тузидиши:



а — дэвр гишгитин чиқариб теришдик ҳосил бўлгак карниз; б — керамик элементлар билан облицовка қилинган карниз; в, г — йирма темир-бетон плиталадан қилинган карниз; 1 — сувок; 2 — мөнерлалт; 3 — стропало; 4 — карниз ёрочи; 5 — весса; 6 — сим; 7 — анкер михи; 8 — облицовка; 9, 10, 11 — керамик карниза элементлари; 12 — темир-бетон плита; 13 — анкер болтлари тортиб кўйиладиган темир-бетон түснicha; 14 — анкер болтлари; 15 — темир-бетон кронштейн; штейн;

Кесим чертежини соддалаштириши таңбадан көз алу мүмкүн. Биринчи том устига ўрнатилишини көрсатылади, холос. Пол ва томларнинг конструкцияси, одатта, йирик масштабда (доира ичидә) ёки алоҳида деталь тарзда изилади. Бундай деталнинг масштаби 1:5—1:20 бўлиши мумкин.



Кучлик зилзила бўладиган районларда қуриладиган биноларнинг ички ва ташки деворлари орасига антисейсмик белбоғ ўрнатылади. Пахса ва хом ғиштдан қуриладиган бир қаватли бино деворлари орасига қўйиладиган антисейсмик белбоғни 5 см қалинликдаги таҳтадан ёки 8×20 см ли брусадан ясаш ҳам мумкин. Пишиқ ғишт ва майдадан блоклардан қуриладиган кўп қаватли биноларда темир-бетон ва темир-ғишт антисейсмик белбоғлар қўлланилади.

Темир-бетон белбоғ қалинлиги камида 12 см, эни 25—38 см ли плита бўлиб, у маркаси 100 дан кам бўлмаган бетондан қилинади. Белбоғ орасига қўйиладиган сим арматуранинг умумий кесими 4,5—7,0 cm^2 гача бўлади.

Темир-ғишт белбоғи 50 ва ундан ортиқ маркали қорищма ишлатиб терилган 3—4 ҳатор ғиштдан иборатdir. Ғишт ҳаторларининг горизонтал чоклари орасига сим арматура қўйиб юборилади.



68- расм. Дудбуронларнинг том устига ўрнатилиши.



69-рас. Том павелари билан дөврларнан бириккілік.

Зилзила 7 балл бўладиган районларда антисейсмик белбоғ қават оралатиб, 8—9 балл бўладиган районларда эса ҳар қаватга қўйилади.

Дудбурон ва вентиляция каналлари ўтадиган жойларда антисейсмик белбоғнинг қўйилиши 66-расмда кўрсатилган.

Кесим чертёжидаги бино карнизиning туэлиши ва унинг девордан чиқиб турган қисми кўрсатилади.

Девордан 30 см гача чиқазиладиган карниз (пишиқ ғишт деворлар учун) ғишт қаторларини 8—10 см чиқазиб теришдан ҳосил бўлади. Карнизи девордан кўпроқ чиқазиш лозим бўлса, йиғма темир-бетон плита қўлланилади (67-расм). Одатда ғиштдан қилинадиган карнизнинг баландлиги „h“ унинг эни „a“ дан кам бўлмаслиги керак.

Чордоқ қаватининг кесимида стропило, васса, ферма, хари, устуи, тиргак ва бошқа қисмлар ҳамда дудбуронларнинг тенаси томдан қанча баланд бўлиши кўрсатилади (68-расм).

Булардан ташқари, бино кесимида пойдевор, девор ва бошқа конструкцияларни ўзаро бириниши ва улар қандай материалдан қурилиши ҳам чизилган ва ёзилган бўлиши керак (69-расм).

§ 14. ЗИНАЛАР ~

Зина бино қаватларини бир-бири билан туташтириш учун хизмат қиласди. Зина ўрнатилган алоҳида хонани зина катаги (зинахона) деб аталади.

Зина нима мақсадда қурилганига қараб бир неча хил бўлади:

а) асосий зина. Бу зина кўп қаватли биноларнинг бош фасад томонига қурилади ва бино ичидаги кишилар ва ашёларни ёнгин вақтида ташқарига чиқариш (эвакуация қилиш) учун асосий йўл бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун зина элементларининг ўлчамлари бинонинг юқори қаватларига чиқиб тушадиган одамларнинг сонига қараб белгиланади. Зина катаги ёнмайдиган материаллар ва конструкциялардан қурилади;

б) иккинчи даража аҳамиятга эга бўлган зина. Агар асосий зина норма талабларига жавоб берга олмайдиган бўлса, иккинчи даражали зина қурилади. Бу зина бинонинг чеккаларига ўрнатилади;

в) хизмат зинаси. Бундай зина ҳамма биноларга ҳам қурилавермайди. У технологик талабларга кўра иш жараёнини таъмин этишда маълум категория хизматчилар учун белгиланади. Шу сабабли хизмат зинаси ихчам, яъни нормаларга асосан минимал ўлчамларда қурилади.

Зина асосан қўйидаги элеменлардан иборат:

- зина шотиси (косоури);
- зинапоялар;
- зина супачалари ва супача ости тўсинлари;
- панжара.


Зина поялар қаватлар орасига узлуксиз ва кетма-кет ўрнатиласа зина тикилашиб, ундан чиқиб тушиш қийин булади. Шунинг учун қаватлар орасига зина супачалар қилинади. Икки зина супача орасидаги зина қисмини *марш* деб аталади.

Зина лойиҳада бир маршли, икки маршли ва уч маршли бўлиши мумкин.

Хизмат зинаси одатда бир маршли булади ва бошқа зиналарга нисбатан тикроқ ўрнатилади. Бунда бинонинг бир қавати билан иккинчи қавати орасига зина супачаси қурилмайди.



Икки маршли зина кўпроқ тураржой биноларида қўлланилади. Бу зина чиқиб тушиш учун қулайлик тутдиради. Бунда бир қават билан иккинчи қават ўртасига битта зина супача қурилади.

Жамоат-маъмурӣ (кинотеатр, музей, савдо магазини) биноларда уч маршли зиналардан фойдаланилади; бунда бир қаватдан иккинчи қаватга уч марш билан чиқиб тушилади; одатда ўрта маршларни чекка маршларга нисбатан бирмунча энлироқ қилиб ишланади.



70-расм. Икки маршли зина катаги ва унинг кесими:

a — зина катагининг плани; *b* — зина кесими; 1 — супача ости түспни; 2 — косаур; 3 — зина супачаси.



II-расм. Уч. маршни зина,


Зина юришга қуладай ва хавфсиз бўлиши керак. Бунинг учун зина элементларининг ўлчамлари тўғри белгиланиши лозим. Масалан: зина зинапояларининг эни ва баландлиги оёқнинг пой ва қадам ўлчамларига қараб белгиланади. Маршнинг кенглиги эса зинадан бир йўла қатнайдиган одамларнинг сонига қараб аниқланади.

Эркаклар қадамининг кенглиги 69 см , аёлларники 61 см , боловларники эса 54 см бўлади деб қабул қилинган. Ўртача қадам кенглиги 64 см оёқ таги (пойининг) узунлиги (a) 27 см бўлса, зинапоя баландлигини қўйидаги тенгламадан топилади:

$$2a + b = 64,$$

бунда зинапоянинг баландлиги (a) $18,5\text{ см}$ бўлади. Зинанинг қиялиги $1:1,5$ бўлиши керак. Аммо зинадан чиқиб тушувчига қулайлик туғдириш мақсадида зинапоя баландлигини 15 см , энини 30 см , зина қиялигини эса $1:2$ қилиб қуриш қабул қилинган.

Иккинчи даражали ва хизмат зиналари учун зинапояларнинг баландлиги камида 18 см , эни эса кўпи билан 25 см бўлиши мумкин. Чордоқ зиналарининг қиялиги $1:1,25$, подвал зиналариники эса $1:1,5$ қилиб қурилади. Зина маршининг қиялиги қанча кам бўлса, ундан чиқиб тушиш шунча осон бўлади, бироқ, зина катагининг ўлчамлари катталашади. Зинадан чиқиб тушиш хавфсиз бўлиши учун унга панжаралар ўрнатилади (72-расм).



72-расм. Зина панжараси ва унинг қисмлари:

- 1 — тутқич;
- 2 — фов;
- 3 — зинапоя;
- 4 — косоур;
- 5 — устунчча;
- 6 — устунчанинг цоколи;
- 7 — устунчанынг цемент коришмаси билан бириттириш;
- 8 — яси;
- 9 — темир; 9 — буравма мих.

дан, зинапоялари эса темир-бетондан қурилади; Бундай зина кам қурилади;


3) йиғма темир-бетон зина. Бу зина конструкциялари уйжой бинолари қуришда кенг қўлланилади.

1) ёғоч зина. Бу зина асосан икки қаватли тураржой биноларида қўлланиши мумкин;

2) косоури пўлатати қилинадиган зиналар.

Кейинги йилларда, қурилиш ишлари индустриялаштирилиши муносабати билан зина марши ва супачалари ҳам заводда яхлит ишлаб чиқарылмоқда. Яхлит йиғма темир-бетон маршлар ва супачалар зина катагига монтаж кранлари ёрдами билан үрнатиласди ва пайванд қилиб уланади (73-расм).

Зина элементларининг ўлчамлари аниқланади. Зинанинг ўтказиш имконияти унинг энг тор жойидан бир минутда ўтадиган кишилар сони билан аниқланади.



73-расм. Йиғма темир-бетон зинанинг монтажи.

Зина маршларининг ўлчамлари ва қиялиги

Тартиб №	Маршларининг ўрни	Маршларнинг минимал көнглиги (ж ҳисобида)	Маршларнинг қиялиги
1	Икки ва уч қаватли тураржой биноси зиналарининг маршлари	1,20	1:1,5
2	Түрт ва беш қаватли тураржой бино зиналарининг маршлари	1,30	1:1,75
3	Запас зиналар ва киши яшамайдиган ҳоналарга чиқадиган зиналарнинг маршлари	0,90	1:1,5
4	Чордоққа чиқадиган зиналарнинг маршлари	0,90	1:1,25
5	Квартира ичидаги зина марши	0,90	1:1,5

Эслатма. Агар бино ичидаги бир неча зиналар ўрнатилса, бу зиналар маршларининг умумий көнглиги кўйидаги норма бўйича топилади (1 п. м. зина марши учун): икки қаватли биноларда 125 киши; уч қаватли биноларда 100 киши; уч қаватдан ортиқ бўлган биноларда 80 киши.

Зинанинг асосий ўлчами маршнинг көнглигидан иборат бўлиб, у норма бўйича бинодан фойдаланадиган кишиларнинг максимал сонига қараб белгиланади. Аммо нормадан қатъи назар, маршларнинг көнглиги камидан асосий зиналар учун 1,2 м, иккинчи даражали зиналар учун 1,0 м, чордоқ, подвал ва ташқи зиналар учун 0,75 м бўлиши лозим. Зина супачасининг көнглиги эса маршнинг көнглигидан кам бўлмаслиги керак. Маршлар оралиги 10—15 см бўлиши мумкин.

Зина катагининг ўлчамларини аниқлаш учун қават баландлиги, зинанинг схемаси ва ўлчамлари маълум бўлиши керак.

Мисол: Қаватнинг баландлиги 3,6 м, зина икки маршли, зинапояларнинг ўлчамлари $15 \times 30 \text{ см}$, кишилар сони бўйича маршнинг көнглиги 1,2 м. Зина катагининг бўйи, эни ва зиналарнинг сони аниқлансин.

Зина катагининг эни

$$A = 2 \cdot 1,2 + 0,15 = 2,55 \text{ м.}$$


$$\text{Битта маршнинг баландлиги} = \frac{3,6}{2} = 1,8 \text{ м.}$$

Битта маршдаги зинапояларнинг сони $= (1,8 : 0,15) - 1 = 11$ дона.

Битта маршнинг горизонтал проекцияси $11 \times 0,30 = 3,3 \text{ м}$, демак зина катагининг бўйи $3,3 + 1,2 \times 2 = 5,7 \text{ м}$ бўлади (70-расм).

Уч маршли зина катагининг ўлчамлари ҳам шу тартибда ҳисоблаб аниқланади.

Зина катаги табиий ёруғлик билан ёритилиши лозим. Бунинг учун бинонинг зина катагидаги ташқи деворига дераза ўрнатилади. Баъзи биноларда зина каттагини тўла ёритиш учун унинг бутун баландлиги бўйлаб дераза ўрнатилади. Бундай деразаларни эркер деб аталади.



74-расм. Чордоқка чиқиши учун қўйилган темир нарвон.

Чордоқ хонасига чиқиши учун зина катагининг энг юқори супачасига нарвон ўрнатилиши мумкин. Нарвон чордоқ ёпмасида қолдирилган маҳсус туйнук остига ўрнатилади (74-расм).

§ 15. ТОМЛАР

Том бинони ёғин ҳамда қуёш нурларининг таъсиридан сақлаб туради. Бино томлари икки хил, яъни чордоқли ва чордоқсиз бўлади.


Чордоқли том кўпинча уй-жой биноларини, чордоқсиз том эса саноат ва корхона ҳамда ёрдамчи биноларни ёпишда қўлланилади.

Томлар бир нишобли, икки нишобли, тўрт нишобли, гумбаз, равоқ ва бошқа шаклларда бўлади. Том нишоби унга ишлатиладиган материалларнинг хилларига қараб белгиланади (55-жадвал). Томлар тунука, черепица, асбестоцемент, толь, рубероид ва тупроқ (лой) билан ёпилиши мумкин.

Том нишобининг унга ишлатиладиган материалга боғлиқ эканлиги

Тартиб №	Томга ёпиладиган материалнинг номи	Том нишобининг қиялиги		1 м ³ томнинг оғирлиги
		том баландлигининг энгига нисбати	қиялик бурчаги (градус ҳисобида)	
1	Тунука	1 : 4 — 1 : 2	14 — 27	25
2	Черепица	3 : 4 — 1 : 1	37 — 45	60
3	Асбестоцемент	1 : 2 — 1 : 1	27 — 45	35
4	Толь, рувероид	1 : 4 — 1 : 3	14 — 18	50
5	Тупроқ	1 : 12 — 1 : 10	5 — 7	

Бинонинг пландаги шакли оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Икки қарама-қарши нишобларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган горизонтал қирра (ЛМ, НО, РП)ни конёк деб аталади. Икки нишобининг қўшилишидан ҳосил бўлиб конёдан бино бурчакларига йўналган қирралар (АЛ, КЛ, ВН, ГО ва шунга ўхшашлар)ни ҳамда конёкларни бирлаштирувчи қирраларни томнинг қобирғаси деб аталади. Икки нишоб қўшилишидан ҳосил бўлган ботик қирра (БМ, РД)ни ёндова деб аталади (75-расм).



75-расм. Том планининг тузилиши.

а) нагрузка кўтарувчи элементлар. Бунга стропило, ферма, плита каби конструкциялар киради. Улар томнинг ўз оғирлигини ҳамда қор ва шамолдан ҳосил бўладиган нагрузканни деворга узатиб туради;


б) иқлимий факторлар (ёғин, шамол, қуёш нурларининг таъсири, температура ўзгаришлари) га бардош берувчи устки қатлам. Бунга васса, тўшама (настил) ва ёпма материал киради.

Суянома стропило. Бу стропило томни кўтариб турувчи элемент бўлиб, кўпинча ёғочдан ясалади. У бир нишобли, икки нишобли ва тўрт нишобли томларни ёпишда қўлланилади.

Бинонинг эни 6 м гача бўлса, у бир нишобли том билан ёпилади. Том остига ўрнатиладиган суянома стропило ғула ва брус ёғочлар ёки тахталарни қиррасига ўрнатиб 76-расмда кўрсатилганидек бажарилади.

Том асосан икки хил конструктив элементлардан иборатdir:

Агар бинонинг эни 14 м гача бўлиб, унда битта ички бўйлама девор ёки бир қатор устунлар бўлса томни икки ёки тўрт нишобли қилиб ёпиш мумкин. Бундай томнинг стропилоси 77-расмда кўрсатилгандек бажарилади. Агарда бинонинг эни 16 м гача бўлса суюнма стропило ўрнатиш учун унинг ичидаги ички бўйлама девор ёки икки қатор устун бўлиши лозим.



76-расм. Бир нишобли томнинг суюнма стропилоси:

а — деворлар ораси 4,5 м гача бўлгандас; б — деворлар ораси 6 м гача бўлгандас; 1 — стропило; 2 — мауэрлат; 3 — тиргак; 4 — чордоқ ёпмаси.


Томдан тушадиган нагруззка деворга текис тақсимланишини таъмин этиш учун стропило оёқлари остига мауэрлат қўйилади. Томлар икки ва тўрт нишобли бўлгандан стропилоларнинг пастки оёқлари мауэрлатга, юқориги оёқлари эса харига ўрнатилади. Хариларнинг остига, ҳар 4—5 м да, устун ва тиргаклар қўйилади. Стропилолар оралиги 1—2 м бўлиши мумкин. Таянчлар оралиги 4,5 м дан ортиқ бўлгандан стропилолар остига кўндаланг тиргаклар ўрнатилади (77-расм).

Суюнма стропилоларнинг кесим ўлчамлари уларнинг оралигига, таянч нуқталарнинг узоқ-яқинлигига ва томни қандай материал билан ёпилишига боғлиқдир (56-жадвал).

Осма стропило ва стропило фермаси. Бинонинг эни кенг ва унинг ичидаги таянчлар оралиги узоқ (масалан, мажлис заллари, театр заллари) бўлгандан осма стропило фермаси ёки темир-бетон тўсинлари қўлланилади. Таянчлар ораси 6—13 м бўлса, осма стропило (78-расм, а), 12—36 м бўлса, стропило фермалари (78-расм, б, в) қўлланилади.

Осма стропило тахта ёки бруслардан ясалади, стропило фермалари эса ёғоч, металл ва темир-бетондан тайёрланади ва мажлис заллари, кинотеатр, театр залларини ёпишда кенг қўлланилади. Ёғочдан қилинган стропилоларни ўрнатганда уларнинг ораликлари 1,5—2 м дан ошмаслиги, металл ва темир-бетондан қилинган стропилоларнинг оралиги эса 3—6 м бўлиши мумкин. Стропилодаги ҳар бир элементнинг кесими ҳисоблаб топилади.

Шакл жиҳатидан стропило фермалари учбурчак, трапеция, параллел белбоғли ҳолда бўлади. Кейинги вақтларда томнинг



77-расм. Икки нишобли томнинг суюмга стропилоси:

a — ички бўйлама девор бўлганд; b — уйинийт ўртасида устун бўлганд; c — стропило плани; f — маъзрлат; 2 — тагсина; 3 — устумча; 4 — харни; 5 — бўйлама тиргак; 6 — васса; 7 — карниз ёрочи; 8 — қўндаланг тиргак; 9 — қўшимча харни; 10 — устун; 11 — диагонал стропило; 12 — тўсни.

Стропилоларнинг кесим ўлчамлари (см ҳисобида)


Томга ёпиладиган материаллар- ниг номи	Стропило қўйиладиган таянчлар оралиги (ж ҳисобида)	Стропило ораси (ж ҳисобида)							
		110		140		175		210	
		Брус ва такта учун	Думалок ёғоч учун	Брус ва такта учун	Думалок ёғоч учун	Брус ва такта учун	Думалок ёғоч учун	Брус ва такта учун	Думалок ёғоч учун
Тунука, ас- бестоцемент, толь, руверонд	3	5×10	10	5×10	10	5×10	10	5×16	14
	3,6	5×13	12	5×16	12	4×18	14	5×18	14
	4,25	5×16	12	5×18	14	5×18	14	5×20	15
	5	5×18	14	5×20	14	6×20	16	—	—
	5,75	5×20	14	6×20	16	—	—	—	—
	6,5	6×20	16	8×22	18	—	—	—	—
Черепица, тулроқ	3	8×10	10	8×10	13	9×10	15	9×16	16
	3,6	8×13	13	8×16	16	8×18	18	9×18	18
	4,25	8×16	16	8×18	18	10×18	18	10×20	20
	5	8×8	18	8×20	20	13×20	20	—	—
	5,75	8×20	20	13×20	24	—	—	—	—
	6,5	13×20	20	15×22	28	—	—	—	—

нагрузка кўттарувчи конструкцияси сифатида йиғма темир-бетон тўсинлар кенг қўлланилмоқда.


Том деразаси. Томнинг ўлчами катта бўлса, чордоқ хонасини ёритиш, вентиляция қилиш ва унга кириб-чиқиш учун стропило орасига кичкина дераза ўрнатилади. Томга қўйилган деразанинг эни ҳам, баландлиги ҳам 80 см дан кам бўлмаслигига лозим. Деразалар сони чордоқ хонасининг катта-кичиклигига қараб белгиланади. Нормаларга биноан ҳар 150 м² чордоқ юза-сига биттадан том деразаси ўрнатиш тегишилидир.

Тунука том. Металл, цемент ва ёғочни тежамли сарф аилиш тўғрисидаги техник қоидалар (ТП-101—57)га биноан қўрим ҳоллардагина томни тунука билан ёпилади.


Томлар эни 0,7 м, бўйи 1,42 м, оғирлиги 4 кг ли стандарт тунукалар билан ёпилади. Стропилога қоқиладиган вассалар 5×5 см ли брус ва уларнинг оралиги кўпи билан 25 см бўлиши керак. Карниз устидаги тахта вассалар том лабидан 1 м энида зич қоқилади. Тунукалар ўзаро ётиқ ва тик чоклар билан уланади. Чоклар бир қаватли ва икки қаватли бўлиши мумкин (79-расм). Томнинг нишоби 1:3,5 ва ундан ортиқ




a)



b)




в)



I-I кесими



II-II кесими



78-расм.

а — осма стропило; *б* — йирия темир-бетон стропило фермасы; *в* — йирия темир-бетон түсні; 1 — стропило; 2 — тортың; 3 — күттарма; 4 — тиргак.



бұлса, чоклар бир қаватли ишләнади. Икки қаватли чоклар нишоби кам бұлған тунука томларда құлланилади. Тунукаларни вассаларга расмда күрсатилған сингари клямералар ёрдами билән тортиб қўйилади. Клямера 150 × 20 мм үлчамда тунукадан тайёланади.

Бұғот лабига ұар 70 см оралиқда, вассадан 10 см чиқарыб, махсус темир (костиль) қоқылади. Қор ва ёмғир сувлари тар-

новга йиғилиши учун бүгін тепасига жолоб қилинади. Жолоб ташқы томондан ҳар 70 см оралиқда махсус темир илгаклар билан маҳкамалаб қўйилади (79-расм).

Жолобнинг нишоби 1:10 — 1:20 бўлиши лозим. Сунгги вақтларда бинокорлик ишларини индустрялаштириш мақсадида тунукалар заводларда уланиб қурилиш майдонига ўрам ҳолида келтирилиб, томларга ёпиладиган бўлди. Тунука томни занглашдан сақлаш учун ҳар 4—5 йилда мойлаб турилади.

Черепица томи. Черепица 5×5 см ли брус вассаларга терилади (80-расм). Ҳар бир черепица икки вассага ўрнати-



79-расм. Тунука томнинг элементлари:


а — томнинг құрмайтын күрінини; б — бир қаватлы чок; в — икки қаватлы чок; г — кламмер; д — бүгін лаби; е — тарновнинг деворға маҳкамалапши; ж — тунука томнинг плашки.
 1 — томнинг нишоби; 2 — тик чок; 3 — өтиқ чок; 4 — ендөвә ёпилши; 5 — нов; 6 — жолоб; 7 — син; 8 — темир илгак; 9 — томнинг лаби; 10 — костиль; 11 — девор; 12 — тарнов; 13 — хомут.

лади, сүнгра остки томонидан сим билан вассага тортиб қўйилади. Черепицалар орасидаги чоклар остидан, яъни чордоқдан туриб, оҳак қоришмаси билан суваб қўйилади. Томнинг қобирга ва конёги маҳсус тарнов шаклидаги черепица билан ёпилади.

Томнинг ендөваси ва дудбурон атрофи оқ тунука билан қопланади.

Черепица томи мойланмайди. У бошқа томларга нисбатан оғир бўлади. Шу сабабли, черепица билан ёпиладиган томлар нишобитик ва стропилоси йўғон ёғочдан қилиниши лозим. Черепицалар бир-бирининг энига 2 см, бўйига эса 6,5 см бостириб терилади.

Асбестоцемент томи. Асбестоцемент — том ёпиш учун кенг қўлланадиган арzon материаллардан биридир. Тўлқинсимон асбестоцемент тахтасининг узунлиги 1,2 м, эни 0,67 м, қалинлиги 5,5 мм, оғирлиги эса 9 кг дир. Баъзи бир паст сорт асбестоцемент тахталариning ўлчамлари $55,8 \times 80$ см, оғирлиги 4,8 кг бўлади. Асбестоцемент тахталари вассаларга маҳсус парчин мих билан қоқилади. Устки қатор асбестоцемент тахтасини остки қатор асбестоцемент тахтасининг устига 10 см қоплаб терилади. Томнинг конёк ва қобиргалари маҳсус асбес-




80-расм: Черепица том:

а — черепица турлари; б — томнинг пазли штамповка қилинган черепица билан ёпилади; 1 — яланоқ черепица; 2 — пазли штамповка қилинган черепица; 3 — пазли лентали черепица; 4 — толь; 5 — маузерлат; 6 — карниз броҷи; 7 — сим; 8 — қоришма.

тоцемент билан ёпилади (81-расм). Асбестоцементда мих қоқиши учун қолдирилган тешиклар михнинг диаметрига қарандада 1—2 мм кенгроқ бўлиши лозим, чунки қишида ва ёзда, ҳаво температурасининг ўзгариши натижасида, асбестоцементда физик ўзгаришлар ҳосил бўлади. Агар қоқилган мих сиқилиб турса, асбестоцемент ёрилиб кетиши мумкин. Томнинг ендөваси оқ тунука билан ёпилади.

«Толь ва рубероид томи. Одатда томларга толь ва рубероид 2—5 қават ёпилади. Том толь билан ёпилганда унинг остки қаватларига толь-тери, рубероид билан ёпилганда эса пергаминт ишлатилади. Бу материаллар билан ёпилган томларни *рулон* (*ўрама*) *томи* деб аталади. Ўрам материаллар билан ёпиладиган томга васса сифатида тахта түшама қоқиласди. Бундай түшама икки қават тахтадан иборат булади (82-расм, а). Остки қаватга қалинлиги 25 *мм* келадиган тахта қоқиласди. Бу тахталарнинг оралиги 4—5 *см* булиши керак. Устки қават эса 16 *мм* ли тахталардан зич қилиб қоқиласди.»



82-расм. Томнинг асбестоцемент билан ёпилиши:

1 — мих ёки парчин; 2 — шайба; 3 — рубероид; 4 — хари; 5 — конёк; 6 — стропило.

Текис томларда толь ва рубероидни темир-бетон панел ва плиталар устига ёпилади. Томларга тахта түшама қоқилганда ўрам мих ва мастика билан ёпиштирилади, темир-бетон бўлганда эса ёпиштириш учун фақат мастика қўлланилади.

Томга ёпиладиган толь ва рубероиднинг қаватлари унинг нишобига боғлиқдир. Том нишоби:

1 дан 3% гача бўлганда — 5 қават;

3 дан 7% гача бўлганда — 4 қават;


7 дан 15% гача бўлганда — 3 қават;

15% дан ошиқ бўлганда 2 қават ўрам материали билан ёпилади.

Томнинг нишоби 15% дан кам бўлса устки қават материалини бўғотга параллел, 15% дан ортиқ бўлганда эса бўғотга перпендикуляр қилиб ёпиштирилади. Устки қават ўрамининг чети остки қават ўрамига 10 *см* ўтказиб ёпилади. Энг устки қаватнинг учи конёқдан шамол йўналишига қарама-қарши бўлган томонга камида 50 *см* ўтказиб ёпиштирилади.

Тольни ёпиштириш учун қорамой мастикаси, рувероидни ёпиштириш учун битум мастикаси қўйланилади.

Томни ўрам материаллари билан ёпиб бўлгандан кейин унинг устига мастика суртилади, сўнгра қум сепиб қўйилади. Бундай томлар ҳар 2–3 йилда мастика билан мойлаб турилади. Шу усул билан ёпилган ўрам томлар 20 йил ва ундан ортиқ муддатга хизмат қила олади. Сарой, шийлон, гараж ва шунга ўхшаган бинолар тепасини ёпишида бир қават ўрам материалы михлаб қўйилади, холос (82-расм, б).¹




82-расм. Томнинг ўрам материаллар билан ёпилиши:

а — ўрамнинг мастика билан ёпиштирилиши; б — ўрамнинг рейка ва михлар билан маҳкамлашни; 1 — остик тушама; 2 — устки тушама; 3 — тунука; 4 — пертвани; 5 — рувероид; 6 — толь михлари; 7 — мастика; 8 — рейкаларга қоқилган михлар; 9 — толь.

Том лойиҳасини тузиш. Том лойиҳаси асосан иккита чёртёждан иборат: томнинг плани ва стропилолар плани. Одатда умумий плани мураккаб бўлган бинолар учун 1:400 масштабда том плани чизилади. Томнинг планида нишоб йўналиши, том деразаси ва панжараси, дудбуронлар ҳамда тарновлар кўрсатилади. Ҳар 50 m^2 том юзасига биттадан диаметри 14 см ли тарнов қўйилади. Том планини тузиш учун аввал унинг контур чизиқлари чизилади, сўнгра бурчаклардан бисекстриса чизиқлари ўtkазилади ва улар кесишган нуқталарни горизонтал чизиқ билан биректириб томнинг конёги топилади.

Мураккаб шаклдаги томларнинг схематик плани 83-расмда күрсатилган.

Том плани тузилгандан кейин унга асосланиб стропило ва фермалар плани тузилади. Бунда стропило ёғочлари ва улар-



83-расм. Мураккаб томларнинг схематик планлари.

нинг оралиги, мауэрлат хари ва диагонал хари оёқлари күрсатилади (77-расм, б). Стропило ва фермаларнинг характерлиқ элемент ва деталлари алоҳида йирик масштабда чизиб кўрсатилади.

III БОБ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

§ 16. ЕР ИШЛАРИ

Ҳар бир бино ёки иншоотни қуриш учун албатта ер ишларини бажариш лозим бўлади. Баъзи иншоотларда ер ишлари қурилишнинг анчагина процентини ташкил этади. Масалан, гидротехника иншоотлари қурилишида ер ишлари қурилиш умумий харажатнинг 70—80% ни, уй-жой қурилишида эса 10—15% ни ташкил қиласди.

Умумий харажати 1 миллион сўмга тўғри келадиган саноат қурилишида $10\,000\text{ м}^3$, турар жой бинолари қурилишида 4000 м^3 ер ишлари бажаришга тўғри келади.

Ер ишларини бажариш натижасида доимий ва муваққат ер иншоотлари вужудга келади. Доимий ер иншоотларига узоқ муддат фойдаланиладиган иншоотлар, йўл кўтармалари, тўғонлар, сув ҳавзалари, каналлар, қудуқлар ва ариқлар киради.

Муваққат ер иншоотларига бино пойdevori учун қазиладиган хандақ (траншея)лар, бинонинг ертўла қавати учун қазиладиган чуқурликлар, водопровод, канализация ва газ трубалари учун қазиладиган хандақлар киради.

Қазилманинг әни 3 метрдан ортиқ бўлса котлован, 3 метрдан кам бўлса, хандақ деб аталади.

Грунтларнинг баъзи бир хусусиятлари ва категорияси. Қурилиш ишларида тупроқ қатламлари қўйидаги турларга бўлинади: устки (ўсимлик) қатлам, тош аралаш тупроқ қатлам, заранг тупроқли қатлам, қумли тупроқ қатлам ва соғ тупроқ қатлам. Бино қуриладиган майдончадаги тупроқнинг қурилиш учун керакли хусусиятларини аниқлаш учун, шу майдончанинг турли жойида чуқурлиги 2 м ва кеңглиги $1,0 \times 1,0\text{ м}$ бўлган $3 - 4$ ўра қазилади. Ўрадан олинган тупроқнинг тури, характеристи, таркиби ва ҳар қатламнинг қалинлиги ва унга қўйилиши мумкин бўлган меёри нагрузка аниқланади.

Ернинг устки қатлами тоғ жинси заррачаларидан, ўсимлик илдизлари, ҳайвонот ва микроорганизмлар қўлдиқларидан ҳосил бўлган. Бу қатламнинг тупроғи сув тегса ёпиш-

қоқ лойга, қуриганда эса заранг ерга айланади. Одатда бу қатламга пойдевор қўйилмайди, шунинг учун уни кавлаб ташланади.

Кум. Йириклиги 0,05 дан 5 мм гача бўлган тоғ жинси заррачалари бўлиб, сув теккандан қуриганда ўз ҳажмини ўзгартирмайди. Қумнинг устига пойдевор қўйганда оқар сувлар уни ювиб кетмаслиги учун тегишли тадбирлар кўрилиши лозим.

Турли тупроқлар. Тупроқнинг таркибида тупроқ моддалари билан бирга чанг ва қум кўшилмалари бўлади. Одатда тупроқ моддаси заррачалари 0,005 мм дан майдан бўлади. Агар тупроқ моддаси заррачалари йирикроқ бўлса (0,005 дан 0,15 мм гача), уни чанг деб аталади.

Тупроқ ўз таркибида тупроқ моддалари, чанг ва қумнинг оз ва кўп бўлишига қараб қўйидаги турларга бўлинади.

Соз тупроқ—таркибида тупроқ моддалари 30 дан 60% гача, чанг ва қум 40 дан 70% гача бўлади. Кумли тупроқ—таркибида тупроқ моддаси 10—30% гача, чанг ва қум 70 дан 90% гача бўлади. Тупроқли қум—таркибида тупроқ моддаси 5 дан 10% гача, чанг ва қум 90 дан 95% гача бўлади.

Бу тупроқларнинг устига пойдевор қўйиш учун уларни ерости ва оқар сувларнинг таъсиридан сақлаш керак.

Сариқ тупроқ (лёсс). Сариқ тупроқ соғ тупроқнинг бир тури бўлиб, унинг таркибидаги 50% дан ортиқ заррачалари чангдан иборат бўлади.

Бу тупроқка нам тегса жуда бўшашиб кетади ва унинг устига ўрнатилган бино чўкади, шунинг учун сариқ тупроқ устига иморат солинадиган бўлса, унинг чўкишига қарши тегишли тадбирлар кўрилиши лозим.

Пливунлар. Сувга тўйинган қум билан чанг *пливунлар* деб аталади. Пливунларнинг устига бино солиш учун сунъий заминлар ишланади.

•**Қоя.** Қоя ердаги тупроқлар ичида энг мустаҳками ҳисобланади. Қоя қаттиқ тоғ жинсларидан иборат бўлиб оқар сув ва бошқа табиий таъсириларга чидамлидир. Қоядан пойдеворлар учун ишончли замин сифатида фойдаланиш мумкин.

Тупроқ ўз структураси (тузилиши) ва оғир-енгиллигига қараб қўйидаги категорияларга бўлинади (57-жадвал).

Ер қазиш ишлари бир қанча тайёргарлик ишлари билан боғлиқ бўлиб, улар қўйидагилардан иборатdir.

Ер ишларини режалаш (разбивка). Проектда кўрсатилган бино ва иншоотларнинг натуранларини чизма қофозларидан кўчириб қурилиш жойида белгилаш ишларига *режалаш ишлари* деб аталади. Режалашни бошлаш учун қўйидаги документлар бўлиши лозим:

1. „Қурилиш паспорти“ ёки унинг ўрнини ўтайдиган 1:500 масштабдаги қизил чизиқлар кўрсатилган геофизик план ва инженерлик геологияси материаллари.

Тупроқнинг категорияси	Тупроқ қатламининг тури
I	Қум. Ерниңг устки, юза қатлами, тупроқли қум
II	Ғўрама тупроқ, юмшоқ шагал, юмшоқ соз тупроқ, ўсимлик илдизлари бўлган юза қатлам
III	Соз тупроқ қатлами, қотган қумли тупроқ, дарахт илдизлари бўлган устки тупроқ қатлами
IV	Заранг ер, оғир қумли тупроқ
V	Бўш тош қатлами
VI	Қаттиқ тош қатлами

2. Ер ости коммуникацияси, йўллар ва шунга ўхшашларнинг лойиҳалари ва режалаш чизмалари. Бундан ташқари солинадиган бинонинг режалаш чизмаси бўлиши лозим.

3. Юқорида кўрсатилган документлар асосида разбивка ишларини ташкил қилиш плани тузилади.

Тегишли документлар ёа асбоб-ускуналар (теодолит, невиллер, зубила, рулетка, узун пўлат мих ва ҳоказолар) тайёрлангандан кейин режалаш ишлари бошланади.

Режалаш ишларидаги ўқлар икки турга бўлинади: бош ўқлар ва асосий ўқлар. Бир-бирини тўғри бурчак остида кесиб ўтган икки ўқ чизиқ бош ўқлар деб аталади. Солинадиган бино ва иншоотлар ҳамма вақт бош ўқ чизиқларга симметрик жойлашади. Баъзан бош ўқлар координата, ўқлари учун ҳам қабул қилинади.

Бино ва цехларнинг контури (сиртқи шакли)ни кўрсатувчи чизиқларга асосий ўқлар деб аталади. Қолган ўқларнинг ҳаммаси оралик ва иккинчли даражали ўқлар дейилади. Асосий ўқлар қизил чизиқка нисбатан аниқланади (84-расм, а).

Уқ чизиқларни каноп ёки режа сими билан кўрсатилади. Бунинг учун бино солинадиган жойнинг атрофига ёки деворларининг бурчаклари ва кесишган жойлари ёнига ҳар 2,5–3 м ораликда қозиқлар қоқилади. Қозиқларнинг ташки томонига $2,5 \times 16$ см ли тахталар қоқилиб бириттирилади (84-расм б, в).

Сүнгра бу тахталарга мих қоқиб ўқ чизиқларни кўрсатувчи каноп ёки режа симлари тортилади.

Траншеяни қазиб бўлгач, пойдевор тошлари ёки блокларини териш учун ҳам баъзан тахта режа ўрнатилади ва режада кўрсатилган ўлчамга қараб, шовун ёрдами билан пойдеворнинг эни белгиланади.

Қазилма деворларини маҳкамлаш. Қазиладиган жойнинг тупроғи юмшоқ бўлса, уни тик қилиб қазилганда ўпирилиб кетиши мумкин. Шунинг учун траншея ва котлованларнинг вертикал деворлари маҳкамланади ёки унинг томонларини қия қилиб қазилади.

Хавфесизлик техникаси қоидаларига биноан қазиладиган траншея ва котлованларнинг деворларини қўйидаги ҳолларда маҳкамламасдан кавлашга рухсат этилади:




а) пливун ҳамда сувга тўйинган бўш ерларни чуқурлиги $0,25\text{ m}$ гача;

б) шағал ҳамда заранг бўлмаган ерларни — 1 m гача;

в) тупроқли қум ерларни — $1,25\text{ m}$ гача ва

г) қумли тупроқли ерларни $1,5\text{ m}$ чуқурликкача қазиш мумкин.

Қазилмаларнинг чуқурлиги шу кўрсатилган меёрдан чуқур бўлса, уларни ўпирилишдан сақ-



84-расм. Бино ўрнини белгилаб олиш:
а — асосий ўқларни қизил чизиқка ишботан белгилаш; б — траншея бурчагига қоилган тахталарнинг ухумий кўринишни; в — траншея бурчагига қоилган тахта ва бино деворицинг кесими.


лаш учун деворларини ёғоч материаллар билан маҳкамланади (85-расм).

Қазиладиган траншеяниң чуқурлиги 3 м гача бўлса, тахталарни зич қиммасдан ораларини очиқроқ қилиб (85-расм, а, б) чуқурлиги 3 м дан ортиқ бўлса, зич қилиб қоқилади (85-расм, в).

Чуқур котлованларнинг деворлари тиргак (подкос) ва анкерлар билан маҳкамланади (85-расм, д, е).

Траншеяниң чуқурлиги 1,5 м гача бўлса, ундаги тупроқ түғридан-тўғри юқорига чиқазиб ташланади. Агарда 1,5 м дан чуқур бўлса, тупроқ расмда кўрсатилганидек жовон (полка)-лар орқали отиб чиқазилади. Котлованларнинг деворларини тиргаклар билан маҳкамлаганда тиргаклар котлован ичидагина ишларни давом эттиришга бир оз халақит бергани учун кўпинча котлованларнинг деворларини анкерлар билан маҳкамлашдан фойдаланилади.

Ер ости сувларини пасайтириш. Ер ости сувлари ер юзига яқин бўлса, кавланган жой сув билан тўлиб қолавергани учун қазилмаларни кавлаш анча қийинлашади. Ер ҳазишиш ишларини нормал ҳолда олиб бориш учун сизиб чиқадиган ер ости сувларини қазилмалардан четлатмоқ керак. Бунинг учун дренаж, насослар ва нинафильтрлар қўлланилади.



85-расм. Траншея ва котлован-деворларини маҳкамлаш:

а, б, в — траншеялар учун;
г, д — котлованлар учун; 1 — жовон; 2 — жовон борти; 3 — тахта; 4 — устун; 5 — горизонтал тиргавуч ($d = 18 \text{ см}$);
6 — реинк.

Захоб ерларга бино солинадиган бўлса, кавланадиган траншэя ёки котлованинг атрофига зовур қазилади. Зовур траншэя ва котловандан чуқурроқ бўлади. Зовур кўмилмасдан қолдирилса, уни очиқ дренаж деб аталади. Агар очиқ дренаж қурилиш ишлари олиб боришга халақит берадиган бўлса, уни тош, шағал, қум ҳамда тупроқ билан ёки сопол қувурлар кўйиб кўмиб юборилади. Бундай дренажни ёпиқ дренаж дейилади. Қазилмалар дренажлар орқали ер ости ва сизоқ сувлари пасайтирилгандан сўнг кавланади. Кавланаётган котлован ичига сизоқ ва ер ости сувлари интенсив равишда йифилса, насослар қўлланилиши мумкин (86-расм, б). Бу ҳолда котлованинг таги бир томонга нишоб қилиб кавланади ва сизиб чиқувчи сув бирорта ҳовузчага тўпланади. Тўпланган сув даврий ёки узлуксиз равишда насос ёрдами билан ташқарига чиқариб ташланади. Бу усулнинг камчиликларидан бири шундан иборатки, ер остидан сизиб чиқадиган сув котлованинг деворлари (откоси) ни юваб, ўпиреб юбориши мумкин. Бунинг олдини олиш учун қўшимча ускуналар талаб қилинади. Бундан ташқари, бу усулда котлованинг таги буш бўлиб, қурилиш ишларини олиб боришга анчагина қулайсизлик туғдиради.

Ер ости сувларини 8—10 метргача пасайтириш зарур бўлса, нинафильтрлар қўлланилади (86-расм, в, 2, д). Нинафильтрни ерга гидравлик усул билан ботирилади. Бунинг учун нинафильтр трубасига 4—8 атмосфера босимда маҳсус насос билан сув берилади ва бу сув фильтрнинг остидан чиқиш вақтида (86-расм, г) қум ва тупроқни юваб нинафильтрнинг ерга кириши учун ёрдам беради. Нинафильтрни тегишли чуқурликда ўрнатилгандан кейин унинг вертикал трубаларини коллекторга уланади. Насослар ёрдами билан вакуум асосида трубалардан сув юқорига қараб тортилади. Нинафильтр ишлаганда унинг остидаги клапан ёпилиб (86-расм, д) ён клапанлари очилади. Кавланадиган траншеянинг эни 2—3 метргача бўлса, нинафильтрлар фақат унинг бир томонига, ундан кенг бўлса, икки томонига ўрнатилади. Котлованларда эса нинафильтрлар периметр бўйлаб ўрнатилади.

Ер ости сувларини 5 метргача пасайтириш учун нинафильтрларни бир ярус, 10 метрга пасайтириш учун 2 ярус қилиб ўрнатилади.


Ер ости сувларини 15—20 метргача пасайтириш учун эжекторли нинафильтрлар қўлланилади.

Ер ости сувларини нинафильтрлар билан пасайтириш очиқ усулда насослар билан пасайтиришга қараганда ишни икки марта теззатишга ёрдам беради ва қўшни бино ва иншоотларнинг чўкиш хавфини йўқотади.

Нинафильтр трубаларининг диаметри 38 ва 50 *мм*, коллекторларнинг диаметрлари эса 100, 150 ва 200 *мм* гача бўлиши мумкин.

Ер ишларида механизмларнинг құлланилиши. Бинокорликда ер ишлари эң оғир ишлардан бири ҳисобланади. Ер ишларида механизмлардан кең ва түгри фойдаланиш бино қурилишини ўз вақтида битказищда мұхим роль үйнайды. Бино солинадиган майдоннинг паст-бадандилкларини текислаш, тұнка ва илдизларни суғуриш, траншея ва котлованларни кавлаш, чуқурларни тұлдириш ёки құттармалар ұсил қилиш ва тупроқни шибалаш ишларда механизмлардан фойдаланылади.


Ер ишлари асосан құйидагиларга бүлинади: 1) ерни кавлаш; 2) тупроқни ташиш; 3) тупроқни тұкиш ва құттармалар қуриш; 4) майдонни текислаш.



86-расм. Ер ости ва сизот сувларини пасайтириш;

а — өңік дрекажлар; б — кавланайтқан котловандар насослар өрдамнас сув чыкарыш; в — инкафильтрлар билан пасайтириш; г — инкафильтрлар өргө ботиркыш вақтида каваптаннинг вазияти; д — инкафильтр клапанниннинг сүн чыкарыш вақтидағы вазияти; 1 — тош; 2 — 60 мм инриклидатын шағал; 3 — күм; 4 — соы түпрок; 5 — сопол әкіп бетон күвүр ($d = 125-300$ дан 400-1000 мм таға); 6 — трубадар; 7 — фильтр; 8 — училик; 9 — коллектор; 10 — марказдан қозарма насос; 11 — фильтр клапани.

Ерни кавлаш. Ерни уч хил усул билан: механик, гидромеханик ва портлатиш усуллари билан кавлаш мумкин. Ер қазиши усуллари ишнинг ҳажмига, ер тупроғининг категорияси ва маҳаллий шароитга қараб белгиланади. Уй-жой ва саноат бинолари қурилишидаги ер ишлари асосан механик усулда, гидротехника иншоотлари қурилишидаги ер ишлари эса кўрсатилган учала усулда ўтказилади.



87-расм. Тўғри ковшли экскаваторлар билан кавлаш:
а — бўйлама усулла; б — ёндама усулла; в — пешона усулла.


Экскаваторлар. Туаржой ва саноат бинолари қурилишдаги ер қазиши ишларида асосан бир ковш (чўмич) ли экскаватордан фойдаланилади. Котлован қанчалик чуқур қилинишига қараб, уни бир неча ярусларга бўлиб қазилади (87-расм, а). Ҳар бир яруснинг баландлиги экскаваторнинг маркасига ва қазиладиган ернинг қаттиқ-юмшоқлигига қараб белгиланади. Ярусларнинг баландлиги 2,5 метрдан 5 метргача бўлиши мумкин. Кавланётган жой дейилади.

Қазилманинг шаклига қараб ер ишларида тўғри ковшли, тескари ковшли ва драглайнли экскаватордан фойдаланилади. Котлованларни тўғри ковшли экскаваторлар билан бўйлама, ёндама ва пешона (лобовой) усулларда кавлаш мумкин (87-расм).

Чуқур ва кенг котлованларни бўйлама усул билан кавлаганда экскаватор котлован бўйлаб ҳаракат қиласи ва қазилган тупроқни забойнинг юқорисида турган транспортга солади, яъни биринчи ярусда экскаватор йўлиниң ўқи Э ва автомобиль йўлиниң ўқи T_1 , иккинчи ярусда Э₂ ва T_2 , учинчи ярусда эса Э₃ ва T_3 бўлади. Баъзи вақтларда тупроқни транспортга ортишни осонлаштириш учун биринчи яруснинг ўнг ёки чап томонидаги 2–3 м кенгликда траншея кавланади ва транспорт шу траншея бўйлаб ҳаракат қиласи. Котлованларни ёnlама усулда кавлаганда транспорт экскаваторга қарама-қарши томондан келиб забойнинг остида тұхтайди. Экскаватор билан транспорт бир хил баландликда (отметкада) бўлганлиги учун бу усул билан ер қазилганда транспортнинг ҳар қандай туридан фойдаланиш мумкин.

Котлованларни пешона усулида кавлаганда транспорт забой ичига экскаваторнинг орқа томонидан орқаси билан тисланиб кириб келади, чунки бу ҳолда у забой ичига аллана олмайди. Бу усулдан кўпроқ транспорт ҳаракат қилиши қийин бўлган ҳия ерларни кавлашда фойдаланилади.

Пойдевор, сув ва газ канализацияси қувурлари ётқизиладиган траншеяларни қазишда тескари ковшли экскаватор ишлатилади (88-расм). Бу экскаватор билан ери орқага тисланиш усали ва ёндамалаб юриш усуллари билан кавланади. Орқага тисланиш усали билан траншеяларни 3 м гача кенгликда кавлаш мумкин.



88-расм. Тескари ковшли экскаваторлар билан кавлаш:

а — орқага тисланиш усали билан;
б — ёндама юриш усали билан.

Экскаватор ер қазиш ишларининг ҳажмига қараб танланади. Масалан, ер қазиш ҳажми 10 минг кубометрдан ортиқ бўлганда ковшининг ҳажми 0,5 куб

метр, яъни Э-505(504) маркали экскаватордан, ер қазиш ҳажми 25 минг куб метрдан ортиқ бўлганда ковшининг ҳажми 1 куб метр, яъни Э-1004 (1003) маркали экскаваторлардан фойдаланилади ва ҳоказо.

Бир экскаватор қазиб чиқарган тупроқни ташиш учун қанча автомобиль керак бўлиши 58-жадвал ёрдами билан аниқланади.

Жадвалдан қандай фойдаланиш кераклиги қўйидаги мисолда кўrsatilgan.

Мисол: Котлован Э-505(504) маркали экскаватор ёрдами билан қазилмоқда. Котловандан чиқсан тупроқни нормал юқ автомобиллари билан 3 километр масофага олиб бориб тўкиш

керак. Экскаваторнинг нормал ва тұхтосыз ишлаши учун ЗИС-585 маркалы нечта юк автомобили керак?


58 - жадвал

Экскаваторнинг маркаси ва ковшнинг ұжымы	Масофа (м дисо- біда)	Самосвал машиналарнинг маркасы		
		ГАЗ-93 (2,25 тон- нали)	ЗИС-585 (3,5 тон- нали)	МАЗ-205 (5 тоннали)
Э-505(504) 0,5 м ³	1000	6	5	4
	2000	8	7	6
	3000	10	8	7
	4000	13	10	8
	5000	15	11	9
	6000	17	12	10
	7000	19	14	12
	8000	21	15	13
	9000	23	16	14
	10 000	26	18	15
Э-1004(1003) 1 м ³	1000	—	9	8
	2000	—	12	10
	3000	—	14	13
	4000	—	17	15
	5000	—	19	17
	6000	—	22	20
	7000	—	24	22
	8000	—	27	24
	9000	—	29	27
	10 000	—	32	29

Е ч и ш: Жадвалнинг биринчи устунидан экскаватор ковшнинг ұжмини, иккинчи устундан 3 километр масофани то-
пид, у турған горизонтал қатордан керак бўлган автомобиль сони топилади. Бу мисолда экскаваторнинг тұхтосыз ишлаб туришини тъмминлаш учун 8 дона автомобиль керак экан.

Экскаваторлардан унумли фойдаланиш учун ер қазишишарини түғри ташкил этиш билан бирга новаторларнинг иш тажрибаларидан жуда кенг фойдаланиш керак. Траншеяни қазиша новатор экскаваторчилардан Галенко ва Удодларнинг иш тажрибаларидан фойдаланиш лозим. Улар ер қазиганда экскаватор траншеяниң ўқи бўйлаб эмас илон изи шаклида суриласди (89- расм, а).

Ер қазишида экскаватор ўз ўқига нисбатан $70-80^\circ$ бурчақ ҳосил қилиб траншеяниң гоҳ үнг, гоҳ чап томонига сурлади, шунинг учун экскаваторни бир ердан иккинчи ерга кўп марта суриш керак бўлмайди, қазилманинг ён девори ҳамда туби анчадек исчади, иш унуми эса анчагина ортади.



89-расм. Экскаватор, скрепер ва бульдозернинг ҳаракат қилиш схемаси:
а — драглайнли экскаватор. б, в, г — скрепер; д, е — бульдозер.

Бир ковшли экскаваторларнинг бир сменадаги иш унуми қўйидаги формула билан аниқланади.

$$P_{\text{см}} = 60q n_s K_r K_b t_{\text{см}} \text{ м}^3/\text{смена}.$$

Бунда $P_{\text{см}}$ — экскаваторнинг бир сменадаги эксплуатацион иш унуми,

q — ковшининг ҳажми (м^3 ҳисобида),

n_s — эксплуатация шароитида экскаваторнинг бир минут ичидаги цикллари сониъ,

K_г — тупроқнинг иш унумига таъсири;

$$K_g = \frac{k_1}{k_2},$$

k₁ — ковшнинг тўлиш коэффициенти (0,9—1,2),

k₂ — ернинг юмаш (разрыхление) коэффициенти (1,08—1,5),

K_в — экскаваторнинг вақтдан фойдаланиш коэффициенти (0,8—0,9),

t_{см} — сменанинг давом әтиши (соат ҳисобида).

Экскаваторнинг бир минутда қиладиган цикл сони

$$P_v = \frac{60}{t_n},$$

бунда экскаваторнинг бир циклга сарф қиладиган вақти (*t_n*) экскаваторнинг маркасига, тупроқнинг категориясига ва ишни ташкил қилишга боғлиқдир.

Скреперлар. Қурилиш майдонидаги паст-баланд ерларни текислаш ва қисқа масофага тупроқни суриш ишлари учун скрепердан фойдаланиш яхшидир. Агар қазиладиган ернинг сатҳи кенг, чуқурлиги 2 метргача бўлса ва тупроқни 400—500 метр масофага ташилса, скрепердан фойдаланиш яхши натижа беради. Новатор скреперчилар Дуденко, Сушко ва бошқа ўртоқлар скрепердан тўла ва унумли фойдаланиш билан ном чиқарганлар. Улар қазиладиган ер участкасини бир неча тенг бўлакларга бўлиб олишин ва бу бўлакларнинг қаттиқ-юмшоқлигига қараб скреперни турли тезликда ҳайдашни тавсия этадилар.

Қазйлган тупроқ ташиладиган масофа 50 метрдан 100 метргача бўлса, иш 89-расм, б да кўрсатилган усулда уюштирилади. Бу усулда скрепер ковшини бир марта тупроққа тўлдириб, белгиланган ерга олиб бориб тўқади. Майдон кенг бўлса, скрепер 89-расм, в да кўрсатилгандек ҳайдалади. Бу усулга биноан скрепер бир юришда ковшига икки марта тупроқ тўлдириб, икки марта олиб бориб тўқади. Бунда скреперни камроқ буришга тўғри келади ва иш анча унумли бўлади. Скрепер энитор, бўйи узун участкада ишлаганда, у узоқ масофага эгри-буғри чизиқ бўйлаб ҳайдалади (89-расм, г). Бунда скрепер участканинг бир бошидан иккинчи бошига етгунча ковшини бир неча марта тупроқ билан тўлдиради ва тўқади. Скрепер участканинг охирига бориб етгандан сўнг орқасига қайтади. Бу усулда ишлаганда уни буриш учун кам вақт сарф бўлади, иш унуми эса анча ортади.

Бульдозерлар. Қурилиш майдонини текислаш, чуқурларни кўмиш ва юмшоқ ерларни 2 метргача чуқурликда қазиш ишларида кенг қўлланилади. Илгор бульдозерчи ўртоқ Тараканов чуқурларни кўмишда участкани захваткалар (қисмлар) га бўлади (89-расм, д).

Бунда бульдозер 1-захваткадаги тупроқни чуқурга суріб туширгандан кейин 2-захваткага ўтади, уни тозалагандан кейин 3-захваткага ўтади. Бу усулда бульдозернинг иш унуми одатдаги усулга қараганда бир неча марта ортади.

Эни 25 метр бўлган юмшоқ ерларни 2 метргача чуқурликда қазиша новатор бульдозерчилардан ўртоқ Любашевник гиш тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Бу усулда қазиладиган майдоннинг иккигина 3,5 метр кенглика траншея қазилади ва уларнинг орасидаги майдон захваткаларга бўлинади. Қазилган тупроқни траншея бўйлаб четга суріб чиқарилади (89-расм, е).

Бу усул билан ер қазиша ишлаб чиқариш нормаси бир неча марта ортиқ бажарилади.

Тўкилма (насып) ни кўтариш ва шиббалаш. Уйжой ва саноат қурилишларида ноль цикл ишлари тамом бўлгандан, водопровод, канализация, газификация қувурлари ўрнатилиб бўлгандан кейин чуқурларни тупроқ билан тўлдирилади. Бунда кўпинча, траншея ва котлованларни қазиша уларнинг четига чиқазиб қўйилган тупроқлар ишлатилади.

Агар бу тупроқлардан йўл, тўғон ва шунга ўхшаш иншоотлар қуриш керак бўлса, уларни қуриш учун маҳсус қондаларга амал қилинади.

Ер иншоотларининг мустаҳкам ва узоқ даврга хизмат қилишини таъминлаш учун тупроқнинг турини ва тўкилманинг кўтариш усулларини тўғри танлаш лозим. Баъзи бир, масалан, сернам соз тупроқ ва балчиқли тупроқлардан ер иншоотлари қуриб бўлмайди, чунки сернам тупроқ ўз таркибидағи намни секин чиқазиш натижасида ҳажмини узоқ вақт давомиди ўзгартиради. Балчиқли тупроқ эса нам тегиши натижасида тезда ўз турғунлигини йўқотади. Тупроқ горизонтал қатламлар билан тўкилади. Автомобилда олиб келиб тўкилган тупроқ қатламларининг қалинлиги қумли тупроқ учун — 0,7 м, тупроқли қум учун — 1 м, қум учун — 1,2 м дан ошмаслиги керак. Тўкилган тупроқни бульдозер билан текислаб сўнгра шиббаланади. Тўкилмани шиббалаш учун тупроқнинг таркибида маълум даражада намлик бўлиши керак. Тупроқ сувга тўйинган бўлса, у шиббаланмайди, чунки сув сиқилмайди. Агар тупроқнинг таркибида ҳеч нам бўлмаса, уни шиббалаган билан зичланмайди. Шунинг учун тўкилманинг шиббаланиб зичланиши учун тупроқнинг таркибида тупроқ оғирлигига нисбатан унда қўйидаги миқдорда нам бўлиши керак: қум учун — 8—12, тупроқли қум учун — 9—14, қумли тупроқ учун — 12—20, чаңг аралашган тупроқ учун — 16—22 ва соз тупроқ учун 20—25 процент. Тўкилманинг шиббаланиши тупроқ ҳажмининг кичрайиши билан аниқланади.

Тўкилмани шиббалаш учун 5 дан 10 тоннагача оғирликдаги катоклар ёки 1,5 дан 4 тоннагача оғирликдаги шиббаловчи плиталар ишлатилади. Катоклар билан шиббаланадиган тупроқ-

нинг қалинлиги 25—50 см, плиталар билан шиббаланадиган тупроқниң қалинлиги эса 50—100 см бўлиши керак.

Тупроқни шиббалаш учун сўнгги вақтда ВНИОМС томонидан тавсия этилган вибрацион шибба машиналари 1,5—2 метр қалинликда тўкилган тупроқ қатламларини шиббалай олади.

Ер ишларидаги хавфсизлик техникаси. Ер ости электр кабеллари, зарарли газлар ўтувчи қувурларнинг ёрилиши, қазилган траншея ва котлован деворларининг ўпирлиши ҳамда механизмлар ишининг нотўғри ташкил қилиниши натижасида ер ишларини бажариш вақтида бахтсиз ҳодисалар рўй беради. Бахтсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун қўйидаги асосий қоидаларга риоя қилиш зарур:

1. Ер ишлари бажариладиган жойда иш режа (разбывка) симни тортишдан илгари ер ости алоқа йўллари тўғрисида тўла ҳужжатга эга бўлиш керак.

2. Юқорида айтиб ўтилганидек, траншея ва котлованларнинг деворлари маҳкамланиши, яъни ўпирлишдан эҳтиёт қилиниши лозим.

3. Экскаватор ишлаетган вақтда забой остида ёки устида туриш мумкин эмас.

4. Экскаватор билан кавланган тупроқни автомашинага унинг ён томонидан ёки кабинасининг орқа томонидан ортиш керак.

6 тақе § 17. БЕТОН ВА ТЕМИР-БЕТОН ИШЛАРИ

Бетон ва темир-бетон пишиқ, абадий хизмат қиладиган ва ўтга чидамли бинокорлик материалини ҳисобланади. Бетон таркибида кирувчи материаллар ичидаги энг танқиси цементdir. Бетон тайёрлаш учун 10—15% цемент, 85—90% тўлдиргич (маҳаллий) материаллар талаб қилинади. Шу сабабли бетонни маҳаллий материаллар қаторига киритиш мумкин. Бетон чўзилишга нисбатан сиқилишга 10—15 марта кўпроқ қаршилик кўрсатади. Шунинг учун чўзилиш кучи ҳосил бўладиган конструкцияларда бетон ичига пўлат арматура қўйилади.

Кейинги вақтларда қурилишдаги металл ва ёғоч конструкциялар ўрнини кўпроқ бетон ва темир-бетон конструкциялар эгалламоқда. Бетон ва темир-бетоннинг яхши сифатларидан бири шуки, ундан қилинадиган конструкцияларга истаган шаклни бериш мумкин. Бундан ташқари металл конструкцияларга қараганда темир-бетон конструкцияларга анча кам пўлат сарфланади. Бетон ва темир бетон иккига бўлинади: яхлит ва йигма.

Яхлит бетон ва темир-бетон бинонинг проектида кўрсатилган жойда қолиллар ўрнатиб қўйилади. Йигма бетон ва темир-бетон маҳсус майдон (полигон) ларда ва заводларда қуйиб тайёрланади, сўнгра қурилиш майдонига келтириб кранлар ёрдами билан ўрнатилади. Бу параграфда фақат яхлит темир-бетон тўғрисида гапирилади. Яхлит бетон ва темир-бетон ишлари

асосан уч қисмдан иборат: 1) қолип ясаш ва уни ўрнатиш; 2) арматура тайёрлаш ва уни ўрнатиш; 3) бетон тайёрлаш ва уни қолипга жойлаш.

Қолип ясаш ва уни ўрнатиш. Қориб тайёрланган бетон талаб этилган шаклда бўлиши учун уни қолипда бир неча кун сақлаш керак. Қолидан бир неча марта фойдаланиш учун, уларни осон ўрнатиб осон кўчириб олинадиган қилиб айrim қисмлардан тайёрлаш керак. Қолипнинг ички ўлчамлари конструкциянинг ташқи ўлчамларига баробар бўлиши лозим. Бундан ташқари, қолип бетонни жойлаш ва қотиш даврларида ҳеч қўзғалмайдиган ва мустаҳкам қилиб ўрнатилиши керак. Шунинг учун ҳар бир қолип маҳсус проект асосида ясалади.

Бетон ва темир-бетон қуриладиган конструкцияларнинг тури ва шаклига қараб қолилар тўрт турга бўлинади: 1) кўчириб қўндириладиган қолип; 2) осма қолип; 3) сурилма; 4) кўчма (передвижная) қолип.

Кўчириб қўндириладиган қолип (90-расм) олдиндан тайёрланган шчиллар, бириктирувчи ва кутариб турувчи элементлардан тайёрланади. Бинодаги бетон ва темир-бетондан қуриладиган конструкциялар такрорланса, бу хилдаги қолипни бир неча марта кўчириб қўндирилаверади. Агарда бир турдаги конструкция такрорланмаса, қолидан бир марта фойдаланилади ва бундай қолипни *стационар қолип* деб аталади.


Бошқа қолиларга қараганда кўчириб қўндириладиган қолидан кўпроқ фойдаланилади. Қолип шчилларини 40—50 мм қалинликдаги тахталардан, сувга чидамли фанердан, пўлат листлардан тайёрлаш мумкин.

Тахта қолилардан 8—10 марта, фанердан ясалган қолилардан 50 марта, пўлат листлардан ясалган қолилардан 100 мартадан ортиқ фойдаланиш мумкин. Қолип учун инвентарь шчит ва устунлар ишлатиш унинг хизмат муддатини узайтиришга имкон беради. Лента шаклдаги фундамент учун қолип битта ёки ёнма-ён уланган 2—3 тахтадан (шчидан) қилинади.

Тўғри бурчакли устун фундаментлар учун тўрт ёки саккиз дона тахта шчиллар ўрнатилади.


Бетон деворларнинг қолили ҳам асосан тахта шчиллардан қилинади. Бетонни қўйиб шиббалаш (зичлаш) вақтида қолип бузилиб кетмаслиги учун шчилларни кашаклар ва тирговучлар ёрдами билан тортиб қўйилади. Бетон қолипга қўйилган сайин икки шчит орасига қўйилган тиргак (распорка) бирин-кетин олина боради.

Тўғри бурчакли колонналарнинг қолипи тўртта шчидан ясалаб, ҳар 75 см баландликда кашак (хомут) лар билан сиқиб қўйилади. Бошқа конструкциялар сингари колоннанинг юзи ҳам текис, ҳам силлиқ бўлиши учун тайёрланадиган тахталарнинг бир томони (қолипнинг ички юзи) ни рандалаб текислаш керак.



90-расм. Күчиріб күндирилә-
диган колли:

a — ахордан құралған иобекөрлар
учуы; *b* — дөврілар учуы; *c* — кесімни
түрі тұрт бұраңыл колонналар учун;
d — хавайлардо қоюялған Ең малар
учуы; *e* — фасерлана қалған насытарь
щити;



Шчитлар тайёрлашда тахталар бир-бирига ёпишиб туриши учун уларнинг ҳар бир метрига қалинлиги 4—5 см, эни 8—10 см бўлган рейкалар қоқиб чиқилади. Кашаклар ва шчитлардан кўп марта фойдаланиш мақсадида улар мих билан эмас, балки поналар ёрдами билан маҳкамланади.

Тўсин ва хариларнинг қолипи иккита ён ва битта таг шчитлардан ясаб ўрнатилади.


Осма қолип кўпроқ саноат ва гидротехника иншоотлари қурилишида ишлатилади. Бунда аввал темир-бетон конструкциясининг пўлат арматураси ўрнатилади, сўнгра унга қолипнинг шчитлари осилади. Қолипни кўтариб турувчи маҳсус устунлар бўлмаганини учун конструкциянинг арматураси қолипдаги бетон қоришмаси эгиб юбормайдиган бақувват бўлиши лозим. Бунинг учун арматура сифатида эгилувчи симлар ўрнига прокат пўлатлар ишлатиш керак.

Сурилма қолип баланд темир-бетон трубалар, цемент ва ғалла сақланадиган злеваторлар каби конструкцияларни қуришда ишлатилади (91-расм). Қолипнинг умумий баландлиги (домкрат рамалари билан биргаликда) 2 метрга яқин. Қолипнинг ҳар бир ҳолатида унинг ичига 1 м баландликкача бетон жойлаш мумкин. Бетонни ички ҳавозада туриб жойланади. Бетон бир оз қотгандан кейин домкрат рамаси ичига ўрнатилган маҳсус механизм ёрдами билан қолип оптималь тезликда юқорига кўтарилиди. Одатда қолипни кўтариш учун 6—7 домкрат рамасига бир ишчи қўйилади ва команда бўйича домкрат механизмнинг чорак даврга, яъни 90° га айлантирилади, бунда қолип 3 мм баландликка кўтарилади. Иккинчи команда бўйича яна чорак даврга айлантирилади. Шундай қилиб, домкрат механизмини 360° га айлантирилганда қолип 1,2 см баландликка сирпаниди. Қолипни бетонга тўлдирилгандан кейин уни навбатдаги юқориги ярусга ўрнатишга тахминан 3 соат вақт кетади. Бутун қолип домкрат рамасига, домкрат рамаси эса диаметри 25 мм бўлган вертикал ҳолдаги темирга ўрнатилади. Бу темир-бетон ичидаги қолиб кетади. Қолипни юқорига кўтариш билан бир вақтда ташки ҳавозада туриб конструкциянинг баъзи бир кемтиқ ва иуқсонли жойлари тузатилиб борилади.

Сўнгги вақтларда кўл домкратининг ўрнига гидравлик домкратлар қўлланила бошланди. Қолипни кўтариш тезлиги бетон маркасига боғлиқ бўлиб, бир суткада 2—3 м га ётади.

Кўчма қолип саноат цехлари ёпмаларида, кесим ўлчамлари бир хил, бўйи чўзиқ бўлган темир-бетон ишлатиладиган иншоотлар (туннель) қурилишида қўлланиларди. Бу қолип тахта шчитлар ва уларни кўтариб турувчи ҳавозалардан иборат бўлиб фидиракларга ўрнатилади.

Қолипларнинг оғир элементларини механизмлар ёрдами билан ўрнатилади.




91-rafm. Сурилма қолли:

а — қолиданың умумий күрініші; б — қолидниң жоғорнға хутеруучи механизм; в — қолиданың күнделекшігің күрініші; г — вертикаль пұлаттың үләниші; 1 — қолид таҳталары; 2 — қолид таҳталарының жиылдаштыруучи кружала таҳасы; 3 — дөмкіт рамасы; 4 — ички ҳавоза; 5 — вертикаль пұлат; 6 — ташқы ҳавоза.

Юқорида күрсатилған ҳамма турдаги қолипларни маҳсус устахона ёки заводларда тайёрланади. Аммо уларнинг баъзи бир оддий элементларини қурилиш майдонининг ўзида ҳам тайёрлаш мумкин.

Арматура тайёрлаш ва уни ўрнатиш. Эгилишга ишлайдиган конструкциянинг чўзилиш зонасига сим арматура қўйилади. Бетон қўйиладиган жойга қолип ўрнатилгандан сўнг унга арматура симлари жойланади. Арматуралар турли маркали пўлатдан тайёрланади, улар қўйидаги турларга бўлинади (92-расм): кесими доиравий силлиқ профиль, даврий профиль ва чақаланган профиль.



92-расм. Пўлат арматуранинг турлари:

- 1 — кесими доиравий силлиқ профиль;
- 2 — Ст. 5 маркали пўлатдан исалгак даврий профиль;
- 3 — 25Г2С маркали пўлатдан қилигак бўртмали профиль;
- 4 — чақаланган профиль.

лиқ арматурани маҳсус станокда чақалаш натижасида унинг чўзилишга бўлган маҳкамлик чегарасини $3600 \text{ кг}/\text{см}^2$ га етказилади. Арматураси олдиндан кучлантириладиган темир-бетон конструкциялар учун йўғонлиги $2,5-10 \text{ мм}$ ва чўзилишга бўлган маҳкамлик чегараси $10000 \text{ кг}/\text{см}^2$ бўлган маҳсус пўлат симлар ишлатилади.


Арматуралар оғирлиги жиҳатидан енгил ва оғир арматураларга бўлинади. Енгил арматураларнинг диаметри 12 мм гача, умумий узунлиги 200 м гача бўлиб, заводдан ўрам ҳолда келтирилади. Оғир арматуранинг диаметри $14-40 \text{ мм}$ бўлиб, заводдан $10-12 \text{ м}$ узунликдаги чивиқ шаклида келтирилади. Диаметри 40 мм дан ортиқ бўлган арматура гидротехника иншоотлари қурилишида ишлатилади.

Бетонни қолипга қўйиб шиббалаганда арматура симлари қўзғалиб кетмаслиги учун улар бир-бирларига бириттирилиб кар-

қас ёки сетка шаклида қўйилади. Асосий ишчи арматура монтаж симлари ва хомут (ҳалқа) лар билан биритирилган бўлса, уни арматура *каркаси* деб аталади (93-расм). Одатда монтаж симлари 12 мм, хомутлар эса 6 мм йўғонликдаги пўлат симлардан қилинади.

Арматура каркаси ва сеткаларини тайёрлаш учун қўйидаги ишлар бажарилади:

1. Симларни тўғрилаш;
2. Керакли узунликда кесиш;
3. Эгиш;




93-расм. Арматура каркаси:

a — каркас элементлари; *b* — колонна каркаси;
c — түсис каркаси; *1* — тўғри арматура; *2* — ёғри арматура; *3* — монтаж симлари; *4* — ҳалқа (хомут)лар; *5* — каркаснинг узамиши (богланиши)

4. Симларни боғлаш ёки сварка қилиш йўли билан каркас ва сеткаларни ясаш.

Енгил арматура—Н. Е. Носенконинг автоматик станогида тўғриланади. Автоматик станокда (94-расм) енгил арматура ҳам тўғриланади, ҳам керакли узунликда қирқилади. Бунинг учун расмда кўрсатилганидек ўрам симнинг уни тўғриловчи барабан, ичига киргизилади. Барабанд тўғриланган арматура тортиб берувчи ғалтаклар орасидан ўтказилади. Керакли узунликда тўғриланниб чиқсан арматура таянчга бориб тидалгандан кейин кесиш механизми ҳаракатга келтирилади ва арматура кесилади. Арматурани қандай узунилкда кесиш керак бўлса, таянчин кесиш механизмидан шунча узоқликда ўрнатилади. Кесилган арматура қабул новига тушаверади. Арматура ишларининг ҳажми кўп бўлмаганда кесиш учун қўл станогидан фойдаланиш мумкин. Оғир арматурани темир плита устига қўйиб тўғриланади, сўнгра тегишли узунилкда қилиб механик станокларда кесилади. Арматура симларини кесиб бўлгандан кейин чизмага қараб керакли шаклда әгилади.

Диаметри 25 мм гача бўлган арматурани дастаки станокда (95-расм, а) эгилади. Эгиладиган арматура таянч ролиги, эгувчи ролик ва болтли таянчлар орасига қўйиб эгилади. Эгишни осонлаштириш учун дастакка труба кийгизиб бурилади. Диаметри 12 мм гача бўлган арматура симларини эгиш учун Н. С. Замковнинг дастаки станоги ишлатилади. Бу станокда йўғонлиги 6—8 мм бўлган симларни бирдан 5—6 тасини эгиш мумкин.



94-расм. Енгил арматурани Н. Е. Носенко становигида тўргилаш ва кесиш:

а — становинг умумий кўришиши; б — становинг схемаси; 1 — тўргиловчи барабан; 2 — арматура симини суруб берувчи галтаклар; 3 — кесувчи механизм; 4 — кесувчи механизм тиши; 5 — тортиқи; 6 — тиртаки; 7 — кирқилаган симларни қабул қиливчи нюс.

стаконни ҳаракатга келтириб уни эгади. Шу вақтда I разрядли арматурачи арматуранинг иккинчи учидан ушлаб ёрдамлашади. Арматурани эгиш схемалари 25-расм, в да кўрсатилган.

Илгари арматура симлари бир-биринга 2 мм йўғонликдаги юмшоқ сим билан боғланар эди. Кейинги вақтларда юмшоқ сим билан боғлаш ўрнига контакт усулида пайвандлаш қўлланмоқда.




Арматура тўрлари ва каркасини пайванд йўли билан тайёрлаш меҳнат унумини 1,5—2 марта оширишга имкон беради.

Контакт усулида пайвандлаш арматура симлари кесишган


Диаметри 25 мм дан ортик бўлган арматурани электр энергияси билан ишлайдиган станокда (95-расм, б) эгилади. Станокнинг икки эгувчи диски бор. Кичик дискда йўғонлиги 40 мм гача, катта дискда йўғонлиги 90 мм гача бўлган арматура эгилади. Икки диск бир вақтда ишламайди. Арматура тегишли бурчакка эгилганда диск автоматик равишда тўхтайди.

Станокда уч киши ишлайди: битта III разрядли арматурачи, битта I разрядли арматурачи ва битта ёрдамчи ишчи. Ёрдамчи ишчи эгилган арматурани становдан олиб тахлаб туради. I разрядли арматурачи эгиладиган арматурани роликлар устига қўйиб тайёрлаб беради. III разрядли арматурачи арматурани диск бармоқлари орасига қўяди ва

нүктанни сиқиб турувчи иккии электролда (96-расм, а) электр оқими хосил бұлиши натижасыда (мис үтказгичга нисбатан пұлат арматурада қаршилик бир неча марта ортиқ бұлғанлығы сабабли) арматура симлари қызметпен пластик ҳолатта айланышыга ва электроларнинг босими билан бир-бірига пайвандландырылады. Диаметри 20 мм гача булған арматура симларининг кесишган нүкталарини пайванд қилиш учун электрол-




планы



95.расм. Арматуралық ағаш станоктары:

- а—дастарлық станок;
- б—электр энергиясы билан ишлатыладын станок;
- в—арматура симларин ағаш схемасы;
- 1—плинта;
- 2—болттың таяны;
- 3—буриш дастанындық үдіс;
- 4—буриш дастанындық үдіс;
- 5—таянын ролигі;
- 6—ағаштың ролигі;
- 7—сталина;
- 8—тальтан;
- 9—марказий ролик;
- 10—бошқарылыш кнопкасы;
- 11—ағаштың көттә диски;
- 12—ағаштың көттә диски;
- 13—дискин автоматты тұхтатадырылған асбоб.



96-рас. Арматураны контакт усулла пайдалаш:


- а - умуртнан контакт; б - плавкая вставка; 1 - трансформаторын ишкемдемчи чулғамы; 2 - мис үтказғачтар; 3 - контакт;

лари пружинали педаль орқали ҳаракатга келтирилувчи АТП-25, АТП-50, АТП-75 типидаги машиналар, электродвигатель билан ишлайдиган моторли МТМ-50, МТМ-75 типидаги машиналар ва МТП-75 типидаги пневматик пайванд машиналари ишлатилади. Бу машиналар бир вақтда арматура симлари кесишган бир нуқтанигина пайванд қила олади. Шунинг учун уларни *бир нуқтали пайванд машиналари* деб аталади. Үраладиган сим түрларни пайванд қилиш учун *кўп нуқтали пайванд машиналари* ишлатилади. 96-расм, б да эни 80 см гача бўлган арматура маҳсулотларини пайванд қилиш кўрсатилган. Расмда кўрсатилгандек нуқтали пайванд машинаси олдига узун стол ўрнатилади. Столнинг узунлиги арматура маҳсулотларининг узунлигига қарашада икки марта ортиқ бўлиб, усти тунука билан қопланади. Маҳсулотларни стол устида қўзғалтириши осонлаштириш учун унга ғалтаклар ўрнатилади. Столнинг бир томонида пайванд машинаси, иккинчи томонида пайванд қилувчи ишчи туради ва арматура симларини бир-бирига 96-расм, б да кўрсатилгандек пайванд қиласди. Иш унумли бўлиши учун пайванд қилувчининг ўнг томонига (столнинг четидаги яшикка) калта симлар, чап томонига эса узун арматура симларини тайёрлаб қўйиш керак.

Диаметри 20 мм дан ортиқ бўлган арматура симларини бир-бирига пайванд қилиш учун кейинги вақтларда ванна усули кўлланилмоқда.

Бу усул ёли электр пайванднинг бир тури бўлиб, ундан йўғон арматура симларини бўйига ва кўндалангига пайванд қилишда фойдаланилади. Арматура симларининг бир-бирига ванна усули билан пайванд қилинганда уланадиган жойда эритилган металлнинг ваннаси вужудга келтирилади (97-расм). Электроднинг эриш вақтида ҳосил бўладиган иссиқлик арматура симларининг бир-бирига уланадиган қисмини эритиб суюқ ҳолга келтиради. Эриган металл оқиб кетмаслиги учун скоба ёки кесик конус шаклидаги валик ўрнатилади. Диаметри 30—40 мм гача бўлган арматура симлари йўғонлиги 5 мм бўлган электрод ёрдами билан, 40 см дан ортиқ бўлган арматуралар эса йўғонлиги 5, 6 ва 8 мм бўлган электродлар ёрдами билан пайванд қилинади.

Арматурани ўрнатиш. Темир-бетон конструкцияларини ҳосил қилиш учун арматура симларидан тайёрланган тўр



97-расм. Арматура симларини ванна усулида пайвандлаш:

1 — симларни горизонтал вазиятда буйламасига улаш; 2 — симларни вертикаль вазиятда буйламасига улаш; 3 — симларни кўндалангига улаш.

ёки каркас конструкция учун ўрнатилган қолиплар ичига жойланади. Яхлит темир-бетон конструкциялари учун арматурани түр, каркас ёки алоҳидан симлар шаклида ўрнатилади. Баъзан арматура билан қолипни қўшиб ўрнатиш ҳам мумкин.

Арматуралар қурилиш ишларини ташкил қилиш лойиҳаси асосида ўрнатилади. Арматурани ўрнатишдан илгари қолипнинг ўлчамлари текширилади. Қолипнинг ички ўлчамлари проектдаги ўлчамларидан 5 $мм$ дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак. Конструкцияни эксплуатация қилиш вақтида арматура занг ҳосил қилувчи таъсиrlардан ҳимоя қилиниши лозим. Бунинг учун арматурани қолип ичига тегмайдиган қилиб ўрнатиш керак. Одатда арматура конструкция сиртидан 2 $см$ ичкарида туриши лозим. Шу 2 $см$ қалинликдаги бетон қатламини ҳимоя қатлами деб аталади. Ҳимоя қатламини ҳосил қилиш учун қолип билан арматура орасига бетон пробкалар қўйилади.

Курилиш нормаларига биноан, арматура тўрлари ва каркасларини тайёрлаб ўрнатишда уларни бўйига 20 $мм$, энiga 10 $мм$ гача фарқ қилишига йўл қўйилади.




Бетон тайёрлаш ва уни қолипга жойлаш. Бетонни маҳсус заводларда, айrim ҳолларда эса қурилиш майдонида тайёрлаш мумкин. Заводларда тайёрлаш учун сифими 1200 ва 2400 литрли, қурилиш майдонида тайёрлаш учун сифими 100, 250 ва 425 литрли бетон қоргичлар ишлатилади.

Курилишнинг катта-кичиклигига, бетон ишларининг ҳажмига қараб, бу қурилиш учун нечта ва қайси турдаги бетон қоргич ўрнатиш кераклиги олдиндан ҳисобланиб, қурилиш ишлари лойиҳасида кўрсатилади. СССРда сифими 250 литргача бўлган бетон қоргичларнинг барабани ағдариувчи, яъни икки ўқ атрофида айланадиган қилиб (98-расм, а), сифими 250 литрдан ортиқ бўлган бетон қоргичларнинг барабани ағдарилмайдиган, яъни фақат бир ўқ атрофида айланадиган қилиб тайёрланилади (98-расм, б).

Бетон қоргичдан ва транспортдан ағдариш осон бўлиши, қолип ҳамда унинг ичидағи арматура ораликларини яхши тўлдириш учун қорилган бетон мъълум даражада қўзғалувчан ва қолипга жойланиш учун қулай бўлиши керак (59-жадвал).

Иссиқ иқлимли районларда бетон қориши масининг қўзғалувчалигини ва қолипга жойланиш қулайлигини ошириш учун унга пластификаторлар қўшиб тайёрлаш тавсия қилинади. Пластификаторлар сифатида сульфит—спиртли барданинг концентратлари (ССБ), етмак каби материаллардан фойдаланиш мумкин.

Бетонни тайёрлаш процессини асосан уч қисмга бўлиш мумкин: биринчи—материалларни ўлчаш ва бетон қоргич барабанини тўлдириш, иккинчи уни қориш, учинчи тайёр бўлган бетонни олиб бориб қолипга жойлаш.



98-расм. Бетон қоргичлар

a — сисеми 260³литрлық ағдарнадык барабанлы күзгалуучы бетон қорғич; *b* — сисеми 120³литрлық ағдарнамайдык барабанлы стационар бетон қорғич; *6* — журналды майдонда ишлатыладык бетон қорищ установкасинин схемасы; *1* — бүйк көр; *2* за *3* — транспорт; *4* — бетон қорғич; *5* — көвш.

**Конструкцияннинг характерига қараб бетон қориши масиннинг қўзғалувчан
(пластик) лиги ва қолилга жойланиш қўйлайлиги**

Тар- тиб но- мери	Конструкцияларннинг характери	Бетон қориши масиннинг жойлаш усули	
		титратиш билан	вакуумлаш билан
		қўзғалув- чанлик см	жойланиш қўйлайлиги сек.
1	Пойдевор, поллар, йўллар остига қўйи- ладиган тайёргарлик бетон қатлами . . .	1—2	30—20
2	Арматураси сийрак ёки арматураси бўл- маган массив конструкциялар	2—4	20—12
3	Кесим ўлчами ўртача ва катта бўлган колонна, тўсин ва плиталар	4—6	12—10
4	Кесим ўлчами кичик бўлган темир-бетон конструкциялар (тўсиқ деворлар, бункер- лар, колонналар ва шунга ўхшашлар) . .	6—8	10—5
5	Сераматурали конструкциялар (равоқ- лар, таянч қисмлари ва шунга ўхшашлар)	8—12	5

Бетонни тайёрлаш вақти унинг қўзғалувчанлиги ва бетон қориҷи барабаниннинг ҳажмига боғлиқдир. Қориши манинг сифати яхши бўлиши учун уни қориши даври 60-жадвалда кўрсатилган вақтдан кам бўлмаслиги керак.

Бетонни қориши даври

Бетон қориши масиннинг пластиклиги	Бетон қориҷи барабаниннинг ҳажми литр ҳисобида			
	250 ва 375	425 ва 500	1200	2400
Конусдаги бетон 5 см гача чўкканда . . .	60 сек.	90 сек.	120 сек.	150 сек.
Конусдаги бетон 5 см дан кўпроқ чўкканда .	45 сек.	60 сек.	90 сек.	120 сек.

Қурилишни бетон билан узлуксиз таъминлаб туриш, бетон қориҷининг ишини яхши уюштирилишига боғлиқ. Бу ишда новатор ўртоқ Марусиннинг усулидан фойдаланиш яхши натижә беради. Бу усула асосан бетон қориши учун ишлатиладиган материаллар бетон қориҷ олдига келтириб тўкилади. Бетон заводларида цемент маҳсус омборларда — силосларда сақланади. Қурилиш майдонида цементннинг сифати бузилмаслиги учун уни тахта полли бостирма ичида сақлаш керак.

Бетон қоргичга материалларни солиб берувчи чүмич (загрузочный ковш) ни материал билан тұлдириш осон бўлиши учун у ер сиртидан пастда туриши керак (98-расм, в). Бетон тайёрлашда бошқа материалларга нисбатан шағал күпроқ сарф бўлади. Шунинг учун шағални мумкин қадар чүмичга яқинроқ тўкиш керак.

Чўмичдаги материалларни барабанга ағдариш вақтида цемент чангиги нобуд бўлмаслиги учун чўмичга аввал шағал ва қум, сўнгра цемент, устидан эса яна шағал ва қум солиш керак. Бетон қоргичга солинадиган материаллар миқдори қурилиш материаллари лабораторияси томонидан тузилган рецепт асосида аниқланади. Боғловчи материаллар оғирлик ўлчовида, сув билан тўлдиргич материаллар эса ҳажм ўлчовида ҳисобланади. Рецептда кўрсатилган сув миқдори бетон қоргичга ўрнатилган маҳсус бочкачада ўлчаб солинади. Ҳар сменадан кейин бетон қоргични сув билан ювиб қўйиш зарур.

Объектлари тарқалган ҳолдаги йирик қурилишларда бетон маҳсус заводларда тайёрланади. Чунки бунда ҳар бир қурилиш майдонида бетон қоришимасини тайёрлайдиган қурилмалар қуриш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмайди. Бетонни заводда тайёрлаш ишлари автоматлаштирилган бўлиб, бетон қоргичлардан максимал даражада фойдаланишга, бетон қоришимасининг сифатини оширишга ва нобудгарчиликка йўл қўймасликка имкон беради.

Бетонни ташиб вақтида унинг таркибидаги материалларнинг бўлиниб қатламланишига йўл қўймаслик керак. Бундан ташқари, бетон қоришимасини ташиб вақтида у ўз қўзғалувчалигини 30% дан ортиқ йўқотмаслиги керак. Шунинг учун ҳавонинг иссиқлиги $+20^{\circ}$ гача бўлганда бетон тайёрлангандан кейин 1,5 соат ичидаги, $+20^{\circ}$ дан ортиқ бўлганда 1 соат ичидаги қолипга жойлаш лозим.

Республикамизда ёз мавсуми иссиқ бўлади. Шу сабабли бетонни ташиганда унинг таркибидаги сувнинг бир қисми буғланиб кетади, натижада қоришиманинг пластиклик сифати пасайди ва қолипга яхши жойлашмайди. Шунинг учун иссиқ кунларда бетонни ташиб вақтида ундаги сувнинг қисман буғланишини ҳисобга олиб, бетон қоришида сувни рецептда кўрсатилган миқдордан ортиқроқ сарф қилишга йўл қўйилади.

Бундан ташқари, қолипга жойлаш вақтида тегишли пластикликин таъминлаш учун ёзда бетон қоришимасининг устини ёпиб ташиб керак.

Бетон қоришимасини горизонтал ва вертикаль транспорт ёрдами билан ташиб қолипга жойланади. Масофанинг узоқ ва яқинлигига қараб бетон қоришимасини горизонтал ҳамда вертикаль транспорт ёрами билан ташиб қолипга жойланади. Бетон ишларининг ҳажмига ва масофанинг узоқ-яқинлигига қараб, бетон қоришимасини 300 метргача лентали транспортёрда, 4–5 км

гача самосвал автомашиналарда ва ундан ортиқ масофаларга автобетонқоргичларда келтириш мүмкін.

Автобетонқоргич шундай транспортки, у узоқ масофадаги бетон заводидан қуруқ бетон қоришмани олиб қурилиш майдонига яқинлашганда шоферни бошқариши остида сув қуйиб, бетонни үзи тайёrlайди.



Бетон ишларининг ҳажми катта бўлган қурилишларда бетононасос қўлланилиши мүмкін (99-расм, а). Бетононасос билан бетонни горизонтал бўйича 300 метргача масофага, вертикал бўйича 40 метргача масофага ташиб мүмкін. Ватанимиз саноати чиқазадиган бетононасослар бир соат ичидага 5 m^3 дан 40 m^3 гача бетонни ташиб бера олади.

Бетонни горизонтал бўйича ташиб келиб сўнгра юқорига узатиши осонлаштириш учун ҳажми 0,3 метр кубдан 3 метр кубгача бўлган қовға (бадя) лардан фойдаланилади (99-расм, б). Бетонга тўлдирилган қовғалар қурилиш майдонига автомашина ва платформаларда келтирилиб, юқорига кранлар ёрдами билан узатилади. Бетон қоргич қурилаётган бинонинг яқинига ўрнатилган бўлса, унда тайёrlангандан бетон қоришмасини ташиб қолипга жойлаш қийин эмас. Чунки бунда бетонни бункерга солиб қурилиш майдонида хизмат қилаётган кран ёрдами билан, яъни бир механизм ёрдами билан қолипга етказиб бериш мүмкін. Бунинг учун бетон қоргич кран стрелкаси етадиган жойга ўрнатилиши керак.



Бетонни узоқ масофадан келтирганда уни бир транспортдан иккинчи бир транспортга ағдариши осонлаштириш учун инвентарь эстакададан (99-расм, в) ва Запорожстрой типидаги бункерлардан (99-расм, г) фойдаланиш лозим.

Бетон қоришмасини қолипга жойлаш. Бетонни қолипга жойлашдан илгари контрол асбоблар ёрдами билан қолипнинг белгилари ва геометрик ўлчамлари текширилади. Сўнгра унинг ичи тозаланади, агар қолип таҳтадан қилинган бўлса, бетон қоришмасидаги сувнинг бир қисмини шимиб олмаслиги учун сув сепиб намланади. Ташиб келтирилган бетон қоришмасини қолипга жойлаш усули конструкциянинг формасига, унинг ердан қанча баландда ёки пастда бўлишига боғлиқдир. Бетонни 3 метргача баландликдан эркин тушишига йўл қўйиш мүмкін. Ундан ортиқ баландликдан эркин ташлаб бўлмайди. Чунки бу ҳолда бетон бўлинниб кетади. Бетон таркибидаги материаллар қолип ичидаги қават-қават бўлиб жойлашади. Бу эса бетон сифатининг бузилишига сабаб бўлади. Агар бетонни 3 метрдан ортиқ баландликдан ташлаш зарур бўлса, унинг бўлинишига йўл қўймайдиган тадбирлар курилиши лозим. Масалан, нов ва хартум (хобот) лар қўлланилиши керак (100-расм).

Пойдевор, саноат биноларининг поллари каби баланд бўлмаган конструкциялар қолипига бетон қоришмасини тўғридан-тўғри самосвал машиналардан тушириб жойланаверади. Бетон




б



99-расм. Бетон қориши машины ташында ишлатыладын механизм
ва мосламалар:

а — бетононасос; *б* — ховға; *в* — инвентарь астакада; *г* — „Запорожстрой“ типидеги бункер.

кориши масинни самосвал машиналардан қабул қилиб олиб оз қиялк билан пойдеворни бетонлаш учун виброузаткич ва виброновлар құлланилади (101-расм, б). Агар пойдевор ва массив



конструкциялар ердан 3 м дан ортиқ пастда бұлса, бетонни күчма күпприк ва хартумлар өрдами билан туширилади (101-расм, а).


Сув билан цемент құшилганда иссиқлик чиқа-
зидиган — экзотермик реакция рүй беради. Эк-
зотермик реакция бошланғандан кейин уң күн-
давомида ұар бир килограмм цементдан уннинг
тури ва маркасига қараб 90 жақал гача иссиқлик
ажралиб чиқади. Конструкциянинг ўлчамлари
қанча катта ва массив бұлса, унда ҳосил бұла-
диган экзотермик иссиқликнинг миқдори шүнч-
а күп бұлади. Конструкциянинг ички ва ташқы
қисмлари баробар совумаслиги ва температура-
лари бир хил бўлмаганлиги сабабли, ұар хил
усадка (хажм кичрайиши) ҳосил бұлади. Бир
конструкцияда ұар хил усадканинг ҳосил бўлиши
бетонда дарзлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.
Шунинг учун массив бетон конструкцияларни
блокларга бўлиб бетонланади. Блокларнинг ўл-
чамлари, яъни буйн ва эни 18—25 м, баланд-
лиги 3—4 м дан ошмаслиги керак.

Бетонни қолипга жойланғандан кейин у вибраторлар өрдами билан шиббаланади. Шиббалаш сифатли бўлиши учун бетонни 35—45 см қалин-

100-расм. Секция
нов за хартумлар: шиббаланиб булғандан кейин бетоннинг навбат-
а — нов; б — хартум. Даги қатлами жойланади.



Колонналарнинг кесим ўлчамлари 30×30 см дан ортиқ бўлганда бетонни юқоридан бераб жойланади, ундан кичик бўлса, бетон колонна қолилининг ён томонида қолдирилган туйнук орқали берилади. Одатда колоннанинг остига ($20-30$ см баландликкача) майда тўлдиргичлардан тайёрланган бетон қоришмаси солинади.



101-расм. Пойдевор ва массив конструкцияларни бетонлаш:

1 — күпприк; 2 — рельсили из; 3 — автомашина; 4 — воронка;
5 — виброузатинч; 6 — вибронов; 7 — вибратор И-7;
8 — қолил; 9 — вибронов осиб қўйнладиган устуңчалар.

Тўсин, хари ва плиталар колонналар билан бир вақтда бетонланади. Хариларнинг баландлиги 60 см дан ортиқ бўлса, массив пойдеворлар, девор ва колонна каби конструкциялар сингари бетон қоришмасини қатламлар билан жойланади.

Пол, плита каби қалин бўлмаган ва кеиг юзли конструкцияларга солинган бетонни шиббалаш учун И-7 типидаги юзли вибратор (102-расм, а), И-23 типидаги электровиброрейка (102-расм, б) лар қўлланилади. Юпқа ва серарматурали вертикал конструкцияларга солинган бетонни шиббалаш учун И-21 типидаги ички вибратор, колонна, девор, тўсин ва хари каби конструкцияларга солинган бетонни шиббалаш учун И-18, И-50 ва И-22 типидаги ички вибраторлар (102-расм, в) ишлатилади.


Жойланган бетонни шиббалаш муддати унинг қўзғалувчанилигига ва конструкциянинг турига боғлиқ бўлиб, лабораторияда текшириш йўли билан аниқланади ҳамда 59-жадвалда секундлар билан кўрсатилган муддатдан ошмайди. Юзли ва ички вибраторларни олдинги жойдан навбатдаги жойга кўчириш 102-расм, г да кўрсатилган схема асосида бўлиши керак. Вибра-

102-расм. Бетоннин
зичлаш учун иш-
латиладыган виб-
раторлар ва улар-
ни бир ердан ик-
кинчи ерга күчи-
риш схемалари:

а — юза вибратора И-7;
б — электровиброре-
каз; 1 — ишкі вибратор;

2 — вибраторлардың
сердан иккегин ерга кү-
чириш схемаси; /—И-21,
2-И-18, 3-И-30, 4-И-36,

5 И-22 вибраторлар; 6 —
ишикти вибратортар учин
учуу; 8 — бетоннин шиб-
багын размасы.



тор ўрнашган жойга ҳаво қамалиб қолмаслиги учун ички вибраторларни бетон ичидан секин күтариш керак.

Арматурасиз ёки кам арматурали массив конструкцияларга солинган бетонни шиббалаш учун бир неча вибраторлардан тузилган вибропакетлар ишлатилади.

Бетонни юқорида кўрсатилган муддатдан ортиқча шиббалаш фойда бермайди, балки бетон сифатининг пасайышига сабаб бўлади. Бетонни шиббалаш муддати тамом бўлганлигини унинг ташқи белгиларидан ҳам билиш мумкин. Бетон етарли дарожада шиббаланиб бўлгандан кейин унинг ичидан шуфакчалар чиқиши тўхтайди ва бетоннинг юзида цементли юпқа сув қатлами ҳосил бўлади.

Одатда бетон қоришга сарф бўладиган сувнинг миқдори бетоннинг қўзғалувчанинига ва қолипга қулай жойланishiга қараб белгиланади. Аммо шу қўшиладиган сувнинг 15—20% игина бетон қотаётган давридаги химиявий реакцияда иштирок этади, қолган 80—85% сувнинг бир қисми бетоннинг ичидан қолади, бир қисми эса буғланиб кетади. Бунда буғланиб кетган сувнинг ўрнини майда каваклар эгаллайди, натижада бетоннинг пишиклиги пасаяди.

Қолипга энди жойланган бетондаги ортиқча сувни йўқотиш учун вакуумлашдан фойдаланилади. Вакуумлаш шундан иборатки, бетонни вибраторлар билан шиббалаб туриб унинг орасидаги сувни вакуумустановка (103-расм) ёрдами билан сўриб чиқазилади. Бунинг натижасида сув ва цемент нисбати камаяди ҳамда бетоннинг пишиклиги бирмунча ортади. Вакуумустановка—вакуумшчит (конструкция катта бўлмаганда) ёки вакуумтруба (конструкция катта бўлганда), вакуумнасос, ресивер, сув тўпловчи бак, трубалар системаси, коллектор ва трубаларни ўйтлар билан уловчи шлангалардан иборатdir.

Вакуумшчит ва вакуумтруба ёрдами билан ҳавоси сийракланган бўшлиқлар ҳосил қилинади. Бетондан сувни сўраётганда ундан цемент заррачалари қўшилиб чиқиб кетмаслиги учун бетоннинг устини чит ёки бошқа бирор материал билан ёпиб қўйилади. Вакуумшчит сувга чидамли бўлган 12—15 мм қалинликдаги фанердан тайёрланади. Щитнинг ўлчами $1,2 \times 0,9 \text{ м}$ бўлиб, унинг периметри бўйлаб ости томонига эни 25—30 мм , қалинлиги 3—4 мм ли фанердан қилинган рейка қоқилади.


Ресивер ҳажми 150—200 литрдан ортиқ герметик ёпиқ резервуардан иборат бўлиб, 1 атм гача бўлган ташқи босимга чидай олади. Ресивер вакуумустановка ичидаги ҳаво оқимини текислаб туради.

Бетонни қолипга жойлагандан кейин уни 15 минут ичидан вакуумлаш керак. Вакуумнасос ҳаракати натижасида вакуумшчит билан бетон орасида ҳавонинг сийракланиши (вакуум) симоб устуни бўйича 500—650 мм дан ошмайди. Вакуумлаш

103-расм. Вакуум установка ва унинг элементлари:

а — умумий схемаси; б — вакуумчилик; в — вакуумтуба; г — магистраль баки; д — туташтирилган шланг; е — сувга чидалки фланк; ж — ресивер; з — сув тупловчи бақи; и — коллектор; к — түбап; л — шинни сим түр; м — техникалар 6×6 мм ли сим түр; н — фильтровчи материал (чирт, бирз); о — шинни күптарадын арбон; п — конус шашлалы галон туба; о — даста; т — пулат қанюн; ў — түшкі проква;

Шартонине остики.



муддати ҳавонинг сийракланиш даражасига, бетоннинг зичлигига ва қўзғалувчанлигига боғлиқdir.

Ҳавонинг сийракланиши симоб устуни бўйича 550 *мм*, бетоннинг маркаси 150—200, қўзғалувчанлиги 4—6 *см*, температураси +18° дан +25° гача бўлганда 10, 20, 30 *см* қалинликдаги қаталамлар учун вакуумлаш муддати мос равишда 9, 26, 54 минут бўлади. С-307 ва С-253 маркали вакуумустановкалар билан бир йўла мос равишда 32 ва 40 вакуумшит қўйиб 10 ва 15 *м³* бетон юзини вакуумлаш мумкин.

Бетонни вакуумлаш натижасида қўйидаги фойдали эфектлар ҳосил қилинади.

1. Ён қолилларни муддатидан илгари кўчиришга имкон яратилади.


2. Бетоннинг сиқилишига бўлган мустаҳкамлиги бир-икки кун ичида 40—60% га етади, 30 кун ичида маркасига нисбатан 20—30% ортиқ бўлади. Ортиқча мустаҳкамлик талаб этилмаса цементни 12—18% гача тежаш мумкин бўлади.

3. Бетонни қўшимча зичлаш натижасида унинг совуққа чидамлилиги ортади, сув ўтказувчанлиги эса камаяди.

Бетонни конструкцияга узлуксиз жойлаш керак. Агар иш ҳажми катта бўлиб, бетонни узлуксиз жойлаш мумкин бўлмаса, олдин жойланган бетон билан кейин жойланган (масалан, бир кун кейин) бетон орасида ҳосил бўладиган ишчи чокларга яхши аҳамият бериш керак. Темир-бетон конструкцияларнинг чўзилиш зонасида ишчи чокларнинг бўлиши яхши эмас. Шунинг учун конструкцияларнинг турига қараб ишчи чокларни қўйишда техник шароитлар тавсия қиладиган қоидаларга риоя қилиш лозим. Бу қоидаларга асосан колонналарнинг бутун баландлиги бетон билан бирданiga тўлдирилади. Бунда ишчи чоклар колоннанинг остида ёки юқорисида (тўсин ва хари минадиган жойдан бир неча сантиметр пастроқда) қўйилади (104-расм, а). Агар колонна устида тўсин ва хари бўлмаса, ишчи чокни капителни остига қўйилади ва капитель бетони билан узлуксиз қўйилади (104-расм, б).

Хари, тўсин ва плиталарнинг бетони бир йўла жойланади. Одатда хариларда ишчи чоклар қўймаслик учун бетонни тўсинлар бўйлаб жойланади. Ишчи чоклари тўсиннинг $\frac{1}{3}$ ёки $\frac{2}{3}$ қисмида қўйилади (104-расм, в). Аммо хари бўйлаб ҳам бетонлаш мумкин. Бунда ишчи чоклар харининг $\frac{1}{4}$ қисмига қўйилади (104-расм, г).

Плита, тўсин ва хариларда қўйиладиган ишчи чоклар вертикал бўлиши керак. Бунинг учун қолип ичига тахта ёки шчитлар ўрнатиб қўйилади. Маълум вақтдан сўнг бетонлашни давом этиришдан олдин ишчи чокка қўйилган тахта ва шчитлар олинади ва чокнинг юзи ювилиб цемент бўзаси билан суртилади. Эски бетон билан янги жойланадиган бетон орасида



104-расм. Бинога хос чокларнинг ҳўйилиши:

a — б — колонналарда; *в, г* — қобиргали темир-бетон ёнималарда; *I* — колонна; *2* — пойдевор; *3* — капитель; *4* — плиты; *5* — хари; *6* — туси.

бирикиш (сцепление) яхши бўлиши учун, чок юзига сульфит спиртли барда пластификаторининг сувдаги 50% ли эритмаси суртилади. Натижада ишчи чокдаги олдин жойланган бетоннинг 7—10 мм бўлган қатлами бир кун давомида, яъни навбатдаги сменагача қотмайди. Янги бетонни жойлашдан олдин ишчи чок яхшилаб ювиб ташланади. Бу тадбир эски, яъни олдин жойланган бетон билан янги жойланадиган бетоннинг бирикишига бирмунча ёрдам беради. 1 м^2 ишчи чоки юзига 400—500 см^2 пластификатор эритмаси сарф бўлади.

Бетон яхши қотиши учун иссиқлик ва намлик шароити бўлиши керак. Ёзда бетонга яхши қаралмаса, унинг таркибидаги сув буғланади. Химиявий реакция секинлашади, ҳатто тўхтаб ҳам қолиши мумкин. Натижада бетоннинг мустаҳкамлиги проектда кўрсатилганидан бир неча марта ҳам бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун бетон қолипга жойланган куннинг эртасига ёкунга қараб туриш керак. Бетоннинг устини чипта билан ёки 4—5 см қалинликдаги қипиқ ҳамда шунга ўхшаш материаллар билан ёпиб, улар қуриб қолмаслиги учун сув сепиб турилади.

Устини ёпиб бўлмайдиган конструкцияларга ҳар куни, ҳавонинг температурасига қараб, 5—6 мартадан 10—12 мартагача сув сепиб туриш керак.

Бетон қотгандан кейин қолипни кўчириш муддати конструкцияларнинг турига, ҳавонинг ҳароратига ва ишлатилган цементнинг тури ва маркасига боғлиқdir (61-жадвал).

61 - жадвал

Бетонни қолипда сақлаш муддати

Кўчириладиган қолиплар ва бетонга ишлатилган цементнинг тури ва маркаси	Колипни кўчириш олдидан бетоннинг маркасига нисбатан мустаҳкамлиги	Ҳавонинг иссиқлик даражасига қараб бетонни қолипда сақлаш муддати (кун ҳисобида)						
		1°	5°	10°	15°	20°	25°	30°
Оралиги 2,5 метргача бўлган плита ва гумбазлар қолипи	50%	—	—	—	—	—	—	—
а) маркаси 300—400 бўлган портландцемент . . .		20	12	8	7	6	5	4
б) 500 маркали портландцемент		15	9	6	5,5	4,5	4	3
в) маркаси 250—300 бўлган пущолали ва шлакли портландцемент		35	22	14	10	8	7	6
Оралиги 2,5 метрдан ортик бўлган плиталар, қолип, тўсин, хари каби конструкцияларнинг таг щити ва ҳавоза—устунлари	70%	—	—	—	—	—	—	—
а) 300—400 маркали портландцемент		35	24	16	12	10	9	8
б) 500 маркали портландцемент		30	20	12	9	7,5	7	6
в) маркаси 250—300 бўлган пущолали ёки шлакли портландцемент		60	36	22	16	14	11	9

§ 18. ЙИГМА ТЕМИР-БЕТОННИ ТАЙЁРЛАШ

Қурилишни индустрисаллаштиришнинг муҳим шартларидан бири йигма темир-бетон буюмларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва қурилиш майдонини монтаж майдонига айлантиришdir. Қурилишда йигма темир-бетон буюмлардан максимал фойдаланиш металл ва ёғоч материалларни бирмунча тежашга, қурилиш майдонида механизмлардан кенг фойдаланишга ва меҳнат унумини оширишга ҳамда иш суръатини тезлаштиришга имкон беради.

Йигма темир-бетон халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун қурилишдан яхлит темир-бетонни аста-секин сиқиб чиқазмоқда. Йигма темир-бетоннинг янгидан-янги конструкциялари вужудга келмоқда, монтаж қилиш технологияси такомиллаштирилмоқда ва йигма темир-бетон ишларини ташкил қилишда илфор тажрибалар қўлга киритилмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг 1954 йил 19 август қароридан жейин йигма темир-бетон қурилишда муҳим ўринни эгаллади.

Етти йилликнинг охиригача, яъни 1965 йилгача йигма темир-бетон ишлаб чиқариш 1958 йилга нисбатан мамлакатимизда 2,5 марта, Ўзбекистонда эса 4 марта ўсади. Республикашимизда йигма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқаришдаги қолоқликни бартараф қилиш учун 1965 йилда 950 минг куб метр йигма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Бу билан республикамиз бир йил ичida 180 минг куб метр ёғоч материаллар ташиб келтиришдан озод қилинади.

Йигма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар маҳсус завод ҳамда полигонларда тайёрланади.

Йигма темир-бетон ишлаб чиқаришни ривожлантириш З хил йўл билан амалга оширилмоқда; а) илфор техника билан таъминланган йирик заводлар қуриш; б) жорий этилган ва ҳараратдаги заводларни кенгайтириш ва янги техника билан таъминлаш; в) йигма темир-бетон полигонлари қуриш.

Йиғма темир-бетон заводлар билан полигонлар орасидаги фарқ шундан иборатки, полигонни оз капитал маблағ билан тезроқ қурилади ва унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортименти завод ассортиментига қараганда камроқ бўлади.

Полигонлар завод бўлмаган районларга қурилиб айrim қурилишларни йигма темир-бетон билан таъминлашга хизмат қилади ва бир йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг миқдори 10–15 минг м³ дан ошмайди. Шунинг учун полигонлар вақтинча муассаса ҳисобланади.

Йигма темир-бетон ишлаб чиқарадиган заводларнинг кучи катта бўлиб, ҳозирги замон механизмлари билан жиҳозланган ва автоматлаштирилган бўлади ҳамда катта қўрилиш районла-

рини йиғма темир-бетон маҳсулотларининг кеңг ассортименти билан таъминлайди.


Йиғма темир-бетон маҳсулотларни уч хил технологик схема бўйича ишлаб чиқариш мумкин.

Биринчи—стенд схемаси.

Бу схема бўйича темир-бетон конструкция ва деталлар ишлаб чиқаришнинг барча процесси бир ерда бажарилади, яъни арматурани қолипга ўрнатиш, бетон қоришимасини жойлашва қолипланган конструкция ҳамда деталларни қолидан кўчиришгача бўлган иш операциялари бир иш жойида бажарилади. Бу технологик схема асосан полигонларда қўлланилади (105-расм) ва бу схема капитал бинолар қуришни талаб этмайди. Расмда кўрсатилишича полигонда тайёрланган бетон қоришимасини кран ёрдами билан стендлар тепасига келтириб қолипларга жойланади. Қолидаги бетон тез қотиши учун ўзга тез қотувчи цемент ишлатилиши, уни стенд остидан труба орқали буф юбориб иситиш ёки қалпоқ ичидаги буғлаш мумкин.

Стендлар иккى қатор жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бирин ўлчами $4,5 \times 4,5$ метрли бетон супадан иборатdir. Ҳар бир стенднинг атрофига 14 номерли швэллери кўкка қаратиб бетон қатлами устига ётқизилади.

Стенднинг периметри бўйича ётқизилган швэллер ариқалари қолипга қўйилган бетонни буғлаш учун металл қалпоқни герметик равишда ёпишга хизмат қиласди.



105-расм. Йиғик панеллар тайёрланадиган полигоннинг бош плани:

- 1 — стендлар; 2 — бетон тайёрланадиган жой;
- 3 — тайёр маҳсулотлар ташланадиган жой;
- 4 — асбоб-ускунада рӯйнадиган жой;
- 5 — минора крани; 6 — хом ашё омбори;
- буғ трубаси.

Металл қалпоқ 3—4 мм қалинликдаги пұлат таҳтадан ясалади.

Стенднинг ўртасига қолип ўрнатилиб, унга тегишли конструкция ёки деталь қуйлади. Бетон талаб этилган мустаҳкамлиkkача қотганидан кейин тайёрланған маҳсулотни кран ёрдами билан маҳсус жойга олиб бориб таҳланади.

Баъзи полигонларда қолипланған бетоннинг қотишини тезлатиш учун ўз жойда әмас; балки ер юзидан 1,5 метр чуқурликда қурилған маҳсус камераларда буғланади. Бу камералар краннинг иш зонасига қурилади.

Стандарт бўлмаган ва йирик деталларни стенд схемаси бўйича ишлаб чиқариш қулайдир.

Иккинчи — оқим (поток) конвейер схемаси. Йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар ишлаб чиқаришда бажариладиган операциялар тартибиға қараб станок ҳамда асбоб-ускуналар ўрнатилған схема *оқим-конвейер схемаси* деб аталади.

Технологик процессининг боришига асосан ўрнатилған станок ва асбоб-ускуналар ҳамда маълум иш жойларига маълум иш операцияларининг бириктирилиши узлуксиз равищда маҳсулот ишлаб чиқариши таъминлайди.

Оқим-конвейер схемасида бетон жойланған қолип технологик оқим бўйича операциядан-операцияга ҳаракат қиласи; мурakkab операцияларни майданда оддий операцияларга бўлининши маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва унинг сифатини оширишга имкон беради, чунки ҳар бир операцияни юқори малакали ишчи бажаради. Бундан ташқари, оқим-конвейер схемасида асбоб-ускуналарни қайтадан тартибиға солинавермайди, демак, тайёргарлик ва қўшимча ишларга вақт сарф қилинмайди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, бу схема ғутуришлаб чиқариш процессини бир-бири билан мувофиқлаштирилған бўлишни талаб қиласи.

Оқим-конвейер схемаси хиллари чекланған, ўлчамлари унификациялаштирилған, ўзи учун оғир бўлмаган оддий шаклдаги йиғма темир-бетон конструкция ва деталларни кўплаб ишлаб чиқарадиган маҳсус заводларда қўлланилади.

Учинчи — оқим-агрегат схемаси (106-расм). Бу схеманинг моҳияти шундан иборатки, ишлаб чиқарилған ҳар бир конструкция ва деталь технологик чизик бўйлаб тегишли бўлған барча операцияларда тўхталиб утади. Тўхталишга кетадиган вақт иш операциясини бажариш учун сарф бўладиган вақтга тенг бўлади. Масалан, қолипга жойланған бетоннишиббалаш учун бир неча минут, қотишини буғлаш билан тезлатиш учун бир неча соат вақт сарф бўлади.

Оқим-агрегат схемаси йиғма темир-бетон ишлаб чиқарадиган заводларда қўлланилади.

Иккинчи ва учинчи схемалар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, оқим-агрегат схемаси бўйича ишлаб чиқарилади.

янгланган сим агрегатни стенд бўйлаб олдинга-орқага ни жойловчи механизмни тоғ чапга, тоғ ўнгга ҳаракат и билан штирларга тортилади.

регатда диаметри 2,6 *мм* гача бўлса 2 дона, 2,6 *мм* дан бўлса, бир дона сим тортилади.

/ усулда тайёрланадиган буюмларнинг эни 3 метргача, ядлиги 0,5 метргача бўлиши мумкин; бўйи эса стенднинг та тенг бўлади. Симни таранглаш кучи — 1300 *кг*.

ундан ташқари, узунлиги 120—160 метр бўлган стендларда 5 *мм* йўғонликдаги арматура симларини олдиндан таранг- учун СМ-513 маркали гидравлик домкрат, йўғонлиги 30 *мм* бўлган арматура симини (темир-бетон буюмларнинг дилиги 30—45 *м* бўлганда) олдиндан таранглаш учун СМ-537 маркали домкрат ишлатилади. СМ-513 домкратнинг тортиш ку- 60 тонна, СМ-537 домкратнинг тортиш кучи — 50 тоннага бўлиб, симнинг тарангланиш даражаси манометр орқали тилиб турилади.

матура симлари бетонни қолипга жойлашдан олдин куч- илганда сим пакетларини тайёрлаш ва қолип ёки стенд- симларни таранглаш учун мураккаб асбоб-ускуналар иленинди, шунингдек, узлуксиз таранглаш учун айла- и стол ҳам керак бўлади; тарангланган арматурани вақ- а штирлар ва ён (борт) элементларга тортиб қўйилиши шугуна катта куч билан таъсир қиласи ҳамда уни оғирлаш- юборади. Бундан ташқари, бетоннинг судралувчанлиги (зучность) ва ҳажми кичрайиши (усадка) натижасида таранг- гланган арматуранинг кучланиш даражаси бир оз пасайди.

Бетон жойланниб қотгандан кейин арматура сими тортиб рангланса, юқоридаги камчиликлар бўлмайди. Одатда бу усул тоҳида элементлардан тўпланувчи йирма темир-бетон конс- трукциялар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Заводларда ишлаб чиқариладиган йирик конструкциялар (масалан, узунлиги 3—4 метргача бўлган том тўсинлари, фермалар ва ҳоказо) аввал 3 аниб 6 метр узунликда қилиб тайёрлаб олинади. Сунгра уларни чунид устига тўплаб, махсус қолдирилган тешиклардан арма- тош ва утказиб тортилади ва талаб этилган конструкция вужудга таранирилади.

Арэлементларда тешиклар ҳосил қилиш учун қолипга жойла- ниб қетган бетон қориши маси орасига пўлат труба қўйилади. Бетон

Арепга жойлангандан 2—3 соат кейин унинг орасидаги тру- узлукси лебедка ёрдами билан сувуриб олинади.

ёки қўйементлар узун бўлганда бетон ичидаги арматурага канал кучлантириш учун бетонни қолипга жойлаш вақтида унинг ичига узатувчи шаклида ўралган симлар қўйилади. Бетон қориши маси ранглангандан кейин (аммо қотмасдан илгари) спираль симлар бу-

либ, унга тура бир неча ингичка пўлат симдан ёки битта йўғон


либ, унга тура бир неча ингичка пўлат симдан ёки битта йўғон

пұлат симдан қилинади. Симларни ўрнатып бұлғандан кейин каналдаги бұшлиқни тұлдириш учун унга 4—5 атмосфера босимда цемент қоришинасі юборилади. Қоришина 400—500 маркалы цементдан 1:1—1:2 (цемент : құм) нисбатта тайёрланади.

Арматурани тарапглаш

учун түрли хилдаги домкраттар ишлатилади. Якка йүғон арматурани тортиб тарапглаш учун СМ-537 маркалы домкрат (110-расм, а), бир неча ингичка арматурани бирдания тортиб тарапглаш учун иккى ёқлама ишловчи (двоюко действия) СМ-539 маркалы домкрат (110-расм, б) ишлатилади.

16—30 мм йүғонликдаги арматурани СМ-537 домкраты билан тарапглаш учун унинг учини винт шаклида үйиб, гайка кийгизилади. Гайкани ундан арматуранинг учи чиқиб турадиган қилиб кийгизиш керак. Арматуранинг винтли учиға домкраттанинг штогини кийгизиб буралади. Сүнгра домкраттанинг гайковертины конструкцияга тираб құйилади. Домкрат ҳаракатта келтирилганда унинг поршени орқага сурилиб арматурани тортади. Арматура тортилиб тарапланған сари унинг учиндеги гайкани гайковерт билан бураб конструкцияга тақаб құяверилади. Тараплашни даражасини люнометрда кузатып борилади. Арматурани тәғишили даражада тарап-



110-расм. Бетон қолипланғандан кейин ундағы арматурани тарапглаш учун ишлатиладиган домкраттар:

а — йүғон арматуралар учун ишлатиладиган СМ-537 (ДС-50-150) маркалы домкрат; **б** — СМ-539 (ДП-16—100) маркалы иккى ёқлама ишлатилған домкрат; **1** — гайковерт; **2** — шток; **3** — гайковертиның тишил узатма корпусы; **4—5** — шестернелар; **6** — домкрат дастасы; **7** — поршень; **8** — гидравлика цилиндр; **9** — корпус; **10** — пұлат покиғи итарған симтерни мақсамдаовчы шток; **11** — катта поршень; **12** — киничек поршень; **13** — цангали қисқын.

лаб бўлгандан кейин домкрат поршени ёғдан бўшатилиб, шток тескари томонга буралади ва домкрат арматурадан олинади.


СМ-539 маркали домкратнинг тортиш кучи 15 тонна бўлиб, йўғонлиги 5 мм бўлган симдан 5 тасини, йўғонлиги 8 мм бўлган симдан 3 тасини бирданига тортиб таранглай олади.

Домкрат корпусининг марказий қисмida катта поршень ва шток жойлашган бўлиб, бу шток арматура симларини конус шаклидаги пўлат понани билан анкерлади. Корпуснинг периметри бўйлаб унга бешта кичик домкрат ўрнатилган бўлиб, бу домкратлар симларни таранглайди.

Тарангланадиган симларнинг учлари кичик домкратларга биритирилиб, уларнинг поршенлари ҳаракатга келтирилади. Ҳамма симлар баробар тортилиб тегишли даражада таранглангандан кейин (манометр кўрсаткичи бўйича) кичик домкратларнинг поршенларидаги ёғни катта поршенга бериб, шток ҳаракатга келтирилади. Шток конус шаклидаги пўлат понани бетон ҳалқа ичига итариб, улар орасига жойлашган ва тарангланган арматура симларини сиқиб маҳкамлайди (111-расм). Сунгра арматура симларининг бетондан чиқиб қолган ортиқча қисми кесиб ташланади. Сунгра понанинг ўртасидаги тешикча орқали маълум босим остида цемент қоришмаси юборилиб бетон ва арматуралар орасидаги бўшлиқ тўлдирилади.

Материалларни қориш цехига бериш ва бетонни тайёрлаш. Омборлардаги қум, майда тош, керамзит ва бошқа тўлдиригичлар транспортёр ёрдами билан баландга кўтарилиб, буриувчи воронка орқали сарфловчи бункерларга солинади (112-расм).


Цемент катта бетон заводларда герметик ёпиқ ва цилиндр шаклидаги омборда — силосда сақланади. Одатда силос бетон қоргичга яқин жойга ўрнатилади, ундаги цемент ковшили элеватор билан баландга кўтарилиб заводнинг тепасидаги тарнов (текча) ҳамда шнек орқали сарфловчи бункерга тўкилади. Ҳар бир сарфловчи бункернинг остига меёровчи идиш (дозатор) ўрнатилган. Бир марта бетон қориш учун керак бўладиган



111-расм. Арматура симларини тортиб таранглангандан кейин маҳкамлаб қўйиш (анкерлаш):

1 — арматура симлари; 2 — бетон; 3 — гилюф; 4 — бетон ҳалқа; 5 — конус шаклидаги пўлат понани; 6 — тарангланадиган сим; 7 — бетон ҳалқа; 8 — цемент қоришмаси юбориладиган трубка.

материаллар миқдори дозаторларда үлчанади. Одатда тұлдиргичлар ұжым үлчовида, цемент эса оғирлик үлчовида ҳисобланади. Дозаторларда үлчанган материаллар йиғма воронка орқали бетон қоргичга солинади.



112-расм. Иккита 425 литрли бетон қоргич үрнатылған инвентарь бетон заводыннан схемасы:

1 — тұлдиргичлерни юкорига чиқарып беруучи транспортерлер; 2 — көшілін электратор; 3 — Цементтүшкі шаек; 4 — сарғылозын бункерлер; 5 — тұлдиргичлар дозаторлар; 6 — цемент дозаторы; 7 — сув баки; 8 — йиғма воронка; 9 — бетон қоргичлар; 10 — тайёр маҳсулотни тақсимловчи бункер.

Мәжнат унумини ошириш учун бетон қоргич тұхтосыз жаракатда булиши керак. Бұннан үшін бетон қоргич бир порция бетонни қорағандаң вақтда навбатдаги порция учун кетаңдиган материалларни йиғма воронкага тайёрлаб құйиш лозим. Тайёрланған бетон тақсимловчи бункерге еки түғридан-түғри транспорт идишига солинади. Заводдаги бетон қоргичларнинг сони ишлаб чиқарылады да маҳсулотнинг миқдорига қараб биттадан тұртtagача булиши мүмкін. Бетон қоргичларға сув маҳсус бак билан үлчаб қуийлади.

Қишининг совуқ кунларида бетон яхлаб қолмаслиги учун уйнинг қолипга жойлаш вақтидаги температураси плюс 15—25° атрофида бўлиши, аммо плюс 5° дан паст бўлмаслиги керак. Бетон қоргичдан чиққан бетоннинг температураси (уни ташиб вақтида совушини ҳисобга олганда) плюс 15° дан паст ва плюс 30° дан юқори бўлмаслиги шарт.

Бетон қорищмаси қиши вақтида маълум даражада ҳароратга эга бўлиши учун унга ишлатиладиган материалларни (тўлдиргичлар билан сувни) иситилиди. Техник шароитларнинг талабларига асосан бетон қориш учун ишлатиладиган материалларнинг температураси цементнинг маркасига қараб қўйидагича бўлиши мумкин:

300 маркали портландцемент учун — 80°;

400 маркали портландцемент учун — 70°;

500 маркали портландцемент учун — 60°.

Одатда материалларни икки марта: аввал омборлардаги маҳсус бункерларда, сўнгра сарфловчи бўнкерларда иситилиди.

Тўлдиргичлар буғ билан иситилиди. Буғ йўғонлиги 12—15 мм бўлган пўлат трубалар орқали юборилади. Сув эса бакларда иситилиди. Бакларнинг ичига змеевик ўрнатилиб, ундан қайноқ буғ юборилади.

Йиғма темир-бетон буюмларни қолиплаш, бетоннинг қотишини тезлатиш ва қолипдан кўчириш. Бетон ва темир-бетон буюмлар технологиясида қолиплаш муҳим процесс ҳисобланади. Қолиплаш процесси ўз ичига қўйидагиларни олади:

- а) қолини тайёрлаш (тозалаш, мойлаш, тўплаш);
- б) арматура ва қистирма деталларни ўрнатиш ҳамда арматурани тарапнглаш;
- в) бетон қорищмасини қолипга жойлаб шиббалаш;
- г) қолипланган буюмнинг юзини пардоzlаш (текислаш, силлиқлаш ва ҳоказо);
- д) бўшлиқлар ҳосил қилувчи жойланмаларни сугуриб олиш ва қолипнинг ён томонларини бўшатиш;
- е) бетон қотгандан кейин буюмларни қолипдан кўчириш.


Буюмларни қолиплашда қўйидаги асбоб-ускуналар ишлатилиди. Қолиплар. Йиғма темир-бетон буюмлар турлича бўлганлиги сабабли заводларда илгари минглаб қолиплар тайёрланар эди. Қейинги вақтларда йиғма бетон ва темир-бетон буюмларнинг унификациялаштирилган каталоглари чиқазилгандан кейин заводларда қўлланиладиган қолипларнинг сони бирмунча камайди. Қолипларнинг конструкция ва деталлари унификациялаштирилган бўлса ҳам уларнинг турлари 600 дан ортади. Қолиплар конструкциясига кўра қўзғалмайдиган, бир ердан иккинчи ерга қўзғатиладиган, бузиб қайтадан йиғиладиган (сборно-разборные), ён томонлари очиладиган ва очилмайдиган бўлади.

Бир йұла қолипланадиган буюмларнинг сонига қараб қолип-
лар якка қолип, құш қолип, күп кавакли қолипларға бўлинади.


Ийғма темир-бетон ишлаб чиқарадиган заводларда қолип-
лар металдан ясалади. Баъзи бир кам сонли буюмларни
ишлаб чиқариш учун металлни тежаш мақсадида, ёғоч қолип-
лар қўлланилади. Қолипнинг ўлчамлари тайёрланадиган буюм-
ларнинг ўлчамларига тенг бўлиши керак. Қолипнинг конструк-
цияси бетон ва шиббалаш механизмларидан бўладиган қўшимча
кучларга чидамли бўлиши уларнинг ўз шаклини ўзгартирас-
лиги ва узоқ муддат ремонтсиз хизмат қила оладиган бўлиши
керак.

Техник шартларга асосан металл қолипларнинг ичлари сил-
лик бўлиши, әгрилиги 3 мм дан ошмаслиги, қолипнинг таг ва
ён томонлари орасидаги тешиклар 1 мм дан катта бўлмаслиги
керак.

113—120-расмларда турли буюмлар тайёрлашда ишлатила-
диган қолиплар кўрсатилган. Бетонни қолипга маҳсус қурилма
(бетонораздатчик ва бетоноукладчик) лар, вибраторлар ўрна-
тилган тарнов ёки бункерлар орқали берилади. 121-расм, *a* да
бетон улашувчи қурилма кўрсатилган. Бу қурилма фидирак-




113-расм. ПТК 34-12 тилидаги плиталар тайёрланадиган қолип.




114-расм. Зина маршлари тайёрланадиган қолип.

лари билан икки изга үрнатилиб, эни 2 метргача бўлган қолилларга бетон жойлай олади. Бетон улашувчи қурилмага ҳажми 2 кубметрли бункер үрнатилган. Қолилга тушириладиган бетоннинг миқдори бункер остига жойлашган штурвал ва очилиб-ёпилувчи қопқоқ билан тартибга солинади. Бункерда бетон тамом бўлгандаги қурилмани фиддиратиб бориб стационар бункердаги бетондан солиб келинади.


Бетоноукладчик (бетон жойловчи), бетон улашувчи (бетонораздатчик) дан таъминловчи қисм (питатель) га эга бўлиши ва қолипга бетонни бир текисда ва талаб этилган қалинликда жойлаши билан фарқ қиласди. 121-расм, б да бетоноукладчикка үрнатиладиган таъмиковчнинг схемаси кўрсатилган.



115-расм. Тўрт қаватли тўшамалар қолипи.




116-расм. БФ-20 маркалы пойдевор блоклари қолипи.





117-расм. Кобирегали түшамалар қолипи:


1 — раме; 2 — бикрлик қобирегасы; 3 — таглик; 4 — очилиб ёлаалуучы ёз қолип; 5 — бурчакниклар.



118-расм. Қолип-
нинг ён қисмлари-
ни бир-бирига би-
ректирувчи пру-
жинали қисқич.



119-расм. Пойлевар за подвал дөвор блоклари тайёрланадыған қолип:
 1 — вибростол; 2 — остики құзғалмайдыған тәгілек; 3 — устин оліб құйиладығаң тәгілек; 4 — қолип дөврекалары; 5 — бұшылқ ҳосия қылғыч; 6 — қолиданнег өзиниң московиң бұлдаңма құзғалуучы дөвроча; 7 — қолиданнег бүкілшің московиң құндаланғ құзғалуучы дөвроча.



120-расм. Темир-бетон матрица:

а — бүлгәле кесими; б — күндашалык кесими; 1 — қолипланадиган плит; 2 — матрица; 3 — бетон естікші; 4 — иссиклик изоляциясы; 5 — змеевиклар; 6 — бүг бериш; 7 — контрол кубиклар; 8 — матрициалык өнім деворчалары; 9 — өнім деворчалындағы маҳсулот матрицадан мұнчырыл олинғандан кейинги қолаты.

Хозирғи вақтда йиғма темир-бетон буюмларни қолиплашда құлланиладиган усулларни беш турға булиш мүмкін:

1) Бетонни вибраторлар билан шиббалаб қолиплаш. Бунда шиббалаш учун ички ва ташқи вибраторлар құлланилади ёки қолипи билан бирга вибраторлар ёрдамида титратиладиган столга құйиб шиббаланади.


Қолипга жойланған бетоннинг сув - цемент нисбатини камайтириш учун вибраторлар билан шиббалаб вакуумланади. Қандай вакуумлаш кераклиги олдинги параграфларда баён этилган.

Вибраторлар томонидан тез-тез ва бир текисда вужудға келтириладиган тебранишлар — импульс сифатида бетонға үтказилиб, унинг таркибидаги катта-кічиқ заррачаларида тебраниш пайдо қилинади. Натижада заррачалар үртасида ички тортишув күчлари камайиб, қаттық бетон қоришимаси құзғалувчан қолатга келиб қолади. Бу эса бетонда үзининг солишиштірма оғирилиги ҳисобига гидростатик босым ҳосил қилиб, уни ҳар қандай мураккаб шаклдаги қолипга яхши жойланышыға имкон беради.

Бетонни қиялиғи кічиқ бұлған нов орқали пастға туширишда, қолипни янғы жойланған бетондан ажратиши ва шунга үхшаш операцияларда вибраторлар билан титратиш принципи құлланилади. Вибраторлар құлланиш фақат бетонни қолипга жоялашни тезлатувчи ва механизациялаштирувчи воситагина булиб қолмай, бетоннинг шиббаланыб зичланишиға ҳам ёрдам беради. Вибраторлар билан титратиши, айниқса қаттық бетон қоришима-

сими қолипга жойлашда яхши натижә беради.⁵ Бетоннинг қўзгалувчанлигига қараб, вибраторлар билан титратишни бир неча секунддан 5 минутгача давом эттириш мумкин. Агар бетон мейрдан ортиқ титратилса, қоришима бўлинади ва ўз сифатини бузади.

2) Буюмларни титратиб пресслаш ва прокат усулида қолиплаш.⁶ Бетонни титратмасдан, статик равишда



121-расс

a — бункерян ўзи юрар таҳсиллагич; *b* — бетон жойловчи ускунага ўрнатиладиган таъминлагич; 1 — бункер; 2 — вибратор; 3 — остик копқоқ; 4 — электр двигатель; 5 — штурвал; 6 — пружинали амортизатор; 7 — бўйлама табридируучи вибратор; 8 — нөв; 9 — вёринка.

пресс билан босиб, тегишли шаклга келтириш учун оғир ва кучли пресслар талаб қилинади. Шунинг учун қолилга жойланган бетон вибратор билан титратилиб, устидан плита билан босилса, уни тегишли шаклга осонгина келтириш мумкин булади. Бериладиган босим бетоннинг қуюқ-суюқлигига қараб, $50-150 \text{ г/см}^2$ миқдорида бўлиши мумкин.

Агар пресслаш учун вибратор ўрнатилган оддий плита ўрнига профиллаштирилган битта ёки бир нечта матрица ишлатилса, штамповкага ўхшатиб қолипланган буюмлар ҳосил бўлади

(122-расм). Бунда матрица текис қилиб жойланган бетон устидан босади ва штампнинг шиббаловчи иш элементи вазифасини ўтайди; ортиқча бетон матрицалар орасидан чиқазиб ташланади.

Матрицани, қолипланадиган буюмнинг ўлчамига қараб, $20-25 \text{ см}$ чукурликкача ботириш мумкин. Бетоннинг қаттиқ-юмшоқлигига қараб, вибратор ўрнатилган штампнинг солиширма босими $0,3-0,6 \text{ кг/см}^2$ гача етади.

Буюмларни бундай қолиплаш усули бошқа усулларга қараганда камроқ (асосан зинация маршларини қолиплашда) қўлланилади.


Қаттиқ бетон қорищмаси ўз ўқи атрофида айланувчи ва кетма-кет ўрнатилган валиклар (цилиндрлар) орасидан ўтказилиб, буюм шаклига келтирилади. Бетонни цилиндрлар орасидан ўтказишда, у шиббалаб турилади. Бу усул *прокат усули* деб аталади.


Главмосстрой ходимлари билан биргаликда инженер Н. Я. Козлов йирик девор ва тўсиқ девор панелларини қолипладиган прокат стан ишлаб чиқди ва уни қурилиш ишларига жорий этди (123-расм).

Темир-бетон панеллари тайёрлашда инженер Н. Я. Козлов тавсия этган бу янги прокат усули шундан иборатки, махсус станда қаттиқ бетон қорищмаси узлуксиз равишда эзилиб, панел шаклига солиб чиқазилади. Стан ҳаракатга келтирувчи механизмлар ўрнатилган станина, узлуксиз ҳаракат қилиб қолипловчи металл лента, панелнинг қалинлигини тартибга солиб турувчи ва бетонни лента устидага тақсимлаб турувчи автоматик пичоқлардан иборатdir. Станинг узунлиги 54 метрdir.

122-расм. Титратиб штамповка қилишининг принципиал схемаси:

1 — қолипловчи кути; 2 — қолипланаси; 3 — сиғишибаси; 4 — бетон қорищмаси; 5 — вибратор (қолипланадиган маҳсулотиниң шакли пунктир билан кўрсатилган).






Станда колипланган плиталар

123-расм. Калибр заводининг прокат установкиси;

1 — ҳаракатга келтирувчи механизм ва станина; 2 — узлуксиз ҳаракат қылувчи ва қолиловчи лента; 3 — лентада бетонни тақсимлаб түрүвчи автоматик лилоқ.

Лентанинг эни 3,6 м бўлиб, соатига 20 метр тезлик билан ҳаракат қиласи. Прокат усулида қолипланадиган панелнинг қалинлиги 15 ммдан 120 мм гача, қобирғалари ораси 300×300 мм, баландлиги 70 мм бўлади. Бу станда ўлчамлари $3,3 \times 6,4$ метргача бўлган панеллар ишлаб чиқариш мумкин. Бетон қоришмаси йирик тўлдиргичсиз 1:2 ва 1:2,5 нисбатида боғловчи материал ва қумдан тайёрланади. Шунинг учун бир куб метр бетонга 550—650 кг 400 маркали цемент сарф бўлади.



124-расм. Центрифугага ўрнатилган қолипларни парафин билан тўлдириш.

Қолипланган буюм лента устида икки соат давомида буғланади. Натижада бетон лойиҳадаги маркасининг 70% ни йигади.

Бир прокат станица бир йилда 200 минг квадрат метргача панел ишлаб чиқариш мумкин.

3. Буюмларни марказдан қочирма усулида қолиплаш. Ичи бўш, кесими доира шаклида бўлган конструкция ва деталлар (труба, ҳалқа ва бошқалар) проф. В. В. Михайлова тавсия этган усулда ишлаб чиқарилади. Бу усул шундан иборатки, бетон қоришмаси айланувчи қолипга солиниб, марказдан қочирма ҳаракат ҳисобига шиббаланади (124-расм). Бу центрифуга станоги деб аталади. Центрифуга ер остига ўрнатилган электр двигатели ёрдами билан ишлайди. Бетон қоришмасини қолипга солишдан олдин қолипга эритилган парафин қуйилади ва центрифуга ҳаракатга келтирилади. Парафин қотгандан кейин қолип тельфер (электроталь) билан кўтариб олиниб ерга қўйилади. Парафин бетонни қолипга ёпишишимайди.

Парафинланган қолип ичига арматура каркаси жойланади. Сўнгра қолип тельфер билан кўтарилиб, яна центрифуга устига бетон қориши маси солинади. Қолип қаттиқ айлангани учун бетон унинг ичига бир текис жойлашиб шиббаланади ва арматура каркасини қоплаб қолади. Буюм талаб этилган қалинликда қолипланиб бўлгандан кейин станок ҳаракатдан тўхтатилади, қолип тельфер ёрдами билан вагонеткага ортилади. Қолип ва унинг ичидағи буюм 7 м чуқурликдаги буғлаш камерасига тик қилиб ўрнатилади ҳамда камеранинг қопқоги ёпилиб, унга 1,5—2 соат давомида бур берилади. Иссикнинг таъсирида қолип билан буюм орасидаги парафин эриб оқиб кетади. Камера ни очиб, ундан кран-балка билан қолип чиқазиб олинади. Буюмни (трубани) камерада қолдириб, буғлаш давом эттирилади.

Бу усул билан тайёрланган труба босимсиз *труба* деб аталади, чунки у босим ҳосил бўлмайдиган иншоотларда ишлатилади.

Юқори босимли водопровод учун арматураси олдиндан тарангланган темир-бетон трубалар ишлатилади. Бундай трубаларни тайёрлаш учун босимсиз трубани центрифуга станогига қўйиб, унга арматура симлари спираль шаклида таранг қилиб уралади ва унинг устидан торкret усулида бетон берилади.

4. Бетонни қолипга қуйиб шиббаламасдан буюмлар тайёрлаш. Бу усул ячейкали бетон ва гипс қоришмаларидан буюмлар тайёрлашда қўлланилади. Матъумки, ячейкали бетоннинг каваклари қанча кўп бўлса, у шунча енгил, иссиқ ва совукни ўтказмайдиган бўлади. Агар ячейкали бетонни қолиплаш вақтида вибраторлар билан шиббаланса, у ўз структурасини ўзгариради ва ўзига хос хусусиятларини йўқотади. Шунинг учун ячейкали бетоннинг структураси стабиллашгунча уни титраш ҳамда ҳар хил урилишлардан сақлаш, ҳаттоқи, қолипга паст жойдан, жуда секин қўйиш лозим. Ячейкали бетонни қолипга қуйиб бўлгандан кейин унинг юзини андазарейка билан текислаб қўйиш керак.


Гипс буюмлари тайёрланадиган қоришимага гипс оғирлигининг 60—70% и қадар сув қўйилади. Бу миқдордаги сув қоришмани қолипга шиббаламасдан жойлашга имкон беради.

5. Буюмларни бетон полларда ва матрицаларда қолиплаш. Йиғма темир-бетон буюмларини юқорида айтилган стенд технологик схема бўйича тайёрлашда матрицалар ишлатилади. Стационар матрицалар қолиплаш йирик ва мураккаб шаклдаги конструкцияларни ишлаб чиқаришга имкон беради.

Шатёр тўшамалар, оболочкилар, зинапоя маршлари, йирик архитектура деталларини матрицаларда қолиплаш дуруст бўлади. Оддий буюмларни стенд устига қилинган бетон полларда қолиплаш мумкин.

Бетон полларнинг ёни 5–8 м, қалинлиги 150–200 мм бўлиб, 150–200 маркали бетондан қилинади. Поллинг юзи цемент қоришма билан сувалиб, сўнгра қуруқ цемент сепиб пардозланади ёки майдо мармар тош қўшилган қоришма билан суваб, силлиқланади. Буюмларни поллинг устида қолиплаш учун ён қолиплар ўрнатилади. Стенд поллари иситиладиган ва иситилмайдиган бўлиши мумкин. Иситиладиган поллинг остига змеевик трубалар қўйилиб, иссиқ буғ берилади.

Матрица ҳам орасига арматура қўйилган бетондан ясалади. Матрицанинг ёни бетондан ёки очилиб-ёпилувчи метализитдан бўлиши мумкин (125-расм). 126-расмда матрицада қолипланган



125-расм. Серқобирғали темир-бетон панеллар қолипланадиган матрицанинг умумий кўриниши.

панел кўрсатилган. Буюмларнинг юзи силлиқ ва пардоз талаб қилмайдиган бўлиши учун матрицанинг усти 1:2 нисбатидаги цемент қоришмаси билан суваб сўнгра темирлаб (железнение) қўйилади.

Матрица буғ билан иситилади. Бунинг учун матрицани тайёрлаш вақтида унинг орасига ҳар 15–20 см оралиқда йўғонлиги 19–25 мм бўлган трубалар қўйилади. Баъзан матрицани иситиш учун унинг орасига электроспираллар ўрнатилади. Бу иккى усул ҳам бўлмагандан матрицани ташки электродлар билан иситиш мумкин.

Ҳар бир матрица билан, шу матрицанинг капитал ремонтигача (жорий ремонт қилиб туриб), камида 250 марта буюм қолиплаш керак. Агар матрицадан такрор фойдаланиш сони 250 мартадан кам бўлса, матрицанинг тежамлилиги ёмон бўлган бўлади, матрицани тайёрлаш учун эса анчагина материал кетади.

Тошкентдаги уй-жой қуриш комбинатида ички юк кўтарувчи девор, шилп, том ва тўсиқ девор панеллари кассета қолипларида вертикал ҳолда, уйнинг қолган конструктив элементлари


бир томони күтарилиувчи стендда горизонтал ҳолда қопланади. Панелларни вертикал ҳолатда қолиплаш учун заводнинг бош корпусида саккиз кассета ўрнатилган. Қисмларни йигиш, панел қолиплангандан кейин кўчириш ва бошқа ишларни бажариб турish учун ҳар икки кассетага умумий майдонча қилинган.

Кассета қалинлиги 24 мм ли вертикал ҳолда ўрнатилган 8—12 дона пўлат тахталардан ясалган бўлиб, ён томонларига ён қолиплар ва қистирма деталлар ўрнатилган бўлади. Кассетанинг четидаги деворлардан бири қўзғатилмайдиган қилиниб, пойdevорга бириктирилади, бунга қўлган пўлат тахталар (деворчалар) 8 та маҳсус болът билан бириктирилади.

Кассета 10 тонна юк кўтара оладиган кўпrik кран билан тўпланади ва кўчирилади. Шунингдек, панеллар ҳам худди шу кран билан ташилади. Кассета деворларини тозалаш, мойлаш, қистирма деталларини ва арматура каркасини ўрнатиш кассетани йигишдан олдин бажарилади.

Бетон қориши маси кассетага сиқиқ ҳаво билан ишлайдиган „Пласси“ аппарати орқали берилади. Кассета деворчасининг ҳар икки четига сиқиқ ҳаво билан ҳаракатга келтириладиган иккитадан тўртта пневмовибраторлар ўрнатилиб, жойланётган бетон қориши маси титратиб шиббаланади. Қолипланган панеллар 6—8 соат давомида иситилади. Кассетани кўчириб қайтадан йигиш учун 3 соат вақт кетади. Иситилгандан кейин бетоннинг сиқилишига бўлган мустаҳкамлиги $80 \text{ кг}/\text{см}^2$ га етади. Бу эса панелларни қолипдан кўчириб омборга олиб бориб ташлашга имкон беради. Панелларнинг мустаҳкамлиги икки суткадан кейин $200 \text{ кг}/\text{см}^2$ бўлади ва ўйлар монтаж қилишга жўнатилади, 28 кундан кейин $400 \text{ кг}/\text{см}^2$ га етади.

Минерал пахта билан иситиладиган ташки девор панелларини, қерамик плиткалар билан қопланадиган санузе панелларини ва зинапоя маршларини горизонтал ҳолда қолиплаш учун заводнинг бош корпусида бир томони кўтарилиувчи 26 та стенд ўрнатилган. Стенд ясси тўғри тўрт бурчакли тагликдан иборат бўлиб, 10—12 мм қалинликдаги силлиқ пўлат тахта билан қоп-



126-расм. Матрицада қолипланган панел.

ланган. Таглик устига қолипланадиган панелларнинг ўлчамла-
рига мувофиқ ён қолиплар ва тегишли проем, каваклар ҳосил
қилиш учун құймалар үрнатиласы.

Бетон қоришимаси стенд олдига махсус қовғаларда көлтири-
лади ва қолипга күпприк кран ёрдамида қуйидаги тартибда
жойланади.

Аввал қолипга бир қаттам бетон жойланади, сүнгра арма-
тура, унинг устидан минерал пахта түшамалар жойланади.
Түшаманинг устидан яна бетон солиниб иневматик вибраторлар
билан шиббаланади. Панелнинг юзи силиклиланғандан кейин
у турған жойда махсус қалпоқлар билан ёпиб иситиласы.
Қалпоқ ичіда трубалар бұлиб, уларга қайноқ сув берилади.
Иситиш муддати тамом бұлғандан кейин қалпоқ олинади ва
стендни четкиң үкі атрофіда айлантириб күтарилади; 70° бур-
чакка күтарилғандан кейин буюмларни қолипдан күчириб, верти-
кал ҳолда күпприк кран билан олиб борыб омборга таҳланади.

Қолипланған буюмларнинг қотишини тезлатиши. Бетоннинг қотишини янада тезлатиши завод ва полигон-
ларда йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаришнинг асосий
шартларидан бириadir. Чунки бу тезлатиши натижасыда қолип-
дан тақрор фойдаланиш ҳамда тайёр буюмларни қурилишга
жүнатиши тезлашади, ишлаб чиқариш майдонидан күпроқ фой-
даланилади.

Конструкциянинг турлари, транспорт ва монтаж қилиш ша-
роитларига қараб, буюмни жүнатиши олдида бетоннинг мустаҳ-
камлиғи унинг маркасига нисбатан 70—100% бўлиши мумкин.
Завод ва полигонларда бетоннинг қотишини тезлатишнинг қу-
йидаги усуслари қўлланилади:

1) атмосфера босимда буғлаш; 2) автоклав (юқори босимли
идиши) да босими оширилган буғда сақлаш; 3) бетон пол ва
матрицаларда буюмларни остидан иситиш; 4) электр қуввати
билан иситиш; 5) қуритиш камераларида қизиган ҳаво билан
иситиш.

Силикат бетондан (боғловчиси — оҳак) қилинадиган буюм-
ларни — автоклавда, гипс буюмларни қуритиш камераларида
сақлаш технологик процессининг ажралмас қисмидир. Бошқа
буюмларни тайёрлашда бетоннинг түри ва таркиби, ишлати-
ладиган боғловчига, маҳаллий шаронтлар ҳамда иқтисодий
мулоқазаларга қараб, юқоридаги усуслардан бири танлаб олинади.

Буюмларни атмосфера босимда иссиқда, намлиқда сақлаш
учун даврий ва узлуксиз ишлайдиган камералар қўлланилади.

Даврий камераларда бетоннинг қотиши түйинган буғ ёки
буғ билан ҳаво аралашмаси таъсири остида тезлатиласы. Бу
усулдан йиғма бетон ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш-
да кенг фойдаланилади.

Камерадаги температура 100° бұлғандагина ундағи буғ түйин-
ган бўлади. Температура пасайғанда бугнинг бир қисми суюқ-

ликка айланиб, камерада буғ билан ҳаво аралашмаси ҳосил бўлади. Масалан, ҳавонинг нисбий камлиги 100% бўлиб, температура $+80^{\circ}$ бўлса, камерадаги буғнинг миқдори 50% дан ошмайди.


Буғлаш камерасида температура билан намлик оптимал бўлса, унда 10—16 соат давомида буғланган бетоннинг мустаҳкамлиги 20 кун давомида нормал шароитда қотган бетоннинг мустаҳкамлигига тенг бўлади.

Портландцементли бетондан қолипланган буюмларни буғлашдан олдин 4—6 соат давомида мусбат температурада сақлаш керак. Пуццолан ва шлакли портландцементли бетонлардан қолипланган буюмларни тўхтамасдан кетма-кет буғлаш мумкин.

Оптимал температура портландцементли бетонлар учун $+80^{\circ}$, юқори алюминатли цементлар учун $+60^{\circ}$, пуццолан ва шлакли цементлар учун $+90^{\circ}$ дир. Камерада температурани кўтариш ҳар соатига $20-25^{\circ}$ дан ошмаслиги керак.

Изотермик иситишдан кейин камерани совутиши бир соатда $-30-35^{\circ}$ дан ошмаслиги лозим.

Камерани иситиш ва совутишга сарф бўладиган вақтдан ташқари, юқори маркали портландцементдан тайёрланган бетонлар учун изотермик иситиш даври 6—8 соат-



127-расм. Буғлаш камераси:

1 — камера; 2 — бур бериладиган остики труба; 3 — бур бериладиган устии труба; 4 — бур билан ҳаво аралашмаси чиқиб кетадиган труба; 5 — конденсатор; 6 — совутчи; 7 — 8 — термометрлар; 9 — камеранинг қопқоен.

дан ошмайди, пущолан портландцементи учун 5 соатдан 10 соатгача оралықда бўлиши мумкин.

Бетоннинг маркасига нисбатан 70—80% ли мустаҳкамлик ҳосил қилиш учун буюмлар +80° ли буғлаш режимида 10 соат (4+2+4), +60° ли режимда 12 соат (3+6+3) сақланади. 127-расмда буғлаш камераси кўрсатилган.

Аввал иккى-уч соат давомида камерага ости труба орқали буғ берилади. Бунда буғ билан ҳаво аралашмаси ҳосил бўлиб, камерадаги температура 80—90° дан, нисбий намлик эса 90% дан ошмайди. Камерани тўйинган буғ билан тўлдириш ва нисбий намликни 100% га етказиш учун (проф. А. А. Семенов таклифига биноан) ости трубани бекитиб, устки трубадан буғ берилади, юқоридаги буғ тўйинган ва оғирроқ бўлгани учун буғ билан ҳаво аралашмасини пастга босиб, маҳсус труба орқали ташқарига чиқариб юборади.

§ 19. ЙИҒМА ТЕМИР-БЕТОННИ МОНТАЖ ҚИЛИШ

Йиғма темир-бетон конструкцияларни монтаж қилиш ишлари олдиндан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида олиб борилади. Тез тақрорланувчи ва типик объектлар учун типик технологик карталар кўлланилиши лозим.

Курилиш майдонида монтаж бошлашдан олдин қўйидаги асосий тайёргарлик ишлари қилинади:

1. Ер ости алоқа йўлларини жойлаш ва майдонни текислаш;
2. Йўл қуриш;
3. Юқ туширувчи ва монтаж қилувчи кранлар учун йўл солиши, кранларни ўрнатиш ва уларни Котлонадзор қоидаси бўйича текшириш;
4. Яхлит пойдеворларни қуриб битказиш ёки йиғма пойдеворлар учун заминлар тайёрлаш ҳамда пойдевор ўқларини аниқлаш.

Йиғма элементларнинг асосий қисми, айниқса, йирик ва оғир конструкциялар, қуриладиган бинонинг ёнига олдиндан тузилган соат ва кунлик график бўйича келтирилиб „ғилдираклардан олиб“ монтаж қилиниши лозим. Бунинг учун завод (полигон) ларда йиғма темир-бетон буюмлар ўз вақтида етарли миқдорда ишлаб чиқарилиши ва улар билан монтаж участкаси орасида дисплетчерлик алоқаси ташкил қилиниши лозим.

Конструкцияларни „ғилдираклардан олиб“ монтаж қилиш мумкин бўлмаганда, монтаж кранининг ҳаракат зонасида омборлар ташкил қилинади. Конструкциялар омборларда монтаж қилиш тартибига қараб тахланади. Бўлак-бўлак ҳолда келтирилган конструкция блокларини монтаж қилиш олдида йиғиб йириклиширилади. Бунинг учун маҳсус йириклишириш майдончаси бўлиши керак.

Конструкцияларни ташиб келтириш. Конструкцияларнинг транспортга ўрнатилгандаги ҳолати уларнинг қурилишда ишлатиладиган ҳолатига мос бўлмаса, уларни ҳисоблашда

күзда тутилмаган кучланишлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун йиғма темир-бетон конструкцияларни заводдан қурилиш майдонига ташиб келтириш қоидалари уларнинг лойиҳаларида кўрсатилади.

Катта бўлмаган енгил йиғма элементлар бортли автомашиналарда, бўйи узун бўлган конструкциялар прицепли ва ярим прицепли юк автомобилларида ташиб келтирилади. Панеллар махсус транспорт воситалари (панелевозлар)да вертикал ҳолда ташиб келтирилади. Йиғма темир-бетон конструкцияларни баъзан темир йўл транспортида ҳам келтириш мумкин.


Ташиб вақтида буюмларнинг бутунилигини таъминлаш ва транспорт воситаларини шикастланишдан сақлаш учун қўйидаги талабларга риоя қилиш зарур бўлади.

1. Ташиладиган буюмнинг оғирлиги автомашина ва бошқа транспорт воситаларининг юк кўтара олиш қобилиятидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Буюмлар транспорт ўқларига нисбатан симметрик қилиб ва ҳаракат вақтида сурилиб ёки оғиб кетмайдиган қилиб ўрнатилиши керак.

3. Буюмларни транспортга ортганда осларига қўйиладиган таглик ва ораларига қўйиладиган қистирмалар инвентар бўлиши керак ва буюмлар билан автомашина бортлари орасидаги бўшлиқ ҳамда ўзаро оралиқлари 10 см дан кам бўлмаслиги лозим.

Одатда колонналар, тўсиқлар, том тўшамалари ва панеллари транспортга горизонтал қилиб, ораларига тахта рейка қўйиб тахланади (128-расм), парда девор панеллари, сантехника




128-расм. Ёпма плиталарини МАЗ-200 автомобилида ташиб.


қабиналары, фермалар ва түсін (балка) лар эса вертикал қилиб ўрнатылади (129-расм).

Одатда колонналар ЗИЛ-150 автомобиллари билан бир үқли прицепларда, плиталар, девор блоклари МАЗ-200, ЗИЛ-150 автомобилларида, девор панеллари ЗИЛ—УПП-9 панелевозида ташиб көлтирилади.

Буюмларни вертикал қолда ташишда улар қулаб кетмаслығы учун транспортта мағкам қилиб ўрнатылиши керак. Бунинг учун контейнер ва шунга үхшаш махсус ускуналар құлланилади.



a



b

129-расм. *a* — саптехника кабиналарини ярим прицепли автомобилда ташиш; *b* — парда девор панелларини панелевозда ташиш.

Бинони одатдаги йўл билан монтаж қилганда буюмларни маълум номенклатура бўйича ташиб келтиришга жиддий талаб қўйилмайди. Транспортда келтирилган буюм айни вақтда керак бўлмаса, у тартиб билан тахлаб қўйилаверилади ва транспорт ишлари графиги монтаж ишларининг умумий графиги билан боғланган бўлмайди.

Буюмларни „ғилдираклардан олиб“ монтаж қилишда завод, транспорт ва монтаж ходимларининг иши бир-бирига боғлиқ бўлиб, умумий кун-соат графиги бўйича олиб борилади. Бунда транспорт конвейер функциясини бажаради. Буюмлар ўз вақтида келтирилмаса, монтаж ишларининг графиги бузилади. Шунинг учун шоферларга яхши инструкция бериш ва ихтисослаштирилган транспорт бригадаларини ташкил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Транспорт ишларига диспетчер раҳбарлик қиласи. У автотранспорт контораси томонидан тайинланади. Диспетчер буюмларни ўз вақтида ортиб жўнатиш, ишдан чиқсан автомашинани алмаштириш ва шунга ўхшаш ишларни бошқариб туради ва ҳамма вақт монтаж обьекти билан телефон орқали алоқада бўлади.

Буюмларни „ғилдираклардан олиб“ монтаж қилишда шоферларнинг қўлига йўл варақаси берилади. Йўл варақасининг орқа томонида шофернинг иш соати графиги ёзилган бўлади.


Кўтариш мосламалари. Йиғма темир-бетон конструкция ва деталларни транспортга ортишда, туширишда ва монтаж қилишда турли кўтариш мосламаларидан фойдаланилади (130-расм).


1. „Паук“ (130-расм, а) занжир шаклида бир-бирларига уланган учта ҳалқа ва тўртта сим арқондан иборат, арқонларнинг учларига илгаклар боғланган бўлади. „Паук“ ўлчамлари катта бўлмаган темир-бетон элементларни кўтаришда ишлатилади. „Паук“ ёрдами билан элементлар тўрт нуқтасидан баравар кўтарилади.

2. Курилиш техникаси институтининг траверсаси (130-расм, б). Бу осма тарози шаклидаги асбоб бўлиб, кўтарилиши керак бўлган элементнинг кўтариш нуқтасининг сонига қараб бир вақтда биттадан учтагача траверса қўлланилиши мумкин.

3. Универсал траверса (131-расм). Бу асбоб ВНИОМС томонидан ишлаб чиқилган. Бу траверса ҳам осма тарози шаклида бўлиб, икки учига ўз ўқлари атрофида айланувчи фалтак (блоклар) осилган. Фалтакларга симлар осилади. Симларнинг фалтакда эркин ҳаракат қилиши кўтарилаётган элементларни горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатга айлантиришга имкон беради. Бунинг учун элементни учинг оғирлик марказига нисбатан юқори томонда боғланган нуқтанинг оралиги ости томонда


130-расм. Күтариш мосламалари:
 а — «Пак» мосламаси; б — траперс; 1 — саласи; 2 — заманыр; 3 — осна магас.







131-расм.

Универсал траверса (а) ва унит ишлатилиши (б); 1 — скла; 2 — галтак; 3 — трос; 4 — галтакнинг стопор винти; 5 — троснинг стопор винти.



132-расм. Тутқичлар:

а — яхлит скобали; б — кесик скобали; в, г ва д — колоннанинг юқорига кўтариладигандағи вазиятлари.



133-расм. Иккى елкали
траверса:

a — катта ўлчамдаги элементтер учун;
b — түснің за стропило фермалары
 учун; 1 — түсніч; 2 — мұзғазынтылаб
 түрүнчі елкалар; 3 — күтәрүчи
 трос; 4 — тутқын.

боғланған нұқтанинг оралығига қараганда узоқроқ бұладиган қилиб боғлаб күтариш керак. Фалтак ва симлар керак бўлмаган вақтда ҳам ҳаракат қиласындағы үчүн уни стопор өнитлари билан маҳкамалаб қўйилади.

Элементтинг горизонтал ҳолдан вертикал ҳолга айлантириш учун винтларни бўшатиб, симнинг тегишли томони күтарилиди.


4. Тутқичлар (132-расм). Бу асбоб кесик ва яхлит скобалардан иборат бўлиб йигма колонналарни ўрнатишда ишлатилади.

5. Икки елкали траверса. Бу асбоб катта ўлчамдаги элементларни горизонтал ҳолда ўрнатиш учун қўлланилади (133-расм, а).

Тўсийлар ва стропил фермаларини ўрнатишда ҳам юқоридаги сингари траверсалардан фойдаланилади (133-расм, б).

Йирик ўлчамдаги парда девор панелларини монтаж қилишда маҳсус траверсалар ишлатилади.

Ўрнатиш мосламалари. Монтаж қилинаётган йигма темир-бетон лойиҳада кўрсатилган жойга мутлақо тўғри қўйилиши ва ўрнатилиши лозим. Элементларни лойиҳа ҳолатидан



134-расм. „Стальмонтаж-5“ трестининг домкратли кондуктори:

а — кондуктор; б — колонна вазиятни тўргиловчи домкрат; в — кондуктор ва домкратларниң ўрнатилиш схемаси; 1 — кондуктор; 2 — домкрат; 3 — пойдевор; 4 — колонна; 5 — қоришиш қуёнб лойиҳа белгисигача келтириш.


озгина нотұғри үрнатиш монтаж ишларини давом эттиришда ва бинони эксплуатация қилиш даврида күтілмаган натижаларга олиб келади. Ҳаттоқи, бу нараса конструкцияларнинг айрим қисмларида нагружкалар миқдорини орттириб юбориб, кучланиш характерини үзгартып, аварияға олиб келиши мүмкін. Бунинг олдени олиш ва йиғма темир-бетон конструкция ва деталларни лойиҳада күрсатылған жойнинг худди үзиге үрнатиш учун маҳсус асбоблар — кондукторлар құлланилади.

Конструкцияларни монтаж қилишда кондукторлардан фойдаланилганда, у монтаж кранларини юқдан тез озод қилади ва мәжнен унумдорлығи анчагина оширади.

Оғирлиги 5 тоннагача бұлған колонналарни стакан шаклидаги пойdevорға үрнатиш ва вактинча бириктириб құйыш учун „стальмонтаж-б“ трестининг кондукторидан фойдаланилади (134-расм). Бу кондуктор икки ферма ва уларни бирбирларига тортувчи икки болтдан тузилған бұлиб, стаканнинг устига үрнатылади. Үрнатыладын колоннаны түрт домкрат ёрдами билан тегишли томонларга суреб түғриланади ва вактинча бириктириб құйылади.

Оғирлиги 11 тоннагача бұлған колонналарни стакан шаклидаги пойdevорға үрнатиш учун ВНИОМС кондуктори ишлатылади (135-расм). Кондуктор түрт оёққа үрнатылып, унинг оёқларига винтли домкратлар жойластырылған. Домкратлар орқали колоннаны тегишли томонга сурілади ва вактинча бириктириб құйылади.

Күп қаватлы бинолар қурилишида остки қават колоннаси устига устки қават колонналарини главмосстройнинг Проект-строймеханизацияси томонидан ишлаб чиқылған группали кондуктори билан үрнатылади (136-расм, а), якка колонналарни





135-расм. ВНИОМС кондуктори:

1 — домкрат уступ; 2 — торғыш винти; 3 — кисқич.

ли колоннаны тегишли томонга сурілади ва вактинча бириктириб құйылади.


Күп қаватлы бинолар қурилишида остки қават колоннаси устига устки қават колонналарини главмосстройнинг Проект-строймеханизацияси томонидан ишлаб чиқылған группали кондуктори билан үрнатылади (136-расм, а), якка колонналарни



а — группалан көмүктөр; б — якка колонндарни устауает ғонашылаа шылдатылганын ВНИИМС көмүктөр; 1 — сиккин винт; 2 — мостовыи винт; 3 — белбет; 4 — рельс; 5 — гидравлик; 6 — фланец; 7 — тортузчи болт; 9 — сухарь; 10 — колодка; 11 — устукна колоннанын устки кисмн.

устма-уст ўрнатиш учун ВНИОМС кондуктори (136-расм, б) ишлатилади. Группали кондуктор билан бир вақтда олтита колоннани ўрнатиш мумкин.

Граждан бинолари қурилишида йигма темир-бетон түсін, харі ва ригель каби конструкцияларни горизонтал ҳолда ўрнатиш учун ВНИОМС кондуктори (137-расм) құлланилади. Бу



137-расм. Конструкцияларни горизонтал вазиятта ўрнатыш учун ишлатиладиган ВНИОМС кондуктори:

1 — консоль; 2 — уступче; 3 — сиккыш винт; 4 — мословчи винт; 5 — колония; 6 — харі.

кондуктор бир-бирларига пайванд қилингандың бешта швейлер-темири ва түртта винтдан иборатдир. Расмда күрсатылған идеек, винтларнинг учаси түсінні тегисшли томонға суришга ва вақтінча бириктириб қўйишга, түртінчиси эса кондукторни колоннага ўрнатишга хизмат қиласы.

Кондукторни түсін ўрнатиладиган юздан 5 см ластга ўрнатылади.

Иирик девор ва парда девор панелларини суриб лойиҳа ҳолатига келтириш учун винтли струбцина (қисқиҷ) лар (138-расм, а), ўрнатылган панелларни вақтінча вертикал ҳолда тутиб туриш учун ҳар турли тиргаклардан (138-расм, б) фойдаланылади.

Конструкцияларни ўрнатиш учун бу мосламалардан ташқари турли ҳавозалар ва нарвоңлар ишлатылади.

Монтаж технологиясы. Ҳар бир бино монтажининг технологик процесси қуйидаги операциялардан ташкил топады:


- 1) күтаришга тайёрлаш;

2) Йиғма элементларни объект олдидағи омборлардан олиб монтаж жойига етказиб бериш;

3) элементларни ўрнатиш, тұғрилаб проект ҳолатига келтириш ва вақтінча бириктириш;

4) элементларни батамом узил-кесил ўрнатып чокларни бириктириш.

Қурилиш ишларини ташкил қилиш лойиҳасида монтажнинг технологик процессини шундай ишлаб чиқыш керакки, у ҳар бир конкрет ҳол учун аник, рационал ва әңг тежамли бўлсин.



138-расм. Қурилиш техникаси институтининг струбцина (қисқыч)лари ҳамда тиргаклари ва уларнинг ишлатилиши:

а — ташкил ичкі девор панелларини ўрнатышда; б — иккى ичкі девор панелларини ўрнатышда; в — ташкил бурчак панелларини ўрнатышда; г — қурилиш техникаси институтининг тиргактари; 1 — тиргак; 2 — қисқыч винти; 3 — девор панели.

Бир типдаги бинолар қурилиши учун қурилиш майдонининг реал шароитларига мослаб технологик карталар тузилади.

Технологик карта қурилиш-монтаж ишларини бажаришда асосий йўналтирувчи ҳужжат ҳисобланади ва унда қўйидагилар кўрсатилади:

а) монтаж процессининг номи;

б) қурилиш-монтаж процессининг ташкил қилиш схемаси;

в) монтаж процессининг таърифи; айрим операцияларнинг бажарилиш тартиби тўғрисида кўрсатмалар;

г) монтаж бригадалари ва звеноларининг состави, ҳунари ва малакаси тўғрисида маълумотлар;

д) керак бўладиган материал-техник ресурслар рўйхати ва сони;

е) норматив карточкалар (ишлаб чиқариш ва вақт нормалари, баҳо, кўрсатилган иш ҳажмига сарф бўладиган меҳнат миқдори ва пул маблағи);

ж) монтаж процессини бажариш графиги;

з) хавфсизлик техникаси бўйича бажариладиган тадбирлар рўйхати.

Монтаж қилинадиган деталь ва конструкцияларни кўтаришдан олдин ифлосликлардан, металл қисмларини эса зангдан тозалаш; тегишли ўқ чизиқлар ва контрол белгиларни кўздан кечириш лозим.

Кўтарилиувчи элементни кўтарувчи асбобларга уни проект ҳолатига келтириб ўрнатиш қуладиган қилиб боғлаш керак.

Боғланган элементни айлантирмасдан, силтамасдан бир текисда кўтариш лозим. Оғир ва мураккаб шакли элеменларни ердан 0,2—0,3 м баландликка кўтариб тўхтатилади. Уни ҳар томонлама текширилади ва боғичларнинг пухта боғланганлигига иқрор бўлингандан кейин кўтаришни давом эттирилади.

Йигма темир-бетонни монтаж қилишда ишлатиладиган кранларнинг турлари ва сони кўтарилиувчи элементларнинг шаклларига, оғирликларига ҳамда қурилаётган бинонинг ўлчамларига қараб аниқланади. Монтаж қилишда энг кўп ишлатиладиган кранларнинг турлари 62-жадвалда кўрсатилган.

Конструкцияларни ўрнатишда қўйидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) ўрнатиладиган конструкция силтамаслиги ва қўшни конструкцияларни туртиб юбормаслиги шарт;

б) ўрнатилаётган конструкциянинг етарли даражада маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилинмагунча уни краннинг илгагидан бўшатмаслик керак;

в) ўрнатилаётган конструкцияни кейин қулайлик билан силжитиб лойиҳа ҳолатига келтириш мумкин бўладиган қилиб маҳкамланади;

г) ўрнатилаётган конструкция бинонинг асосий ўқларига нисбатан геодезик асбоблар ёрдами билан тўғриланиши керак;

Монтаж кранлари

Бинолар-нинг турлари	Бинонинг баландлиги	Кўтарила-диган эле-ментнинг оғирлиги тошна ҳисобида	Кранларнинг турлари		
			Башни кранлари	Экскава-тор кран-лари	Махсус монтаж кранлари
Уй-жой бинолари	2-3 қават	1,5 3	БК-215А Т-178 —	Э-505*	Э-656*
	4-5 қават	1,5 3 5	Т-178 БК-215А МСК-3-5/20 М-3-5-5 БХСМ-5-5А	— Э-1004*	Э-1254* К-252* Э-1254* К-252* КМК-2-5×23
Саноат бинолари	1 қават 10 м гача	3 5 10	— — —	Э-257 Э-258 Э-505 Э-1004	К-102 К-51, К-52 К-102 Э-656 К-252 Э-1254
	1 қават 15 м гача	3 5 10 20	М-3-5-5 БХСМ-5-5А М-3-5-5П —	Э-505 Э-505 Э-1004 —	К-102 Э-656 К-102 Э-656 Э-1254 К-252 СКГ-25

Эслатма: Жадвадда асосий монтаж кранлари кўрсатилган. Майдага элементларни кўтариш учун „Пионер“, Т-108 ва бошқа енгил кранлар тавсия қилинади.

Элементларнинг узунлик ўлчамлари рулеткалар ва маҳсус ан-дазалар билан ўлчанади;

* Йирик панелли ва йирик блокли бинолар қурилишида ишлатилади.

д) монтаж қилингандык элементларниң проект ҳолатидан бирор томонға қийшайиши ёки ўз үқидан құзғалиб қолиши 63-жадвалда күрсатылған допускдан ортиқ бўлмаслиги керак.


63 - жадвал

Тар- тиб номери	Лойиҳа ҳолатидан ўзгариш номи	Қийшайиш ва құзға- лиш дара- жаси, м.м хисобида
1	Режа ўқларига нисбатан суриниши:	
	а) пойдевор блоклари: остки қатор учун	20
	устки қаторлар учун	10
	б) колонналар пойтевори	5
2	Пойдеворлар қўйиладиган замин отметкасининг лойиҳадаги отметкадан ўзгариши	3
3	Колонналарнинг остки томонини вертикал ўқдан суриниши	5
4	Колонналар устки томони кесимининг вертикал ўқдан ҳочиши:	
	5 м ли колонна учун	5
	5 м дан баланд бўлган колонна учун	8
5	Колонналарнинг юқориги отметкасидаги фарқ (ложиҳага нисбатан):	
	5 м ли колонна учун	5
	5 м дан баланд бўлган колонналар учун	8
6	Девор ва тўсиқ девор панеллари ўқининг режа ўқига нисбатан суриниши ёки вертикал ўққа нисбатан орниши	3
7	Девор ва тўсиқ девор панеллари ўрнатиладиган текислик отметкасини проектга нисбатан паст-баланд бўлиши:	
	баландлиги 5 м гача бўлган панеллар учун . . .	5
	баландлиги 5 м дан ортиқ бўлган панеллар учун .	8
8	Том элементлари (ригел, тўсин, хари, плита, панел) устки отметкасининг (ложиҳага нисбатан) паст-баланд бўлиши	5
9	Ригел ва тўсинлар ўқининг режа ўқига нисбатан суриниши	5
10	Горизонтал ўрнатиладиган иккى қўшни панелларнинг (агар чоклари тўсиқ девор устида бириттирилмаса) остки отметкалари орасидаги фарқ	2
11	Кран ости тўсинлари ўқининг суриниши	5

Энди батъзи бир конструкцияларни монтаж қилиш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Пойдеворлар ва ертұла деворлари. Пойдевор за ертұла деворлари блокларини монтаж қилишдан олдин ер қа-зиш ишлари тамомланган ва пойдевор құйиладиган жойнинг отметкасини күрсатувчи қозықлар қоқылған бўлиши керак.

Қуриладиган бинонинг периметри бўйлаб, унинг ташқи де-ворларига параллел ҳолда режа тахталари қоқылади. Геодезик асбоблар ёрдами билан бинонинг асосий ўқлари аниқланаб, ре-жа тахталарига ўқ симлар тортиб михланади. Ўқ симлардан шовунлар тушириб, пойдевор блоклари үрнатиладиган жойлар аниқланади (139-расм).



139-расм. Пойдевор блокларининг ўқларини аниқлаш:
1 ва 2 — михлар; 3 — девор ўқи; 4 — пулат қозынчалар; 5 — пойдевор блокларини ташқи чегарасини күрсатувчи шнур.

Биринчи қатор блокнинг остига 10 см қалинликда қум ёки тош майдаси солиниб текисланади ва шиббаланади. Сүнгра блокни теришдан олдин яна бир марта замин отметкаси нивелир билан текшириб кўрилади.

Териладиган блокларни котлован атрофига монтаж крани билан олиб териш қулай бўладиган қилиб тахланади.

Пойдевор ва ертұла девор блокларининг монтажини 4 кишидан иборат звено бажаради.


Биринчи қатор блок (ёстиқ)лар қум ёки майдада тош қатла-мига үрнатилади. Иккинчи ва ундан юқори қатордаги блоклар қоришма устига терилади. Иккинчи ва ундан юқоридаги қаторларни монтаж қилишда аввал бурчак блоклари ва ҳар 20 метр масофада оралик (режа) блоклари үрнатилади. Бурчак ва режа блоклари орасига режа ип тортиб, қаторнинг қолган

блоклари ўша ип бўйича ўрнатилади (140-расм). Бурчак ва режа блоклари шайтон ва шовун ёрдами билан қолган блоклар эса режа ва бурчак блокларига қараб ўрнатилади. Блоклар остига қўйиладиган қоришманинг қалинлиги 50 *мм* дан ошмаслиги керак. Остки блоклар устига қоришма қўйиб текислангандан кейин ўрнатиладиган блокнинг остига 4—6 та ёғоч пона қўйилиб, уларнинг устига блок қўйилади. Ҳар бир блокнинг горизонтал ва вертикал бўйича тўғрилигини ёғоч поналарни қоқиш билан ёки лом ёрдами билан аниқланади. Блоклар тўғриланиб бўлгандан кейин уларнинг орасидаги горизонтал чоклар қоришма билан, вертикал чоклар эса майдатош аралашган қоришма билан тўлдириб қўйилади.

Ертўла деворларининг блокларини маҳсус ҳавозаларда туриб терилади. Ҳавозанинг баландлиги 180 *см*, эни 140 *см* ва бўйи 300 *см* булиб, унинг икки яруси бўлади. Ҳавоза металдан блок шаклида яхлит қилиб тайёрланади.



Колонналар. Каркас-панелли бинодарникинг колонналари группали кондукторлар ёрдами билан ўрнатилади. Бунда олти колонна бирдан ўрнатилиб (141-расм), бино фазо системасидаги алоҳида ячейкалар билан монтаж қилинади, яъни олти колонна ўрнатилгандан кейин уларга учта остки ригел ўрнатилади. Ригеллар устига плиталар қўйилиб, бир-бирлари билан пайвандланади. Сўнгра колонналарга учта устки ригел ўрнатилади.

Ўрнатилган элементларнинг тўғрилигини текшириб бўлгач, колонна ва ригелларнинг қистирма деталларини ўзаро пайванд қилинади. Ячейканинг устки қисмига бўйлама боғланишлар (продольная связь) ўрнатилгандан кейин кондукторни кўчириб



140-расм. Пойдевор блокларини териш:

1 — бурчак блоклари; 2 — режа блоклар; 3 — режа ип; 4 — ҳавоза; 5 — скоба (ипни тортлиб қўйиш учун).



141-расм. Каркас панелли биноларнинг колонналарини ячейкали кондуктор билан монтаж қилиш:
а — умумий күрниш; б — ячейкали кондукторнинг бир хисми.

навбатдаги позицияга қўйилади, сўнгра колонналарнинг остик қисмига вақтинча қаттиқлик берадиган бөгланишлар (связи жесткости) ўрнатилиб, ячеканинг қолган чоклари пайвандлади (142-расм). Ундан кейин устки ригелларга плиталар қўйилиб бир-бири билан пайванд қилинади.

Қўшини ячейка ҳам худди шу сингари монтаж қилинади. Сўнгра остик ва устки ригеллар ҳамда коридор плиталари монтаж қилинади. Сўнгра санитария-техника блоклари, вентиляция ва девор панеллари монтаж қилинади. Зиналоя хонасининг элементларини монтаж қилиш бошқа конструкцияларга қараганда бир қават олдинда боради.


Айрим колонналарни монтаж қилишда ВНИОМС кондуктори ишлатилади (136-расм, б). Бунда монтаж қўйидаги тартибда олиб борилади.

Кондукторни остик колоннанинг учига кийгишиб иккита тортувчи болт билан маҳкамланади. Монтаж қилинадиган (устки) колоннани кондуктор ичига ўрнатиб винтлар билан вақтинча маҳкамлаб қўйилади, кейин краннинг илгаклари колоннадан чиқарилади ва ростловчи винтлар билан колоннани тўғрилаб, проект ҳолатига келтирилади. Остик ва устки колонналар пайванд қилиниб, ўзаро улангандан кейин кондуктор кўчириб олинади.

Бир қаватли саноат биноларининг колонналари қўйидагича монтаж қилинади.

Стаканли пойдеворнинг ичи тозаланади, керак бўлган ҳолда унга цемент қоришмаси солиб отметка проект ҳолатига келтирилади. Колонна ва стакан типидаги пойдеворга бўйлама ва кўндаланг ўқларни кўрсатувчи белгилар чизилади. Ҳар бир колоннани кран билан кўтариб стакан типидаги пойдеворга қўйилади. Колоннани вертикал ҳолатга икки усул билан келтириши мумкин. Биринчи — сирпаниш (скольжение) усули (143-расм, а), иккинчи — айлантириш усули (143-расм, б). Биринчи усулдан оғир колонналарни кўтаришда фойдаланилади. Бунда колоннанинг остик сирпанувчи томони фидиракли аравачага қўйилади. Иккинчи усулда колоннани ўзининг остики учи атрофида айлантириб кўтарилади. Колонна стакан типидаги пойдеворга қўйилгандан кейин кондуктор ёки винтли домкратлар билан вақтинча маҳкамлаб қўйилади. Кондуктор ва домкратлар бўлмаганда ёғоч поналар қоқиб қўйса ҳам бўлади (143-расм, в). Сўнгра кран колоннадан озод қилинади. Колоннани тўғрилаб проект ҳолатига келтирилади. Шу тартибда бир неча колонна ўрнатилгандан кейин стакан билан колонна орасига цемент қоришмаси қўйилади. Қоришка тегишли даражада қотгандан кейин кондуктор, домкратлар, агар пона ишлатилган бўлса, поналар олиб ташланади.

Девор блоклари. Йирик блокли уйлар қурилишида бино планини 40—50 м узунликдаги захваткаларга бўлинади,




142-расм. Кондуктор олингандан кейин чокларни пайвандлаб бириктириш:

a — остык ва устки колонналарни бириктириш;
b — ригелдин колоннага бириктириш.

Девор блокларининг монтажи бинонинг бир томонидан бошланыб, қүшни захватка томон давом эттирилади.

Аввал цоколь блоклари монтаж қилинади. Бу блоклар монтаж қилинишидан олдин уларнинг ўлчамлари ва ўринларини чизмага асосан пойдеворда белгилаб олинади. Кейин ташқи ва ички девор ўқлари орасидаги масофа яна бир марта текширилади. Цоколь блокларининг ўлчамлари пойдеворда белгилангандан сўнг бурчак блоклари ўрнатилади. Агар икки бурчак



143-расм. Колонналарни ўрнатиш усуллари ва уларни поналар билан вақтингча бириттириш:

а — сирпаниш усулли билди;
б — буриш усулли билди; *в* — колонкалар поналар билди вақтингча бириттириш.

блоклари орасидаги масофа 15 м дан ортиқ бўлса, уларнинг орасига режа блоклари қўйилади. Бурчак ва режа блоклари га режа ипи тортиб, оралик блоклар ўрнатилади. Ҳамма блоклар цемент қоришмасига ўрнатилиши керак.


Блокларни ўрнатиш олдидан уларнинг остига ёғоч поналар қўйилади. Блокнинг вертикаллиги шовун билан текширилади ва вертикал ҳолатга поналарни қоқиш ёки бўшатиш йўли билан келтирилади. Цемент қоришма қотгандан кейин поналар суғуриб олинади ва уларнинг ўрни цемент қоришмаси билан тўлдирилади. Вертикал чокларнинг ташқи томонидан каноплоси (пакля) ва шунга ўхшаш юмшоқ материал тиқилади ва орасига суюқ цемент қоришмаси қўйилади. Цоколнинг тўғри терилганлиги нивелир билан текширилади. Сўнгра цемент қоришмаси қатламига девор блоклари терилади.

Деворни монтаж қилишда цоколь сингари аввал бурчак ва режа блоклари ўрнатиб олинади. Бу блоклар шовун билан текширилади ва ёғоч поналар қоқиб вертикал ҳолга келтирилади. Бурчак ва режа блокларига режа-ип тортиб, оралик блоклар терилади. Агар ташқи девор блоклари аввал терилса, ички блокларни теришга қулайсизлик туғилади. Шунинг учун биринчи навбатда захваткада ички бўйлама девор блоклари монтаж қилиб олинади, сўнгра ташқи девор блоклари терилади. Дераза проёмлари бўлган деворларда простенка блоклари, дераза ости блоклари кетма-кет бир тартибда терилаверади. Блоклар орасидаги вертикал чокнинг бир томонига юмшоқ материал тиқиб, ораси цемент қоришмаси билан тўлдирилади. Қоришма қотгандан кейин поналар олиб ташланади.

Берилган захваткада ташқи ва ички бўйлама девор блоклари ўрнатилиб чоклари бириктирилгандан кейин равоқ (перемычный) блоклар ўрнатилади (144-расм, а). Бу блоклар ҳам цемент қоришмаси қатламига қўйилиб, юқоридаги сингари тўғрилаб ўрнатилади. Равоқ блоклари биринчидан проёмни ёладиган тўсинча бўлса, иккинчидан шип томлар учун таянч ҳам бўлади. Шунинг учун уларни горизонтал ҳолда ўрнатилишига алоҳида эътибор бериб, блокни нивелир билан текшириш керак. Равоқ блоклари ўзаро қистирма деталлар орқали пайванд қилиб уланади.

Берилган захваткада девор монтажи тамом бўлгандан кейин қаватлараро конструкциялари ўрнатилади. Сўнгра қўшни захваткага ўтилади. Бинонинг биринчи қавати тамом бўлгандан кейин, унинг иккинчи ва юқори қаватлари монтаж қилинади. Энг охирида карниз блоклари ўрнатилади. Карниз блокларини ўрнатиш бинонинг бурчагиден бошланади (144-расм, б). Карниз блокларини маҳсус болтлар ёки 6–8 мм йўғонликдаги симлар билан остики қатор блокларига бириктириб қўйилади.

Баъзи бир архитектура деталлари (плястра, балкон ва ҳоказо) девор блоклари билан бир вақтда терилади. Монтаж



144-расм. Девор блокларини монтаж қилиш:
а — равоқ блокларини ўрнатиш; б — карниз блокларини
урнатиш.

вақтида сантехника блокларини ўрнатишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Панеллар. Колонналарни монтаж қилиш тўғрисида гапирлганда ўзи-ўзини кўтарувчи панеллар тўғрисида ҳам гапирб ўтилди.

Каркассиз панелли уйларнинг монтажи қўйидаги тартибда олиб борилади. Ҳар бир захваткада аввал зина клеткаси монтаж қилинади. Сўнгра девор панеллари, сантехника ва вентиляция блоклари, иситиш панеллари ва тўсиқ девор панеллари монтаж қилинади. Энг охирида ёпма панеллари терилади.



145-расм. Туар жой қурилишида йирик панеллар монтажининг умумий қўриниши


Горизонтал чоклар зич бўлиши учун девор панелларини 2—3 см қалинликдаги цемент қоришимасига қўйилади.

Панел кўтарилаётганида айланиб ва қимиirlаб кетмаслиги учун уни арқон билан тортиб турилади. Панеллар ўрнатилгандан кейин уларни вақтинча ушлаб туриш ва узил-кесил лойиҳа ҳолатига келтириш учун 138-расмда кўрсатилган мосламалардан фойдаланилади. Панелларнинг тўғри ўрнатилганингига ишонч ҳосил қилгандан кейингина уларнинг қистирма деталлари ўзаро пайванд қилинниб бир-бiri билан бириктириллади ва вертикал чоклар қоришма билан тўлдирилади.


145 ва 146-расмларда уй-жой қуриш комбинатида ишлаб чиқарилаётган панелларнинг монтажи кўрсатилган.

Панеллардан чиқарилган арматуралар ўзаро пайванд қилингандан кейин уларнинг ораларидаги бўшлиқ бетон билан тўлдирилади. Буни расмда „штрих“ билан кўрсатилган.


a



b



146-расм. Тошкент „Крупноланельстрой“ трести кураёттган турар-
а – бурчак панеллари; б – иккى ичкى двор кесишгән жойдагы панеллар; в – вертикаль
панелларының



жой биноларида панелларни ўзаро (монолитлаштириш схемаси:
ва горизонтал жүнглишда остикі ва усткі қават панеллари билан қазатлараро ёлма
ўзаро бирнектириши.

Монтаж ишларидаги хавфсизлик техникасы.

1. Темир-бетон конструкцияларни монтаж қилиш ва унга тесиши күшимиңчай ишларни бажариш маҳсус малакага эга бўлган ва бу ҳақда гувоҳномаси бўлган ишчиларга топширилиши лозим.

2. Баландликда ҳавозасиз бажариладиган ишлар медицина кўригидан ўтган маҳсус верхолаз ишчиларга топширилиши керак.

3. Монтаж ишлари бажариладиган жойнинг остида транспорт ва кишиларнинг юриши ман этилади.

4. Монтаж майдонининг хавфли зоналарини гов билан түсиб, у ерга тегишли сигналлар ўрнатилиши керак.

5. Кечки смена вақтида монтаж майдони прожектор ва лампалар билан етарли даражада ёритилиши керак.


6. Монтаж механизмлари ва бошқа воситаларни ишга солишдан олдин улар Котлонадзор қоидалари асосида текширилган бўлиши керак.

7. Кўтариш асбобларига олдиндан икки баравар юк ортиб текшириб кўриш лозим.

8. Ҳар бир кўтариладиган элементни кўтариш вақтида бурриб юбормаслик ва лапиллатмаслик керак. Бунинг учун уни арқонлар билан тортиб туриш лозим.

9. Элементларни жойига ўрнатишда силтамасдан текис ўрнатиш керак ва ишончли даражада маҳкамлангандан кейинги на ундан кранни озод қилиш мумкин.

10. Танаффус вақтларида ва ишдан кейин кранни илтагида элементлар осилган ҳолда қолдириш мумкин эмас.



150/216